

Азим ҲОЖИЕВ
Ўзбекистон Республикаси ФА академиги

ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Республика Атамашунослик қўмитаси
томонидан нашрга тавсия этилди

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЕТИ

Масъул муҳаррир: **А. Мадвалиев,**
филология фанлари номзоди
Тақризчи: **Н. Маҳкамов,**
филология фанлари номзоди

Ҳ ————— 4100000000
358 — 02 — 2002

ISBN 5—89890—045—4

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2002

СУЗ БОШИ

Илм-фаннинг барча соҳалари бўйича давр талабларига жавоб берадиган терминологик тизимларни яратиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, буларни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб, катта куч талаб қиладиган иш эканлиги ҳам шубҳасиз.

Умуман, терминологияга оид барча ишларнинг муваффақиятли ҳал этилишида ҳар бир соҳага оид терминларни тўла қамраб олган терминологик лугатларни, айниқса, изоҳли терминологик лугатларни тузиш ва нашр этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай лугатларда ҳар бир терминнинг ўзи атаётган тушунчанинг, нарсалар-ҳодисанинг моҳиятини қай даражада тўғри, тўла ва аниқ ифодалашини белгилаш муҳимдир. Бу билан ҳар бир терминнинг талабга қанчалик муайян жавоб бериш-жавоб бермаслиги аниқланади. Ана шундай лугатлар яратилмагунча терминологик тизимдаги ҳар хил салбий ҳодисалар, масалан, айни бир тушунчани ифодалаш учун бирдан ортиқ терминнинг қўлланиши ва, аксинча, бир неча (бошқа-бошқа) ҳодисаларни ифодалаш учун бир терминнинг қўлланиши, ҳодисанинг моҳиятини тўғри, тўла ва аниқ ифодалай олмайдиган терминларнинг mavjud бўлиши каби ва бошқа салбий ҳодисалар давом этаверади. Бундай номақбул ҳодисаларни эса илм-фаннинг хоҳлаган соҳасига оид адабиётларда — илмий ишлардан тортиб дарслик ва қўлланмаларда, шунингдек, бошқа манбаларда ҳам қўплаб учратиш мумкин.

Демак, ҳар бир соҳага оид терминларни иложи борича тўла қамраб оладиган, ҳодисанинг моҳиятини тўғри, тўла ва аниқ аниқ эттирадиган терминларни белгилайдиган изоҳли терминологик лугатларни яратиш шу соҳалар мутахассисларининг энг биринчи галдаги вазифаларидандир. Худди шу мақсадда биринчи марта ўзбек тили лингвистик терминларининг изоҳли лугати тузилиб, у «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 1985 йилда чоп этилди (А. Ҳожиёв, «Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати», «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент 1985). Бу лугатга баҳо бериш ундан фойдаланувчиларга хавола, албатта (ҳар ҳолда у ўз олдига қўйилган вазифани ўтаб келяпти деб ўйлаймиз). Лекин қатор сабаб ва талаблар шу лугатни қайта ишлаб нашр этишни

кун тартибига кўйди. Уларнинг энг асосийси — ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишидир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан ўзбек тилининг республикада фаолиятнинг барча соҳаларида қўлланиш ҳуқуқи тўла тикланди. У илм-фаннинг барча соҳаларида қўлланиладиган бўлди, мактабдан тортиб олий ўқув юртлирининг ўзбек гуруҳларида барча фанлар ўзбек тилида ўқитилмоқда. Белгиланган бу тадбирлар эса, ўз навбатида, ҳар бир соҳанинг асосан ўзбекча сўзлардан иборат терминологиясини яратиш масаласини кун тартибига қўйди.

Муаллиф юқорида кўрсатилган лингвистик терминлар изоҳли луғатини қайта ишлаб — тўлдириб, номақбул терминларни чиқариб, русча, русча-байналмилал терминларни, имкон даражасида бўлса-да, қўлланишда бўлган ёки янгидан яратилган ўзбекча терминлар билан алмаштириб, Сизга тақдим этилаётган ушбу луғатни тайёрлади. Шунини алоҳида қайд этмоқчимизки, ҳозирда қўлланиётган русча-байналмилал тилшунослик терминларининг, таркибида шундай сўзлар бўлган бирикма терминларнинг деярли учдан бир қисми бутунлай ўзбекчалаштирилди.

Луғат ҳақидаги холисона, унинг янада мукамаллашувига ёрдам берадиган фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

ЛУҒАТНИНГ ҲАЖМИ ВА ТУЗИЛИШИ

Луғат тилшуносликка оид барча терминларни қамраб олмайди, албатта. Луғатга энг кўп қўлланадиган терминлар киритилди. Бунда, аввало, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун нашр этилган дарслик ва турли типдаги қўлланмаларда ишлатилган терминлар қамраб олинди. Шунингдек, олий ўқув юртларида тилшуносликнинг барча соҳалари бўйича ўқиладиган курсларда, тилшуносликка оид илмий ишларда тез-тез учраб турадиган терминлар ҳам луғатга киритилди.

Луғат сўзлигини белгилашда, яъни у ёки бу терминни луғатга киритиш-киритмасликда унинг ўзбек тилига оид адабиётларда, тилшунослик курслари бўйича ўқиш-ўқитиш ишлари жараёнида қўлланиш-қўлланмаслигига, қўлланиш даражасига эътибор берилди. Аниқроқ қилиб айтганда, ўзбек тилида бор, шу тилга хос ҳодисаларни ва барча тиллар учун умумий ҳодисаларни ифодаловчи терминларгина луғатга киритилди. Бошқа тилларга оид бўлган ҳодисаларни ифодаловчи терминлар луғатга киритилмади. Масалан, ўзбек тилига хос бўлмаган ҳодисаларни билдирувчи *аблаут*, *артикль*, *ворист* каби терминлар луғатга киритилмади.

Айрим ҳодисаларнинг ўзбек тилида маълум белгилари бўлса ёки шу ҳодисанинг бор-йўқлиги ҳақида бир фикрга келинмаган бўлса, уларни атовчи терминлар луғатга киритилди ва уларга маълум изоҳ, тушунтиришлар берилди. Масалан, *жине*, *тус* терминлари (шу терминлар учун тузилган луғат мақоласига қараң).

Луғатни тузишда сўнги вақтларга қадар яратилган илмий-назарий ва амалий адабиётларда бўлган фикрлар ва фактик материаллардан фойдаланилди.

Луғат 1700 га яқин терминни ўз ичига олган.

Терминлар луғатда алифбо тартибда берилди.

Луғат мақоласи

Ҳар бир луғат мақоласи бош сўз сифатида лингвистик терминни келтириш билан бошланади:

МИҚДОР УРҒУСИ

МИҚДОР СОНЛАР

Агар термин ўзбек тилига бошқа тилдан ўзлашган бўлса, кавс ичида кайси тилдан, қандай сўз ёки тил унсурлари асосида ўзлашганлиги кўрсатилади:

КВАНТИТАТИВ УРҒУ (*лот.* *quantitas* — миқдор)...

ЛЕКСИКОГРАФИЯ (*юн.* *lexikos* — луғат; *grapho* — ёзма).

Луғат мақоласининг таркибий қисмларидан бири терминга бериладиган изоҳдир. Ҳар бир термин маълум лингвистик тушунчани билдиради, маълум бир маънога (айримлари бирдан ортиқ маънога) эга. Луғат мақоласида тер-

инининг ана шу маъноси, кўп маъноли бўлса, барча маънолари изоҳланади.
Н а м у н а.

ШЕВА. Маҳаллий диалектнинг фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан умумийликка эга бўлган, бир ёки бир неча қишлоқни ўз ичига оладиган қисми. Мас., ўзбек тилининг Қорабўлоқ шеваси, ўзбек тилининг Ниязбоши шеваси.

ЛЕКСИҚА (юн. lexikos — сўзга оид, лугавий).

1. Тилнинг лугат таркиби: *Ўзбек тилининг лексикаси*

2. Лугат таркибининг қўлланиш соҳаси, услубий белгиси, келиб чиқиши каби турли жиҳатдан ёндашиб ажратиладиган гуруҳлари: *Оғзаки нутқ лексикаси. Ижтимоий-сиёсий лексика. Қасб-ҳунар лексикаси. Экспрессив лексика. Ойбек асарлари лексикаси* ва б.

Айни бир тил ҳодисаси учун баъзан бирдан ортиқ термин қўлланади. Бундай терминларнинг ҳар бири лугатда берилди. Лекин изоҳ шулардан қайси бири асосий деб ҳисобланса, ана шу терминга берилди. Мас., *тасвирий сўз, нимама, тақлидий сўз, тақлид сўз* терминларидач *фақат тақлид сўз* терминига изоҳ берилиб, қолганлари *қ* (қараиш), *айн.* (айнан) каби белгилар билан *тақлид сўз* терминига ҳавола этилди.

«Сўз боши»да айтилганидек, кўпгина русча ва рус тили орқали ўзлашган терминлар бу лугатга ўзбекчаштирилди. Лугатда бундай терминларнинг русча, русча-байналмилавларидан кўпи берилди. Чунки, биринчидан, улар ҳозирги лингвистик адабиётларда қўлланыпти, лугатларда берилмапти. Иккинчидан, бундай терминларнинг лугатда бермасак, ўқувчи бу терминлар ифода-далайдиган ҳодисалар учун олинган янги (ўзбекча) терминни лугатдан топишга қийналади (балки тополмайди ҳам). Бундай терминларнинг лугатга киритилиши унинг (терминнинг) ўзбекчасини топишга ёрдам беради. Кейинчалик эса, яъни терминнинг ўзбекча варианты бутунлай ўзлашиб, оммалашиб кетгач, русча ёки русча-байналмидал терминни қўллашга, лугатларда бериш а эҳтиёж қолмайди. Лекин шунга қайд этиш керакки, бу лугатда изоҳ асосан бундай терминларнинг ўзбекчасига берилди, русча, русча-байналмидал муқобиллари эса уларнинг ўзбекчасига ҳавола этилди. Мас., 1985 йил нашр этилган лугатимизда бир ҳодисани (бир тушунчани) ифодаловчи *актив конструкция, аниқ конструкция, аниқ оборот* терминларининг учаласи берилиб, *фақат актив конструкция* термини изоҳланган, қолганлари унга ҳавола этилган эди. Бу лугатда ҳам мазкур терминлар берилди. Лекин уларнинг ҳар бири (ҳозир ўзбекчаштирилган, маъқул деб топилган ва изоҳи берилган) *фаол тузилма* терминига ҳавола этилди. Бу нарса юқорида кўрилган терминлардан *фаол тузилма* термини асосий термин эканини қайд этади. Бу термин ўзлашиб (оммалашиб) кетгач, кейинги лугатларда *актив конструкция, актив оборот* терминларини беришга эҳтиёж қолмайди.

Лугат мақоласидаги таркибий қисмлардан яна бири терминга берилган изоҳни тасдиқловчи мисоллардир. Лекин изоҳни исботловчи мисол барча лугат мақоаларида бўлавермайди, балки маълум терминлар учун тузиладиган лугат мақоаларини мисол талаб этади. Мас., *лингвистика, умумий тил-шунослик* терминларининг изоҳи ҳеч қандай мисол талаб этмайди. *Жўналиш келишиги, эрсаи гап* терминларининг изоҳидан сўнг эса тасдиқловчи мисол берилиши шарт. Шунга кўра, лугатда фақат зарур ҳоллардагина тасдиқловчи мисоллар берилди.

Баъзи терминларнинг маъно ҳажми кенг бўлиб, жинс тушунчасини ифода-далайди; айримларининг маъно ҳажми тор бўлиб, гур тушунчасини ифода-далайди. Жинс тушунчасини ифодаловчи термин учун тузилган лугат мақоаласи ичнда тур тушунчасини ифодаловчи терминлар ҳам келтирилди. Лекин улар бу лугат мақоласида изоҳланмади. Уларнинг ҳар бири алифбо тартибига кўра ўз ўрнида берилди ва ҳар бири учун алоҳида лугат мақоласи тузилди. (Изоҳи ҳам шу лугат мақоласида бўлади.) Н а м у н а:

Ургу. Турли фонетик воситалар орқали товуш бўғини ёки сўзни ажратиш, шу ажратишга хос кучли талаффуз. Ажратиш объектига кўра ургунинг икки

тури фарқланади: 1) с ўз урғуси (қ.), 2) фраза урғуси (қ.). Акустик-артикуляцион хосса-хусусиятига кўра урғунинг икки тури фарқланади: 1) э к с и р а т о р у р ғ у (қ.), 2) м у с и қ и й у р ғ у (қ.).

Айрим терминлар мазмуни ёки қандайдир бир хусусияти билан бошқа термин ёки терминларга алоқадор бўлиши мумкин. Бундай алоқадорликни кўрсатиш шу терминлар билдирадиган лингвистик тушунчаларнинг моҳиятини аниқ ва осон тушунишга ёрдам беради. Луғатда терминларнинг ана шундай алоқадорлиги махсус белгилар билан кўрсатилди. Булар қуйидагилар: *айн.* (айнан), *қ.* (қаранг), *қиёс.* (қиёслам), *зид.* (зидди).

Айн. белгиси терминнинг ҳавола қилинаётган (*айн.* белгисидан сўнг келатган) термин билан айнан бир хил маъноли эканини билдиради ва шу терминнинг асосий вариант эмаслигини, асосийси *айн.* белгисидан кейинги термин эканлигини кўрсатади.

КАТТА ҲАРФ — *айн.* Бош ҳарф.

ТАСВИРИЙ ШАКЛ — *айн.* Аналитик шакл.

Қ. белгиси шу терминга алоқаси бўлган терминлар учун тузилган луғат мақоласига қарашга ундайди. Бу терминлар учун тузилган луғат мақоласига қараш билан изоҳланаётган терминнинг мазмунини, у билдирадиган лингвистик тушунчанинг моҳиятини осон, аниқ ва тўла тушуниш имкони туғилади. Мас., *соф боғлама* терминига тузилган луғат мақоласи билан шу мақолада *қ.* белгиси билан кўрсатилган *боғлама* термини учун тузилган луғат мақоласини қиёслаб кўринг.

БОҒЛАМА. Феъл бўлмаган сўзни феълга хос маъно ва вазифага мословчи ёрдамчи феъл. Мас., *Толиб rassom бўлди, Толиб rassom бўляпти, Толиб rassom бўлмоқчи* гапларида *бўл* ёрдамчиси *rassom* сўзи билан қўлланиб, майл, замон, шахс-сон маъноларининг ифодаланиши учун хизмат қиляпти... Боғлама вазифасини бажарувчи бирлик ўз лексик маъносини қисман сақлаши ёки фақат боғлама вазифасини бажариши мумкин. Шунга кўра, боғламанинг икки тури фарқланади: 1) с о ф б о г л а м а (қ.), 2) я р и м м а в ҳ у м б о г л а м а (қ.).

СОФ БОҒЛАМА. Лексик маъносини йўқотган, соф грамматик вазифа бажарувчи боғлама. Мас., *эди. экан* тўлиқсиз феъллари... *Қ. Боғлама.*

Демак, *қ.* белгиси ишорасида *боғлама* термини луғат мақоласига қараб, аввало, боғлама ва унинг турлари ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Натижада соф боғламанинг моҳиятини тушуниш осонлашади.

Ўзаро антоним бўлган терминлар маъносини бир-бирига қиёслаб кўриш ҳам ҳар бир термин ифодаладиган тил ҳодисасининг моҳиятини тўғри ва аниқ тушунишга ёрдам беради. Шу сабабли ўзаро антоним бўлган терминларнинг ҳар бири учун тузилган луғат мақоласида *зид.* белгиси билан унинг антоними келтирилди.

БИРЛИК СОН. Сон категориясининг бир турдаги предметлардан бирини (яккаликни) билдирувчи шакли. Бирлик соннинг махсус ясовчи аффикси йўқ. Мас., *китоб. ўқувчи, уй* ва б. *Зид* **Кўплик сон.**

Баъзи лингвистик терминлар ўзаро фарқланса-да, лекин маълум умумийликка эга бўлган лингвистик тушунчаларнинг атамаси бўлади. Бундай терминларни луғатда бериш, изоҳлаш билан бирга, уларни бир-бирига қиёслашнинг тасвир этиш ҳар бирининг маъно ва моҳиятини тўғри ва осон тушунишга ёрдам беради. Худди шу мақсадда, қиёслашга ундаш учун луғатда *қиёс.* белгиси ишлатилди. Мас., шу луғатда **лингвистик луғат** ва **қомусий луғат** терминларига тузилган луғат мақолаларига қаранг.

Рус тилида ёзилган адабиётлардан, лингвистик луғатлардан фойдаланишни, шунингдек, русча ва ўзбекча лингвистик терминларнинг ўзаро муқобилларини тўғри белгилаб (билиб) олишни осонлаштириш мақсадида луғатга ўзбекча терминларнинг русча муқобиллари кўрсаткичи илова қилинди.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

айн. — айнан

ва б. — ва бошқалар

ва ш. к. — ва шу кабилар

ва ҳ. — ва ҳоказо

юн. — юнонча

зид. — зидди

ингл. — инглизча

исп. — испанча

итал. — италянча

лот. — лотинча

мас. — масалан

нем. — немисча

рус. — русча

фран. — французча

ўзб. — ўзбекча

қ. — қаранг

қиёс. — қиёсланг

А

АББРЕВИАТУРА (*итал.* abbreviatura < *лот.* abbrevio — қисқартаман) — қ. Қисқартма сўзлар.

АББРЕВИАЦИЯ (*лот.* abbrevio — қисқартаман) — қ. Қисқартмалаш.

АБЗАЦ (*нем.* Absatz < absetzen — сурмоқ, нари сурмоқ).
1. *айн.* Хат боши.

2. Матннинг бир хат бошидан кейинги хат бошигача бўлган қисми: *икки абзацни ташлаб ўқимоқ.*

АБСОЛЮТ ЗАМОН — қ. Мутлақ замон.

АБСОЛЮТ ИНКОР — қ. Мутлақ инкор.

АБСОЛЮТ СИНОНИМЛАР — қ. Мутлақ синонимлар.

АБСТРАКТ ОТ (*лот.* abstractus — узоқлашган, мавҳум) — қ. Мавҳум от.

АВТОМАТИК ТАРЖИМА. Аввалдан тузилган алгоритм бўлишича электрон-ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) ёрдамида бирор тилга онд матнни бошқа тилга таржима қилиш.

АВТОР ГАПИ — қ. Муаллиф гапи.

АВТОСЕМАНТИК ГАП. Эргаш гапли қўшма гаплардаги мустақил қўллана оладиган бош гап: *Баҳор келгач*, гуллар очилди. Қ. Мустақил гап.

АВТОСЕМАНТИК СЎЗЛАР (*юн.* autos — ўзи; *semantikos* — ифодаловчи) — *айн.* Мустақил сўзлар.

АГГЛЮТИНАТИВ ТИЛЛАР. Сўз ясалиши ва шакл ясалиши агглютинация (қ.) йўли билан бўладиган тиллар. Мас., туркий тиллар, фин-угор тиллари.

АГГЛЮТИНАЦИЯ (*лот.* agglutinare — ёпиштирмоқ). 1. Сўз ясалиш ёки шакл ясалиш асоси ўзгармаган ҳолда янги сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлиши). Бунда ҳар бир аффикс маълум бир маъно, вазифа билан қатнашади. Мас., туркий тилларда жумладан, ўзбек тилида ясама сўзлар ва сўз шакллари асосга маълум изчиллик билан аффикслар қўшиш орқали ҳосил қилинади ва бу аффиксларнинг ҳар бири ўз маъноси билан қатнашади: *тер-им-чи-лар-имиз-га.*

2. Икки сўз (асос)нинг бир сўзга, бир сўз шаклига айланишидан иборат морфологик жараён. Мас., *эчкини эмар* > *эчки эмар* > *эчкэмар.*

АГЕНТИВ МАЪНО. (лот. *agens, agentis* — ҳаракат билдирувчи) — қ. **Ижрочи маъноси.**

АДАБИЙ МЕЪЁР. Тил бирликларининг адабий тил қоида-талабларига мос ҳолда, намунали тарзда қўлланишини, тилнинг адабийлигини таъминловчи воситаларни белгиловчи меъёр. Қ. **Меъёр.**

АДАБИЙ ТИЛ. Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум меъёрга солинган, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи шакли. Адабий тилнинг икки шакли бор: 1) ёзма шакли, 2) оғзаки шакли.

АДВЕРБИАЛИЗАЦИЯ (лот. *adverbium* — равиш) — қ. **Ра-вишлашиш.**

АДГЕРЕНТ КОННОТАЦИЯ. Маълум нутқий матн (контекст)да ҳосил бўладиган коннотатив маъно. Мас., *ширин бола, бала: нд иморат.* Қ. **Коннотация, Коннотатив маъно. Қиёс. Ингерент коннотация.**

АДДИТИВ СОН—қ. **Қўшилма сон.**

АДДИЦИЯ. Трансформациянинг бир усули; содда гап таркибининг уюшиқ бўлаклар билан кенгайтирилиши. Мас., *Акасига совға олди — Акаси, укаси ва сингилларига совға олди.* Қ. **Трансформация.**

АДМИНИСТРАТИВ СТИЛЬ —қ. **Расмий-иш услуби.**

АДСТРАТ (нем. *Adstrat*). Бир ҳудудда турли тилларнинг узоқ давр бирга амал қилиши натижасида юзага келган икки тиллиликнинг тури.

АДЪЕКТИВАЦИЯ (лот. *adjectivum* — сифат) —қ. **Сифатлашиш.**

АДЪЮНКЦИЯ (лот. *adiunctus* — бирга қўшилган). Трансформациянинг бир усули; синтактик birlik таркибига шу таркиб мазмунга мувофиқ келадиган янги сўзнинг киритилиши. Мас., *Тошкент Андижондан катта* → *Тошкент Андижондан анча катта* (Аммо шу тартибга *унча* сўзини киритиб бўлмайди). Қ. **Трансформация.**

АЖРАТИЛГАН АНИҚЛОВЧИ. Гапда ўзидан олдинги аниқловчининг маъносини изоҳлаб, алоҳида оҳанг, урғу ва тўхтам (пауза) билан айтиладиган бўлак: *Денисов — де ҳ қ о н л а р о р а с и д а ю р г а н с о б и қ и р р и г а т о р — содда, одамшаванда, лекин талабчан, ҳақиқатчи эди* (Ойбек).

АЖРАТИЛГАН БУЛАК. Гапнинг мазмун ва оҳанг жиҳатдан ажратилган бўлаги. Гап бўлаklarини ажратиш билан маълум бўлакнинг маъноси ажратилиб, бўрттириб (таъкидлаб) кўрсатилади, диққат шу бўлакка қаратилади ва ҳ. Қ. **Ажратилган аниқловчи. Ажратилган тўлдирувчи. Ажратилган ҳол.**

АЖРАТИЛГАН ТЎЛДИРУВЧИ. Гапдаги бирор тўлдирувчининг маъносини таъкидлаб, унга изоҳ бериб, алоҳида оҳанг билан айтиладиган бўлак: *Бу йигитнинг оғзидан байт чиқишини, айниқса б у н а қ а б а й т ч и қ и ш и н и, ҳеч ким кутмаган бўл-*

са керак, ҳамма гуриллаб кулиб юборди (А. Қаҳҳор). Бектемир-га собиқ содда чўпонга, командирнинг фикри ғоят ёқди (Ойбек).

АЖРАТИЛГАН ҲОЛ. Ганда ўзидан олдинги ҳолинг маъносини изохлаб, таъкидлаб, махсус оҳанг билан айтиладиган бўлак: *Тўй... электростанция ишга тушгандан кейин, яъни февралнинг бошларида ўтказиладиган бўлди* (А. Қаҳҳор).

АЖРАТИЛИШ (АЖРАЛИШ). Гап бўлақларини мазмун ва оҳанг жиҳатдан ажратиш. Гап бўлақларини ажратиш маълум мазмун ва услуб талаблари билан бўлади. Қ. **Ажратилган бўлак.**

АЙИРУВ БОҒЛОВЧИЛАРИ. Гап бўлақлари, шунингдек, қўшма гаплар таркибидаги гаплар билдирган нарса-ҳодисалардан бири бўлишини ёки улар галма-гал бўлишини кўрсатиш йўли билан уларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилувчи боғловчилар: *ё... ёки; ё... ё...; гоҳ... гоҳ...; баъзан...; баъзан...;* кабилар: *Гоҳ супа четига экилган райҳон ҳиди димоққа урилар, гоҳ том орқасидаги йўнғичқазорда ҳашаротларнинг бир қиёмда чириллаши эътиборни тортар эди* (П. Қодиров). *Гоҳ кулиб, гоҳ кулдиради* (Шухрат).

АЙИРУВ-ЧЕГАРАЛОВ ЮКЛАМАЛАРИ. Ўзи алоқадор бўлган гап бўлағи билдирган нарса-ҳодиса, ҳаракат кабиларни бошқасидан ажратиб, чегаралаб кўрсатувчи юкламалар. Мас., *фақат, -гина* каби: *Электр кўзгагини эмас, қўлга ҳам ёрдам берсин* (Ойбек). *Фақат йшаларгина гуноҳингдан кеча олади* (А. Мухтор).

АКАДЕМИК ГРАММАТИКА. Мамлакатнинг асосий илмий ташкилоти—Фанлар академияси томонидан нашрга тайёрланган илмий грамматика. Мас., «Фан» нашриёти томонидан 1975—1976 йилларда нашр этилган икки жилдли «Ўзбек тили грамматикаси». Қ. **Норматив грамматика.**

АККОМОДАЦИЯ (*лот. accommodatio* — мувофиқлашув). Ёнма-ён келган ундои ва унли товушлар артикуляциясининг бир-бирига уйғунашуви. Мас., и, у унлилари к, г ундошлари билан ёндош келганда, уларга мослашиб, олдинги қатор унли сифатида талаффуз этилади: *кийик, сисир, бугун, гул*. Худди шу унлилар чуқур тил орқа қ, ғ ундошлари билан ёндош келганда, уларга мослашиб, маълум даражада тил орқа унлиси каби талаффуз этилади: *кийин, қуюқ, ғужум, ғижим* ва б.

АККУМУЛЯЦИЯ. Бирор тилда фаол ишлатиладиган сўз, ибора ва ш.к. таъсирида шундай тил бирликларининг бошқа тилда ҳам фаол ишлатила бошлаши.

АКТИВ КОНСТРУКЦИЯ — қ. Фаол тузилма.

АКТИВ ЛУҒАТ — қ. Фаол луғат.

АКТИВ НУТҚ ОРГАНЛАРИ — қ. Фаол нутқ аъзолари.

АКТИВ ОБОРОТ — қ. Фаол ўрам.

АКТУАЛИЗАЦИЯ (лот. actualis — ҳаракатчан, ишчан). Тил элементлари потенциал хусусиятларининг нутқда маълум актуаллаштирувчи воситасида ишга туширилиши, уларнинг мазкур нутқ вазияти талабларига мувофиқлашуви.

АКУСТИК ФОНЕТИКА (юн. akustikos — товуш, товушга оид). Экспериментал фонетиканинг нутқ товушлари ҳосил бўлишини юзага келган товуш тўлқинлари аспектида ўрганувчи бўлими. Акустик жиҳатдан товушнинг бир қатор белгилари фарқланади: 1) товуш кучи (қ.), 2) товуш баландлиги (қ.), 3) товуш тембри (қ.). 4) товуш чўзиқлиги (қ.).

АКЦЕНТ (лот. accentus — урғу). Бошқа тилда сўзлаганда, товушларни ўша тилдагидан бошқача ҳолда, ўз тил товушлари каби талаффуз этиш: *ўзбекча акцент билан гапирмоқ*.

АКЦЕНТЕМА (лот. accentus — урғу). Бўғиндаги урғунинг кучли ва кучсизлиги.

АКЦЕНТОЛОГИЯ (лот. accentus — урғу; юн. logos — сўз, таълимот). Фонетиканинг урғуни (урғунинг табиати, типи, вазифаси ва ҳ.) ўрганувчи бўлими.

АКЦЕНТУАЦИЯ. 1. Сўз ёки фразадаги маълум унсурларни урғу воситасида ажратиш.

2. Бирор тилдаги урғулар тизми.

3. Езма матнда урғу ўрнини белги билан ифодалаш.

«а»-лаш. 1. Ўзбек шеваларининг айримларида адабий тилда ёки бошқа шевалардаги о ўрнига а айтилиши. Мас., *бола* сўзининг биринчи бўғинидаги о нинг а (*бала*), *Шахло* исмининг иккинчи бўғинидаги о нинг а (*Шахла*) айтилиши.

2. Рус тилида урғусиз бўғинда о ўрнига а айтилиши.

АЛИФБО. Ёзув шакллариининг (ҳарф ва белгиларнинг) мажмуи, маълум тартибда жойлашган ҳолати: *ўзбек алифбоси*.

АЛЛЕГОРИЯ (юн. allegoria — ўзгача ифодалаш, бошқача гапириш). — қ. **Мажоз**.

АЛЛИТЕРАЦИЯ (лот. ad — олд., -ga + litera — ҳарф). Мисрлар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг тақрор қўлланиши:

*Қаро қошинг, қалам қошинг, қийиқ қайрилма қошинг, қиз,
Қилур қатлимга қасд, қайраб қилич қотил қарошинг, қиз.
Қафасда қалб қушин қийнаб, қанот қоқмоққа қўймайсан,
Қараб қўйгил қиё, қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.*

(Э. Воҳидов.)

АЛЛОМОРФ (юн. allos — бошқа; morphe — шакл) — қ. **Алломорфа**.

АЛЛОМОРФА. Морфеманинг бири ўрнида иккинчисини ишлатиб бўлмайдиган, қуршов, шаронгга қараб танлаб қўйиладиган морф(а)лари. Мас., -ги, ки, қи морфемалари ўзаро алло-

морф(а) ҳолатида, чунки ҳар бири маълум фонетик шарт-шаронгга кўра таълаб қўшилади, бири ўринга иккинчисини ишлашиб бўлмайди: *кузги, кечки, ташқи. Қиёс. Морфеманинг варианты.*

АЛЛОФОН (юн. allos — бошқа; phone — товуш) — қ. Аллофона.

АЛЛОФОНА. Бир фонемага бирлашувчи ҳар бир фона. Қ. Фона. *Қиёс. Фонеманинг варианты.*

АЛФАВИТ (юнон алифбосидаги биринчи икки ҳарфнинг номи (alpha ва beta) дан) — қ. Алифбо.

АЛЬВЕОЛЯР УНДОШЛАР (лот. alveolus — чуқурча, тарновча). Тилнинг учини устки тиш альвеолига тегизиб талаффуз қилинадиган тил олди ундошлар. Мас., т, д ундошлари.

АЛЬТЕРНАТИВ СУРОҚ ГАП — қ. Танлама сўроқ гап.

АЛЬТЕРНАЦИЯ (лот. alternatio — алмашинув) — айн. Товушларнинг алмашинуви.

АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК. Тилшуносликнинг лингвистик масалаларни (мас., машина таржимаси) ҳал этишни ҳисобга олган ҳолда амалий йўл билан ўрганувчи соҳалари (экспериментал фонетика, лексикография, лингвостатистика каби).

АМАЛИЙ УСЛУБИЯТ. Нутқ услубиятининг амалий бўлими. Амалий услубиятнинг вазифаси тил воситаларининг таъсирчанлик ва б. жиҳатдан имкониятларини белгилай (баҳолай) олиш, улардан мақсадга мувофиқ ҳолда, моҳирона фойдаланишга ўргатишдир.

АМОРФ ТИЛЛАР (юн. amorphos — шаклсиз, шаклга эга бўлмаган). Аффиксларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алоқалар битишув йўли билан ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ифодаланадиган тиллар. Мас., хитой тили.

АМФИБОЛИЯ (юн. amphibolia — икки маънолилик). Икки хил талқин этиш, икки маънода тушуниш мумкин бўладиган жумла (гап). Оғзаки нутқда амфиболия оҳанг ва тўхтам ёрдамида бартараф этилади: *Янги жойнинг бу дилни сиёҳ қилувчи манзараси қанчалик ноҳуш туюлмасин, Моҳидил қўнқишига мажбур* (Ж. Абдуллахонов). Мисолдаги бу олмоши дил сўзига боғланса, бир маъно, манзара сўзига боғланса, бошқа маъно ифодаланади (асли кейинги боғланиш кўзда тутилган). Бу олмоши манзара сўзи олдида қўлланса, амфиболия йўқолади.

АНАЛИТИЗМ. Аналитик қурилишнинг ривожини — қ. Аналитик қурилиш.

АНАЛИТИК ТИЛЛАР (юн. analytikos — ёйиқ, ёйилган). Грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) сўз шакллари (шакл ясовчи қўшимчалар) воситасида эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, оҳанг ёрдамида ифодаланадиган тиллар. Мас., инглиз, француз, испан тиллари аналитик тиллар гуруҳига киради. *Қиёс. Синтетик тиллар.*

АНАЛИТИК УСУЛ. Ёрдамчи сўзлар воситасида ҳосил бўлиш (ясалиш) усули. Қ. **Аналитик шакл.** Қиёс. **Синтетик усул.**

АНАЛИТИК ШАКЛ. Ёрдамчи сўзлар воситасида ҳосил бўлувчи шакл. Мас., *уйга қадар, укам учун* (отнинг аналитик шакллари); *йўқитиб юбор, айтиб кўр* (феълнинг аналитик шакллари) ва б. Қ. **Аналитик усул.** Қиёс. **Синтетик шакл.**

АНАЛИТИК ҚУРИЛИШ. Синтетик шаклга нисбатан аналитик шакл асосий бўлган тил қурилиши. Қ. **Аналитик шакл.** **Синтетик шакл.** Қиёс. **Синтетик қурилиш.**

АНАЛОГИЯ (юн. analogia — мувофиқлик, мослик, ўхшашлик). Тил унсурларининг (сўз ясалиш, шакл ясалиш ва б. моделларининг) ўзаро қандайдир муносабат таъсирида ўхшашлик касб этиши, маҳсулдор бўлган ҳодисанинг бошқасига ёйилиши: *Аналогия йўли билан ўзгариш. Аналогия асосида ясалиш.* Мас., *қара* объектсиз феълнинг кўр объектли феълга синоним сифатида қўлланиши (*чўчимаслигини қара*), шунингдек, *кўр* кўмакчи феълга *қара*, *боқ* феълларининг синоним сифатида қўлланиши (*ўқиб кўр, ўқиб қара, ўқиб боқ*) ҳам аналогия натижасидир: *...бунинг натижасида ўқув юртига танлашда келишмовчиликлар ва янглишмовчиликлар келиб чиқади* (Газетадан). Бу мисолда *янглишмовчилик* сўзи нотўғри қўлланган. Унинг қўлланиши *янглишмовчилик* сўзининг таъсиридадир.

АНАФОРА (юн. anaphora — юқорига чиқариш). Параллел тузилган нутқ парчалари (мас., мисралар) бошида айнан бир унсурнинг такрорланишидан иборат услубий қўлланиш. *Зид.* **Эпифора.**

*Бутун қарашларни,
барча сезгини,
Бутун ифодани,
бутун севгини
Беш йиллик
сафарин
изига бурдик. (Ҳ. Олимжон.)*

АНАФОРИК СЎЗ. Олдинги сўз билдирган шахс ёки нарсага, олдин айтилганга ишора қилувчи сўз. Мас., *бу, шу, ўша* олмошлари: *Аъзам билан Тошкентда кўришган эдим, ўша гапириб берди* (А. Қаҳҳор). *Чолнинг бу ишидан жаҳлим чиқади* (Ойбек).

АНАХРОНИЗМ. Сўз ёки иборани тил тараққиётининг маълум даврига хос лексик, фразеологик меъёрларга мувофиқ бўлмаган равишда қўллаш: *... газета, жариди, мажалла ва китобларнинг ҳам нархлари маълум даражада кўтарилади* («Ўзбекистон адабиёти ва санъати»). *Жариди, мажалла* сўзларининг «журнал» маъносида қўлланиши ҳозирги адабий тил нуқтан назаридан анахронизмдир.

АНИҚ КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ. Ҳаракатнинг нутқ моментидан кейин бўлишини аниқ тарзда ифодаловчи феъл: *келди, сўрайди* каби: *Ҳам ишлайман, ҳам ўқийман, бўлгани шу. Институтнинг сиртқи бўлимига кираман. Қиёс. Келаси замон гумон феъли. Қ. Ҳозирги-келаси замон феъли.*

АНИҚ КОНСТРУКЦИЯ — қ. Фаол тузилма.

АНИҚЛАНМИШ. Бирикманнинг аниқловчи (қ.) тобе бўлган (ҳоким) компоненти: ... *уфқда худди атайин бўяб қўйгандек, қип-қизил булут парчаси судралиб юрибди...* (Саид Аҳмад.)

АНИҚЛОВ БОҒЛОВЧИЛАРИ. Изоҳлаш, аниқлаш каби мазмун билан эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қиладиган боғловчилар: **-ки (-ким):** *Одамлар борки, улар ҳаётларини ҳақ хизматига бағишлайди* (П. Турсун).

АНИҚЛОВЧИ. Нарса-буюмни ифодалайдиган сўзга тобеланиб, унинг белгисини англатадиган иккинчи даражали бўлак; атрибутив бирикманнинг тобе компоненти: *Кенг водийнинг қорамтир тупроғи ёмғирдан кейин бўкиб ётарди* (И. Раҳим). *Бизнинг эшон кабобпазларнинг пири.* (А. Қаҳҳор). Аниқловчининг уч тури фарқланади: 1) сифатловчи (қ.), 2) қаратувчи (қ.), 3) изоҳловчи (қ.).

АНИҚЛОВЧИЛИ АЛОҚА. Белги билдирувчи сўз билан предмет, жараён кабиларни билдирувчи сўз ўртасидаги синтактик алоқа: *Кенг дала. Баланд иморат. Жиддий беллашув.*

АНИҚЛОВЧИЛИ БИРИКМА. Аниқловчи ва аниқланмишдан тузилган сўз бирикмаси.

АНИҚЛОВЧИЛИ МУНОСАБАТ. Аниқловчи (қ.) ва аниқланмиш (қ.) ўртасидаги муносабат.

АНИҚЛОВЧИЛИ СИНТАГМА. Аниқловчи ва аниқланмишдан тузилган синтагма — қ. Синтагма.

АНИҚЛОВЧИЛИ ТУЗИЛМА. Аниқловчи ва аниқланмишдан тузилган тузилма — қ. Тузилма.

АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдаги бирор бўлакни, кўпинча аниқловчинини изоҳлаб келувчи эргаш гап: *Биз шундай замондамизки, илм-техника йўли ҳаммага очиқ* (А. Қаҳҳор). *Толаҳонга сиз қандай муомала қилсангиз, Тўлқин ҳам шундай муомала қилади* (С. Зуннунова).

АНИҚЛОВ ЮКЛАМАСИ. Ўзи алоқадор бўлган гап бўлаги маъносини аниқлаш, конкретлаштириш учун хизмат қиладиган юклама: *роса, худди, нақ, қоқ* каби: *Арча байрамига борадиган болалар соат роса ўн бир яримда мактабга йиғилишди* (М. Исмоилий). *Ҳовузнинг қоқ ўртасида қиррали тошлар устига чиқиб турган бир тимсоҳ оғзидан ҳамма ёққа сув пуркаб туради* (Мирмуҳсин).

АНИҚ ОБОРОТ — қ. Фаол тузилма.

АНИҚ ОТ. Бевосита нарсани, аниқ нарсани билдирувчи от. Мас., *қалам, гул, тош, қўй* ва б. **Қиёс.** **Мавҳум от.**

АНОМАЛИЯ (юн. *anomalía* — меъёрдан четлашиш; но-тўғрилиқ). Умумий, стандарт типга мувофиқ келмайдиган, меъёрдан четлашадиган шакл, тузилма ва б.

АНТИК ГРАММАТИКА. Антик филологлар томонидан қадимги тиллар асосида яратилган, лекин умумийликка эга бўлмаган грамматик қонуниятларни очиб берадиган грамматика деб тасаввур қилинувчи грамматика.

АНТИТЕЗА (юн. *antithesis* — қарама-қарши қўйиш). Қиёс-ланувчи фикр, тушунча кабиларни қарама-қарши қўйишдан иборат услубий қўлланиш: *Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар. Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин.*

АНТОНИМИКА. 1. *айн.* Антонимия.

2. Лексикологиянинг антонимларни ўрганувчи бўлими.

АНТОНИМИЯ. Тил birlikларининг семантик жиҳатдан ўзаро зид, қарама-қарши бўлиш ҳодисаси: *Лексик антонимия. Аффиксал антонимия. Синтактик антонимия. Қ. Антонимлар.*

АНТОНИМЛАР (юн. *anti* — қарши, зид; *опуша* — ном). Ўзаро зид, қарама-қарши маъноли тил birlikлари: *катта-кичик, баланд-паст, узоқ-яқин, яхши-ёмон* (лексик антонимлар); *-ди, -сиз: қумли-қумсиз* (антоним аффикслар); *эсига келмоқ — ёдидан қўтарилмоқ, кўнгли очиқ — кўнгли қора* (фразеологик антонимлар) ва б.

АНТРОПОЛОГИК ЛИНГВИСТИКА (юн. *anthropos* — одам; *logos* — таълимот). Тилшуносликнинг ўз ёзувига эга бўлмаган тилларни ўрганувчи бўлими.

АНТРОПОНИМ (юн. *anthropos* — одам; *опуша* — ном). Кишининг атоқли оти, исм.

АНТРОПОНИМИКА. Лексикологиянинг (ономастиканинг) киши номларини ўрганувчи бўлими.

АНТРОФОНИКА — *айн.* Нутқ товушларининг физиологияси.

АНЪАНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК. Тилшуносликдаги фақат тил қисмлари ва тузилишининг ички муносабатларини, боғлиқликларини ёритиш билан бирга тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати, тилнинг жамият билан, шу тилда сўзлашувчи жамоа билан алоқаси каби масалаларни ўрганишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган йўналишлар. Бу йўналишларга структурализм ўзини қарама-қарши қўяди. **Қ. Структурализм.**

АПОКОПА (юн. *арокоре* — қисқартиш). Сўз охиридаги товуш ёки товушларнинг тушиб қолиши, бунинг натижасида сўзнинг қисқариши. Мас., *кел > ке, тўрт > тўр* каби. **Қиёс.** **Синкопа.**

АПОСТРОФ (юн. *apostrophos* — четга ёки орқага қараган). Чет тилга оид исмлар таркибидаги айрим қисмларни ажратиб талаффуз этишни, фонетик транскрипцияда ундошларнинг юмшоқлигини кўрсатиш учун сатр устига қўйиладиган вергулсимон

белги (,) : т'от'а — тётя, д'Астье; а'ло, ва'да каби: *Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган ЮНЕСКО Бош директори Амаду Мухтар М'Боу Бухоро ва Самарқандга бориб келди* (Газетадан). 1956 йил имло қоидалари тасдиқлангунга қадар *ваъда, аъло* каби сўзлардаги **ъ** ўрнида апостроф қўлланар эди: *ва'да, а'ло* каби.

АППОЗИТИВ АЛОҚА. Изоҳловчи (қ.) билан изоҳланмиш (қ.) ўртасидаги алоқа. Мас., *Шоир Абдулла Орипов. Ёзувчи Одил Ёқубов.*

АППОЗИТИВ МУНОСАБАТ. Изоҳловчи (қ.) билан изоҳланмиш (қ.) ўртасидаги муносабат.

АРГО (*фран.* argot — жаргон). Ясама тил. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифанинг (масалан, талабалар, спортчилар, ўғрилар ва б.) ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлардан иборат ясама тили. Мас., *колхоз* — чиптасиз йўловчилар (ҳайдовчилар тилида).

АРГОТИЗМЛАР (*фран.* argotisme < argot — жаргон). Бирор арготга (қ.) хос сўз ва иборалар. Арготизмлар адабий тилда бирор услубий мақсад билан қўлланиши мумкин.

АРЕАЛ (*лот.* aequalis < aequa — майдон, макон). Фонетик, лексик, грамматик ҳодисаларнинг тарқалиш доираси. Қ. **Изоглосса, Лингвистик география.**

АРЕАЛ ЛИНГВИСТИКА. 1. Тилшуносликнинг лингвистик ареалларни ўрганиш билан шуғулланувчи соҳаси.

2. Тилшуносликда лингвистик ареалларни ўрганишга алоҳида эътибор берувчи йўналиш.

АРТИКУЛЯТОР. Маълум товушнинг талаффузида қатнашувчи икки нутқ аъзосидан нисбатан ҳаракатчани, эркин бошқарилувчиси.

АРТИКУЛЯЦИОН БАЗА. Бирор тилга хос товушларни талаффуз этиш кўникмалари, артикуляциялар тизими.

АРТИКУЛЯЦИЯ (*лот.* articulatio < articulare — аниқ-равшан айтмоқ). Нутқ аъзоларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракат-фаолияти ва ҳолати. Товушларнинг ҳосил бўлишида нутқ аъзоларининг иштироки, ҳолати нуқтаи назаридан артикуляцияда икки нарса фарқланади: 1) артикуляция ўрни (қ.), 2) артикуляция усули (қ.). Жараён сифатида артикуляциянинг уч фазаси фарқланади: 1) приступ (қ.), 2) видержка (қ.), 3) отступ (қ.).

АРТИКУЛЯЦИЯ УСУЛИ. Товуш ҳосил бўлишида иштирок этувчи нутқ аъзоларининг бир-бирига нисбатан олган ҳолати натижасида ҳаво оқимининг сирғалиб ўтиши, портлаб чиқиши. Қиёс. Артикуляция ўрни.

АРТИКУЛЯЦИЯ ЎРНИ. Товуш ҳосил бўлишида қатнашувчи нутқ аъзоларининг бир-бирига энг яқинлашиб, ҳаво оқимига тўсиқ ҳосил этадиган нуқтаси. Қиёс. Артикуляция усули.

АРХАИЗМ (юн. *archaios* — қадимги). Маълум давр учун эскирган, истеъмолдан чиқа бошлаган тил бирлиги (сўз, фразеологизм ва б.). Мас., *сурур* (севинч), *ҳаён* (фойда) ва б. *Қиёс*.
Историзмлар.

АРХИСЕМА — қ. Умумий сема.

АСИЛЛАБИҚ ТОВУШЛАР (юн. *a* — инкор юклагаси; *syllabikos* — бўғинга тенг). Бўғин ҳосил қилмайдиган товушлар.

АСИНДЕТОН (юн. *asyndeton* — боғланмаган) — *айн*. **Боғловчисиз** боғланиш.

АСЛИЙ СИФАТЛАР. Предмет белгисини бевосита, бошқа предметга нисбат қилмаган ҳолда ифодалайдиган сифатлар: *қизил, яхши, ширин, ориқ* кабилар. *Қиёс*. **Нисбий сифатлар.**

АСЛ ҚУМАКЧИЛАР. Мустақил лексик маъносини тамомла йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланган ёрдамчи сўзлар: *билан, учун, каби* ва б. *Қ*. **Кўмакчилар.**

АСЛ ҲЗ СҲЗ. Тилнинг аслида ўзига мансуб бўлган (бошқа тилдан ўзлашмаган), тилнинг Ҳз лексик материалдан ясалган сўз. Мас., *сув, сувчи, тош, тошлоқ, тошкўмир* сўзлари ўзбек тилининг асл Ҳз сўзларидир.

АСОС — қ. Сўз ясалиш асоси.

АСОСИЙ ЛУҒАТ ФОНДИ. Лексиканинг жуда кўп даврлардан бери қўлланиб келаётган, барқарор, ҳаёт учун, кундалик турмуш учун энг зарур, муҳим ва фаол бўлган, шу тилда сўзлашувчиларнинг ҳаммасига тушунарли бўлган, янги сўзлар ясалиши учун асос (база) бўла оладиган қатлами. Мас., отлар: *оқ кўк, сариқ, қизил*; феъллар: *ол, кел, сўра, бер, ўйна* ва б.

АСОСЛАНУВЧИ СҲЗ. Ясовчи асосга эга бўлган, маъноси яшаш асоси ва ясовчи аффикс маънолари орқали ифодаланиб турадиган сўз. Мас., *ишсиз, ишсизлик, ишчан, ишчанлик* сўзлари. *Қ*. **Ясама асос.**

АСОСЛОВЧИ СҲЗ. Сўз ясалиш асоси бўлиб келган сўз. Мас., *ишчи, ишла* сўзларидаги *иш* қисми. *Қ*. **Ясовчи асос.**

АСОС МАЪНО. 1. Бирор маънонинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қиладиган маъно. Мас., *ўйин* сўзининг «кўнгил очиш, дам олиш мақсадидаги эркин (эрмак) ҳаракат» маъноси *ўйинга тушмоқ, футбол ўйини* бирикмаларидаги маъносининг келиб чиқишига асос бўлган маънодир. *Қиёс*. **Ҳосила маъно.**

2. Ясама сўзнинг асосига (сўз ясалиш асосига) оид маъно. Мас., *терим* сўзининг *тер, теримчи* сўзининг *терим* қисмига оид маъно.

АССИМИЛЯЦИЯ (лот. *assimilatio* — ўхшаб кетиш). Бирор товушнинг бошқа товуш таъсирида унга ўхшашлик (бир хиллик) томон ўзгариши: *ошиш < ошини, туссиз < тузсиз* каби. Ассимиляциянинг бир неча тури фарқланади: тўлиқ ассимиляция (қ.); тўлиқсиз ассимиляция (қ.); прогрессив ассимиляция (қ.); регрессив ассими-

ляция (қ.); ёндош ассимиляция (қ.); дистант ассимиляция (қ.).

АССОНАНС (фран. *assonance* — оҳангдошлик). Айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиши натижасида юзага келадиган оҳангдошлик. Мас., қуйидаги мисолда ассонанс ў, ў унлилари асосида юзага келган: *қўм-қўқ, қўм-қўқ, қўм-қўқ...* *Қўқлам қуёшидан қўқарган қирлар...*

АССОЦИАТИВ ГРАММАТИКА. Сўз сўз бирикмаси ва гапларини парадигматик планда, тил унсурлари сифатида ўрганувчи грамматика. *Зид*. Синтагматик грамматика. Қ. **Парадигматика** ва **Синтагматика**.

АССОЦИАЦИЯ. Тил birlikларининг шакли ёки мантиқий-семантик белгисига кўра ўзаро бирлашуви.

АТАШ ФУНКЦИЯСИ — қ. **Номлаш вазифаси**.

АТОВ ГАП — қ. **Номловчи гап**.

АТОҚЛИ ОТ. Бир турдаги предметлардан бирини билдирувчи, айрим шахс ёки нарсанинг номи бўлиб хизмат қилувчи от: *Содиқ, Самарқанд, Орол* ва б. *Қиёс. Турдош от*.

АТРИБУТ (лот. *attributum* — қўшиб қўйиш, қўшимча қилиш) — қ. **Аниқловчи**.

АТРИБУТИВ АЛОҚА — қ. **Аниқловчи алоқа**.

АТРИБУТИВ БИРИКМА — қ. **Аниқловчили бирикма**.

АТРИБУТИВ КОНСТРУКЦИЯ — қ. **Аниқловчили тузилма**.

АТРИБУТИВ МУНОСАБАТ — қ. **Аниқловчили муносабат**. Қ. **аниқловчи, аниқланмиш**.

АТРИБУТИВ ШАКЛ. Сўзнинг гапда асосан аниқловчи ва ҳол вазифасида келишига хос шакл. Мас., ўзбек тилидаги феълнинг сифатдош шакли (*келаятган, келадиган* каби), отнинг ўхшатиш ва ўрин белгиси (*тошдек, боғдаги* каби) шакллари атрибутив шакллардир.

АФЕРЕЗИС (юн. *aph-aircsis*). Олдинги сўзнинг сўнгги товуши (ёки товушлари) таъсирида кейинги сўз бошидаги товуш (ёки товушлар)нинг тувиши. Мас., *айтар эли > айтарди* каби. *Қиёс. Элизия*.

АФОРИЗМ. (юн. *aphorismos* — ҳикматли сўз) — қ. **Ҳикматли сўз**.

АФФИКС (лот. *affixus* - бириктирилган, бириктирилган). Сўзга (лексемага) зид қўшиладиган (лексик маънога эга бўлмаган), ўзи қўшиладиган асоснинг лугавий ёки грамматик маъноларининг шаклланишига хизмат қиладиган морфема; қўшимча. Мас., *иш-чи-лар-имиз-ни*. Аффикслар вазифаларига кўра вкки асосий турга бўлинади: 1) сўз ясовчи аффикслар (қ.); 2) форма (шакл) ясовчи аффикслар (қ.). Аффикслар сўзнинг бошига, ўртасига ёки охирига қўшилиши мумкин. Сўзнинг бошига қўшиладиган аффикслар префикс (қ.), ўртасига қўшилувчилари инфикс (қ.), охирига қўшиладиганлари суффикс (қ.) дейилади. Ўзбек тилидаги аффикслар асо-

сан сўзининг охирига, баъзилари сўз олдига қўшилади, яъни суффикс ва префикс ҳолида бўлади.

АФФИКСАЛ АНТОНИМИЯ. Аффикслар орасидаги антонимия: *-ли* ва *-сиз* (*кучли* — *кучсиз*) каби.

АФФИКСАЛ МОРФЕМА — айн. Аффикс.

АФФИКСАЛ ОМОНИМИЯ. Аффикслар орасидаги омонимия: *-ик* (*кўрик* — от ясовчи), *-ик* (*эрик* — сифат ясовчи) каби.

АФФИКСАЛ СИНОНИМИЯ. Аффикслар орасидаги синонимия: *-сиз* ва *-бе* (*фарқсиз* — *бефарқ*) каби.

АФФИКСАЛ СУЗ ЯСАЛИШИ. Асосга аффикс қўшиш йўли билан сўз ясалиши: *терим* (тер+им), *теримчи* (терим+чи), *сўзла* (сўз+ла) *кўрик* (кўр+ик) каби. Қ. **Деривация.**

АФФИКСАЦИЯ. 1. Умуман, асосга аффикс қўшиш, аффикс ёрдамида сўз ёки шакл ясалиши: (*сўроқ* (сўра+қ) — сўз ясалиши, *сўради* (сўра+ди) шакл ясалиши.

2. айн. Аффиксал сўз ясалиши.

АФФИКСНИНГ ВАРИАНТИ. Аффикснинг фонетик (товуш) таркиби жиҳатидан тури. Мас., *обрў й и* — *обрў с и*, *уйг а* — *теракка* — *булоқ қа*, *кузги* — *кечки*, *келгунча* — *бириккунча* — *чиққунча* каби.

АФФИКСОИД (лот. affixus юн. eidos — түр). Аффикс вазифасида қўлланувчи морфема: *ишхона*, *дарсхона* каби сўзлардаги *хона*.

АФФРИКАТА (лот. affricata — ишқаланган). Қоришиқ ундош товуш; пайдо бўлиш ўрнига ва овознинг иштирокига кўра бир хил бўлган поргловчи товуш билан сирғалувчи товушнинг яхлит битта товуш сифатида талаффуз қилинишига тенг келади. Мас., *чой* сўзидаги *ч*, *жой* сўзидаги *ж*, *цирк* сўзидаги *ц* товушлари аффрикаталардир.

Б

БАДИЙ УСЛУБ. Функционал услубнинг турларидан бўлиб, у тилнинг коммуникатив ва эстетик вазифаларининг бирлиги билан, бошқа услубларга хос унсурлардан кенг фойдаланиши, экспрессив ва тасвирий воситаларнинг кенг қўлланиши, сўзларнинг образли, кўчма-метафорик қўлланиши ва ш. к. белгилари билан ажралиб туради. Қ. **Услуб.**

БАЖАРУВЧИ ШАХС. Ҳаракатни бажарувчи шахс. Қ. **Субъскт.**

БАЙНАЛМИЛАЛ ЛЕКСИКА. Қардош бўлмаган тилларда бир хил маънода, шунингдек, айнан бир фонетик таркибда ёки қисман ўзгариш билан қўлланадиган, ана шу тиллар учун умумий бўлган сўзлар. Бундай сўзлар асосан фан-техника, иқтисо-

диёт ва б. соҳаларга мансуб терминлар бўлади: *математика, телеграф, импорт, опера* ва б.

БЕЛГИЛАШ ОЛМОШЛАРИ. Шахс — предмет, унинг белгиси, сони ва бошқа хусусиятларини жамлаб ёки ажратиб кўрсатувчи (шу тарзда белгилувчи) олмошлар: *ҳамма, барча, ҳар, ҳар нарса, ҳар қайси, ҳар қанча* кабилар.

БЕЛГИЛИ. Аффикс қатнашган: *Белгили қаратқич келишиги* (қ.). *Белгили тушум келишиги* (қ.). *Қиёс. Белгисиз.*

БЕЛГИЛИ ТУШУМ КЕЛИШИГИ. Тушум келишигининг шу келишик қўшимчаси (-ни)ни олган шакли: *Меҳмонларни кузатдик. Режанни муддатидан илгари бажардилар. Қиёс. Белгисиз тушум келишиги.*

БЕЛГИЛИ ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ. Қаратқич келишигининг шу келишик кўрсаткичи (-нинг)ни олган шакли: *Акамнинг дўстлари. Қишлоқнинг ёшу кексаси. Қиёс. Белгисиз қаратқич келишиги.*

БЕЛГИСИЗ. Аффикс қатнашмаган, яширинган: *Белгисиз қаратқич келишиги* (қ.). *Белгисиз тушум келишиги* (қ.). *Қиёс. Белгили.*

БЕЛГИСИЗ ТУШУМ КЕЛИШИГИ. Тушум келишигининг шу келишик қўшимчаси (-ни)ни олмаган шакли: *Бунда қуртлар и пак тўқийди* (Х. Олимжон). *Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичди. Қиёс. Белгили тушум келишиги.*

БЕЛГИСИЗ ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ. Қаратқич келишигининг шу келишик қўшимчаси (-нинг)ни олмаган шакли. *Дўстлар сўхбати. Узум шарбати. Чўл қушлари беозоргина чуғурлашади* (Саид Аҳмад). *Қиёс. Белгили қаратқич келишиги.*

БЕТАРАФ ЛЕКСИКА. Услубларнинг бирор турига бирки-тилмаган, услубий синонимларга эга бўлиб, ўзи услубий жиҳатдан бетараф бўлган лексика. Мас., *совға, армуғон, тўхфа* синонимларидан *совға* — бетараф, унинг *тўхфа, армуғон* синонимлари эса китобий услубга хос; *ўпич* бетараф сўзининг *бўса* синоними поэтик услубга хос ва б. *Қиёс. Услублараро лексика.*

БИЛАБИАЛ УНДОШЛАР (лот. *bi < bis* — икки марта + *labialis* — лаб, лабланган) — айн. **Лаб-лаб ундошлари.**

БИЛИНГВИЗМ (лот. *bi < bis* — икки марта + *lingua* — тил) — айн. Икки тиллилик.

БИНАР ОППОЗИЦИЯ (лот. *binarius* — икки қисмли + *oppositio* — қарама-қарши қўйиш). Бир турдаги икки ҳодисанинг бир-бирига қарама-қарши ҳолда гуруҳланиши. Масалан, ундошларнинг жарангли-жарангсизлик, унлиларнинг лабланган-лабланмаганлик асосида гуруҳланиши бинар оппозицияни ҳосил қилади.

БИР БЎҒИНЛИЛИК. Муайян тилда сўзларнинг (лексемаларнинг) бир бўғинли бўлиши. Қадимги туркий тилда, тўлиқ бўлмаса-да, бир бўғинлилик кузатилади.

БИРГАЛИК ДАРАЖА — қ. **Биргалик нисбати.**

БИРГАЛИК НИСБАТИ. Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси бир-дан ортиқ эканини билдирувчи нисбат. Бу нисбат шакли -ш аффикси билан ясалади: *Мен ҳам қувишдим* (Ғайратий). *Ер ҳайдашди. Экин экишди.*

БИРГАЛИК ФЕЪЛИ. — қ. **Биргалик нисбати.**

БИРГАЛИК ЭРГАШИШ. Эргаш гапларнинг бош гапга алоҳида-алоҳида боғланиши: *Кимнинг билагида кучи бўлса, ким ишнинг ҳавосини олса ўша зарбдор бўлади* (А. Қаҳҳор).

БИРИКА ОЛИШ. Тил бирикларининг ўзаро бирикиш хусусиятига эгаллиги.

БИРИКТИРУВ БОҒЛОВЧИЛАРИ. Уюшиқ бўлақларнинг, шунингдек, боғланган қўшма гапнинг бириктирув муносабатидаги қисмларини боғлаш учун хизмат қиладиган боғловчилар: *ва, ҳам, ҳамда* кабилар: *Чунки бу ишда сирдош бўлиш ва Султоналига кўмаклашиш учун энг мувофиқ ҳам ишончли киши бирдан-бир Сафар бўзчи эди* (А. Қодирий). *Қаландаров бир нима деб тўнғиллаб ерга қаради ва бурнининг учи тердан йилтиради* (А. Қаҳҳор).

БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ УРҒУ — қ. **Бош урғу.**

БИРИНЧИ ШАХС. Сўзловчи. Бу маъно қуйидагича ифодаланadi: 1) I шахс кишилик олмошлари билан: *мен, биз*; 2) эгалик категориясининг I шахс шакллари билан: *хунарим, мақсадим, вазифамиз* каби; 3) шахс — сон категориясининг I шахс шакллари билан: *билдим, ўргатдим, қайтдим* каби.

БИРЛИК I — қ. **Тил бирлиги. Нутқ бирлиги.**

БИРЛИК II — қ. **Бирлик сон.**

БИРЛИК СОН. 1. Сон категориясининг бир турдаги нарсабуюмлардан биттасини (яккаликни) билдирувчи шакли. *Мас., китоб, йқувчи, уй. Зид. Кўплик сон. Қ. Сон категорияси.*

2. Предметнинг бир (якка) шахсга эидлиги маъноси ва шу маънони ифодаловчи шакл: *укам, укамг, укаси; дафтарим, дафтаринг, дафтари. Қ. Эгалик категорияси. Қиёс. Кўплик сон 2.*

3. Олмошларда: шахснинг яккалигини билдирувчи тур: *мен, сен, у. Қ. Кишилик олмошлари. Қиёс. Кўплик сон 3.*

4. Феълларда: ҳаракатни бир (якка) шахс бажаришини билдирувчи сон тури: *олдим, олдинг; айтаман, айтасан. айтади* каби. *зид. Кўплик сон; кўплик. Қ. Шахс-сон категорияси. Қиёс. Кўплик сон 4.*

БИР МАЪНОЛИЛИК. Тил бирикларининг фақат бир маънога эга бўлиши. *Қиёс. Кўп маънолилик.*

БИР ТАРҚИБЛИ ГАП. Предикатив асоси эга ёки кесимга тенг гап. *Зид. Икки таркибли гаплар.* Ўзбек тилида бир таркибли гапнинг қуйидаги турлари бор: 1) шахси аниқ гаплар (қ.); 2) шахси номаълум гаплар (қ.); 3) шахси умумлашган гаплар (қ.); 4) шахсиз гаплар (қ.); 5) номловчи гаплар (қ.).

БИР ТИЛЛИ ЛУҒАТ. Сўзлиги ва унга бериладиган таъриф-тавсифлар бир тил (ўз тил) материалидан бўладиган луғат. Бундай луғатлар **бир неча турга эга.** Мас., **изоҳли луғат** (қ.), **имло луғати** (қ.), **синонимлар луғати** (қ.) ва ҳ. **Қиёс.** **Икки тилли луғат.**

БИТИШУВ АЛОҚАСИ. Тобе сўз ҳоким сўзга грамматик шакл ёрдамида эмас, балки тартиб ва оҳанг орқали боғланидиган синтактик алоқа тури: *тинч ҳаёт, яхши ўқувчи, тез юрмоқ* каби. **Қиёс.** **Мослашув алоқаси.** **Бошқарув алоқаси.** **Қ.** **Тобеланиш.** Тобе алоқа.

БОБО ТИЛ. Генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ тилларнинг келиб чиқиши ва тараққий этиш манбаи (асоси) деб қараладиган тил; қиёсий-тарихий метод билан тикланидиган мавҳум лингвистик модель.

БОСҚИЧЛИ ФЕЪЛ. Ҳаракатнинг бирон босқичини (бошланиш, давом этиш ёки тугаш босқичини) ифодаловчи феъл: *бошламоқ, тугатмоқ* каби.

БОШ БЎЛАКЛАР. Гапнинг предикатив асосини ташкил этувчи бўлақлар: эга (қ.) ва кесим (қ.) **Қиёс.** **Иккинчи даража-ли бўлақлар.**

БОШ ГАП. Эргашган қўшма гап таркибидаги ҳоким компонент, эргаш гап томонидан ўзи ёки бирор бўлаги аниқланган гап, эргаш гап тобе бўлган гап: *Қайси киши эргалаб шундай машқ қилса, у дардга чалинмайди* (П. Турсун). *Шошиш керак эмас, чунки бу йил тошқин хавфи йўқ.* (А. Қаҳҳор). **Қиёс.** **Эргаш гап.**

БОШ ДАРАЖА. 1. Сифатларнинг белгини кучли-кучсизликка бетараф ҳолда ифодалайдиган, ҳеч қандай даража кўрсаткичга эга бўлмаган шакли: *яхши, катта, чиройли, кенг* каби. **Қ.** **Даража категорияси.** **Қиёс.** **Озайтирма даража.** **Орттирма даража.**

2. *айн.* **Бош нисбат.**

БОШ КЕЛИШИК. Асосий вазифаси эгани (грамматик субъектни) шакллантириш бўлган келишик шакли. Ўзбек тилида бу келишик шакли махсус кўрсаткичга эга эмас (ноль кўрсаткичли шакл). Отнинг бош келишик шакли бошқа келишикларга нисбатан, биринчи навбатда тушум ва қараткич келишикларига зидланишда белгиланади: *китоб* (бош келишик) — *китобни* (тушум келишиги), *китоб* (бош келишик) — *китобнинг* (қараткич келишиги) каби.

БОШ МАЪНО. Кўп маъноли бирлик (сўз, ибора ва б.) маънолари тизимда марказий ўринда турадиган, бошқа маънолар унга тўғридан-тўғри ёки бирор маъно орқали боғланидиган маъно. Мас., *кўз* сўзининг *одамнинг кўзи, деразанинг кўзи, узукнинг кўзи* бирикмаларидаги маъноси бошқа-бошқа (муस्ताқил) маънолар бўлиб, булардан *одамнинг кўзи* бирикмасидаги маъно, яъни «кўриш аъзоси» маъноси бош маънодир. Кейинги икки би-

рикмадаги маъноси эса кейин юзага келган (кейин ҳосил бўлган) маънолардир. Қ. **Лексик маъно турлари.** Қиёс. **Асос маъно.** Ҳосила маъно.

БОШ НИСБАТ. Ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилишини билдирувчи нисбат. Бу нисбатнинг махсус кўрсаткичи йўқ: *сўради, билади, келган, ўрганапти* каби.

БОШ СЎЗ. 1. Луғатларда (луғат мақолаларида) изоҳланадиган, таржима этиладиган сўз. Луғат мақоласи бош сўзга тузилади.

БОШ УРҒУ. Бўғинларни сўзга бирлаштириб турувчи, том маънодаги урғу. Қиёс. **Иккинчи даражали урғу.**

БОШҚАРИЛУВЧИ СЎЗ. Синтактик алоқада ҳоким сўзнинг талаби билан маълум бир грамматик шаклда қўлланувчи сўз. Мас., *мактабга бормоқ, ишдан қайтмоқ* бирикмаларида *мактабга, ишдан* сўзлари бошқарилувчи сўзлардир. Қ. **Тобе сўз.**

БОШҚАРУВ АЛОҚАСИ. Синтактик алоқанинг бир тури бўлиб, бунда тобе сўз ҳоким сўзнинг талаби билан маълум бир грамматик шаклга киради, шу шакл орқали тобеланади: *кинога бормоқ, уйдан келмоқ, кетмон билан ўймоқ* каби. Қиёс. **Мослашув алоқаси. Битишув алоқаси.**

Бошқарув алоқасида тобе сўз ҳоким сўзга келишк шакли ёки кўмакчи ёрдамида боғланади (бошқарилади). Шунга кўра улар келишк шакли бошқарув (қ.) ва кўмакчили бошқарув (қ.) деб юритилади. Ҳоким сўзнинг қайси сўз туркумига оидлигига кўра бошқарувнинг икки асосий тури фарқланади: от бошқаруви (қ.) ва феъл бошқаруви (қ.).

БОШҚАРУВЧИ СЎЗ. Синтактик алоқада тобе сўзнинг маълум бир грамматик шаклда бўлишини талаб қилувчи сўз. Мас., *вазифани текширмоқ, ҳавода учмоқ* бирикмаларида *текширмоқ, учмоқ* сўзлари бошқарувчи сўзлардир. Қ. **Ҳоким сўз.**

БОШ ҲАРФ. Кичик ҳарфдан айримлари ҳажми билан, айримлари эса шакли билан ҳам фарқланадиган ва имло қоидалари асосида маълум ўринларда ишлатиладиган ҳарф: **А, Б, В** ва **б.** Қиёс. **Кичик ҳарф.**

БОҒЛАМА. Феъл бўлмаган сўзни феълга хос маъно ва вазифага мословчи ёрдамчи феъл. Масалан, *Толиб рассом бўлди, Толиб рассом бўляпти, Толиб рассом бўлмоқчи* гапларида *бўл* ёрдамчиси *рассом* сўзи билан қўлланиб майл, закон, шахс-сон маъноларининг ифодаланиши учун хизмат қилади, кесимда ана шундай маъноларнинг воқеланишига имкон яратади. Боғлама вазифасини бажарувчи бирлик ўз луғавий маъносини қисман сақлаши ёки фақат боғлама вазифасини бажариши мумкин. Шунга кўра, боғламанинг икки тури фарқланади: 1) соф боғлама (қ.), 2) ярим мавҳум боғлама (қ.).

БОҒЛАНГАН ҚУШМА ГАП. Таркибидаги предикатив birlikлар ўзаро тенг боғловчилар ёрдамида бириккан (тенг ало-

қали) қўшма гап: *Отдан тушиб, жilовини Ортиққа берди-ю, ўзи директорни молхоналар томонга бошлаб кетди* (П. Қодиров). *Дилафрўз чиндан ҳам ўзгарган, аммо ўктам кулгуси, қуралай кўзларининг киброна боқиши ўша-ўша эди* (Ҳ. Ҳошимов). Қиёс.

Эргаш гапли қўшма гап.

БОҒЛАНМА. Синтактик бирликлар сифатида сўз бирикмаси (қ.) ва гап (қ.) учун умумий ном. Яна қ. **Қўшилма.**

БОҒЛИ МАЪНО. Воқеланиши маълум тор матн, сўз қуршови билан чекланган маъно. Мас., *югурмоқ* ва *ўчмоқ* сўзларининг қуйидаги гапларда ифодалайдиган маъноси боғли маъно ҳисобланади: *Раис Умрзоқ отага ўхшаш обрўли, тажрибакор пахтакорларни қўлга олиш ниятида озмунча югурмади. Гафур тобора асабийлашар эди... лаблари пирпирар, ранглари ўчиб, қўллари титрарди.* Қиёс. **Эркин маъно.**

БОҒЛИ (КҮЧМАС) УРҒУ. Сўзда бўғинлар сони ўзгаришига (ортишига) қарамай, ўрни ўзгармайдиган урғу. Қиёс. **Кўчма урғу.**

БОҒЛОВЧИ. Қўшма гап таркибидаги гапларни, шунингдек, уюшиқ бўлақлар қисмларини бир-бирига боғлаш ва шу йўл билан улар орасидаги турли муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўз: *ва, ҳамда, билан, аммо, чунки* ва б. Боғловчилар маъно ва вазифасига кўра икки асосий турга бўлинади: 1) тенг боғловчилар (қ.), 2) эргаштирувчи боғловчилар (қ.).

БОҒЛОВЧИЛИ БОҒЛАНИШ. Уюшиқ бўлақлар, қўшма гап таркибий қисмларининг боғловчилар ёрдамида боғланиши: *Дафтар ва қалам олди. Тонг ёришди ва қушлар сайрай бошлади.* Қ. **Уюшиқ бўлақлар. Қўшма гап. Қиёс. Боғловчисиз боғланиш.**

БОҒЛОВЧИСИЗ БОҒЛАНИШ. Уюшиқ бўлақлар, қўшма гап қисмларининг боғловчисиз, фақат оҳанг ёрдамида боғланиши: *Полициялар, маршаблар яна уйларга қамалишди* (Ойбек). *Зулфиқоров билан менинг масалам кўрилар эмиш, шунга келдим...* (А. Қаҳҳор.)

БОҒЛОВЧИСИЗ ЭРГАШГАН ҚУШМА ГАП. Таркибий қисмлари (бош ва эргаш гап) ўзаро боғловчи, боғловчи вазифасини бажарадиган ёрдамчи сўз билан эмас, балки бошқа воситалар, мас., феъл шакллари, кўмакчи ва юкламалар ёрдамида боғланадиган қўшма гап: *Тоғлар орқасидаги булутлар тарқалиб, қуёш кўрина бошлади* (Ш. Раҳмон). *Езаётган нарсаи жуда қизиқ бўлса керак, дам-бадам илжайиб қўяди* (А. Қаҳҳор). *Ешинг улғайган сари, тажрибанг ҳам орта боради* (А. Қаҳҳор).

БОҒЛОВЧИСИЗ ҚУШМА ГАП. Таркибидаги предикатив бирликлар ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги сўз ёрдамида эмас, балки бошқа воситалар ёрдамида бириккан қўшма гап. Бундай қўшма гапларда оҳанг муҳим роль ўйнайди. Боғловчисиз қўшма гаплар боғланган ва эргашган қўшма гапларнинг боғловчисиз қўлланган варианты эмас, балки қўшма гап-

нинг алоҳида тури: *Саодатхон эшикни очиб юборди, уйга муздай, куз ҳавоси кирди* (С. Зуннунова). *Булар Мирзачўлга кўчиб келганда ҳам Қаландаров... колхозда бригадир, Ҳуринисо ипакчилик звеносининг бошлиғи бўлган экин* (А. Қаҳҳор). *Биринчи бойлик — соғлиқ, иккинчи бойлик — қайлиқ* (Мақол).

БОҒЛОВЧИ СЎЗ. Эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қиладиган, айни вақтда гап бўлагини вазифасида келадиган сўз; нисбий сўз. Боғловчи сўз вазифасида асосан *ким... у, ўша, шу; нима... шу, ўша; қандай... шундай; қанча... шунча* каби олмошлар келади: *Бу кунларда Сидиқжон нақадар хурсанд бўлса, Қанизак шу қадар хафа эди* (А. Қаҳҳор). *Қайси киши эрталаб шундай машқ қилса, у дардга чалинмайди* (П. Турсун). *Қиёс. Боғловчилар.*

БУЙРУҚ ГАП. Буюриш, илтимос, маслаҳат каби мазмунли гап: *Катта оин, қани, йигитчаларни хурсанд қилинг* (Ойбек). *Мен истаб келган эшикни кўрсатсангиз* (Ҳ. Фулом). *Аравага тўн сол, болиш қўй...* (Саид Аҳмад).

БУЙРУҚ-ИСТАК МАЙЛИ. Ҳаракатни бажариш-бажармаслик ҳақида буюриш, ундаш, истак каби маъноларни ифодаловчи майл: *айт, айтсин, айтгин, айтинг* каби шакллар: *Сиз саройдаги қора йўрғани миниб, шу топдаёқ яйловга жўнанинг* (Ҳ. Фулом). *Сиз шийпонга бориб, бир зум дам олдинг* (С. Зуннунова). *Агротехникани маҳкам ушланглар* (Ҳ. Фулом).

БУЙРУҚ МАЙЛИ — қ. Буйруқ-истак майли.

БУЙРУҚ-ХИТОБ УНДОШЛАРИ. Буйруқ, чақириқ хайрлашув кабиларни ифодаловчи ундошлар: *Ҳой! Тисс! Чу! ва б.*

БУРУНЛАНИШ. Танглай пардаси тушиб, ҳаво оқимининг оғиз ва бурун орқали чиқиши натижасида товушнинг бурун тембрига эга бўлиши.

БУРУНЛАНГАН ТОВУШ. Бурунланиш белгисига эга бўлган товуш. Ўзбек тилида бундай унли йўқ.

БУРУН УНДОШЛАРИ. Ҳаво оқимининг асосий қисми бурун бўшлиғидан ўтиши билан ҳосил бўладиган ундошлар. Мас., м, н ундошлари.

БҮЁЁҚ. Сўзнинг луғавий маъносига қўшимча тарздаги эмоционал-экспрессив ва услубий маънолари. *Қ. Экспрессив-эмоционал бўёқ. Услубий белги. Коннотатив маъно.*

БҮЁЁҚДОРЛИК. Эмоционал, экспрессив ва ш. к. бўёққа, коннотатив ифодага эгалик.

БҮЛИШЛИ-БҮЛИШСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг тасдиқ ёки инкори маъносини ифодаловчи шакллар тизими. Бу категориянинг ўзаро зидланиш ҳосил қилувчи икки аспекти бор: бўлишлилик ва бўлишсизлик. Бўлишсизлик шакли -ма аффикси ёрдамида ясалади. Бўлишликнинг эса маҳсул кўрсаткичи йўқ: *ўрганди* (бўлишли шакл) — *ўрганмади* (бўлишсиз шакл). *К. Бўлишли шакл. Бўлишсиз шакл.*

БҮЛИШЛИ ФЕЪЛ — қ. Бўлишли шакл.

БУЛИШЛИ ШАКЛ. Тасдиқ билдирувчи шакл. *Зид.* Бўлишсиз шакл: *кўрди* (бўлишли шакл) — *бўлмади* (бўлишсиз шакл).

БУЛИШСИЗЛИК ОЛМОШЛАРИ. Шахс, предмет, белги кабиларга инкор этиш билан ишора қилувчи олмошлар: *ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қандай, ҳеч бир* кабилар.

БУЛИШСИЗ ФЕЪЛ — қ. Бўлишсиз шакл.

БУЛИШСИЗ ШАКЛ. Инкор ифодаловчи шакл. *Зид.* Бўлишли шакл: *келмади* (бўлишсиз шакл) — *келди* (бўлишли шакл).

БУҒИЗ ТОВУШИ — қ. Бўғиз ундоши.

БУҒИЗ УНДОШИ. Бўғиз бўшлиғида ҳосил бўладиган ундош товуш. Мас., *ҳамма, ҳозир, ҳам* сўзларидаги ҳ ундоши.

БУҒИН. Сўзнинг нутқда алоҳида (ажратиб) талаффуз қилиш мумкин бўлган энг кичик бўлаги. Бўғин бир товушдан ёки товушлар гуруҳидан иборат бўлиши мумкин: *о-на, о-та, бо-ла, бал-ки* каби.

БУҒИН ҚУЧИРИШ. — *айн.* Сўз кўчириш.

БУҒИНЛИ ЁЗУВ. График шакл бўғинининг ифодаси учун хизмат қиладиган ёзув. Мас., япон ёзуви.

В

ВАРВАРИЗМ (*юн.* barbarismos). Она тилига ўзлашмаган. ўзга тил ҳодисаси сифатида қўлланган сўз ёки ибора. Варваризмлардан, одатда ўзга ерга хос расм-одатларни тасвирлашда, маҳаллий колоритни яратишда фойдаланилади: *мадам, миссис* ва б.: *Ич мадам, потом гулятга борамиз* (Ойбек).

ВАРИАНТ (*лот.* variants, variantis — ўзгарувчи). Тил бирлигининг турли-туман ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган шакли. Мас., а ф ф и к с н и н г в а р и а н т и (қ.), с ў з н и н г в а р и а н т и (қ.).

ВЕЛЯРИЗАЦИЯ (*лот.* velaris — орқа танглай). Тил орқа қисмининг юмшоқ танглайга яқинлануви асосидаги овоз ва шовқиннинг кескин пасайиши натижасида товушнинг қаттиқлашуви. Қ. Веляр ундошлар. Қиёс. Палатализация.

ВЕЛЯРИЗАЦИЯЛАНГАН УНДОШ. Асосий артикуляцияга веляризация қўшилган ундош. Тил орқа қ, ғ, х ундошларидан бошқа ҳамма ундошлар веляризацияланган бўлиши мумкин. Қиёс. Палаталанган ундош.

ВЕЛЯР УНДОШЛАР — *айн.* Орқа танглай ундошлари.

ВЕРГУЛ. Тиниш белгиларидан бири (,). Бу белги, масалан, қуйидаги ҳолларда қўйилади: а) қўшма гап компонентлари орасида: *Кун боғиб, осмон қорайган* (П. Турсун); б) ундالمаларни ажратиш учун: *Ўртоқлар, бир оз кутамиз*; в) уюшиқ бўлақларни ажратишда: *Сен кўйчи, пахтакор, олим...* (Ғ. Ғулом) ва б.

ВИБРАНТ (лот. vibrantis — титроқ) — қ. Титроқ ундош.

ВИД — қ. Вид категорияси.

ВИД КАТЕГОРИЯСИ — қ. Тус категорияси.

ВИДЕРЖКА. Товуш артикуляциясининг ўрта фазаси. Бунда нутқ аъзолари худди шу товушнинг талаффузи учун зарур ҳолатда бўлади. Қ. Присгуп. Отстун.

ВОКАБУЛА (лот. vocabulum — сўз). 1. Лексикология ва лексикографиянинг ўрганиш манбаи сифатидаги алоҳида олинган сўз.

2. Луғат мақоласининг бош сўзи.

ВОКАЛИЗМ (лот. vocalis — унли) — қ. Унлилар тизими.

ВОКАТИВ (лот. vocativis — ундаш келишиги). 1. айн. Ундаш келишиги. 2. ойн. Ундалма.

ВОКАТИВ ГАП — қ. Ундаш гап.

ВОЛАПЮК (volapük <ингл. world — дунё, speak — гапирмоқ, яъни дунё тили). 1880 йилда немис католик руҳонийси Шлейхер томонидан тавсия этилган сунъий халқаро тил.

ВОСИТАЛИ КЕЛИШИК. Бош ва қаратқич келишикларидан бошқа келишиклар воситали келишиклар гуруҳини ташкил этади. Булар сўз бирикмаси ва гап таркибида синтактик тобеликни ифодалашига кўра бир гуруҳга бирлаштирилади.

ВОСИТАЛИ ОБЪЕКТ — айн. Воситали тўлдирувчи.

ВОСИТАЛИ ТЎЛДИРУВЧИ. Тушум, қаратқич, бош келишиклардан бошқа келишикдаги сўз билан ёки кўмакчи олган сўз билан ифодаланиб, ҳаракат-ҳолат бевосита йўналмаган объектни кўрсатадиган тўлдирувчи: *Ховузни сувга тўлдирдик* (И. Раҳим). *Биламан, бу гап Ҳафизадан чиққан* (А. Қаҳҳор). *Ҳамма учун эрмак бўлди бу китобчалар* (М. Исмоилий). *Сизга ҳали Умри тўғрисида гапиришди* (А. Қаҳҳор). Қиёс. **Воситасиз тўлдирувчи.**

ВОСИТАСИЗ ТЎЛДИРУВЧИ. Тушум келишигидаги сўз билан ифодаланиб, ҳаракат бевосита йўналган объектни кўрсатадиган тўлдирувчи: *Кампир чархнинг гув-ғувидан қизларнинг гапини эшитмас эди* (Ойбек). *...Гантибойвачча чап томондаги кичкина кўчани кўрсатди.* (Ойбек). Қиёс. **Воситали тўлдирувчи.**

ВОСИТА ТИЛ. Миллатлар, элатлар орасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган тил.

ВУЛЬГАРИЗМЛАР (лот. vulgaris — оддий, содда) — қ. Дағал сўз, Дағал ибора.

Г

ГАЛЛИЦИЗМ (лот. gallicus). Француз тилидан ўзлашган, лекин ёт элемент экани сезилиб турадиган сўз ёки ибора: *мерси, пардон* каби. Қ. Варваризм.

ГАП. 1. Тил қонушлари асосида грамматик ва оҳанг жиҳатдан шаклланган, фикрни ифодалаш учун хизмат қиладиган нутқ бирлиги. Гапнинг грамматик асосини предикативлик — замон категорияси, модаллик категорияси ва хабар оҳанги ташкил этади. Гаплар тузилиши, коммуникатив вазифаси ва б. белгиларига кўра бир неча турларга бўлинади. *Қ. Гап турлари.*

2. Қўшма гапнинг предикатив birlikка тенг қисми (мас., эргаш гап).

ГАП БЎЛАКЛАРИ. Гап таркибида маълум бир сўроққа жавоб бўлиб, маълум бир синтактик вазифада келувчи сўз ёки сўз бирикмалари.

Гап бўлаклари гап таркибидаги ролига қараб, икки асосий турга бўлинади: 1) бош бўлақлар (қ.), 2) иккинчи даражали бўлақлар (қ.).

Тузилишига кўра гап бўлаклари икки турга бўлинади: 1) содда бўлақ (қ.), 2) мураккаб бўлақ (қ.).

ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ ТАРТИБИ. Гап бўлақларининг ўзаро маълум грамматик қонун-қонда асосида, маълум синтактик, мазмуний, услубий қиймати билан боғлиқ ҳолда жойлашуви. Гап бўлақлари тартибининг икки тури бор: 1) тўғри тартиб (қ.), 2) тескари тартиб ёки инверсия (қ.).

ГАПЛОЛОГИЯ. (юн. *gaplos* — оддий; *logos* — тушунча, таълимот). Ясама сўзларда қатор келган бир хил ёки бир-бирига ўхшаш бўғинлардан бирининг тушиши: *минералогия* (*минералология* ўрнига); *қайна* < *қайнана* < *қайнона*, *қайни* < *қайнини* < *қайн* ини каби.

ГАПНИНГ АКТУАЛ БЎЛИНИШИ. Гапнинг муайян нутқий матндаги мундарижасидан келиб чиқиб, мазмун жиҳатдан бўлиниши. Бундай бўлинишида гап икки қисмдан иборат бўлади: 1) сўзловчи ва тингловчи (ўқувчи) учун маълум нарсани ифодаловчи қисм (тема), 2) сўзловчи билдирмоқчи, айтмоқчи бўлган қисм, яъни янги ахборот, маълумот қисми (рема): *Бу йилги режалар яна ҳам катта.* Бу гапнинг актуал бўлинишида тема: *бу йилги режалар*; рема: *яна ҳам катта. Қ. Тема. Рема.*

ГАПНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. Гапнинг ўзаро фикр олишувда бажарадиган вазифалари. Гапнинг икки асосий вазифаси фарқланади: 1) нутқий алоқа вазифаси (қ. **Гапнинг нутқий алоқа вазифаси**); 2) эстетик вазифа (қ. **Гапнинг эстетик вазифаси**).

ГАПНИНГ ГРАММАТИК ТУЗИЛИШИ. Гапнинг уни ҳосил этган синтактик унсурлардан иборат тузилиши: *Гули Сабоҳат она билан Дилмуродни кузатиш учун эрталаб барвақт автостанцияга чиқди* (У. Юсупов). *Турли-туман гуллар бирин-кетин очилгач, бутун ҳовли гул ҳидига қопланди-ю, дам олиш соатлари яна ширин ва яна мазали туюларди.* Биринчи гап содда гап бўлиб, унинг таркибидаги бўлақлар шу гапнинг синтактик тузилишини ташкил этади. Иккинчи гап эса қўшма гап ва унинг

таркибий унсурлари (ҳосил қилувчи гаплар) шу қўшма гапнинг грамматик тузилишини ташкил этади.

ГАПНИНГ МАЗМУНИЙ ТУЗИЛИШИ. Гапнинг мазмун жиҳати, мавҳум мантиқий-грамматик маъноси («фикр предмети ва унинг белгиси» каби), субъект, фикрий объект каби мазмуний категориялар асосида келтириб чиқариладиган мазмун.

ГАПНИНГ НУТҚИЙ АЛОҚА БУЛАКЛАРИ. Гапнинг актуал бўлинишида унинг тема ва ремалардан иборат тузилиши. Қ. **Тема, Рема: Гапнинг актуал бўлиниши.**

ГАПНИНГ НУТҚИЙ АЛОҚА ВАЗИФАСИ. Гапнинг фикр ифодалаш воситаси сифатида бажарадиган вазифаси. Қ. **Гапнинг вазифалари.** Нутқий алоқа вазифасига кўра гаплар бир неча турга бўлинади. Қ. **Гап турлари.**

ГАПНИНГ НУТҚИЙ АЛОҚА ТУЗИЛИШИ. Гапнинг ўзаро мазмун муносабатида бўлган қисмлардан (нутқий алоқа бўлақларидан) иборат тузилиши. Қиёс. **Гапнинг синтактик тузилиши.** Қ. **Гапнинг актуал бўлиниши. Гапнинг нутқий алоқа бўлақлари.**

ГАПНИНГ ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ. Гапнинг фикр мазмунига қўшимча тарзда турли ҳис-эмоция, таъсирчанлик ифодалаш вазифаси. Эстетик вазифа бажариш ёки бажармаслигига кўра гаплар икки турга бўлинади: 1) эмоционал гап, 2) ноэмоционал ёки интеллектуал гап. Қ. **Гап турлари.**

ГАП ТУРЛАРИ. Гапнинг таснифига кўра турлари. Гаплар турли нуқтаи назардан тасниф қилинади ва унинг турлари ҳам шу тасниф нуқтаи назаридан белгиланади. Гаплар қуйидаги нуқтаи назардан тасниф қилинади:

1. Таркибида предикатив бирликнинг миқдорига кўра. Бунда гапларнинг икки тури фарқланади: 1) содда гап (қ.), 2) қўшма гап (қ.).

2. Нутқий алоқа вазифасига кўра (қ. **Гапнинг коммуникатив вазифаси**). Бунда гапларнинг уч тури фарқланади: 1) дарак гап (қ.); 2) сўроқ гап (қ.); 3) буйруқ (қ.).

3. Эстетик вазифасига кўра (қ. **Гапнинг эстетик вазифаси**); 1) эмоционал гап (қ.) 2) ноэмоционал ёки интеллектуал гап (қ.).

Ўз навбатида гапнинг бу турлари турли нуқтаи назардан ўз ичиде яна бир неча турларга бўлиниши мумкин.

ГЕМИНАТА — қ. Қўш ундош.

ГЕМИНАЦИЯ — қ. Қўш ундошлик.

ГЕРМАНИЗМ (лот. germanus — герман). Герман тилларидан ўзлашган, лекин ёт унсурлар экани сезилиб турадиган сўз ёки ибора: *денди, мисс* ва б.

ГИДРОНИМ (юн. hydor — сув; опута — ном). Дарё, сув ҳавзалари кабиларнинг номлари.

ГИПЕРБОЛА (юн. hyperbole — муболаға). Нарса, ҳодиса, жараёнларнинг белги-хусусиятини, ҳолатини ўта бўрттириб тас-

вирлаш: *Қил устида турибди. Сарик чақага олмайди. Сарҳовуздан катта эди косаси* (Фольклор).

ГИПОТАКСИС. (юн. *hupo* — ости + *taxis* — жойлашув). Қ. Тобе алоқали тузилма. *Қиёс. Паратаксис.*

ГЛОССАРИЙ. Бирор асар, аниқса қадимги асарлардаги эскирган ва кам қўлланадиган, тушунилиши қийин бўлган сўзлар изоҳланадиган лугат.

ГЛОТТОГОНИК ЖАРАЁН. Тилнинг пайдо бўлиш ва тараққиёт жараёни.

ГЛОТТОГОНИЯ (юн. *glotta* — тил + *gonos* — туғилиш).

1. Тилнинг келиб чиқиши.

2. Тилнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги таълимот.

ГРАДАЦИЯ (лот. *gradatio* — босқичма-босқич кучайтириш) Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини (мазмунини) кучайтириб боришидан иборат услубий жараён:

*Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,
Бўлсанг йиғит, бўлсанг ҳамки чол,
Қўлингга қурол ол!*

(Ҳ. Олимжон.)

ГРАДУАЛ ОППОЗИЦИЯ (лот. *gradus* — қадам, босқич) — Қ. Даражали оппозиция.

ГРАММАТИЗАЦИЯ — айн. Грамматикализация.

ГРАММАТИКА (юн. *grammatike* — ҳарф ўқиш ва ёзиш санъати). 1. Тилшуносликнинг сўз шакллари (шакл ясалиши), сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари (тилнинг грамматик қурилиши) ҳақидаги бўлими. Урганиш манбаи, материали ва вазифаси нуқтан назаридан грамматиканинг бир неча тури фарқланади: 1) тарихий грамматика (қ.); 2) тасвирий грамматика (қ.); 3) формал грамматика (қ.). Ҳазаро қардош ёки қардош бўлмаган тиллар грамматик қурилишни солиштириб ўрганишига кўра грамматиканинг икки тури фарқланади: 1) чоғиштирма грамматика (қ.); 2) қиёсий грамматика (қ.).

2. айн. **Грамматик қурилиш:** *Ўзбек тилининг фонетика ва грамматикаси.*

3. Сўз шакллари, уларнинг сўз бирикмаси ва гапдаги ўзаро боғланиши ҳақида қоидалар мажмуи: *Ўзбек тили грамматикасини ўрганиш.*

ГРАММАТИКАЛАШИШ. 1. Сўзнинг мустақил лугавий маъносини йўқотиб, ёрдамчи вазифада қўлланишига ўтиши, ёрдамчи сўзга айланиши. Мас., *кўра, қараганда, асосан* сўзларининг ёрдамчи вазифада қўлланиши; *билан, эди* кабиларнинг бутунлай ёрдамчи сўзга айланиши.

2. Сўз бирикмасининг аналитик шаклга айланиши. Бунда ҳам сўз бирикмасини ҳосил қилувчи қисм (сўз)лардан бири ўз мустақиллигини йўқотади. Мас., ўзбек тилидаги *ўқий бошламоқ*, *ёзиб кўрмоқ* каби бирикувлар аслида сўз бирикмаси бўлган. Ҳозирда эса, улар таркибидаги *бошламоқ*, *кўрмоқ* феъллари мустақил луғавий маънога эга эмас, шу туфайли улар аналитик шакл ҳисобланади.

ГРАММАТИКАЛИЗАЦИЯ — қ. Грамматикалашиш.

ГРАММАТИК АЛОҚА — айн. Синтактик алоқа.

ГРАММАТИК АНТОНИМИЯ. Грамматик бирликларнинг ўзаро антоним бўлиши, антонимик муносабати.

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ. Асосида ётувчи умумий маъносига кўра бирлашувчи шакллар тизими. Грамматик категориянинг одатда икки тури фарқланади: 1) морфологик категория (қ.); 2) синтактик категория (қ.).

ГРАММАТИК КЕСИМ — айн. Кесим. Қиёс. Логик кесим.

ГРАММАТИК МАЪНО. Сўзнинг шаклий қисми, грамматик шакли ифодалайдиган маъно. Мас., *-лар* қўшимчаси отга хос кўплик маъносини (*дўстлар*, *боғлар* каби), — *яп* аффикси феълга хос ҳозирги замон маъносини (*келяпти*, *сўраяпти* каби) ифодалайди. Қиёс. Лексик маъно. Лексик-грамматик маъно. Қ. Грамматик форма.

ГРАММАТИК ОМОНИМИЯ. Грамматик бирликлар орасидаги омонимия. Қ. Оморфемалар.

ГРАММАТИК СИНОНИМИЯ. Грамматик бирликларнинг (сўз шакли, сўз бирикмаси ёки гапларнинг) ўзаро синоним бўлиши. Қ. Синтактик синонимия.

ГРАММАТИК СОН — айн. Сон категорияси.

ГРАММАТИК УСЛУБИЯТ. Сўз туркумлари ва уларга хос шаклларнинг таъсирчанлик хусусиятлари, синтактик тузилмаларнинг услубий имкониятлари, шунингдек, нутқда грамматик воситаларни мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

ГРАММАТИК ФОРМА — қ. Грамматик шакл.

ГРАММАТИК ШАКЛ. Грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган тил воситалари. Мас., *ёздиряпман* феъли таркибида орттирма ивобат, ҳозирги замон, биринчи шахс бирлик маъносини ифодаловчи шакллар қатнашган. Грамматик шакл аффикслар ёрдамида ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ҳосил қилинади. Шунга кўра грамматик шаклнинг икки тури ўзаро фарқланади: 1) синтетик шакл (қ.); 2) аналитик шакл (қ.). Грамматик категорияга бўлган муносабатига кўра грамматик шаклнинг икки тури фарқланади: 1) категориал шакл (қ.); 2) нокатегориал шакл ёки функционал шакл (қ.).

ГРАММАТИК ЭГА — айн. Эга. Қиёс. Логик эга.

ГРАММАТИК ҚУРИЛИШ. Тилга хос сўз шакли, сўз бирикмаси ва гап қурилиши.

ГРАФЕМА (юн. *graphie* — шакл, сурат). Ёзув бирлиги. Бундай бирлик сўздаги, гаптаги ўрнига кўра, услуб ва ҳ.га қараб, катта ва кичик шаклига (**А, а**), қора ва курсив шаклига (**а, а**) эга ва ҳ. Графема бир товушнинг ҳам, икки ёнма-ён товушнинг ҳам ифодаси бўлиши мумкин. Мас., **ё** (**й+о**), **е** (**й+э**), **ю** (**й+у**), **я** (**й+а**) графемалари.

ГРАФИКА (юн. *graphike* — ёзма). 1. Нутқ товушларини ёзиб ифодалаш воситаларининг муайян тизими: *рус графикаси, араб графикаси*.

2. Тилшуносликнинг алифбодаги ҳарфлар таркибинин, шаклини, ҳарф ва нутқ товушлари орасидаги муносабатни белгилани билан шуғулланувчи амалий соҳаси.

ГРЕЦИЗМ. Грек (юнон) тилидан ўзлашган, лекин ёт унсур экани сезилиб турадиган бирликлар (сўз, ибора ва б.). Қ. **Варваризм.**

ГУМОН ОЛМОШЛАРИ. Предмет, белги кабилар ҳақиқи воаниқ тасаввур аниқлашувчи, уларга тахминли ишора қилувчи олмошлар: *аллаким, аллақандай, қандайдир, бир нима* кабилар: *Бунинг бадалига унга бир ов битта-яримта нон, яна бир ов чойчақа бериб кетади* (Ҳ. Ғуллом). *Алаким қаердадир* кўрганга тақлид қилиб, бинокорлик бригадаси Тўлган аканинг ёрдами билан пўхтахона ташкил қилди (А. Қаҳҳор).

ГУМОН ЮКЛАМАСИ. Ўзи алоқадор сўзнинг ёки бутун гапнинг мазмунига воаниқлик (гумон) маъносини берувчи юклама: *-дир (қаердадир), балки: Бола, «қўдим» дегандай бошики қилдирилатиб, қаергадир ўқдай учди* (Ойбек). *Балки завод қуриш учун овора бўлишига тўғри келмас...* (Ойбек).

Д

ДАРАЖА КАТЕГОРИЯСИ. 1. Белгининг бир-бирига қиёсан даражасини кўрсатадиган грамматик категория. Асосан сифат туркумига, қисман равиш туркумига хос. Бу грамматик категориянинг уч тури бор: 1) бош даража (қ.); 2) озайтирма даража (қ.); 3) орттирма даража (қ.): *ғўзал—ғўзалроқ—жуда ғўзал* каби.

2. қ. **Нисбат категорияси.**

ДАРАЖАЛИ ОППОЗИЦИЯ. Қарама-қарши қўйилувчиларнинг ҳар бирида бор белгининг турли даражада бўлиши асосидаги зидланиш. Мас., *чиройли—сулув—барно—ғўзал*.

ДАРАК ГАП. Воқеа-ҳодисани тасдиқ ёки инкор йўли билан қайд этувчи, хабар этувчи гап: *Уша солдат тўғрисида биронта-сига мириқиб ҳикоя қилиб бергим келади* (А. Мухтор). *Бир неча минутдан кейин бу кўчага одам сиғишмай қолди* (А. Қаҳҳор).

ДАҒАЛ ИБОРА. Адабий тил, одатдаги (мақбул) муомала учун хос бўлмаган, қўпол муносабатини ифодаловчи ибора: *қуюшқондан чиқмоқ, думига челақ боғламоқ* каби.

ДАҒАЛ СЎЗ. Адабий тилга кирмайдиган қўпол сўз. Мас., *емоқ, чайнамоқ* сўзлари ўрнида қўлланувчи *кавшамоқ, ғажимоқ* сўзлари: *Қанча сўксанг, шунча шилқим, турфа суллоҳ ба чағар* (Муқимий).

ДЕКОРРЕЛЯЦИЯ (лот. de — «олиш», «ажратиш» маъноли олд қўшимча + correlatio — ўзаро алоқа. муносабатдорлик). Сўзда морфемалар миқдори сақлангани ҳолда уларнинг маъноси, хосса-хусусияти ва ўзаро муносабатининг ўзгариши. Мас., *унинг* сўзи асли ул — олмош ва *-инг* — қаратқич келишиги қўшимчасидан таркиб топган. Кейинчалик морфемаларга ажралиш ўзгарган: у — олмош ва *-инг* — келишик қўшимчаси. Қ. **Морфологик қайта бўлиниш.**

ДЕМИНУТИВ (лот. deminutus — кичрайган) — айн. **Кичрайтиш шакли:** *қизча, столча, тугунчак* каби.

ДЕНОТАТ (лот. denotare — белгиламоқ). Тил бирлиги (мас., сўз) ёрдамида номланувчи (аталувчи) воқелик, нарса-буюм. Мас., *юз, афт, башара, чеҳра, турқ* сўзлари бир предмет (денотат)нинг турли помларидир. Қиёс. **Сигнификат.**

ДЕНОТАТИВ МАЪНО. Денотат билан бевосита боғлиқ, уни бевосита билдирувчи маъно. Қ. **Денотат.** Қиёс. **Коннотатив маъно.**

ДЕНОТАЦИЯ. Тил бирлигининг асосий, денотатив маъно ифодаси. Қиёс. **Коннотация.**

ДЕПРЕДИКАЦИЯ. Предикатив синтагмани попредикатив синтагма тарзида трансформациялаш. Мас., *Делегация Тошкентга келди.* — *Делегациянинг Тошкентга келиши.* Қ. **Трансформация.** Номинализация.

ДЕРИВАТОЛОГИЯ — айн. Сўз ясалиши 1.

ДЕРИВАЦИОН МАЪНО — айн. Сўз ясалиш маъноси.

ДЕРИВАЦИОН МОРФЕМА — айн. Сўз ясовчи формант. Қ. **Формант.**

ДЕРИВАЦИЯ (лот. derivatio, — ясалиш) — айн. **Аффиксал сўз ясалиши.**

ДЕСЕМАНТИЗАЦИЯ (лот. de — «айириш» маъноли олд қўшимча: *юн. semantikos* — ифодаловчи) — қ. **Маъносизланиш.**

ДЕСКРИПТИВ ЛИНГВИСТИКА (ингл. descriptive — тасвирий). Ҳозирги тилшуносликда америка структурализми деб номланувчи йўналиш. Бу йўналиш тил тузилиши шаклий унсурларини дистрибутив метод асосида ўрганади. Қ. **Структурализм.** **Дистрибутив метод.**

ДЕТЕРМИНАНТ. Гапнинг бошланишида мустақил таркибий қисм сифатида келиб, ўзидан кейинги қисмга бир бутун ҳолда тааллуқли бўлиб, уни яхлитлигича кенгайтирадиган иккинчи даражали бўлак. Мас., *Кеча ҳаво булут бўлиб, бир оз ёмғир ёғди.*

ДЕФИС (нем. *Devis* < лот. *divisio* — бўлиниш). Жуфт ва такрорий сўзларда, сўз ва унга қўшиладиган айрим унсурлар ўртасида ва б. бир неча ҳолатларда ярим қўшиб ёзишни кўрсатиш учун қўйиладиган чизиқча (-): *аста-секин, паст-баланд, жажжи-жажжи, бора-бора, келди-ку* каби.

ДЕЭТИМОЛОГИЗАЦИЯ (лот. *de* — «айвриниш» маъноли олд қўшимча + этимология). Сўзда этимологик боғланишнинг йўқолиши, яъни сўз ясалishiга асос бўлган қисм билан сўз ясовчи формант маъно муносабатикининг йўқолиши. Деэтимологизация турли ҳодисалар туфайли, мас., товуш ўзгаришлари, морфемаларнинг истеъмолдан чиқishi ва ҳ. натижасида юз беради. Мас., ўзбекча *юксак, юксал, юқори* сўзлари *юк-/люқ-* сўзи билан боғлиқ. Лекин ҳозирги тилда бу сўзлар ясама деб қарамайди.

ДИАКРИТИК БЕЛГИ (юн. *diakritikos* — фарқловчи). Ҳарфга қўшимча равишда биркитилиб, бошқача товушни кўрсатувчи ҳарф ҳисоб қилинида қатнашадиган белги. Мас., *ё* ҳарфидаги икки нуқта, *қ* ҳарфидаги остки белги ва б.

ДИАЛЕКТ (юн. *dialektos* — шева, лаҳжа). Умумхалқ тилининг сон жиҳатдан ишбаган кам бўлган, бироқ ҳудудий касб-хунар ва б. жиҳатдан умумийликка эга бўлган кишилар томонидан қўлланиладиган кўриниши. Қ. Касб-хунар лексикаси. Социал диалект, Маҳаллий (ҳудудий) диалект. Қиёс. Лаҳжа, Шева.

ДИАЛЕКТАЛ ЛУҒАТ. Тилнинг диалект ва шеваларига хос — фонетик ёки маъно жиҳатдан адабий тилдагидан фарқ қиладиган сўзларни қайд этадиган луғат (мас., «Ўзбек халқ шевалари луғати», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971).

ДИАЛЕКТИЗМЛАР. Бирор диалектга хос бўлган тил бирликлари. Диалектизмлар сўз, ибора ёки бошқа birlikлар бўлиши мумкин. Мас., *жамин* (ёмон), *чоч* (соч) — фонетик диалектизм; *патинжон* (помидор), *болши* (ёстик) — лексик диалектизмлар; *кўчага кўрдим* (кўчада кўрдим) — грамматик диалектизм ва ҳ.

ДИАЛЕКТОГРАФИЯ (юн. *dialektos* — шева, лаҳжа + *grapho* — ёзаман). Маҳаллий диалект, лаҳжа ва шеваларни тасвирий йўл билан ўрганувчи соҳа; тасвирий диалектология.

ДИАЛЕКТОЛОГИК АТЛАС — қ. Лингвистик атлас.

ДИАЛЕКТОЛОГИК ЛУҒАТ — қ. Диалектал луғат.

ДИАЛЕКТОЛОГИК ХАРИТА. Бирор тилнинг диалект, лаҳжа ва шеваларининг географик жойлашувини кўрсатувчи харита.

ДИАЛЕКТОЛОГИЯ (юн. *dialektos* — шева, лаҳжа + *logos* — тушунча, таълимот). Тилшуносликнинг диалект, лаҳжа ва шеваларни ўрганувчи бўлими.

ДИАЛОГ (юн. *dialogos* — суҳбат). Суҳбатдошларнинг бевосита бир-бирига қаратилган нутқи. Нутқнинг бу тури ўзига

хос бир қатор белги-хусусиятларга эга. Мас., унинг синтактик қурилиши нисбатан содда бўлади, ҳар бир шахснинг гапи одатда қисқа бўлади ва ҳ.:

— *Шу ерга чақира қолай?*

— *Келармикан?*

— *Илтимос қилиб кўрамиз-да.*

— *Ха, майли...* (Уйғун).

ДИАХРОНИЯ (юн. dia — орқали + chronos — вақт). Айрим тил ҳодисаларининг, яхлитлигича тил тизимининг тарихий изчил ривожланиш босқичлари лингвистик ўрганиш манбаи сифатида. *Қиёс. Синхрония.*

ДИВЕРГЕНТ (лот. divergere — турли томонга тарқалувчи). Дивергенция йўли билан бир фонеманинг вариантларидан тараққий этган (келиб чиққан) фонема. Мас., ўзбекча тил орқа а улинидан келиб чиққан о (о) угли фонемаси (*қишлоқ* сўзидаги).

ДИВЕРГЕНЦИЯ. 1. Ўзгаришга сабаб бўладиган позиция шароитларининг йўқолиши натижасида фонема вариантларининг фонологизацияланиши, бир фонеманинг икки фонемага ажралаши.

2. Товушларининг позиция ҳолатга кўра бирдан ортиқ товушга бўлиниши.

ДИЕРЕЗА (юн. diacresis — бўлиниш). Қатор ундошлардан бирининг ассимиляция ёки диссимиляция натижасида тушиб қолиши. Мас., *арслон* > *аслон*.

ДИНАМИК УРҒУ. Товуш кучининг ўзгаришига (интенсивлигига) асосланадиган урғу. Динамик урғуда интенсивлик етакчи бўлади. *Қиёс. Квантитатив урғу.*

ДИССИМИЛЯЦИЯ (лот. dissimilis — ноўхшаш). Сўздаги бир хил ёки бир-бирига қисман ўхшаш товушлардан бирининг артикуляция жиҳатдан фарқ қиладиган бошқа товуш томон ўзгариши. Диссимиляция жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, асосан сўзлашув пукқида юз беради: *транвай* (*трамвай* ўринга), *зарал* (*зарар* ўринга) ва ҳ. Ўз хусусиятига кўра диссимиляциянинг икки тури фарқланади: контакт диссимиляция (*к.*), дистант диссимиляция (*қ.*). *Қиёс. Ассимиляция.*

ДИСТАНТ АССИМИЛЯЦИЯ. Ёнма-ён бўлмаган ундошлар ассимиляцияси. Мас., *мошкичири* — *мошкичири каби*. *Қиёс. Контакт ассимиляция.*

ДИСТАНТ ДИССИМИЛЯЦИЯ. Ёнма-ён бўлмаган ундошлар диссимиляцияси. Мас., *зарал* (ад. -орф. *зарар*). *Қиёс. Контакт диссимиляция.*

ДИСТАНТ ҲОЛАТ (лот. distantia — оралиқ). Тил birlikларининг бир-бирдан ажралган, узоқлашган ҳолда жойлашуви. Мас., эга ва кесимнинг дистант ҳолати: *А з и з йиш кун и ярим тунгача у х л о л м а ф и* (У. Усмонов). *Қиёс. Контакт ҳолат.*

ДИСТРИБУТИВ МЕТОД. Структурал лингвистикада тил

унсурларни муайян тилга хос қонун-қоидалар асосида бўлш методи.

ДИСТРИБУЦИЯ (лот. *distributio* — ажратиш, тарқатиш). Бирор тил бирлигининг нутқда бошқа тил бирликлари қуршовида ишлатила олиш ўринлари. Дистрибуциянинг қуйидаги турлари бор: 1) қўшимча дистрибуция (қ.); 2) эркин алмашиниш дистрибуцияси (қ.); 3) контраст дистрибуция (қ.) ва б.

ДИФТОНГ (юн. *di(s)* — икки *kapra+phthongos* — овоз, товуш). Икки товушдан таркиб топган унли бир бўғин таркибида келувчи, шунга кўра бир товушга яхлитланувчи унли. Дифтонг ўзбек тилида деярли йўқ. *Қиёс. Монофтонг.*

ДИФФЕРЕНЦИАЛ СЕМА (лот. *differens* — фарқловчи) — айн. Фарқловчи сема.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ВАЗИФА — қ. Фарқлаш вазифаси.

ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ (лот. *differentia* — фарқланиш). 1. Тил бирликларининг шакл, мазмун ва бошқа жиҳатдан ўзаро ажралиши, қатламланиши. Мас., *артмоқ* ва *арчмоқ* феълларининг фонетик ва маъно жиҳатдан ўзаро алоҳидаланиши; *ишлар*, *келар* феъл шаклининг гумон ифодаловчи шаклга айланиши унинг *ишлайди*, *келади* шакли билан дифференцияланиши натижаандир.

2. Тил эволюциясининг хусусиятларидан бири бўлиб, бунинг таъсирида тил лаҳжалари ўртасида ноўхшашликлар вужудга келиб, улар мустақил тилларга айланади. *Қиёс. Интеграция.*

ДИФФУЗ ТОВУШЛАР. Бир-биридан ажралмас, бир-бирига сиғиб кетган товушлар.

ДОМИНАНТА (лот. *dominans, dominantis* — ҳоким). Синонимик қатордаги бош сўз: бу сўз синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган денотатив маънони ифодалайди. Мас., *юз — бет — афт — башара — чехра — жамол — дийдор — ораз — узор — рухсор* синонимик қаторида *юз* сўзи доминанта ҳисобланади.

ДОНА СОН. Предметнинг миқдорини доналаб кўрсатувчи миқдор соғлар. Соннинг бу тури *-та* қўшимчаси ёрдамида ясади: Мас., *бешта*, *тўққизта* каби.

ДУБЛЕТЛАР (фран. *doublet* < *double* — иккили). Бир хил (тенг) семантик таркибга эга бўлган тил бирликлари. Мас., *тилчи — тилшунос*, *адаб — одоб*, *арзийдиган — арзирли* ва б. Қ. Абсолют синонимлар, Вариант.

Е

ЕТАКЧИ ФЕЪЛ. Аналитик феъл шаклларида ўз мустақил маъносини сақловчи феъл. Мас., *ўқиб чиқди*, *эзиб ташлади*.

бора қол, йиқилиб кетди каби аналитик шаклларда ўқи, ээ, бор, йиқил феъллари етакчи феъл ҳисобланади. Қ. Ёрдамчи феъллар. Аналитик шакл. Қиёс. Қўмакчи феъл.

Ё

ЕЗМА НУТҚ. Нутқ товушларини махсус график белгилар воситасида ёзиш билан ифода этиладиган нутқ. Қиёс. **Оғзаки нутқ.**

ЁЗУВ. 1. Нутқни қоғозда (ёки бошқа нарсада) акс эттириш учун хизмат қиладиган ҳарфий график шакллар тизими, шу тизимга асосланувчи алоқа воситаси.

2. айн. **Графика.**

ЁИИҚ ГАП. Бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ташкил топган гап: *Қизлар звеноси Дилшоднинг уйида уйин-кулги билан кўнгул очшиди* (Ойбек). *Низомжон опасининг гапларини чин юракдан эшитиб ўтирарди* (Саид Аҳмад). Қиёс. **Йиғиқ гап.**

ЁИИҚ БУЛАК — қ. Мураккаб бўлак.

ЁНДОШ АССИМИЛЯЦИЯ. Ёнма-ён ундошлар ассимиляцияси. Мас., *лн > лл*: *қўлни — қўлли*, *тд > тт*: *кетди — кетти* каби. Қиёс. **Дистант ассимиляция.**

ЁНДОШ ДИССИМИЛЯЦИЯ. Ёнма-ён ундошлар диссимиляцияси. Мас., *транвай* (ад. -орф. *трамвай*). Қиёс. **Дистант диссимиляция.**

ЁНДОШ ҲОЛАТ. Тил бирликларининг бевосита ёнма-ён (орада бошқа бирликлар бўлмай) жойлашуви. Мас., эга ва кесимнинг ёндош ҳолати: *Меҳмонлар келишди*. Қиёс. **Дистант ҳолат.**

ЁН УНДОШ. Тил учининг юқори милкка жипселашуви натижасида ҳаво оқими настра тушган тил орқа қисмининг икки ёнидан ўтиши билан ҳосил бўладиган л сонор товуши.

ЁПИЛГАН БУҒИН. Ундош билан бошланадиган бўғин: *бола тиллак* каби. Қиёс. **Ёпилмаган бўғин.**

ЁПИЛМАГАН БУҒИН. Унли билан бошланадиган бўғин: *ойна*, *албатта*, *илҳом* сўзларининг биринчи бўғини. Қиёс. **Ёпилган бўғин.**

ЁПИҚ БУҒИН. Ундош билан битган бўғин: *қат-тиқ*, *ўр-тоқ*, *мак-таб* каби. Қиёс. **Очиқ бўғин.**

ЁПИҚ УНЛИ — қ. Тор унли.

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР. Мустақил ҳолда гап бўлаги вазифасида кела олмайдиган, турлича ёрдамчи маъно ва вазифаларда қўлланадиган сўзлар. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар маъно ва вазифасига кўра уч турга бўлинади: 1) кўмакчи (қ.); 2) боғловчи (қ.); 3) юклама (қ.).

ЁРДАМЧИ ФЕЪЛЛАР. Ёрдамчи вазифасида қўлланиб, қўш-

ма феъл ҳосил қилиш, феълнинг аналитик шаклини ясаш учун хизмат қилувчи, шунингдек, боғлама вазифасини бажарувчи феъллар. Улар ўз вазифасига кўра уч турга бўлинади: 1) қўшма феъл ҳосил қилувчи ёрдамчи феъллар: *қил, айла, эт, бўл: қабул қилмоқ, руҳсат этмоқ* каби; 2) феълнинг аналитик шаклини ҳосил қилувчи ёрдамчи феъллар (булар одатда кўмакчи феъллар деб юритилади): *бошла, чиқ, юбор* ва б.: *кеда бошлади, йқиб чиқдим, сўраб кўр, йқитиб юборди* каби; 3) боғлама вазифасини бажарувчи кўмакчи феъллар. Мас., *бўл: инженер бўлмоқ*.

Ж

ЖАМЛОВЧИ ОТ. Бир хил предметларнинг тўдасини, жамини билдирувчи отлар: *халқ, армия* каби.

ЖАМЛОВЧИ СОН. Предмет миқдорини жамлаш йўли билан билдирувчи сон: *учов, тўртала* каби.

ЖАРАНГЛИЛИК. Ун (товуш) пайчаларининг тебранишидан юзага келувчи тон. *Қиёс. Жарангсизлик.*

ЖАРАНГЛИ УНДОШЛАР. Шовқинга овоз қўшилган ундошлар. Мас., б, в, г, з ундошлари. *Қиёс. Жарангсиз ундошлар.*

ЖАРАНГСИЗЛИК. Ун (товуш) пайчаларининг тебранмаслиги, тоннинг йўқлиги.

ЖАРАНГСИЗ УНДОШЛАР. Таркиби шовқиннинг ўзидан иборат бўлган ундошлар: *п, ф, к, ш, с, т* каби. *Қиёс. Жарангли ундошлар.*

ЖАРГОН (*фран. jargon*). Бирор гуруҳ вакилларининг, ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалари. Мас., *новча* (ароқ), *қизил* (вино) — ичувчилар нутқига хос; *тоғамнинг йўгли* (милиционер, инспектор) — шофёрлар нутқида.

«**Ж**»-ЛАШ. й товуши ўрнида ж товушини айтиш. Бу ҳодиса айрим туркий тилларга (мас., қозоқ ва қорақалпоқ тилларига) хос. Ўзбек тилининг эса қипчоқ шеваларида учрайди *жўл* (йўл), *жўқ* (йўқ) каби.

ЖОНЛАНТИРИШ. Жонсиз предмет, мавҳум нарсаларга жонли предметларга, инсонга хос хусусиятлар бериб тасвирлашдан иборат усул: *Нашвати дер кўзини сўзиб. Мен сиз учун, кўрингиз баҳам. Ҳеч кимда йўқ менинг олтин тусим. Тилла билан базар баҳом* (Уйғун). Қ. **Персонафикация.**

ЖОНЛИ ТИЛ. 1. Бирор халқнинг алоқа қуроли сифатида хизмат қилиб турган тили. *Зид. Ҳлик тил.*

2. Оддий сўзлашув (қ.).

ЖУФТ СОН. Бирдан ортиқ соннинг тенг боғланиши асосида ташкил топиб, тахминий миқдорни билдирувчи сон: *бе ш-о л т и киши, у ч-т ў р т соат* каби.

ЖУФТ СЎЗ. Мустақил лексик маъноли ёки лексик маънога эга бўлмаган икки қисмнинг тенг боғланиши асосида ташкил топиб, умумлаштириши, жамлиқ каби маъноларни ифодаловчи сўз; сўзнинг жуфт шакли. Жуфт сўз қисмлари ўртасидаги тўхтам (науза) қисқа бўлади: *бахт-саодат, хат-хабар, яхши-ёмон, боғ-роғ, аланг-жиланг, апоқ-чапоқ* каби.

ЖУФТ УНДОШЛАР. Жарангли ва жарангсизлик жиҳатдан фарқланиб, артикуляция ўрни ва усули жиҳатдан бир хиллигига кўра ўзаро зидлик ҳосил қилувчи ундошлар: **б-п, т-д, г-к,** з-с ва б.

ЖУНАЛИШ КЕЛИШИГИ. Ҳаракат йўналган нуқтани билдириб, ўрин, вақт, сабаб каби маъноларни ифодалашга хизмат қиладиган келишиқ. Бу келишиқ шакли *-га* (*-ка, -қа*) аффикси ёрдамида ясалади: *уйга, капалакка, қатиққа* каби: *Тошмамат курсида ўтирганча бетоқат бўлиб, шифтга қаради* (У. Усмонов). *Тўй кузга белгиланди. Дўстининг бе парволигига хафа бўлди.*

З

ЗАМОН — қ. Замон категорияси.

ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабатини билдирувчи грамматик категория. Ҳаракатнинг нутқ пайтига бўлган муносабатига кўра феълнинг уч замон тури бор: 1) ўтган замон (қ.); 2) ҳозирги замон (қ.); 3) келаси замон (қ.). Ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабатини бевосита ёки бавосита ифодалашига кўра замоннинг икки тури фарқланади: 1) мутлақ замон (қ.); 2) нисбий замон (қ.).

ЗИДЛОВ БОҒЛОВЧИЛАРИ. Маънолари бир-бирига қарма-қарши (зид) бўлган уюшиқ бўлақларни, шунингдек, қўшмаган таркибидаги содда гапларни боғлаш учун хизмат қилувчи боғловчилар: *лекин, аммо, бироқ, ҳолбуки* каби: *Ғўза сўғоришни жуда яхши билдилар, лекин амал қилмайдилар* (Ойбек). *Лотин бу гапни шикоят тарзида айтди, аммо Туробжон буни таъна деб тушунди* (А. Қаҳҳор). *Ўктам меваларни саралайди, бироқ егиси келмайди* (Ойбек).

И

ИБОРА. 1. айн. Фразеологик бирлик.

2. Ўзига хос услубий, диалектал ва б. хусусиятга эга бўлган сўз, сўз бирикмаси ва ш.к. нинг умумий номн: *Болаларга хос ибора. Образли ибора* каби.

ИДЕОГРАММА. Идеографик ёзувда сўз англатадиган тунунчани ифодалаш учун қўлланадиган шартли белги — символ.

ИДЕОГРАФИК ЁЗУВ. Идеограммалар асосидаги ёзув. Қ. Идеограмма.

ИДЕОГРАФИК СИНОНИМЛАР. Денотатив маъно нозиклигига кўра ўзаро фарқланадиган синонимлар: *ёрдамлашмоқ* — *қўмаклашмоқ* — *қарашмоқ* каби. *Қиёс.* **Услубий синонимлар.**

ИДИОМА (юн. *idioma* — ўзига хос ифода, ибора) — *айн.* Фразеологик чатишма.

ИДИОМАТИКА. 1. Бирор тилнинг идиомаларни мажмуи.

2. Тилшуносликнинг идиомаларни ўрганувчи бўлими; ибора-шунослик.

ИДИОМАТИК ИБОРАЛАР — қ. **ИДИОМА.**

ИДО. 1907 йилда француз Луи де Бофрон томонидан эсперантонинг варианты сифатида яратилган халқаро сунъий тил.

ИЕРОГЛИФИК ЁЗУВ — *айн.* **Идеографик ёзув.**

ИЕРОГЛИФЛАР (юн. *hieroglyphoi* — муқаддас ёзувлар). Бутун бир сўз, бўғин ёки товушни ифодалаш учун хизмат қиладиган график ифодалар.

ИЖРО МАЙЛИ. Ҳаракат-ҳолатни унинг бажарилиши (ижроси) билан, ҳар уч замондан бирида ифодалайдиган майл. Бу майлнинг махсус ясовчиси йўқ бўлиб, у феълнинг замон ва шахс-сон шакллари орқали шаклланади: *ўқиди, ўқияпти, ўқийди* каби. қ. **Майл категорияси.** *Қиёс.* **Буйруқ-истак майли.** **Шарт майли.** **Мақсад майли.**

ИЖРОЧИ МАЪНОСИ. Ясама сўзларда ифодаланадиган ҳаракатнинг бажарувчиси маъноси. *Мас., пайвандчи, уйсоз, кабобназ* сўзларида ижрочи маъноси *-чи, -соз, -наз* аффикслари ёрдамида воқеланади.

ИЖТИМОИЙ ДИАЛЕКТ. Муайян ижтимоий гуруҳ кишилари фойдаланадиган диалект.

ИЗОГЛОССА (юн. *isos* — бир, ўхшаш + *glossa* — тил, нутқ). У ёки бу тил ҳодисасининг тарқалиш ҳудудини кўрсатиш учун географик хариталарда тортилган чизиқлар. Қ. **Лингвистик география.**

ИЗОФА. Форс ва бошқа баъзи тилларда аниқловчи ва аниқланмиш муносабатини ифодаловчи воситалардан бири. *Мас., таржимаи ҳол, дарди бедаво, балойи нафс* каби бирикмалардаги тартиб ва *-и, -йн* изофани таъминловчи воситалар ҳисобланади. Бу турдаги бирикмалар форс-тожик тилларидан ўтган.

ИЗОФАЛИ БИРИКМА. Изофа воситалари ёрдамида ҳосил бўлган бирикма: *онайн зор, фасли баҳор* каби. Қ. **Изофа.**

ИЗОҲЛАНМИШ. Бирикманинг изоҳловчи (қ.) тобе бўлган қисми: *...зукко олим Муҳиддин Жабборович...* (Ў. Усмонов).

ИЗОҲЛИ ЛУГАТ. Лугавий бирликнинг маъноси (маънолари) кенг изоҳланадиган, грамматик, услубий ва б. белгилари

ҳам қайд этиладиган луғат. Мас., 1980 йилда нашр этилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати».

ИЗОҲЛОВЧИ. Аниқловчининг бир тури бўлиб, у предметнинг бошқача номини билдиради. Бу ном предметнинг белгил хусусияти бўлади: ... *ижроия комитетнинг раиси Заргаров идорадан чиқди* (А. Қаҳҳор).

ИЗЧИЛ АФФИКСЛАР. Маълум бир тизим тарзида сўз ясайдиган, сўз ясалишининг маълум типини ҳосил қилувчи аффикслар. Мас., от ясовчи *-чи* (ишчи, спортчи, бетончи), феъл ясовчи *-ла* (ўйла, сўзла), сифат ясовчи *-ли* (кучли, ақлли, мазали) аффикслари изчил аффикслардир. *Қиёс. Ноизчил аффикслар.*

ИККИЛАМЧИ ЧҶЗИҚЛИК. Ёндош ундошнинг тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлган чўзиқлик. Мас., *ша:ар* (шаҳар), *су:* (сув) каби.

ИККИЛАНИШ. 1. Унларда товуш чўзиқлигининг икки ҳисса ортиши: *узооқ, балаанд* каби.

2. *айн. Қўш ундошлик.*

ИККИ НУҚТА. Устама-уст қўйиладиган нуқта билан ифодаланадиган тиниш белгиси (:) бўлиб, асосан қуйидаги ҳолларда қўйилади: 1) уюшқ бўлақлар олдидан қўлланган умумлаштирувчи бўлақдан сўнг: *Сув очини тантанасига Қорабулоқнинг бутун аҳолиси: чоллар, хотинлар, болалар чиқишди* (М. Исмоилий); 2) боғловчисиз қўшма гап таркибидаги гапларни ажратишни кўрсатиш учун: *Яқун қилдим: кўз ёшларига икки боис бор экан асли* (Уйғун); 3) кўчирма гандан олдин қўлланган муаллиф гапидан сўнг: *Қиз ўйлайди: шундай ойдинда не сабабдан ётишим керак?* (Уйғун) ва б.

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БҶЛАҚЛАР. Бош бўлақлар билан ёки ўзаро бир-бири билан тобе алоқада бўладиган ҳоким бўлақнинг маъносини аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келадиган гап бўлақлари. Гапнинг иккинчи даражали бўлақлари асосий хусусиятларига кўра уч турга бўлинади: 1) аниқловчи (қ.); 2) тўлдирувчи (қ.); 3) ҳол (қ.). Гап бўлақлари. *Қиёс. Бош бўлақлар.*

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ УРҶУ (ёрдамчи урғу). Кўп бўгинли сўзларда асосий урғуга ишбатан ёрдамчи сифатида қатнашадиган кучсиз даражали урғу. Мас., *кўзойнак* сўзида асосий урғу охири бўгинда бўлиб, биринчи бўгин иккинчи даражали урғу олади. қ. **Урғу. Қиёс. Бош урғу.**

ИККИНЧИ ШАХС. Тингловчи. Бу маъно қуйидагича ифодаланadi: 1) II шахс кишилик олмошлари билан: *сен, сиз, сизлар* каби; 2) эгаллик категориясининг II шахс шакллари билан: *китобине, ўқитувчингиз* каби; 3) шахс-сон категориясининг II шахс шакллари билан: *келдиге, ўйнайтсиз* каби.

ИККИ ТАРҚИБЛИ ГАП. Предикатив асоси эга ва кесим бўлақларидан иборат бўлган гап: *Салқин шамолларгина қизнинг*

сочлари билоан ўйнашади... (Ойбек.) *Кўкда танҳо ой кезмоқда* (И. Раҳим). **Қиёс. Бир таркибли гап.**

ИККИ ТИЛЛИЛИК. Икки тилда бемалол фикрлаша олинш; икки тилни бир хилда эгаллаганлик; зуллисонайнлик.

ИККИ ТИЛЛИ ЛУҒАТ. Бир тилнинг луғавий бирликлари бошқа тилга таржима қилиб бериладиган луғат. Мас., русча-ўзбекча луғат, ўзбекча-русча луғат. **Қ. Таржима луғати. Қиёс. Бир тилли луғат.**

ИЛМИЙ ГРАММАТИКА. Назарий фикр-ғояларнинг сўнгги ютуқларига мувофиқ яратиладиган грамматика. **Қ. Грамматика.**

ИЛМИЙ УСЛУБ. Функционал услубнинг бу тури терминологик ва мавҳум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмаларнинг қўлланиши, сўзларнинг асосан конкрет, тўғри маънода қўлланиши, махсус ибораларга эгаллиги ва ш.к. билан ажралиб туради. Илмий услуб ўз ичига қуйидаги майда услубларга бўлинади: **илмий-техник услуб, илмий-иш услуби, илмий-оммабоп услуб, илмий-публицистик услуб**

ИМЛО. Сўз ва унинг маъноли қисмларини ёзиш (қўшиб ёзиш, ажратиб ёзиш, чизиқча билан ёзиш), бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш, шунингдек, бўғин кўчириш қондалари тизими. Сўз ва унинг маъноли қисмларининг ёзилиши бир неча принцип асосида қондалаштирилади. **Қ. Имлонинг морфологик принципи. Имлонинг фонематик принципи. Имлонинг фонетик принципи. Имлонинг анъанавий принципи.**

ИМЛО ЛУҒАТИ (орфографик луғат). Сўзларнинг мавжуд имло қондаларига биноан тўғри ёзилишини қайд этувчи луғат. Мас., мактаб ўқувчилари учун мўлжаллаб тузилган «Имло луғати» («Ўқитувчи» нашриёти, 1964); С. Иброҳимов, Э. Бегматов ва А. Аҳмедовлар тузган «Ўзбек тилининг имло луғати» («Фан» нашриёти, 1976).

ИМЛОВИЙ ТАҲЛИЛ. Сўздаги орфограммаларни ажратиш, уларнинг турини аниқлаш, қайси қонда асосида ёзилишини белгилаш ва ш.к. нуқтан назардан бўладиган таҳлил.

ИМЛОНИНГ АНЪАНАВИЙ ПРИНЦИПИ. Имлонинг морфологик ёки фонетик асосга эга бўлмаган, фақат анъанага, яъни аввалги ёзилишига асосланувчи принцип. Мас., *каптар, невара* ёзиш билан бир қаторда, анъанага кўра, *кабутар, набира* ёзиш ҳам бор.

ИМЛОНИНГ МОРФОЛОГИК ПРИНЦИПИ. Бу принципга кўра, сўзлар аффикслар (қўшимчалар) талаффузига қараб эмас, аслига мувофиқ ёзилади. Мас., *учта (ушта эмас), айтди (айтти эмас), борибди (борипти эмас).*

ИМЛОНИНГ ТАРИХИЙ ПРИНЦИПИ — *айн.* Имлонинг анъанавий принципи.

ИМЛОНИНГ ФОНЕМАТИК ПРИНЦИПИ. Имлонинг бу принципига кўра, алифбо ҳарфлари билан у ёки бу позицияда талаффуз этилувчи товушлар эмас, балки бу товушларни бир-

лаштирувчи фонеманинг ўзи тасвирланади. Мас., *тил, бил, қил* сўзларидаги унлининг (*и*) талаффузи (товуш томони) ўзаро фарқли бўлса-да, лекин бир фонема ҳисобланади ва фонематик принципга асосан ҳар уч сўздаги унли бир ҳарф билан ёзилади.

ИМЛОНИНГ ФОНЕТИК ПРИНЦИПИ. Имлода сўзларни талаффузига кўра ёзиш принципи. Мас., алломорфлар (*қ*). одатда, шу принцинга амал қилиб ёзилади: бир бўғинли сўзларда жарангсиздан кейин *-тир*, жаранглидан кейин *-дир* ёзиш каби: *чоптир, сездир* ва б.

ИМО-ИШОРА ТИЛИ. Турли имо-ишора, тана аъзолари ҳаракатидан алоқа воситаси сифатида фойдаланиш; шундай вазифа бажарувчи имо-ишора, хатти-ҳаракатлар. Қ. Кинетик нутқ. Қўл нутқи.

ИМПЕРАТИВ УНДОВЛАР — қ. Буйруқ-хитоб ундовлари.

ИНВАРИАНТ (*фран. invariant* — ўзгармас). Тилининг қурилиш бирлигининг (фонема, морфема, лексема ва ш. к.) нутқдаги муайян воқеланишидан ажратиб, мавҳум олинган ҳолати.

ИНГЕРЕНТ КОННОТАЦИЯ. Нутқий матн (контекст) дан ташқарида ҳам воқеланадиган, сўзининг мавжуд бўлган коннотатив маъноси. Мас., *турқ* сўзи «юз» маъносидан ташқари сўзловчининг салбий муносабатини ҳам ифодалайди. Қ. Коннотация. Коннотатив маъно. Қиёс. Адгерент коннотация.

ИНДИКАТИВ — айн. Ижро майли.

ИНКОР. Предмет, белги, ҳаракат кабиларининг реал ҳолатда йўқ эканлигининг ифодаси. Мас., ўзбек тилида инкор *ҳеч, йўқ* сўзлари ёрдамида, *-ма* аффикси ёрдамида ифодаланади: *ҳеч киши, олгани йўқ, билмайди, келмади* каби.

ИНКОР БОҒЛОВЧИЛАРИ. Уюшиқ бўлактар ёки айрим гаплар олдидан такрор қўлланиб, инкор маъносини таъкидлаб кўрсатувчи боғловчилар. Мас., *на... на... Унинг эсига на севги, на истироҳат келди* (Ойбек).

ИНКОР СУЗЛАР. Узинча мустақил ёки айрим сўзлар билан биргаликда инкор маъносини ифодаловчи сўзлар: *йўқ, асло, ҳеч* кабилар. Бундай инкор сўзлар иштирок этган гаплар инкор гап дейилади: *Сидиқжон бунга мутлақо шонмаса ҳам...* (А. Қаҳҳор). *...тоғ қазувчилар шоддати заррача ҳам бунашмади* (М. Исмоилӣ). *Сендан ҳеч сиримни яширмайман* (А. Қаҳҳор).

ИНКОР ШАКЛИ — айн. Бўлишсиз шакл.

ИНТЕГРАЛ СЕМА — қ. Умумий сема.

ИНТЕГРАЦИЯ (*лот. integratio* — бутунлашши, бирлашши). Тиллар, шунингдек, диалектларнинг ўзаро боғланишликлари йўқола бориб, бир умумий тилга бирлашши. Қиёс. Дифференциация.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ГАП. Фақат фикрнинг ўзини (ҳеч қандай эмоцияларсиз) ифодаладиган, коммуникатив вазифагина бажарувчи гап: *Азиз институтга хурсанд кайфиятда кириб борди.* (У. Усмонов). Қ. Гап турлари. Қиёс. Эмоционал гаплар.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ НУТҚ. Интеллектуал информацияни ифодаловчи нутқ. *Қиёс. Эмоционал нутқ.*

ИНТЕНСИВ ШАКЛ — қ. Кучайтирма шакл.

ИНТЕРВОКАЛ УНДОШ (лот. inter — ора + vocalis — унли) — қ. Унлилараро ундош.

ИНТЕРЛИНГВА (лот. inter — ора + lingua — тил). 1903 йилда Жюзеппе Пеано томонидан тақдим этилган халқаро ёрдамчи тил.

ИНТЕРЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг халқаро алоқараланув воситалари сифатида турли ёрдамчи тилларни яратиб ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганувчи бўлими.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ЛЕКСИКА (лот. inter — ора + nationis — халқ) — қ. Байналмилаал лексика.

ИНТЕРПОЗИЦИЯ (лот. inter — ора + positio — ҳолат). Тобе компонентнинг ҳоким компонент қисмлари орасида жойлашуви. Мас., кўчирма гапнинг муаллиф гап қисмлари орасида келиши: *Шу сабабдан Азиз гоҳ-гоҳда: ...Я хшиямки бу институт, аспирантураларда ўқиб, баъзи аёлларга ўхшаб кандидат, доктор бўлмаган! Унда... худо кўрсатмасин-ей!* — деб ўйлар... (Ҳ. Усмонов.)

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ (лот. inter — ора + ferens, ferentis — ўтказиш). Опа тилга хос хусусиятларни ўрганилаётган тилга ўтказиш. (Бу тил олатда қариндош тил бўлмайди.) Мас., рус тилида фикрловчи кишининг *карандаш унал* гапни ўзбекча нутқда *қалам йиқилди* тарзида ифодалаш.

ИНТЕРЪЕКТИВАЦИЯ (лот. interjectio — ундов). Мустақил сўзнинг ундовга кўчиши. Мас., рус.: *батюшки! беда!*; ўзб.: *қаёқ-да! қойил!* кабилар.

ИНТОНАЦИЯ (лот. intonare — баланд товуш билан талаффуз этмак). Нутқнинг синтактик маъиоларни ва экспрессив-эмоционал бўёқларни ифодаланиш учун хизмат қилувчи ритмик-мелодик томон; овознинг баланд-пастлиги; оҳанг. Қўйидагилар интонациянинг таркибий унсурлари ҳисобланади: 1) нутқ мелодикаси (қ.); 2) нутқ ритми (қ.); 3) нутқ интенсивлиги (қ.); 4) нутқ темпи (қ.); 5) нутқ тембри (қ.); 6) мантиқий урғу ва фраза урғуси (қ.).

ИНТРАЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг тил ички тизмини, унинг бирликлари ва категорияларини, тил яруслари ва уларнинг тузилишини солисоний омилларга мурожаат қилмай ўрганувчи соҳаси. *Қиёс. Экстралингвистика. Компаративистика.* Интралингвистиканинг асосий бўлимлари фонология, лексикология ва грамматикадир.

ИНФИНИТИВ (лот. modus infinitivus — ноаниқ). Фельнинг муайян ҳаракатни бажарувчи шахс, замон, маъдан ташқари ҳолатда ифодалайдиган, ҳаракатнинг ўзинингга атайдиган шакли. Мас., рус. *говорить, бежать, обнимать*; ўзб. *олмоқ, кулиш, бориш* каби ҳаракат номи шакли. Қ. Ҳаракат номи.

ИНФИНИТИВ ОБОРОТ — қ. **Инфинитив ўрам.**

ИНФИНИТИВ УРАМ. Ҳаракат номи ва унга тобе сўзлардан иборат ўрам: *Биз, ҳамқишлоқларимиз, душманни Берлин-гача қувиб боришимизни, уни уясида янчиб таш-лашимизни истаймиз* (Саид Аҳмад). Қ. **Ўрам.**

ИСТОРИЗМЛАР — қ. **Тарихий сўз.**

ИФОДА. Тилга хос қонунлар асосида шаклланган (оғзаки ёки ёзма кўринишдаги) ҳар қандай нутқ бирлиги.

ИФОДА ЖИҲАТИ. Муайян лингвистик birlikнинг ифода томони, яъни тил (нутқ) birlikнинг ташқи томони (ифодаловчиси). *Зид.* **Мазмун жиҳати.** Қ. **Ифодаловчи.**

ИФОДАЛАНУВЧИ (ифода мазмуни). Тил (нутқ) birlikнинг ички томони. Мас., сўздаги ифодаланувчи — унинг луғавий маъноси. Гапдаги ифодаланувчи — унинг мазмуни. *Зид.* **Ифодаловчи.** Қ. **Мазмун жиҳати.**

ИФОДАЛОВЧИ (ифода шакли). Тил birlikнинг ташқи шаклий томони. Мас., сўздаги ифодаловчи — унинг товуш қобиғи. Гапдаги ифодаловчи — гапга хос модель ва схемаларнинг муайян воқеланиши ва ҳ. *Зид.* **Ифодаланувчи.** Қ. **Ифода жиҳати.**

ИФОДА ПЛАНИ — қ. **Ифода жиҳати.**

ИЧКИ НУТҚ. Талаффуз этилмайдиган, товуш чиқармай (ичда) бўладиган нутқ.

ИШ-ҲУЖЖАТ ЛЕКСИКАСИ. Иш-ҳужжат қозғолаарида кўл-ланадиган сўзлардан иборат лексика. Мас., ариза, рапорт, тил-хат кабиларга хос лексика: *гувоҳлик бермоқ, тавсия қилмоқ.* (рухсат беришни) *сўрамоқ,* (имзосини) *тасдиқламоқ* ва б.

Й

ЙИҒИҚ БУЛАК — қ. **Содда бўлак.**

ЙИҒИҚ ГАП. Бош бўлаклар (эга ва кесим) дангина таш-кил топган содда гап: *Терим бошланди. Режа бажарилди. Улар келишяпти. Қиёс.* **Ёйиқ гап.**

«Й»-ЛАШ. ж (дж) эмас, й талаффуз этиш: *йўл* (жўл), *йил* (жил) ва б. *қиёс.* «ж»-лаш.

К

КАКОГРАФИЯ (юн. kakos — ёмон + grapho — ёзаман. Онг-ли равишда хатолар қолдирилган мағни ўқувчиларга тузатиш-га бериш билан имлони ўргатиш усули. Бу усул педагогик жи-ҳатдан асосланмаган.

КАЛАМБУР (фран. calembour — сўз ўйини) — *айн.* **Сўз ўйини.**

КАЛЛИГРАФИЯ. (юн. kalligraphia — чиройли дастхат) — қ. **Ҳуснихат.**

КАЛЬКА (фран. copie — копия, тақлид). Ўзга тил материалдан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги. Қалькалар лексик, семантик, фразеологик бўлиши мумкин. Қ. **Лексик калька**, **Семантик калька**, **Фразеологик калька**.

КАЛЬКАЛАШ. Ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликларининг моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологик birlikлар ҳосил қилиш. Қ. **Калька**.

КАММАҲСУЛ АФФИКСЛАР. Унчалик кўп бўлмаган миқдорда сўз ясовчи, ҳозирги вақтда янги сўз яратишда кам иштирок этувчи аффикслар. Мас., от ясовчи *-дош* (*курсдош*, *суҳбатдош*), сифат ясовчи *-ма* (*қовурма*, *чийратма*, *терма*) аффикслари. Қиёс. **Сермаҳсул аффикслар**, **Маҳсулли аффикслар**.

КАММАҲСУЛЛИК. Кам миқдорда сўз ясаш хусусияти.

КАНЦЕЛЯРИЗМ. Қўлланиши расмий иш услубига, айниқса, идора иш услубига хосланган сўз, турғун бирикма, грамматик шакл ва тузилма.

КАСБ-ҲУНАР ЛЕКСИКАСИ. Маълум касб-ҳунар кишиларни гуруҳига хос, шулар нутқида ишлатиладиган лексика: *биғиз*, *сари*, *соғи*, *пошна*, *дастак*, *дазғил* сўзлари косибликка оид сўзлардир.

КАСР СОН. Бутуннинг қисмини билдирувчи сон. Соннинг бу тури, мас., ўзбек тилида, чикки ва бош келишикдаги икки санок соннинг бирикуви орқали ифодаланади: *ўндан бир* ($\frac{1}{10}$). *бешдан уч* ($\frac{3}{5}$) каби.

КАТАХРЕЗА (юн. katachresis — нотўғри қўллаш, суинтезмел қилиш). Қарама-қарши тушунчаларни боғлаш, сўзни ўз асл (этимологик) маъносига мувофиқ бўлмаган ҳолда қўллаш. Мас., *ойдин кеча*, *оқ тунлар*, *қизил сиёҳ* каби.

КАТЕГОРИАЛ МАЪНО. Маълум бир сўз туркумидаги сўзлар учун умумий бўлган маъно. Мас., *уй*, *дарахт*, *сув*, *тош*, *уйқу* сўзлари учун умумий бўлган предметлик маъноси; *ғўсал*, *аччиқ*, *узун*, *ёруғ*, *яшил* сўзлари учун умумий бўлган белги маъноси; *кел*, *ўйна*, *югур*, *ўрган*, *чиниқ* сўзлари учун умумий бўлган ҳаракат маъноси категориал маънолардир.

КАТЕГОРИАЛ ШАКЛ. Маълум бир грамматик категорияга хос маънони ифодаловчи сўз шакли. Мас., келишик шакллари, феълнинг замон шакллари категориал шакллардир. Қиёс. **Некатегориал (функционал) шакл**.

КАТТА ҲАРФ — қ. Бош ҳарф.

КАУЗАТИВ. Ҳаракатнинг бажарилishi учун сабаб, кўзган маъносига эга бўлган. Мас., каузатив феъл (*ҳайдамоқ*, *мажбур қилмоқ*).

КВАНТИТАТИВ УРҒУ (лот. quantitas — миқдор) — қ. **Миқдорий урғу**.

КЕЛАСИ ЗАМОН. Ҳаракатнинг нутқ вақтидан кейин бажар

рилиши. Шундай маънони билдирувчи феъл «келаси замон феъли», «келаси замон шакли» дейилади: *қидс. Утган замон. Ҳозирги замон.*

Ўзбек тилида келаси замоннинг икки тури бор: 1) аниқ келаси замон феъли (қ.); 2) келаси замон гумон феъли (қ.).

Ўзбек тилида келаси замон маъноси ҳозирги-келаси замон шакли билан ифодаланади: *келади, сўрайди* каби. Қ. Ҳозирги-келаси замон феъли.

КЕЛАСИ ЗАМОН ГУМОН ФЕЪЛИ. Иш-ҳаракатнинг келгу-сида бўлиш-бўлмаслигини гумон тарзида ифодалайдиган феъл шакли: *Эртага юборар. Вақтим бўлса, хабар олиб ўтарман.* Қ. Ҳозирги-келаси замон гумон феъли.

КЕЛИШИҚ — қ. Келишиқ категорияси.

КЕЛИШИҚ КАТЕГОРИЯСИ. От ёки отлашган сўзнинг феълга, отга ёки бошқа бир туркум сўзига муносабатини ифодалаб, тобелигини кўрсатувчи шакллар тизими. Ўзбек тилида келишиқнинг олти тури бор: 1) бош келишиқ (қ.); 2) қўра-ратқич келишиги (қ.); 3) тушум келишиги (қ.); 4) жўналиш келишиги (қ.); 5) ўрин-пайт келишиги (қ.); 6) чиқиш келишиги (қ.).

КЕЛИШИҚЛИ БОШҚАРУВ. Келишиқ шакли воситасида воқе бўладиган бошқарув: *уйга бормоқ, режани бажармоқ.* Қ. Бошқарув алоқаси. *Қидс. Қўмакчили бошқарув.*

КЕЛИШИҚЛИ ТУЗИЛМА. Келишиқ шакли ёрдамида ҳосил бўлган тузилма. Қ. Тузилма. *Қидс. Қўмакчили тузилма.*

КЕНГ УНЛИ. Тил таъғилай томон бир оз кўтарилиб, оғиз бўшлиги кенг очиллиши билан ҳосил бўладиган унли. Мас., а унлиси. *Қидс. Қуйи кўтарилиш унлилари.*

КЕСИМ. Гапда предикация ифодалаб келувчи бош бўлак. Икки таркибли, гапларда эга билан ифодаланган шахс, предмет, ҳодисанинг белгисини тасдиқ ёки инкор йўли билан аниқлашувчи бош бўлак: *У роппи-роса бир соат деганда маърузасини тугатди (У. Усмонов). Йўлдош ҳам унинг мақсадини билалмай ҳайрон эди (У. Усмонов).* Кесимлар ифода материалга кўра от-кесим (қ.) ва феъл-кесим (қ.), тузилшинга кўра содда кесим (қ.) ва мураккаб кесим (қ.) турларига бўлинади.

КЕСИМ ГУРУҲИ — айн. Кесим таркиби.

КЕСИМ ТАРКИБИ. Кесим ва унга тобе бўлган иккинчи даражали бўлақлар (икки таркибли гапларда тобе саналувчи таркиб): *Оғир гавдаси эгарга сирачлаб қўйгандай қимир этмай кетяпти (С. Анорбоев).*

КЕСИМ ЭРГАШ ГАП. Бош гаптаги кўрсатиш ёки сўроқ олмоши билан ифодаланган кесимни изоҳлаб, аниқлаб келувчи эргаш гап: *Ҳавоси қандай бўлса, навоси ҳам шундай (М. Исмоилӣ). Ҳамма касал шундаки, раис яна шу кам-*

... (қидс) ...

чиликларни бирдан тугатишга ожизлик қилмоқса (Р. Файзий).

КЕСИМСИЗ ГАП. Тузилиш асоси фақат эга ва унинг таркибидан иборат бўлган бир таркибли гап; номинатив гап (қ.) шу турга киради: *Қон-қора тун. Кўкда на ой кўринади, на юлдуз бор* (И. Раҳим). *Ой... Салқин шамолларгина қизини сочлари билан ўйнашди* (Ойбек). *Зид. Эгасиз гап.*

КЕСИМ ЭРГАШ ГАП. Бош гапнинг кўрсатиш ёки сўроқ олмоши билан ифодаланган кесимини изоҳлаб, аниқлаб келувчи эргаш гап: *Давоси қандай бўлса, навоси ҳам шундай* (М. Исмоилӣ). *Дамма касал шундаки, раис яна шу камчиликларни бирдан тугатишга ожизлик қилмоқда* (Р. Файзий).

КЕТМА-КЕТ ЭРГАШИШ. Эргаш гапларнинг ўзаро бирикети тобеланиб, сўнгра бош гапга боғланиши: *Бир куни бозорга тушиб, узум олмоқчи бўлган экан, узумфуруш анграйиб, тировиси қўлидан тушиб кетибди* (А. Қаҳҳор). *Қиёс. Биргалик эргашини.*

КИНЕМА (юн. kinesis — ҳаракат). Бир нутқ аъзосининг муайян товуш ҳосил қилишдаги талаффуз фаолияти, артикуляция жиҳатдан фарқловчи белги. Мас., н товуши бир кинемадан (лаб) иборат, м товуши эса уч кинемадан иборат (лаб, томоқ ва бурун).

КИНЕСИКА. Кишиларнинг фикр олишувидан нутқ аъзоларидан ташқари барча тана аъзоларининг ҳаракатини, имо-ишора ҳаракатларини ўрганувчи фан.

КИНЕТИК НУТҚ (юн. kinetikos — ҳаракатга оид) — қ. Имо-ишора тили.

КИНОЯ. Тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига нисбатан бошқа ёки қарама-қарши маънода, кесатиқ, қочириқ, пичинг билан ишлатишдан иборат кўчим: *Хиш, сизча нима қилиш керак. Ўқиминчи акам! — деди киноя билан Йўлчи* (Ойбек).

КИРИТМА ГАП. Худди киритма сўзга ўхшаш вазифани bajarувчи гап: *Олтинчи бригадининг гўзаси, мана мен ҳозиргина айланиб келдим, сира авж олмаяпти* (Ойбек). *Ёлга борганга, тўғрисини айтсам, қўрқаман* (Ойбек). *Зокир қўнғироқ чалди (у катта-кичик ҳамма мажлисларни қўнғироқ билан олиб боради) ва қовоғини солиб деди* (П. Қодиров). *К. Киритма сўз.*

КИРИТМА СЎЗ. Гап бўлаклари билан шаклий-грамматик боғланмаган, асосий фикрга қўшимча, йўл-йўлакай қўшимча факт баён қилувчи, тўлдириш, аниқлик киритиш ва ш.к. мақсадда қўлланувчи сўз. Киритма сўз, кириш сўздан фарқли ҳолда, модал маъно ифодаламайди, гап бошида келмайди: *...аллақандай бир терговчини чақиртириб (чақириб эмас), хўп сўккан эмиш* (А. Қаҳҳор).

КИРИТМА СЎЗ БИРИКМАСИ. Худди киритма сўзга ўхшаш вазифага (хусусиятга) эга бўлган сўз бирикмалари: *Одатда*

хотин-қизларга чирой бағишловчи нарсалар ҳам (сочининг жингалаклиги) Сорахонга ярашмайди (М. Султонова).

КИРИТМА ТУЗИЛМА. Гап бўлаклари билан шаклий-грамматик боғланмаган, асосий гапдаги фикрга қўшимча, йўл-йўлакай янги факт баён қилувчи, тўлдириш, аниқлик киритиш мақсадида қўлланувчи тузилма. Киритма тузилмалар, кириш тузилмалардан фарқли ҳолда, модал маъноларни ифодаламайди, гап бошида келмайди. Киритма тузилмалар сўз бирикмаси ва гап шаклида бўлади. Қ. Киритма сўз. Киритма сўз бирикмаси. Кириш гап.

КИРИШ БИРИКМА. Худди кириш сўз каби вазифа бажарувчи сўз бирикмаси: *Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас, Менинг билишимча, сенинг элиңга* (Ҳ. Олимжон). *Шундай қилиб, тарихий шартномага қўл қўйилди* (Яшин). Қ. Кириш сўз.

КИРИШ ГАП. Худди кириш сўз каби вазифа бажарувчи гап: *Қандингни ур, юлдузларинг жуфт тушган бўлсанчи, одам боласи сенларни ажрата олмайди!* (Ойбек). *Маслик қурсин, тоза машина қилибман...* (Ойбек). Қ. Кириш сўз.

КИРИШ СЎЗ. Гап бўлаклари билан синтактик боғланмаган, гап бўлаги вазифасида бўлмаган, гапнинг айрим бўлаклари ёки бутун гапнинг мазмунига сўзловчининг турлича муносабатини ифодаловчи сўз: *Зокир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали пахтакор* (А. Қаҳҳор). *Лекин, менимча, ёртоқ Жалолов, ҳақсиз... Биласизми, шу сафар у машинист, мен ёрдамчи бўлиб юрдим* (Ойдин).

КИРИШ ТУЗИЛМА. Гап бўлаклари билан синтактик боғланмаган, гап бўлаги вазифасида бўлмаган, гапнинг айрим бўлаклари ёки бутун гапнинг мазмунига сўзловчининг турлича муносабатини ифодаловчи тузилма. Кириш тузилмалар сўз бирикмаси ва гап кўринишида бўлиши мумкин. Қ. Кириш бирикма. Кириш гап.

КИТОБИЙ ЛЕКСИКА. Китобий услубга хос, наъний арабист, публицистик асар, расмий-ниҳон ҳужжатлари ва ш.кларда қўлланилган лексика. Мас., *иборат, қайд этмоқ, маэкур, капитал, модда* ва б.

КИТОБИЙ НУТҚ. Китобий лексика асосига қурилган нутқ: *Шуни алоҳида қайд этиш лозимки...* каби.

КИЧИК ҲАРФ. Имло қоидаларига кўра бош ҳарф ёзилмаган ҳоллардан бошқа ҳар қандай ҳолатда ишлатиладиган ҳарф. Қис. Бoш ҳарф.

КИЧРАЙТИШ ШАКЛИ. Предметнинг кичиклигини билдирувчи сўз шакли. Бу шакл *-ча, -чоқ (-чик)* аффикслари ёрдамида ясалади: *уйча, стулча, қўзичоқ* каби: *Оппоқ капалакчалар еру кўкни тўлдириб тўзиб кетган, кумуш қанотчаларини оҳиста силкитиб чарх уришарди* (Э. Усмонов). Бир

кун кўрмаганига саман йўрға уйда қолган той чоғини эслаб кишинаяпти (М. Муҳамедов). Қ. Субъектив баҳо шакли.

ҚИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ. Шаҳе билдирувчи олмошлар. Бу олмошларнинг шаҳе ва сонга кўра қўидаги турлари бор: I шаҳе бирлиги ва I шаҳе кўплиги олмоши: *мен — биз*; II шаҳе бирлиги ва II шаҳе кўплиги олмоши: *сен — сиз*; III шаҳе бирлиги ва III шаҳе кўплиги олмоши: *у — улар*.

КОММУНИКАТИВ БИРЛИК — қ. Нутқий алоқа бирлиги.

КОММУНИКАТИВ ФУНКЦИЯ — қ. Нутқий алоқа вази-фаси.

КОММУНИКАЦИЯ (лот. communicatio — хабар, алоқа). Бирор мазмуннинг тил воситалари билан берилиши, хабар қилиниши.

КОМПАРАТИВИСТИКА (лот. comparativis — қиёсий) — қ. Қиёсий-тарихий тилшунослик.

КОМПОЗИТА (лот. compositum — ташкил этилган, боғланган) — айн. Қўшма сўз.

КОМПОЗИЦИЯ (лот. compositio — тузиш). Сўз қўшиш. Қўшма сўзлар. Композиция орқали ҳосил қилинади деб тушувилади. Қ. Қўшма сўз.

КОМПОНЕНТ (лот. componens — ташкил этувчи). Бирон тил (нутқ) бирлигининг таркибий қисми: *Сўз бирикмасининг компонентлари. Қўшма сўзнинг компонентлари.* Мас., *белбоғ* сўзидаги *бел* ва *боғ* шу қўшма сўзнинг компонентлари (таркибий қисмлари) ҳисобланади.

КОМПОНЕНТЛИ ТАҲЛИЛ. Бир сатҳга мансуб тил бирликларини ўзаро фарқлайдиган компонентларни — фарқловчи белгиларни топиш, шундай компонентларга ажратиш. Мас., семемани семаларга ажратиш (семеманинг семалар таркибини белгилаш).

КОНВЕРГЕНТЛАР (лот. convergens — бирлашувчи). Тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида бир товушга бирлашиб қолган нутқ товушлари. Мас., *θ*ю, *γ*у қаба.

КОНВЕРГЕНЦИЯ (лот. convergere — яқинлашмоқ, бирлашмоқ). Бирдан ортиқ товушнинг тарихий тараққиёт натижасида бив товушга бирлашини. Мас., $\theta + \sigma > \sigma$, $\gamma + \gamma > \gamma$. Қиёс. Дивергенция.

КОНВЕРСИЯ (лот. conversio — айланиш, ўзгартиш). Сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши.

КОНКРЕТ ОТ — қ. Аниқ от.

КОННОТАТИВ МАЪНО. Денотатив маънога қўшимча равишда экспрессив, услубий муносабат кабиларни ифодаловчи маъно (оттенка); денотатив маъно ажратилгандан кейин ҳосил бўладиган айирмага тенг маъно. Қиёс. Денотатив маъно.

КОННОТАЦИЯ (лот. con, con — бирга + notare — белгила-

моқ). Тил бирлигининг коннотатив маъно (экспрессив, услубий муносабат каби қўшимча маъно ёки маъноларнинг) ифодаси.

қ. **Денотация.**

КОНСОНАНТ. Бўғин ҳосил қилмайдиган ундош. *Қиёс. Со-нант.*

КОНСОНАНТИЗМ. (лот. consonans, consonantis — ундош товуш). Қ. Ундошлар тизими.

КОНСТРУКЦИЯ (лот. constructio — тузилиш) — қ. Тузилма.

КОНТАКТ АССИМИЛЯЦИЯ — қ. Ёндош ассимиляция.

КОНТАКТ ДИССИМИЛЯЦИЯ — қ. Ёндош диссимиляция.

КОНТАКТ ҲОЛАТ (лот. contactus — тутаниш) — қ. Ёндош ҳолат.

КОНТАМИНАЦИЯ (лот. contaminatio — туташтириш, ара-лаштириш). Бирор муносабат, тасаввурга кўра ўзаро боғлиқ бўлган икки сўз ёки иборани бирлаштириш йўли билан янги сўз ёки иборанинг ҳосил бўлиши. Мас., *эрга тегмоқ* ва *турмуш-га чиқмоқ* иборалари асосида *эрга чиқмоқ* ибораси юзага келган.

КОНТЕКСТ (лот. contextus — яқин алоқа, бирикши, қўши-лиш) — қ. **Нутқий матн.**

КОНТЕКСТУАЛ МАЪНО — қ. Матний маъно.

КОНТЕКСТУАЛ СИНОНИМЛАР — қ. Матний синонимлар.

КОНТРАСТ ДИСТРИБУЦИЯ. Тил унсурларининг (товуш-ларининг) бир хил позицияда бири ўрнида иккинчисининг кела олиши ва бунда бошқа-бошқа маъноли бирликларни фарқлаб туриши. Мас., *бош* — *қош* кабиларда биринчи ундошлар, *бош* — *буш* кабиларда ундошлар, *бош* — *боғ* кабиларда иккинчи ундош-лар контраст дистрибуция ҳолатидадир.

КООРДИНАЦИЯ (лот. co (cum) — бирга, биргаликда + ordinatio — тартибланиш). Икки таркибли гапларда кишилик оламоши билан ифодаланган эга ва кесимнинг ўзаро семантик-грамматик мувофиқлашуви. Мас., ўзбек тилида бундай эга ва кесим координацияси шакли ва сонда кўринади: *мен бордим, сен бординг; биз борамиз, сиз борасиз* каби.

КОРРЕЛЯТ. ўзаро боғланган, муносабатдор бўлган икки ёки undan ortiq тил бирликларидан бири. Мас., бўлишги ва бўлишсиз шакллар ўзаро бири иккинчисига нисбатан коррелят ҳисобланади. Қ. **Корреляция.**

КОРРЕЛЯЦИЯ (лот. correlatio — ўзаро алоқа, муносабат). Икки ёки undan ortiq тил (нутқ) бирлигининг ўзаро боғлиқли-ги, муносабатдорлиги. Мас., феълларда бўлишги ва бўлишсиз шакллар ўзаро корреляция ҳосил қилади.

КРИПТОГРАФИЯ (юн. kryptos — махфий, яшириш + grapho — ёзма). Махфий мат турларидан бири (шифр қўлланга асос-ланган ёзув тури).

КРИПТОЛОГИЯ. Махфий тиллар, уларни тузиш қонуният-ларини, ўқиб тушуштириб бериш усулларини ўрганувчи фан.

КУНДАЛИК ЛЕКСИКА. Кундалик ҳаётга оид нарса-ҳодиса-

ларни билдирувчи сўзлар: *уй, кўча, чой, пичоқ, яхши, чиройли, катта, ишламоқ, ўйламоқ, емоқ* ва б.

КУРСИВ (лот. *cursiva litera* — тез ёзув). Типографик ҳарфнинг қўлёзма ҳарфга яқин бўлган шакли. Курсив матннинг бирор қисмини тўғри ҳарфлар билан ёзилган қисмдан ажратиш учун ишлатилади: *Сергей эшик олдида турган соқчига буюрди: Хотинларни киритинг!* (Ҳ. Ғулом).

КУЧАЙТИРМА ШАКЛ. Белгининг меъёридан ўта кучли эканини ифодаловчи шакл. Ўзбек тилида кучайтирма шакл махсус модель асосида ҳосил қилинади: *қин-қизил, сан-сарик, дум-думалоқ* каби.

КУЧАЙТИРУВ ва **ТАЪКИД ЮКЛАМАЛАРИ**. Ўзи алоқадор бўлган гап бўлаги маъносига диққатни торттиш учун, уни кучайтириш учун қўлланилган юкламалар: *ҳам, ахир, -ку, -оқ* кабилар: *Тушунтир а хир менга, бир нима дедими...* (А. Мухтор). *Хотиржам бўлган ҳожи кечқурунги овқатга қизининг чиқмагани билан ҳам иши бўлмади* (Шухрат). *...иш ерда ҳам иккинине бири, колхозимизнинг кўрки эдинг-ку!* (А. Қаҳҳор).

КУЧЛИ ПОЗИЦИЯ. Фонеманинг ўз фарқлаш вазифасини бажариши учун қулай позиция. Бу позиция максимал *дифференциация позицияси* деб ҳам юритилади. Мас., *зир* ва *сир* сўзларининг анлаутидаги (бошидаги) ундош кучли позициядадир.

КУЧСИЗ ПОЗИЦИЯ. Фонеманинг ўз фарқлаш вазифасини бажариши учун ноқулай позиция. Бу позиция *минимал дифференциация позицияси* деб ҳам юритилади. Мас., *ризк* сўзидаги **з** ундоши кучсиз позицияда, уни с ундошидан фарқлаш қийин.

ҚУМАКЧИЛАР. От ёки отланган сўзлардан кейин келиб, восита, мақсад, сабаб, вақт, макон каби муносабатларни билдирувчи ёрдамчи сўзлар: *билан, учун, сингари, сайин, қадар* ва б. Ўзбек тилидаги қўмакчилар уч турга бўлинади: 1) асл кўмакчилар (қ.); 2) от кўмакчилар (қ.); 3) феъл кўмакчилар (к.).

ҚУМАКЧИЛИ АЛОҚА. Сўзлар ўртасида қўмакчилар воситасида юзага келадиган алоқа: *қалам билан ёзмоқ, уйга қадар югурмоқ* каби. *Қиёс*. Келишикли алоқа.

ҚУМАКЧИЛИ БИРИКМА. Қисмларни қўмакчилар воситасида алоқага кирадиган сўз бирикмаси: *дўсти учун куюнмоқ, қуш каби енгил, тоғ қадар юксак* каби. *Қиёс*. Келишикли бирикма.

ҚУМАКЧИЛИ БОШҚАРУВ. Қўмакчилар воситасида воқе бўлаётган бошқарув: *дўстлар билан учрашмоқ, телефон орқали сўзлашмоқ, кун сайин ғўзаллашмоқ* каби. **Қ**. Бошқарув алоқаси. *Қиёс*. Келишикли бошқарув.

ҚУМАКЧИЛИ ТУЗИЛМА. Қўмакчи воситасида ҳосил бўлган тузилма: *У ҳозиргина Расул Оллоёрович айтган гаплар асосий фикри учун даромад эканлигини ҳам ҳис этиб, мақоланинг қолган қисмини ўқий бошлади* (Ҳ. Усмонов). **Қ**. Қўмакчили бирикма. *Қиёс*. Келишикли тузилма.

КЎМАКЧИ ОТ. Луғавий маъносини йўқотмаган, кўмакчи вазифасида ҳам қўлланадиган от: *ост, ич, олд* каби отлар: *бу мавзу у ст и да одамлар бир-бирлари билан қизиқиб, музокара қилдилар* (Ойбек). *Шу жимжит кеча қўйни да Саломатнинг хаёли ёшлигини излаб кетди* (Саид Аҳмад).

КЎМАКЧИ ФЕЪЛ. Феълнинг турли грамматик ва модал маъно ифодаловчи аналитик шаклларини ясовчи ёрдамчи феъллар: *қўй (айтиб қўй), ёз (йқила ёзди), кет (ғовлаб кетди), кўр (ола кўрма)* ва б. Қ. Ёрдамчи феъллар. Феълнинг аналитик шакли.

КЎПАЙТМА СОН. Қисмлари билдирган миқдорнинг йиғиндисидан эмас, балки кўпайтмасидан иборат бўлган миқдори билдирувчи мураккаб сон: *беш минг* (5×1000), *уч юз* (3×100), *ўн миллион* (10×1000000) каби. Қиёс. Қўшилма сон.

КЎПЛИК — айн. Кўплик сон.

КЎПЛИК СОН. 1. Сон категориясининг (бирлик сонга қарама-қарши ҳолда) предметнинг бирдан ортиқлигини, кўпчилигини билдирувчи шакли. Соннинг бу шакли *-лар* аффикси ёрдамида ясаллади: *китоблар, дарахтлар, пионерлар* каби. Зид. **Бирлик сон.** Қ. Сон категорияси.

2. Предметнинг бирдан ортиқ (кўн) шахсга оидлиги маъноси ва шу маънони ифодаловчи сўз шакли: *мактабимиз, мактабимиз, мактаблари.* Қ. Сон категорияси. Қиёс. **Бирлик сон 2.**

3. Олмошларда: шахснинг бирдан ортиқ (кўп)лигини билдирувчи тур: *биз, сиз, (бизлар, сизлар), улар* Қ. Кишилик олмошлари. Қиёс. **Бирлик сон 3.**

4. Феълларда: ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахс бажариши (бирдан ортиқ шахсга оидлиги) маъноси ва шу маънони ифодаловчи шакл: *олдик, олганмиз, оламиз; берсақ, берсангиз* каби. Қ. Шахс-сон категорияси. Қиёс. **Бирлик сон 4.**

КЎП МАЪНОЛИЛИК. Тил бирликларининг бирдан ортиқ маънога эга бўлиши; полисемия. Мас., *бош* сўзининг ўндан ортиқ маънога эгаллиги: *боши катта, кўчанинг боши, кўпчиликка бош* ва б.

КЎП НУҚТА. Уч нуқта билан ифодаланадиган тиниш белгиси (...) бўлиб, мазмунни тугамаган гаплар охирида, цитата ёки олинган мисолларнинг тушириб қолдирилган қисмлари ўрнида ва б. ҳолларда қўлланади: *Фақат ўзингга ишонардинг...*

КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ. Шахс, предмет, белги ва ш. к. ларни кўрсатишни, таъкидлашни билдирувчи олмошлар: *бу, шу, у, ўша* кабилар.

КЎРСАТКИЧ. Грамматик маъно ифодаловчи тил бирлиги; формант. Мас., *уйни, уйга, уйнинг, уйда, уйдан* сўзларида *-ни, -га, -нинг, -да, -дан* — келишик кўрсаткичлари; *ўқидим, ўқияман* сўзларида *-ди, -яп* — замон кўрсаткичлари. Қ. **Формант.**

КЎТАРИЛУВЧИ ДИФТОНГЛАР. Кейинги унли товуши бўлган ҳосил қилувчи дифтонг. Қ. **Дифтонг.**

КУЧИМ. Бадий ифодалиликни ошириш учун кўчма маънода қўлланган нутқ бирлиги; рамз билан қўлланган сўз, ибора. Аллегория, киноя, метафора, метонимия, синекдоха, эпитет ва ўхшатиш кўчимнинг энг тарқалган, кенг қўлланувчи турлари ҳисобланади.

КУЧИРМА ГАП. Луғавий ва грамматик хусусиятлари ўзгартирилмай, айнан ўзича берилган ўзганинг гапи: *Ғўзалар аллақачон гулга кирди, — деди Ойқиз. Тўғри, қолоқдан чўлоқ яхши.* — деди қовоғини солиб Дилшод (Ойбек). *Қиёс. Ҳзлаштира гап.*

КУЧИРМА ГАПЛИ ТУЗИЛМА. Муаллиф гапи билан кўчирма гапдан ташкил топган синтактик тузилма. Бундай тузилмалар кўшма гапнинг алоҳида тури деб қаралади. *«Жуда тўғри, ҳақ гап, — деди боши билан тасдиқлаб Болтабоев, — ҳамма ютуқларимиз бирлик орқасидан келаётир»* (Ойбек). *Сумбула санчиб ёрнидан турди-да, ёнидаги онасини кўриб: «Хайрият, тушим экан», — деди ҳансираб, кейин: «Нега кунлар тошбақадек имилларкин, қачон Ориф қулоғимга ғалати сўзларни шивирларкин?» — деб ўйлади-да, чеҳраси ёришиб, ҳовлидаги сўрига чиқди.* (А. Энонов). *Қ. Муаллиф гапи, Кўчирма гап.*

КУЧИШ. Бирор туркумга оид сўзнинг бошқа туркумга оид сўзга айланиши: *сифатнинг отга кўчиши* (субстантивация).

КҮЧМА МАЪНО. Сўзни тўғри маъносини англаган нарсасодисалардан бошқа нарсасодисаларга ном сифатида кўчириш асосида ҳосил бўлган маъно. Мас., *қоллон* сўзнинг «қайтмас, эпчил йиғит» маъноси. *Қиёс. Тўғри маъно.*

КҮЧМА УРҒУ. Сўзда бўғинлар сони ортиши билан ўз ўрнини ўзгартирадиган урғу. Мас., ўзбек тилида сўз урғуси шундай: *ўқит — ўқитув — ўқитувчи — ўқитувчилик.* *Қиёс. Боғли (кўчмас) урғу.*

Л

ЛАБИАЛИЗАЦИЯ (лот. labialis — лаб) — қ. **Лабланиш.**

ЛАБИАЛ УНДОШЛАР — айн. **Лаб ундошлари.**

ЛАБ-ЛАБ УНДОШЛАРИ. Икки лабнинг фаол ҳаракат билан бир-бирига яқинлашуви ёки жипслашуви натижасида ҳосил бўладиган ундошлар: **п, б, м** каби. *Қиёс. Лаб-тиш ундошлари. Қ. Ундош товуш.*

ЛАБЛАНГАН УНЛИЛАР. Лабланиш билан ҳосил бўлувчи унлилар. Мас., **ў** ва **у** унлилари. *Қ. Лаблакиш.*

ЛАБЛАНИШ. Товушлар артикуляциясида лабларнинг олдинга чўчкайиб, думалоқ шакл оlishи.

ЛАБЛАНМАГАН УНЛИЛАР. Ҳосил бўлишида лабнинг ҳаракати иштирок этмайдиган унлилар: **и, э, а.**

ЛАБ-ТИШ УНДОШЛАРИ. Пастки лабнинг юқори тиш би-

лан бирлашиши ёки унга яқинлашиши орқали ҳосил бўлувчи ундошлар. Мас., **в, ф** ундошлари.

ЛАБ ТОВУШЛАРИ. Лабларнинг фаол ҳаракати билан ҳосил бўлувчи товушлар.

ЛАБ УНДОШЛАРИ. Лабларнинг фаол ҳаракати билан ҳосил бўладиган ундошлар. Булар икки хил: лаб-лаб ундошлари (қ.) ва лаб-тиш ундошлари (қ.).

ЛАБ УНЛИЛАРИ — қ. Лабланган унлилар.

ЛАТЕРАЛ УНДОШ (лот. *lateralis* < *latis, lateris* — ён, томон) — айн. Ён ундош.

ЛАТИНИЗМ (лот. *latinus* — лотинча). 1. Лотин тилидан ўзлашган, лекин ёт унсур экани сезилиб турадиган сўз ёки ибора.

2. Умуман лотин тилидан ўзлашган сўз ёки ибора.

ЛАҲЖА. Маҳаллий диалектнинг бир неча шевадан иборат гуруҳи. Қиёс. **Шева.**

ЛЕКСЕМА (юн. *lexis* — ибора, нутқ ўрами). Тилнинг луғат таркибига хос бирлик; тил қурилишининг луғавий маъно англатувчи унсури.

ЛЕКСИКА (юн. *lexikos* — сўзга оид, луғавий). 1. Тилнинг луғат таркиби: *Ўзбек тили лексикаси.*

2. Луғат таркибининг қўлланиш соҳаси, услубий белгиси, келиб чиқиши каби турли жиҳатлардан ёндашиб ажратиладиган гуруҳлари. *Оғзаки нутқ лексикаси. Ижтимоий-сиёсий лексика. Ўзлашма лексика. Экспрессив лексика. Ойбек асарлари лексикаси* ва б.

ЛЕКСИКАЛИЗАЦИЯ. Синтактик бирлик (сўз бирикмаси ёки гап)нинг лексик бирликка (луғавий бирликка), яъни сўз ёки тургун иборага айланиши. Мас., *иш ҳақи, темир йўл, мингбоши* бирикмаларининг луғавий бирликка айланиши.

ЛЕКСИК АНТОНИМИЯ. Луғавий бирликлар (сўзлар) ора-сидаги антонимия: *кенг-тор, олд-орқа, баланд-паст, аччиқ-чучук* каби. Қ. Антонимлар.

ЛЕКСИК АНТОНИМЛАР. Қарама-қарши (зид) маъноли сўзлар: *яхши-ёмон, катта-кичик, ширин-бемаза* ва б.

ЛЕКСИК БИРЛИК — қ. Лексема.

ЛЕКСИК-ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ — қ. Сўз туркумлари.

ЛЕКСИК-ГРАММАТИК МАЪНО. Бирор грамматик шаклга эмас, балки сўзнинг лексик маъносига боғлақ равишда (асосланган ҳолда) белгиланадиган маъно. Мас., от туркумига оид сўзларнинг предметлик маъноси, атоқли отлик ёки турдош отлик маъноси каби. Қиёс. **Лексик маъно. Грамматик маъно.**

ЛЕКСИК КАЛЬКА. Ўзга тил луғавий бирлигидан қиемма-қием нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз; луғавий калька. Мас., *цетқурма, кўрсаткич, қўлёзма* сўзлари рус тилидаги *надстройка, указатель, рукопись* сўзларини калькалаш йўли билан ҳосил қилинган сўзлардир. Қ. **Калька.**

ЛЕКСИК МАЪНО. Сўзнинг материал қисми (лексема) билдирадиган маъно: маълум товушлар комплексини маълум объектив воқеаларга боғлаш билан киши онгида юзга келадиган мазмун-мундарижа; лугавий маъно. Мас., *уй* сўзининг лексик маъноси — «киши яшайдиган бино», *югурмоқ* сўзининг лексик маъноси — «бир жойдан иккинчи бир жойга шилдат билан ҳаракатланмоқ, катта-катта ва тез-тез қадам ташламоқ» ва б. *Қиёс.* Лексик-грамматик маъно. Грамматик маъно.

ЛЕКСИК МАЪНО ТУРЛАРИ. Лексик маъно бир неча нуқтадан назардан ёндашиб турларга ажратилади. Жумладан: 1) ясаллиш муносабатига кўра; 2) объектни ифода этишига кўра; 3) нутқда воқеаланиш ҳолатига кўра.

Ясаллиш (ҳосил бўлиш) муносабатига кўра лексик маъно икки турга бўлинади: 1) асос маъно (қ.); 2) ясама (ҳосила) маъно (қ.).

Объектни қандай ифода этишига кўра лексик маъно икки турга бўлинади: 1) номинатив маъно (қ.); 2) фигурал маъно (қ.).

Нутқда воқеаланиш ҳолатига кўра лексик маъно икки турга бўлинади: 1) эркин маъно (қ.); 2) боғли маъно (қ.).

ЛЕКСИК МЕЪЁР. Лексик birlikларнинг адабий тил қоидаталабларига мос ҳолда, намунали тарзда фойдаланилишини белгиловчи меъёр. Мас., ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтадан назардан овоз сўзининг қўлланиши меъёрий, лекин *сас* сўзининг қўлланиши меъёрий эмас (*сас* — диалектал) — бунинг қўлланиши лексик меъёрнинг бузилишини ҳисобланади.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ (юн. *lexikos* — луғат+*grapho* — ёзаман) — қ. Луғатшўнослик. Луғатчилик.

ЛЕКСИКОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Лексик birlikларнинг тарихий-этимологик қатламлар (ўз қатлам ёки ўзлашган қатламга оидлиги), замонийлик (архаизм, историзм, неологизм), шакл ва маъно муносабатига кўра (омоним, синоним, антоним) ва ш.к. нуқтадан назарлардан бўладиган таҳлили.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ (юн. *lexikos* — луғатга, сўзга оид, луғат ҳақидаги+*logos* — таълимот). Тилшўносликнинг тилнинг луғат таркибини ўрнатишчи бўлими. Урғаниш объекти, вазифаси нуқтадан назардан лексикология уч турга бўлинади: 1) тарихий лексикология (қ.); 2) тасвирий лексикология (қ.); 3) қиёсий лексикология (қ.).

ЛЕКСИК ОМОНИМИЯ. Лексик birlikлар орасидаги омонимия; луғавий омонимия. Қ. Омонимия.

ЛЕКСИК ОМОНИМЛАР — қ. Омонимлар.

ЛЕКСИКОН. 1. *эск.* Бирор адабий оқим, ёзувчи ёки айрим бадий асар учун хос бўлган сўзлар йиғиндиси.

2. Жаргонга тааллуқли сўзлар захираси.

ЛЕКСИК СИНОНИМИЯ. Луғавий birlikлар орасидаги синонимия. Қ. Синонимия.

ЛЕКСИК СИНОНИМЛАР — қ. **Синонимлар**.

ЛЕКСИК УСЛУБИЯТ. Турли лексик қатламларнинг услубий имконият ва хусусиятлари, сўзларнинг функционал-услубий, эмоционал-экспрессив бўёғи, шунингдек, нутқда лексик воситаларни мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

ЛЕКСИК СЎЗ. Лексикологиянинг объекти сифатидаги сўз. *Қиёс*. Фонетик сўз. Морфологик сўз.

ЛЕКСИК УЗЛАШМАЛАР — қ. **Узлашма сўзлар**.

ЛИГАТУРА (*лот.* ligature < ligare — боғлаш, боғланиш). Икки ҳарф (ёки транскрипцион белги) унсурларидан ҳосил қилинган бир ҳарф (ёки транскрипцион белги).

ЛИНГВИСТИКА (*фран.* linguistique < *лот.* lingua — тил) — *айн*. Тилшунослик.

ЛИНГВИСТИК АНАЛИЗ — қ. **Лингвистик таҳлил**.

ЛИНГВИСТИК АТЛАС. Махсус дастур — сўроқлик асосида тайёрланган, маълум тил ёки шеваларга хос хусусиятларнинг тарқалиш чегарасини ақс эттирадиган лингвистик хариталарнинг альбом шаклидаги тартибланган тўплами. қ. **Лингвистик харита**.

ЛИНГВИСТИК ГЕОГРАФИЯ. Тилшуносликнинг ҳар бир алоҳида тил ҳодисаларининг ҳудудий тарқалишини ўрганувчи бўлими. Бу соҳанинг ўрганиш объекти диалект(лар) ҳисобланади.

ЛИНГВИСТИК ИҚТИСОД. Нутқий алоқа жараёнида кам куч сарф этишга, тил бирликларини, биринчи навбатда, фонетик жиҳатдан ўзгартишга, қисқартишга интилиш. Бу ҳодиса тил тизимининг барча соҳаларида (фонетика, сўз ясалishi, синтаксис ва б.) учрайди. Мас., фонетикада: сўз бошида ундошнинг тушиши (йўқолиши): *узум* < *йузум*, *узук* < *йузук*; сўз охирида жаранглининг жарангсизлашуви: *китоп* < *китоб* ва б.; морфологияда: *бора оламан* шаклининг *бороламан* шаклига, *олиб бор* шаклининг *обор* шаклига келиши ва ҳ.

ЛИНГВИСТИК ЛУГАТ. Луғавий бирликларнинг маъноси, қўлланиши ва бошқа лингвистик хусусиятлари талқин этиладиган луғат. Мас., изоҳли луғатлар, имло луғатлари, таржима луғатлари лингвистик луғатлардир. *Қиёс*. **Қомусий луғат**.

ЛИНГВИСТИК ТАЖРИБА. Бирор тил унсурининг ўзига хос хусусиятларини, қўлланиш имконияти чегарасини, фойдаланишдаги қулай вариантларини, умуман, иш кўриш (фаолият) шароитини шу қондани татбиқ қилган ҳолда турли-туман жумлалар тузиб текшириш.

ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ. Тил, нутқ бирликларини уни ташкил этувчи қисмлари, мазмуни, вазифаси ва б. хусусиятларини

нуқтан назаридан тадқиқ этиш, шу нуқтан назардан тил бирликларининг аниқ ҳолатини белгилаш. Лингвистик таҳлилнинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) лексикологик таҳлил (қ.); 2) фразеологик таҳлил (қ.); 3) семаσιологик таҳлил (қ.) 4) фонетик таҳлил (қ.); 5) имловий таҳлил (қ.); 6) орфоэпик таҳлил (қ.); 7) морфем таҳлил (қ.); 8) сўз ясашиш таҳлили (қ.); 9) морфологик таҳлил (қ.); 10) синтактик таҳлил (қ.); 11) пунктуацион таҳлил (қ.); 12) услубий таҳлил (қ.); 13) этимологик таҳлил (қ.).

ЛИНГВИСТИК УНИВЕРСАЛИЯЛАР (лот. *universalis* — умумий). Барча тиллар учун умумий бўлган (барча тилларда учрайдиган) тил ҳодисалари. Мас., от, феъл туркумлари, грамматик сон, шахс-сон категориялари ва б.

ЛИНГВИСТИК ХАРИТА. Тил ҳодисаларининг тарқалиш ҳудуди ақс эттирилган харита.

ЛИНГВИСТИК ХАРИТАЛАШТИРИШ. Тил ҳодисаларининг тарқалиш ҳудудини харитада белгилаш, тарқалишини харитага гушириш. Қ. Лингвистик харита, Лингвистик атлас.

ЛИНГВИСТИК ЭКОНОМИЯ — қ. Лингвистик иқтисод.

ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРИМЕНТ — қ. Лингвистик тажриба.

ЛИНГВОГЕОГРАФИЯ — қ. Лингвистик география.

ЛИТОТА (юн. *litotes* — оддийлик). Нарса, ҳодиса ёки белгининг ҳажми, кучи кабиларни камайитриб тасвирлаш. Мас., *кўп* сўзи ўрнида *кам эмас*, *яхши* сўзи ўрнида *ёмон эмас* шаклининг қўлланиши.

ЛОГИК КЕСИМ — қ. Мантиқий кесим.

ЛОГИК СУБЪЕКТ — қ. Мантиқий эга.

ЛОГИК УРҒУ — қ. Мантиқий урғу.

ЛОКАЛ МУНОСАБАТЛАР (лот. *localis* — ўрин, ўрин-жойга алоқадор) — айн. Макон муносабатлари.

ЛУҒАВИЙ БИРЛИК — қ. Лексик бирлик, Фразеологик бирлик.

ЛУҒАВИЙ КАЛЬКА — қ. Лексик калька.

ЛУҒАВИЙ МАЪНО — қ. Лексик маъно.

ЛУҒАТ. 1. айн. Лексика 1.

2. Луғавий бирликлар алифбо тартибда жойлаштирилган, турлича изоҳлар берилиб, китоб шаклига келтирилган тўпلام. Луғатлар турли мақсадларда тузилади, шунга кўра унинг турлари ҳам кўп. Аввало луғатлар икки асосий турга бўлинади: 1) лингвистик луғат (қ.); 2) қомусий луғат (қ.).

ЛУҒАТ МАҚОЛАСИ. Луғатларда бош сўзни изоҳлаш, таржима қилиш учун тузилган мақола.

ЛУҒАТЧИЛИК. Луғат тузиш ишлари; лексикография: *Луғатчиликни ривожлантириши.*

ЛУГАТШУНОСЛИК. Тилшуносликнинг лугат тузиш ишларининг илмий-назарий масалалари билан шуғулланувчи бўлими; лексикография.

М

МАВХУМ ОТ. Мавхум тушунчани ифодаловчи от: *ёшлик, севги, қайғу, ыйғу* ва б.

МАЖОЗ. Мавхум тушунча ёки гоаяларни аниқ образ орқали ифодалаш. Мас., *бўри* сўзининг ёмонлик (ёвузлик), очқўзлик ифодаси учун, *тулки* сўзининг айёрлик ифодаси учун қўлланиши.

МАЖҲУЛ НИСБАТ. Асосий эътиборни ҳаракатни бажарувчига эмас, балки объект билан ҳаракатнинг ўзига қаратувчи нисбат. Бу нисбат шакли *-(и)л, -(и)н* аффикслари ёрдамида ясаллади: *келтирилди, тозаланди* каби. Бу шакл объектсиз (ўтимсиз) феъллардан ясалганда, шахсизлик маъноси ифодаланadi: *борилди, ўтилди, қочилди* каби.

МАЖҲУЛ ОБОРОТ — қ. Мажхул гузилма.

МАЖҲУЛ ТУЗИЛМА — қ. Нофаол тузилма.

МАЖҲУЛ ФЕЪЛ — қ. Мажхул нисбат.

МАЗМУН ЖИҲАТИ. Муайян лингвистик бирликнинг маъно томони, яъни тил (нутқ) бирлигининг ички (мазмун) томони (ифодаланувчи). *Зид.* Ифода жиҳати. Қ. Ифодаланувчи.

МАЗМУН ПЛАНИ — қ. Мазмун жиҳати.

МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг воқеликка муносабатини сўзловчи нуқтан назаридан белгилайдиган грамматик категория. Ўзбек тилида майлнинг куйидаги турлари бор: 1) буйруқ-иштак майли (к.); 2) шарт майли (қ.); 3) шартли майл (қ.); 4) мақсад майли (қ.); 5) ижро майли (к.).

МАКТАБ ГРАММАТИКАСИ. Мактабларда ўқитиш учун муължалланган анъанавий грамматиканинг шартли номи.

МАКТАБ ЛУГАТИ. Ҳажм ва мазмуни мактаб талабларига мослаштирилган лугат.

МАНТИҚИЙ КЕСИМ. Ҳукмда с; объект ҳақида хабар берувчи бўлак. Мас., *Буйруқ директор томонидан берилди. Қийс.* Кесим, Грамматик кесим.

МАНТИҚИЙ СУБЪЕКТ — қ. Мантиқий эга.

МАНТИҚИЙ УРҒУ. Гапдаги бирор сўзни, бўлакни (маъносини таъкидлаб, кучайтириб) ажратувчи урғу; маъно урғуси (фразанинг интеллектуал томонига оид урғу). Мас., *Мен эртага музейга бораман* гапдаги ҳар бир сўзни мантиқий урғу билан айтиш (ажратиш) мумкин: 1) *Мен эртага музейга бораман;* 2) *Мен эртага музейга бораман;* 3) *Мен эртага музейга бораман;* 4) *Мен эртага музейга бораман.* Қийс. Эмфатик урғу.

МАНТИҚИЙ ЭГА. Гапда фикр юртилаётган нарса (шахс ёки предмет). Мантиқий эга ўз ифодасига кўра грамматик эга билан тенг келавермайди. Мас., мантиқий эга грамматик эга ва иккинчи даражали бўлак гуруҳидан иборат бўлиши мумкин. Чунки мантиқ (логика) фикрнинг иккинчи даражали бўлаклариини фарқламайди. Шунингдек, бош келишикдаги сўздан бошқа келишикдаги сўз ҳам мантиқий эга бўла олади.

МАТАЛ. Ҳаётини воқеликни ихчам шаклда эмоционал-экспрессив баҳо билан тасвирловчи ифодалар. Маталлар нутқда хукмининг қисми вазифасида бўлиши, ҳамма вақт кўчма маъно аниқлаштириши каби хусусиятлари билан мақоллардан фарқланади: *Туянинг думи ерга текканда.*

МАТЕМАТИК ЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг тилни тадқиқ эттиш ва ўрганишда математик методларни қўллаш имкониятларини ўрганувчи соҳаси.

МАТЕРИАЛ МАЪНО — *айн.* Маддий маъно.

МАТН. Ёзма-ён ҳарфлар, ёзув орқали аёк эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст.

МАТНИЙ МАЪНО. Сўзнинг нутқий матнга боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган (юзага чиқадиган) маъноси. Мас., *кавак, кўр* сўзларининг қўйиндаги нутқ парчаларидаги маъносини матний маъно ҳисобланади: *Тавба, ажойиб. Ёшим шунчага етиб, бундайларни энди эшитдим. Бутун умр кавакда ўтди... Қўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирардим?* *Қўзим, кечир, бу адашган кўр дадангни кечир!* (Ойбек).

МАТНИЙ СИНОНИМЛАР. Нутқий матн асосида белгиланадиган синонимлар.

МАХСУС ЛЕКСИКА. Меҳнат фаолиятининг турли соҳаларига оид нарса-ҳолвисаларни номловчи сўзлар. Термин ва касб-ҳунарга оид сўзлар махсус лексикага кирати. *К.* Термин. Касб-ҳунар лексикаси.

МАХСУС ЛУГАТ. Маълум соҳага, маълум қатламга оид сўзлардан иборат бўлган лугат. Бундай лугатларининг номида қай жиҳатдан чегараланганлигини ёки қайси қатламга оидлигини кўрсатувчи сўзлар бўлади. Мас., «Физика терминлари лугати», «Диалектологик лугат», «Фразеологик лугат» ва б.

МАХФИЙ ТИЛ. Алоҳида ижтимоий гуруҳларга хос, шу гуруҳга оид кишилар тушунадиган ва фойдаланадиган тил.

МАШИНА ТАРЖИМАСИ. Матн (текст)ни берилган дастур асосида электрон машиналар ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга автоматик таржима қилиши.

МАЪНО КЕНГАЙИШИ. Тарихий тараққиёт жараёнида маъно ҳажмининг кенгайиши, лексик маънонинг аввалгисига ишбаган кенгроқ воқеликни билдириши. Мас., *ўқ* энг аввал камоннинг ўқини билдирган, ҳозирда эса ҳар қандай қуролдан отилдиган ўқини билдиради.

МАЪНО НОЗИКЛИГИ. Сўзининг лексик маъносигадики умумий қисмдан ташқари, ҳар бирига хос бўлган фарқли белгилар хусусиятлар. Мас., *вазифа*, *бурч* сўзлари бир хил маънога (зиммадаги иш-мажбурият маъносига) эга бўлгани ҳолда, *бурч* сўзида «муҳим», «масъулликли» (вазифа) ифодаси бор. *Касал*, *бетоб* сўзларидан *касал* лексемаси инсон ва бошқа жонли нарсаларга нисбатан қўллангани ҳолда (*касал одам*, *касал қуён*), *бетоб* лексемасининг фақат инсонга нисбатан қўлланиши.

МАЪНОСИЗЛАНИШ. Сўзининг ўз луғавий маъносини йўқотиши. Мас., *мен уйда бўлман* гапи билан *хом гава тахир бўлади* гапидаги *бўл* феъллини қиёсланг: биринчи гапда мустақил феъл, иккинчи гапда эса луғавий маъносини йўқотиб, ёрдамчига айланган (маъносизланишга учраган) феъл қатнашган.

МАЪНО ТОРАЙИШИ. Тарихий тараққиёт жараёнида лексема маъноси ҳажми (кўлами)нинг торайиши; лексик маънонинг аввалгига нисбатан торроқ воқеликни билдириши. Мас., умуман ҳайвонлар маъносигадики *йилқи* сўзининг ҳозирда фақат отни билдириши.

МАЪНО УРҒУСИ — қ. Мантиқий урғу.

МАҚОЛ. Чуқур маъноли, тузилиши гапга тенг, алоҳида ритмик-мелодик хусусиятларга эга бўлган фольклор жанри. Мақолларда халқнинг кўп йиллик тажрибаларни, ҳаёт ҳодисаларининг маълум баҳоси (унга муносабат) аке этади: *Дарё сувини баҳор тоширар*, *Одам қадрини меҳнат оширар*. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар*, *Бесабрлар ўз оёғидан йитар*.

МАҚСАД МАЙЛИ. Ҳаракатни бажариш-бажармаслик мақсадини, ниятини, ҳаракатни бажариш мўлжал қилинганини билдирувчи майл. Мақсад майли шакли -*моқчи* аффикси ёрдамида ясалади: *кўрмоқчиман*, *бормоқчиман*, *институтга кирмоқчи* каби: *Биз... ўз фикр-мулоҳазаларимизни атрофлича баён этмоқчимиз* (Д. Нурий).

МАҚСАД РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг қандай мақсад билан бажарилишини билдирувчи равиш: *атайлаб*, *қасддан* каби: *Қоратой билан Ҳроз йиғитни авайлаб кўтариб*, *ушланиб қолмаслик учун жўрттага хилқичига шўнғиди* (Ойбек).

МАҚСАД ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан аниқлашган ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг қандай мақсад билан юз беришини билдирувчи эргаш гап: *Ойимхон уйғонмасин учун*, *Холмурод оёқ учида бориб*, *ўз ўрнига ётди* (П. Турсун).

МАҚСАД ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдирувчи ҳол: *У одамлар орасига тезроқ киришга ҳар нарсани билишга*, *ишлашга шовди* (Ойбек).

МАҲАЛЛИЙ ДИАЛЕКТ. Ишлатилиши маълум ҳудуд билан чегараланган диалект: *Хоразм диалекти*. Тошкент *диалекти*. Маҳаллий диалектлар шева ва лаҳжа ҳолатида бўлади. *К. Шева*. *Лаҳжа*.

МАҲСУЛДОР АФФИКСЛАР — айн. Маҳсулли аффикслар.

МАҲСУЛЛИ АФФИКСЛАР. Сўз яшаш вазифасини тўхтатмаган, озми-кўпми миқдорда сўз яшаш учун хизмат қилаётган аффикслар.

МАҲСУЛСИЗ АФФИКСЛАР. Озми-кўпми миқдорда сўз ясаган, лекин ҳозирда сўз яшаш базифаси тўхтаган (сўз ясамайдиган) аффикслар. Мас., *истак, курак* сўзларидаги к аффикси.

МЕЛОДИК УРҒУ — *айн.* Мусиқий урғу.

МЕНТАЛИНГВИСТИКА (*лот.* mens, mentis — онг, тафаккур + лингвистика). Тилшунослиқнинг тил билан тафаккурнинг алоқасини ва шунга боғлиқ масалаларни ўрганувчи бўлими.

МЕТАТЕЗА (*юн.* metathesis — ўрни алмаштириш). Сўздаги товушларнинг ўрни алмашинуви. Мас., *бўйра* — *бўрйа*, *киприк* — *киркик*, *турпоқ* — *турпоқ*, *тўғрамоқ* — *тўрғамоқ*, *мизож* — *мижоз* ва б.: *Шукр этай, нозик мизожим бирла марҳам иттифоқ* (Ҳабибий). *Эрининг феъли, мижоз-табиати кун сайин унга равшанлашди* (Ойбек).

МЕТАФОРА (*юн.* metaphora — кўчириш). Бир предметнинг номини бошқа предметга бирор томондан ўхшашлигини эътиборга олиб кўчириш. Метафора сўзнинг янги маънолари ҳосил бўлишида қатнашадиган омиллардан биридир. Мас., *қанот, косо, арафа* сўзларининг. *самолёт қаноти, тарвузнинг косаси, байрам арафаси* бирикмаларидаги маъноси метафора асосида ҳосил бўлган. Қ. **Метонимия**.

МЕТОНИМИЯ (*юн.* metonymia — қайта номлаш). Бир предмет, белги, ҳаракат номини ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик асосида бошқа предмет, белги ёки ҳаракатга нисбатан қўллаш; шундай қўллаш асосида бир предмет, ҳаракат, белги номининг бошқа предмет, ҳаракат ёки белгига кўчиши. Метонимия сўзнинг янги маънолари ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Мас., *кулги* сўзининг «мазах», «масхара» маъноси, *самовар* сўзининг «чайхона» маъноси метонимия асосида ҳосил бўлган маънолардир. Қ. **Метафора**.

МЕЪЁР. Тил бирикларини у ёки бу кўринишида жамият томонидан аниқланган, белгиланган ишлатилиш имконият ва қонуниятлари. Қ. **Адабий меъёр.** **Лексик меъёр.** **Морфологик меъёр.** **Синтактик меъёр.** **Орфоэпик меъёр.** **Фонетик меъёр.** Сўз ясалиш меъёри.

МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚА ТИЛИ. Бир давлат (мамлакат) доирасида турли миллат вакиллари томонидан алоқа воситаси сифатида фойдаланиладиган, миллатлараро алоқа воситаси хизматини ўтайдиган тил. Қ. **Миллий тил**.

МИЛЛИЙ ТИЛ. Миллат бўлиб шаклланган жамоанинг умумий тили.

МИМЕМА — қ. Тақлид сўз.

МИҚДОР-ДАРАЖА РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг миқдор-даража жиҳатидан белгисини, шунингдек, белгининг даражасини билдирувчи равиш: *ниҳоятда, сал* каби: *Сидиқжон пича*

ўтирди-ю, энди қайтиб кетмоқчи бўлиб турганида, Урмон-
жон келиб қолди (А. Қаҳҳор).

МИҚДОР-ДАРАЖА ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашил-
ган ҳаракат-ҳодисанинг миқдор-даражасини билдирувчи эргаш
гап: *Инсонга ҳаво нечоғлик зарур бўлса, халққа
тинчлик, озодлик ва бихт-саодат ҳам шунчалик
зарурдир.*

МИҚДОР-ДАРАЖА ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиши-
даги миқдор-даражани белгиловчи ҳол: *Шекарни қопи би-
лан олди. Бугун қурилишда одам кундагидан икки-уч мар-
та кит эди* (А. Мухтор). *Кўп ўйла, оз сўзла* (Мақол).

МИҚДОР ИЙ УРҒУ. Товуш талаффузининг ортишига (дэ-
вомлилигига) асосланадиган урғу. Миқдорий урғуда чўзиқлик
етақчи бўлади. *Қийс. Динамик урғу.*

МИҚДОР СОНЛАР. Предметнинг миқдорини билдирувчи
сонлар. Ўзбек тилида миқдор сонлар олти турга бўлинади: 1)
саноқ сон (қ.); 2) дова сон (қ.); 3) чама сон (қ.); 4)
жамловчи сон (қ.); 5) тақсим сон (қ.); 6) каср сон
(қ.).

МОДАЛЛИК (*фрэн. modalit* < *лот. modus* — майл). Сўзлов-
чининг ифодаланаётган фикрга муносабатини билдирувчи грам-
матик-семантик категория. У орқали фикр мазмунини реал ёки
нореал, қатъий ва ш.к. тарзда тасаввур этилиши мумкин. Мо-
даллик сўз, қўшимча, юклама ва оҳанг орқали ифодалангани
мумкин. Мас., *ёза олмоқ* (ол ёрдамида ясалган шакл қодирлик
маъносини билдирипти), *албатта келиди* (албатта сўзи қатъий
ишонч ифодалаяпти), *кўрганов* (-ов юкламаси гумон билдиради)
ва б. К. Модал сўз. Модал шакл. Модал маъно.

МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИ. Фикрнинг воқеликка бўлган
муносабатини кўрсатувчи маънолар ва бу маъноларнинг ифода-
ланиш тизими. Модал маъно, масалан, модал сўз ёки модал
шакллар орқали ифодаланади. Қ. Модал сўз, Модал шакл, Мо-
дал маъно.

МОДАЛ МАЪНО. Сўзловчининг ўзи ифодалаётган фикрга
муносабатини билдирадиган маъно. Мас., фикрнинг чин ёки гу-
монлиги маъноси, афсусланиш, қониқни, имконият, мамнуналик
каби маънолар модал маънолар хисобланади. Модал маъно
турли тил бирликлари (мас., сўз, сўз шакли) ёрдамида ифода-
ланади. Қ. Модал сўз, Модал шакл.

МОДАЛ СЎЗ. Сўзловчининг ўзи ифодалаётган фикрга тур-
ли муносабатини билдирувчи, фикрнинг аниқлиги, ноаниқлиги
каби маъноларини ифодаловчи сўз туркуми ва шу туркумга оид
сўз: *ҳақиқатан, албатта, камаси, дарвоқе* кабилар: *Бу хатни
бир вақтлар, ҳақиқатан, Гулнор ёздирган эди* (Ойбек). *Эҳтимол
кетмон билан ер ағдарилганга ҳам тўғри келар* (А. Қаҳҳор).

МОДАЛ ШАКЛ. Сўзнинг модал маъно ифодаловчи шакли.
Мас., ўзбек тилидаги отнинг кичрайтиш-эркалаш шакллари

(қизал оқ, қўзич оқ каби), феълнинг модал маъно ифодаловчи кўмакчи феъллар ёрдамида ясалувчи шакллари (*айта қол, бора кўрма* каби). Қ. **Модал маъно.**

МОДДИЙ МАЪНО. Маълум бир нарса-ҳодиса, ҳаракат, белги кабилар ҳақидаги тушунчага мос келувчи материал маъно; сўзнинг материал қисми (асоси) билдирадиган маъно. Мас., *ишнинг* сўзидаги *иш* қисмига ҳос маъно; *ишчиларимиз, ишладик* сўзларининг *ишчи* ва *ишла* қисмларига ҳос маъно моддий маънодир. Қ. **Лексик маъно.**

МОДЕЛЛАШТИРИШ. Бирон тил (нутқ) бирлигининг схемаси ёки моделини тузиш: *Эргашган қўшма гапни моделлаштириш.*

МОДЕЛЬ (*фран. modele* < *итал. modello* — намуна, қолип). Бирон тил ҳодисаси (нутқ бирлиги) таркибий қисмларининг жойлашиш ҳолатини кўрсатувчи схема ёки намуна: *Сўз ясалиш модели*: ясалиш асоси + ясовчи.

МОДУЛЯЦИЯ (*лот. modulatio* — ўлчан, ўлчам). 1. Нутқ тузилишида суперсегмент фонетик ҳодисалардан фойдаланиш.

2. Фраза урғуси, паузалар гапнинг синтактик воситалари ва просодик (суперсегмент) характеристикаси сифатида.

МОНОЛОГ (*юн. monos* — бир + *logos* — сўз, нутқ). Сўзловчининг ўзига қаратилган, бошқа шахснинг тинглаш ва жавоб беришини эътиборда тутмайдиган нутқ. *Қиёс. Диалог.*

МОНОСЕМИЯ (*юн. monos* — бир + *sema* — белги) — қ. Бир маънолилик.

МОНОСИЛЛАБИЗМ — қ. Бир бўғинлилик.

МОНОТОНИК УРҒУ — *айн. Экспиратор урғу.*

МОНОФОНГ (*юн. monos* — бир + *phongos* — овоз, товуш). Таркиби бир товушга тенг унли, содда унли; якка унли. *Қиёс. Дифтонг.*

МОРФ — қ. **Морфа.**

МОРФА (*юн. morphē* — шакл). Морфеманинг сўзшакл таркибида қатнашаётган кўрinishи. Турли сўзшаклларда иштирок этувчи бундай морфлар мажмуи морфемани ташкил этади. Мас., *уйга, эшикка, ётоққа* сўзшаклларида иштирок этаётган уч шакл (*-га, -ка, -қа*) бир морфема ҳисобланади. Морф(а)лар ўзаро алло морф(а) (қ.) ёки морфеманинг варианты (қ.) ҳолатида бўлади.

МОРФЕМА (*юн. morphē* — шакл). Тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган энг кичик бирлиги. Асосий хусусиятга кўра, морфемалар икки турга бўлинади: 1) лексик морфема (қ.); 2) аффиксал морфема (қ.). Мас., *ишчи* сўзида икки морфема бор: *иш* ва *чи*. *Иш* — лексик морфема, *чи* — аффиксал морфема.

МОРФЕМАНИНГ ВАРИАНТИ. 1. *айн. Алломорфа.*

2. Морфеманинг ҳар қандай қуршовда ҳам бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлган морфаларни. Мас., *-дай, -дек*

морфалари эркин қўшилаверади, демак, вариант ҳолатида: *гулдай* — *гулдек* каби. *Зид.* Алломорфа 2.

МОРФЕМИКА. Морфемаларнинг моҳияти, тузиллини, турлари ва б. хусусиятлари ҳақидаги таълимот. Қ. **Морфема.**

МОРФЕМ ЛУҒАТ. Сўзларнинг морфема таркаби қайд этиладиган луғат. Мас., А. Ғ. Ғуломов, А. Н. Тихонов, Р. Қўнғуровларнинг «Ўзбек тили морфем луғати» («Уқитувчи» нашриёти, 1977).

МОРФЕМ ТАҲЛИЛ. Сўзнинг морфема таркибини, морфемаларнинг турларини, ҳар бир турнинг маъно ва вазифасига кўра турларини белгилаш.

МОРФОЛОГИК КАТЕГОРИЯ. Бир-бирига қўйсан олинадиган икки ёки undaи ортиқ грамматик маъно ва шу маъноларни ифодаловчи шакллар тизими. Мас., ўзбек тилида оғлардаги «сеп» категорияси (*китоб* — бирлик, *китоблар* — кўплик), феълнинг замон категорияси (*ўқиди* — утган замон, *ўқияпти* — ҳозирги замон, *ўқийди* — келаси замон) ва б.

МОРФОЛОГИК МЕЪЁР. Сўз шаклларидан ҳозирги адабий тил қонун-қондаларига мос ҳолда фойдаланишни белгиловчи меъёр. Мас., ҳозирги адабий тил нуктаи назаридан *олади*, *ўрганайди*, *шайлайдиган* шаклларининг қўллангани — меъёрий, аммо *олгуси*, *ўргангуси*, *ўрганажак*, *шайлажак* тарзида ишлатилганда, меъёр бузилади (улар архаик ва диалектал шакллардир).

МОРФОЛОГИК СУЗ. Морфологиянинг объекти сифатидаги сўз. Қиёс. Фонетик сўз, Лексик сўз.

МОРФОЛОГИК СУЗ ЯСАЛИШИ. — қ. Сўз ясалишининг морфологик усули.

МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Сўзларнинг умумкатегориал маъноларга кўра (сўз туркумлари нуктаи назаридан) турларини, сўзнинг морфологик тузиллишини, бу тузилишдаги қисмларнинг хусусиятларини (турлари, маъно ва вазифаларини) белгилаш.

МОРФОЛОГИК ҚАЙТА БУЛИНИШ. Сўз морфологик таркибидаги дастлабки бўлиниш чегарасининг ўзгарishi. Мас., *унки* сўзи аслида *у(л)* олмоши, *-ниг* қаратқич келишини кўрсатқичи ва тегишлиликни ифодаловчи *-ки* аффиксидан иборат бўлган. Ҳозирда эса у икки қисмга илдан иборат: *у+унки*. Қиёс. Синтактик қайта бўлиниш.

МОРФОЛОГИЯ (юн. *morphe* — шакл+*logos* — таълимот).

1. Сўз шакллари ҳақидаги грамматик таълимот. Морфология синтаксис билан бирга грамматикани ташкил этади: *Ўзбек тили лексикологияси ва морфологияси*.

2. Тилнинг морфологик қурилиши: *Ўзбек тилининг лексикаси ва морфологияси*.

МОРФОНОЛОГИЯ (юн. *morphe* — шакл+*phone* — товуш+*logos* — таълимот). Тилшўносликнинг морфология билан фонетиканинг алоқаларини ўрганувчи бўлими; морфемаларнинг фонологик тузилишини ҳамда морфемаларнинг қўшилиши натижаси-

да уларнинг тузилшида юз берадиган товуш ўзгаришларини ўрганувчи соҳа.

МОСЛАШУВ АЛОҚАСИ. Тобе алоқанинг бир тури бўлиб, бунда тобе сўз ўз шаклини ҳоким сўзининг шаклига мослайди, шунинг тартибидан тобе сўзга боғланади, ҳоким сўзининг шакли ўзгариши билан тобе сўз ҳам унга мос ҳолда шаклини ўзгартиради. Усебаҳ тилида мослашув асосан қараткич-қаратимини ва энгил-қолим алоқасида кўрилади: *мен айтганман, сен айтгансан, у айтганми; менки айтмоски, сенинги айтмосинге* каби. Қиёс. Бошқарув алоқаси. Битишув алоқаси.

МОТИВЛАНУВЧИ СЎЗ — қ. Асосланувчи сўз.

МОТИВЛОВЧИ СЎЗ — қ. Асословчи сўз.

МУАЛЛИФ ГАПИ. Кўчирма гапли тузилмаларда муаллифнинг ўзи айтган (кўчирма гапдан ташқари) гап: *Ростдан ҳам амирчи осмоқчимисиз? — деб сўради доктор* (А. Эшонов). *Жўрабоее йтиришга жой кўрсатиб, меҳрибонлик билан мурожаат қилди: «Келганинга хурсандман, Ойқиз».* Қиёс. *Ўзга гап.*

МУВАҚҚАТ МАЪНО. Сўзнинг маъно тузилишида шаклланиб етмаган, маълум индивидуал қўлланишида юзага чиқадиган маъно: *Фан, тинчликнинг силасери бутун, тинланганли сўхбати учун* (Ойбек). *Кун ҳалиям иссиқ бўлса-да, ҳар ҳолга шабада йўрғаларди* (М. Мусаев).

МУЗИКАЛ УРГУ — қ. Мусиқий ургу.

МУЛЬТИПЛИКАТИВ СОН — қ. Кўпайтма сон.

МУРАККАБ БЎЛАК. Бирдан ортиқ лугавий бирлик (мустақил сўз ёки турғун сўз бирикмаси) билан ифодаланган гап бўлади. Мураккаб бўлак содда ёки мураккаб сўз бирикмаси ёки бошқа турдаги синтактик бирикмалар, масалан, ўрмалар билан ифодаланган шукки: *Дехқон /келаси кўзда оладиган ҳосилнинг ёшлари /қўрқиб кўради* (М. Исмоқилӣ), *Тўрт томони баланд ой-йўлалар билан ўралган тоғлиди /нафас/ бўғилди* бошлади (Ойбек). *Нонушта пайтида /Жўраҳон ҳақида китоб ёзмоқчилигини айтиди* (С. Аҳмад). *Яна қасалхонада борини кераклигини ўйлаб ўҳоракатида /сўз /иққолди* (С. Анорбоев). Қиёс. Содда бўлак.

МУРАККАБ ГАП. Мюнинг бўлак, ажратилган бўлак, унданма ва киритмалар иштироки билан мураккаблашган содда гап: *Ой, сиз бетида қалқиб бораётган тарвуз палласи, бекинмачоқ йўнаб, гоҳ кўринадиди, гоҳ яширинадиди* (Х. Ғулום). *Ҳой, қизи тушмагир, нима чеб ажиризилсан?* (А. Қоҳқор).

МУРАККАБ КЕСИМ. Бирдан ортиқ мустақил сўз билан ифодаланган кесим: *Биз ҳаммамиз эл фарзандларимиз!* (У. Юсупов). *Олифтанаме бу йил ит йиғирма беш ёшларда эди* («Мунтум»).

МУРАККАБЛАШГАН ГАП — қ. Мураккаб гап.

МУРАҚҚАБ СИНТАКТИК БУТУНЛИК. Фикран, айни вақтда лексик, грамматик ва бошқа тил воситалари ёрдамида ўзаро боғланган мустақил гаплар гуруҳи: *Янги Тошкентнинг кўчаларини, осмонлар биноларини, сўлим хиёбонларини завқ билан томоша қилиб, ажиб кошона қаршида бир зум тўхталаман. Оппоқ мраммрдан тикланган чиннидай қаср. Бу бинони қули гул усталар, мўъжизакор наққошлар яратишди. Қадоқ қўл иморатсозлар ва моҳир муҳандислар унга кўрк ва фусун бахш этдилар...* Бу бино пойтахтнинг айни марказида — Тошкент юрагида қад кўтарди. У Шарқ кўёши нурларига кўмилиб, оппоқ товланиб турибди (Р. Файзий). Қиёс. Период.

МУРАҚҚАБ СОН. Кўпайтма сон ва кўшилма сонга (кўшилма сон ва кўпайтма сонга) хос боғланишли сонлардан тузилган сонлар: *икки юз беш* ($2 \times 100 + 5$), *икки юз беш минг* ($2 \times 100 + 5 \times 1000$), *ўн беш минг олти юз қирқ* ($10 + 5 \times 1000 + 6 \times 100 + 40$) ва б.

МУРАҚҚАБ СЎЗ БИРИКМАСИ. Компонентлари ёки улардан бири бирдан ортиқ сўз билан ифодаланган бирикма: *Мирзакаримбой уз ўғлига ўқрайиб, бошини қуйи солганини ҳамма сизди* (Ойбек). *Мошранг духоба дўппили бола болаларнинг энг каттаси эди* (Ойбек). Қиёс. Содда сўз бирикмаси.

МУСИҚИЙ УРҒУ. Товуш кучи ва баландлиги эмас, балки тон баландлиги ўзгариши билан характерланувчи урғу. Мас., хитой, япон, корейс тилларида лексик урғу шундай. Қиёс. Экспиратор урғу.

МУСТАҚИЛ ГАП. Грамматик жиҳатдан бошқа гап билан боғланмаган, коммуникатив жиҳатдан тугалликка эга бўлган гап: *Тошмамат ўзи астойдил берилиб ўйлаётган бу фикрларидан бирдан даҳшатга тушиб кетди* (У. Усмонов).

МУСТАҚИЛ МАЪНОЛИ СЎЗЛАР — айн. Мустақил сўзлар.

МУСТАҚИЛ МАЪНОСИЗ СЎЗЛАР — айн. Ёрдамчи сўзлар.

МУСТАҚИЛ СЎЗЛАР. Луғавий маънога эга, номинатив вазифа бажарадиган, яъни предмет, ҳодиса, белги, ҳаракат кабиларин атайдиган ёки унга ишора қиладиган ва гапнинг мустақил бўлаги вазифасида кела оладиган сўзлар: мустақил сўз туркумларига онд сўзлар. Мас., от, сифат, феъл каби туркумга онд одам, дарахт, сув; яхши, кенг, аччиқ; ёзмоқ, кўрмоқ, сўрамоқ каби сўзлар мустақил сўзлардир. Қ. Мустақил сўз туркумлари.

МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ: Мустақил сўзлардан иборат сўз туркумлари. Булар қуйидаги сўз туркумларидир: 1) от (қ.); 2) сифат (қ.); 3) сон (қ.); 4) олмош (қ.); 5) феъл (қ.); 6) равиш (қ.). Қ. Сўз туркумлари.

МУСТАҚИЛ БЎЛМАГАН СЎЗ ТУРКУМЛАРИ. Мустақил сўз туркумларидан бошқа сўз туркумларининг — ёрдамчи сўз, ундов, тақлид сўз ва модал сўзларнинг умумлашма номн.

МУТЛАҚ ЗАМОН. Ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабати бевосита ифодаланадиган замон. Мас., ижро майли (қ.) шакллари ифодалайдиган ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замон мутлақ замондир: *сен айтдинг, сен айтяпсан, сен айтасан* каби. Қийс. Нисбий замон.

МУТЛАҚ ИНКОР. Гап мазмунига бир бутун ҳолда онд бўлган инкор. Мас., *Йўқ, мен у томонларга бормайман* дейилганда, *йўқ* сўзи ифодалаётган инкор гап мазмунига бир бутун ҳолда тегишлидир, *-ми* аффикси ифодалаётган (*бормайман*) инкор эса *бор* феъли билдирган ҳаракатнинг ўзигагина тааллуқлидир.

МУТЛАҚ СИНОНИМЛАР. Маъноси, қўшимча оттенкаси ва б. жиҳатлари бир-бирига тўла тенг келувчи сўзлар. Бундай синонимлар тилда жуда саноқли бўлиб, асосан, терминларда учрайди: *тилшунос — тилчи, лексикография — луғатчилик* каби. Қ. Дублетлар.

МУҚОБИЛ БИРЛИК. Бир нутқ бирлигига хос маънони ифодалай оладиган, унга хос вазифани бажара оладиган бошқа нутқ бирлиги. Мас., *оғзи қулоғида, илоннинг ёғини ялаган* фразеологизмлари *хурсанд, айёр* сўзларининг муқобилларидир.

Н

НАЗАЛИЗАЦИЯ (лот. *nasalis* — бурун, бурунга онд) — қ. Бурунланиш.

НАЗАЛИЗАЦИЯЛАНГАН ТОВУШ — қ. Бурунланган товуш.

НАТИЖА ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг натижасини, хулосасини билдирувчи эргаш гап: *Бу йиллар шу даражада чувалиб кетдики, бора-бора у ҳеч бирини равшан тасаввур қилолмай қолди* (Шухрат).

НАТУРАЛИСТИК ОҚИМ. Тилни табиий организм сифатида қаровчи лингвистик оқим.

НАТУРАЛИСТЛАР. Халқаро ёрдамчи тилни табиий миаллий тиллар асосида яратиш зарур деб қаровчи оқим.

НЕЙТРАЛ ЛЕКСИКА — қ. Бегараф лексика.

НЕОЛОГИЗМ (юн. *neos* — янги + *logos* — сўз). Янги нарса, тушунчаларни ифодалаш учун ҳосил қилинган, ҳали одатдаги луғавий бирликка айланиб кетмаган сўз ёки иборалар. Мас., *космодром, фазогир* сўзлари космосни забт этишнинг дастлабки босқичида неологизм бўлиб, ҳозир одатдаги сўзга айланган.

НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг субъект ва объектга муносабатини билдирувчи грамматик категория. Мас., *кўрди* — ҳаракат бевосита субъектнинг ўзи томонидан бажарилиши ифодаланади: *кўрсатди* — ҳаракатнинг (кўринишининг) бевосита бажарувчиси бошқа шахс эканлиги ифодаланади; *кўринди* — ҳаракатнинг субъектнинг ўзига объект сифатида қаратилгани ифода-

ланади; *кўрилди* — ҳаракатнинг бажарилмиш вақтинг тарзда ифодланади ва ҳ. Ўзбек тилида нисбатнинг беш тури бор: 1) бош нисбат (*қ.*); 2) ўзлаик нисбати (*қ.*); 3) шарт-тирма нисбат (*қ.*); 4) мажҳул нисбат (*қ.*); 5) бўлганлик нисбати (*қ.*).

НИСБИЙ ЗАМОН. Ҳаракатнинг бажарилмиш вақтини баъо-сита, яъни бошқа ҳаракатнинг бажарилмиш вақтига ёки, умуман, қандайдир бошқа вақтга нисбатан белгилайдиган замон. Мас., сифатдош ва равишдошларнинг замони: *Келаётган ўқув-чиға айтди. Институтға кираётган ёшларға консультация беряпти. Ишларни битиргач, тезда қайтамиз. Қиёс. Мутлақ замон.*

НИСБИЙ СИФАТ. Предмет белгисини бошқа предметга нис-батан бериб ифодалайдиган сифатлар: *деворий газета, кечаги суҳбат каби.*

НИСБИЙ СУЗ — *айн. Боғловчи сўз.*

НОИЗЧИЛ АФФИКСЛАР. Сўз ясалишида бирор модель, сўз ясалиш типин (*қ.*) ҳосил қиламайдиган, бир-икки сўз ясалиши-дагина учрайдиган аффикслар. Мас., *ўсимта, кўрк, ишак* каби сўзлардаги *-та, -к, -ак* аффикслари. *Қиёс. Изчил аффикслар.*

НОКАТЕГОРИАЛ ФОРМА — *қ. Функционал шакл.*

НОЛИСОНИЙ ОМИЛЛАР. Тил тарраққийетиға таъсир кўр-сатувчи объектив воқеликка доир (тил қонуниятларидан таш-қари) шарт-шароитлар. Бундай шарт-шароитларға биринчи нав-батда ижтимоий-сиёсий омиллар киради.

НОЛЬ КЎРСАТКИЧЛИ ШАҚЛ. Товуш ифодасига эга бўл-маган ҳолда грамматик маъно ифодалайдиган ва грамматик вазифа бажарадиган тил ҳодисаларининг умумий номи, *китоблар* — кўплик шакли (кўплик кўрсаткичи — *-лар* аффикси), *китоб* — бирлик шакли (бирлик ифодаловчи махсус аффикс йўқ, демак, у ноль кўрсаткичли шакл)

НОМИНАЛИЗАЦИЯ — *қ. Номлашиш.*

НОМИНАТИВ БИРЛИКЛАР — *қ. Номловчи бирликлар.*

НОМИНАТИВ ГАП — *қ. Номловчи гап.*

НОМИНАТИВ МАЪНО — *қ. Номловчи маъно.*

НОМИНАТИВ ФУНКЦИЯ — *қ. Номлаш вазифаси.*

НОМИНАЦИЯ *лат. nominatio* — аташ, ном қўйиш). Тилда номлаш вазифасини бажарувчи бирликларини (сўз, сўз бирик-маси кабиларини) ҳосил қилиш.

НОМЛАШ ВАЗИФАСИ — *қ. Сўзнинг номлаш вазифаси.*

НОМЛАШИШ. Трансформациянинг бир усули; предикатив синтагманинг номловчи синтагмаса айлантирилиши. Мас., *Акбар келди* — *Акбарнинг келиши. Акбар келди, бошқа одам келма-ди* — *Акбардан бошқа одам келмади* *қ. Трансформация, Депре-дикация.*

НОМЛОВЧИ БИРЛИКЛАР. Номлаш вазифасини бажарувчи бирликлар (сўз ва сўз бирикмаси) — қ. Номлаш (аташ) вазифаси.

НОМЛОВЧИ ГАП. Бир ҳақикатдаги сўз ёки от бирикма билан ифодаланадиган бир таркибли гап: *Ана совуқ, мана қор! Мана ўсаржоннинг беласи...* (Ойбек). *Қандай қўқракдор майбос!* (Р. Файлий).

НОМЛОВЧИ МАЪНО. Вовелик билан бевосита боғланидиган, предмет, белги, ҳаракатнинг атамаси бўлиб хизмат қиладиган маъно. Мас., *олма* сўзининг «мева турларидан бири» маъноси, *сакрамоқ* сўзининг «юқорига ёки олдинга зарб билан отилмоқ» маъноси, *ширим* сўзининг «мазаси ёдимли» маъноси номловчи маънодир. *Қиёс.* **Фигурал маъно.**

НОРЕГУЛЯР АФФИКСЛАР — қ. Ноизчил аффикслар.

НОРМАТИВ ГРАММАТИКА. Сўз шакллари ва синтактик қурилиш моделларининг меъёр талабларига жавоб беришини белгилловчи грамматика.

НОФАОЛ НУТҚ АЪЗОЛАРИ. Товуш ҳосил бўлишида асосий иш Сажармайдиган, нофаол қатнашадиган нутқ аъзолари. Мас., тиш, қаттиқ тағлай, бурун бўшағи. *Қиёс.* **Фаол нутқ аъзолари.**

НОФАОЛ ТУЗИЛМА. Ҳаракат субъекти тўқдирувчи орқали, ҳаракат объекти эса яна орқали ифодаланган тузилма: *Бу буйруқ раҳбар томонидан имзоланган* (нофаол тузилма) — *Бу буйруқни раҳбар имзоламаган* (фаол тузилма). *Қиёс.* **Фаол тузилма.**

НУМЕРАТИВЛАР — қ. Улчов сўзлари.

НУТҚ. 1. Тзанинг амалиёт шакли, вовеликнинг сўзловчининг тиз воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натижасида юзга келадиган ҳодиса.

2. Нутқнинг коммуникация мақсади ва шариғига қараб лексик ва грамматик воситалардан мувофиқини сайлаб ишлатиш билан характерланувчи тур: *Расмий нутқ.* *Сўзлашув нутқи.* *Қиёс.* **Тил 2.**

3. Синтактик ифоданинг тури: *Муаллиф нутқи.* *Хўша нутқи.*

НУТҚ АППАРАТИ. Нутқ аъзолари маъмуи (заб, тиш, тил, тағлай, ичрик тил, оғиз бўшағи, бурун бўшағи, бўғиз усти бўшағи, ўлка, бронхлар, диафрагма, бўғма, нафас йўли). *Қ.* **Нутқ аъзолари.**

НУТҚ АЪЗОЛАРИ. Нутқ товушлари ҳосил бўлишида иштирок этувчи аъзолар. Нутқ товушлари ҳосил бўлишида иштирок этми даражасида кўра нутқ аъзолари икки асосий турга бўлинмади: фаол нутқ аъзолари (қ.), нофаол нутқ аъзолари (қ.).

НУТҚ БИРЛИГИ. Тил бирликлари асосида нутқнинг ўзида юзга келувчи бирлик. *Қ.* **Фонетик бирлик, Синтактик бирлик.**

НУТҚНИЙ АЛОҚА БИРЛИГИ. Мустақил ҳолда фикр ифо-

далай оладиган нутқ бирлиги. Асосий нутқий алоқа бирлиги гапдир.

НУТҚИЙ АЛОҚА ВАЗИФАСИ — қ. Сўзнинг нутқий алоқа вазифаси, Гапнинг нутқий алоқа вазифаси, Тилнинг нутқий алоқа вазифаси.

НУТҚИЙ МАТН. Мазмун жиҳатдан тугалликка эга бўлган, ўз таркибидаги сўз ёки ибораларнинг маъноларини белгилашга имкон берадиган нутқ парчаси. Бундай нутқ парчаси таркибидаги сўзлар (иборалар) бири бошқаси учун қуршов вазифасини бажаради. Қ. **Матний маъно.**

НУТҚ ИНТЕНСИВЛИГИ. Талаффузнинг нафас чиқаришнинг кучайиши ёки пасайиши билан боғлиқ бўлган кучли-кучсизлиги.

НУТҚ МАДАНИЯТИ. 1. Филология фанининг жамият тараққиётининг маълум даврида нутқдан фойдаланиш жараёнини ўрганиш, кишилар орасидаги алоқа воситаси бўлган тилдан фойдаланиш қондаларини илмий асосда белгилаш билан шуғулланидиган бўлими.

2. Нутқнинг меъёрийлиги, унинг маълум тарихий тараққиёт даврида шу тилда сўзлашувчи жамоа томонидан қўйиладиган талабларга мослиги; талаффуз, урғу, сўз қўллаш, сўз ясаллиши, шакл ясаллиши, сўз бирикмаси ва гап тузиш меъёрларига амал қилиш. Нутқнинг меъёрийлиги фикрнинг аниқ, равшан ва софлигини ҳам ўз ичига олади.

НУТҚ МЕЛОДИКАСИ — қ. Нутқ оҳанги.

НУТҚНИНГ ФОНЕТИК БИРЛИКЛАРИ. Ритмик-интонацион жиҳатдан нутқ оқимининг табиий ва муайян қонуниятлар асосида ажраладиган қисмлари.

Ритмик-интонацион жиҳатдан нутқ турли ҳажмдаги бўлақларга ажратилади: 1) фраза (қ.); 2) такт (қ.); 3) фонетик сўз (қ.); 4) бўғин (қ.); 5) товуш (қ.).

НУТҚНИНГ ФОНЕТИК БУЛИНИШИ. Нутқнинг ўзаро боғлиқ бўлган фонетик birlikларга ажраллиши. Қ. **Нутқнинг фонетик birlikлари.**

НУТҚ ОРГАНЛАРИ — қ. Нутқ аъзолари.

НУТҚ ОҲАНГИ. Фраза (жумла)да овознинг тон баландлиги бўйлаб ҳаракати (кўтарилиши ва тушиши).

НУТҚ РИТМИ. Урғули ва урғусиз, чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг бирин-кетин келиши.

НУТҚ СУРЪАТИ. Нутқ оқимининг тез-секинлиги ва нутқ парчалари орасидаги пауза (тўхташ).

НУТҚ ТЕМБРИ. Нутққа эмоционал-экспрессив отенка берувчи товуш оҳанги.

НУТҚ ТЕМПИ (*итал.* tempo < *лот.* *tempus* — вақт) — қ. **Нутқ суръати.**

НУТҚ ТОВУШИ. Нутқ аъзоларининг артикуляцияси билан ҳосил бўлувчи энг кичик нутқ бирлиги.

НУТҚ УСЛУБЛАРИ. Тил услубларининг нутқнинг муайян кўринишларида намоён бўлиши. Қ. Услуб 2. Услуб 3.

НУТҚ ФЕЪЛЛАРИ. Инсоннинг нутқ фаолиятини билдирадиган феъллар. Мас., *сўзламоқ, демоқ, мақтанмоқ, сўрамоқ, вайсамоқ* кабилар.

НУТҚ ФИГУРАСИ. Ифоданинг таъсирчанлигини кучайтириш учун қўлланадиган нутқ ўрами, синтактик қурилиш. Нутқ фигурасининг энг кенг тарқалганлари: анафора, антитеза, градация инверсия, параллелизм, риторик сўроқ ва б.

НУТҚ ШАКЛЛАРИ. 1. Нутқнинг ташқи ифода воситаларига кўра фарқланувчи турлари: оғзаки нутқ (қ.), ёзма нутқ (қ.).

2. Нутқнинг адабий тил меъёрларига амал қилиш даражаси билан фарқланувчи турлари: китобий нутқ (қ.); сўзлашув нутқи (қ.).

НУҚТА. Дарак гап ва тинч оҳанг билан айтиладиган ундов гап охирида, шартли қисқартмаларда қўлланадиган тиниш белгиси (.) : *Қудш тобора юқорига интилмоқда. Бахтли, эркин дуримиз миллионча йил қилсин давом* (Ғ. Ғулом).

НУҚТАЛИ ВЕРГУЛ. Устма-уст жойлашган нуқта ва вергулдан ташкил топган тиниш белгиси (;) бўлиб, таркиби мураккаб гап бўлаклари орасига, қўшма гапларнинг мазмунан бири-бирига яқин бўлган қисмлари орасига, рақамлаш билан саналган парчалар орасига қўйилади.

О

ОБЕРТОН (*нем.* Oberton —юқори, баланд тон). Асосий оҳанг (тон)га алоҳида тус берувчи қўшимча (анча юқори) тон (оҳанг).

ОБОРОТ — қ. Урам.

ОБРАЗГА ТАҚЛИД СЎЗ. Инсон, ҳайвон ёки нарсаларнинг ҳаракат-ҳолатини, кўриниш-ифодасини тақлидан билдирувчи сўзлар: *живир-живир, лип-лип, диринг-диринг, лов-лов* ва б. *Қиёс.* Товушга тақлид сўз.

ОБЪЕКТЛИ МУНОСАБАТ. Сўз бирикмасида ҳаракатни ифодаловчи ҳоким ва ҳаракат йўналган предметни ифодаловчи тобе қисм (воситасиз тўлдирувчи) орасидаги муносабат: *сабабини суриштирмоқ, ерни ҳайдамоқ* каби.

ОБЪЕКТЛИ ФЕЪЛ. Ҳаракатнинг воситасиз тўлдирувчи ифодаладиган предметга йўналишини билдирадиган феъл. Мас., *жойламоқ* (юкларни), *ҳозирламоқ* (асбобларни) каби. *Қиёс.* Объектсиз феъл.

ОБЪЕКТСИЗ ФЕЪЛ. Воситасиз тўлдирувчини бошқара олмайдиган феъл. Мас., *кел, юр, қол, ухла* кабилар. *Зид.* Объект-ли феъл.

ОВОЗ. Товуш пайчаларининг титраши билан боғлиқ ҳолда оғиз бўшлиғида ҳосил бўладиган товуш.

ОДАТДАГИ ТАРТИБ— қ. Тўғри тартиб.

ОДДИЙ СЎЗЛАШУВ. Воқеаники одатда қўполроқ, янада характеристика билан ифодалаш хусусиятига эга бўлган, адабий нутқ меъёрларидан четга чиқадиган сўз, грамматик шакл ва тузилмалар кенг ишлатиладиган нутқ тури.

ОДДИЙ СЎЗЛАШУВ ЛЕКСИКАСИ. Оддий сўзлашув нутқиغا хос, бетакаллуф суҳбатда ишлатиладиган сўзлар: *валақламоқ, каллали* (ақлли) кабилар: *Ери кучли экан, бирам экин бўлдики, ҳавасингиз келади* (Ойдин).

ОДДИЙ ТАКРОП — қ. Такроп 2.

ОЗАЙТИРМА ДАРАЖА. Белгининг меъёрига нисбатан оз (кучсиз) эканини ифодаловчи даража. Бу даража шакли ўзбек тилида *-роқ* аффикси билан ясалади: *дурустроқ, қоронғироқ* (хона) каби.

ОККАЗИОНАЛИЗМ. Маҳсулдор бўлмаган модель асосида ясалган ва фақат шу нутқий матнининг ўзида қўлланган сўз, индивидуал-услубий неологизм.

ОККАЗИОНАЛ МАЪНЮ (лот. occasionalis — тасодифий) — қ. Муваққат маъно.

ОКСИДЕНТАЛЬ. 1922 йилда Эдгар де Баал томонидан асосий Ғарбий Европа тиллари учун умумий, байвазмилал бўлган лексика асосида яратилган халқаро суъбий тил.

ОКСЮМОРОН (юн. охутогон — фаросат билан, лекин бе-маъни). Мантқан бири иккинчисини икор этадиган, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тушунчани (маъноси бир-бирига зид икки сўзни) ўзаро қўшишдан иборат услубий фигура; бадиий адабиётда образлилик, ифодалилик каби мақсадларда кенг қўлланади: *Кезадир булутлар бошиқи ретида, Ҳаво дим. Бақирган сукунат... (Р. Парфи). Ғўзалим, негадир кўзинида нам бор? Бу кун кўзларинида нозик бир гам бор?* (М. Шайхзода).

«О»-ЛАШ. Айрим ўзбек шеваларида бошиқа шевалардаги а ўрнига о айтиш. Мас., марказий ўзбек шевалари «о» ловчи шевалардир.

ОЛД ЖОЙЛАШУВ. Ўзаро боғланган (алоқалаги) унсурлардан бирининг олдида келиши (жойлашуви): *Планни базарди* (тўлдирувчининг олди жойлашуви). *Қидс. Сўнг жойлашув.*

ОЛД ҚАТОР УНЛИЛАРИ — айв. Тил олди унлилари.

ОЛД ҚУШИМЧА. Сўз олдида қўшилувчи қўшимча (аффикс): *бе-, но-* каби: *бенуқсон, ноғғри, сердосил* ва б. *Қидс. Сўнг қўшимча. Қ. Қўшимча.*

ОЛИНМА СЎЗ — айв. Увлашма сўз.

ОЛМОШ. От, сифат, сон каби сўзлар ўрнида қўлланувчи, предмет, белги, миқдорга ишора қилувчи сўзлар туркуми. Ўзбек

тилида олмошнинг қуйидаги турлари бор: 1) кишилик олмошлари (қ.); 2) кўрсатиш олмошлари (қ.); 3) сўроқ олмошлари (қ.); 4) ўзлик олмошлари (қ.); 5) бўлишсизлик олмошлари (қ.); 6) гумон олмошлари (қ.); 7) белгилаш олмошлари (қ.).

ОЛМОШЛАШИШ. Бошқа туркумга оид сўзнинг олмошга ўтиши: *Баъзилар раиснинг келишига шубҳа билан қарар эдилар* (А. Қаҳҳор).

ОМОГРАФЛАР (юн. *homos* — бир хил + *grapho* — ёзаман). Талаффузи фарқли, ёзилиши бир хил бўлган бирдан ортиқ сўзлар: *ток* (узум бутаси) — *ток* (электр қуввати) каби. *Қиёс. Омонимлар, Омофонлар.*

ОМОМОРФЕМАЛАР (юн. *homos* — бир хил + *morphe* — шакл). Маъноси бошқа-бошқа, товуш томони бир хил бўлган бирдан ортиқ морфема. Мас., **-ма:** бўлишсиз шакл ясовчи аффикс (*ухлама*); **-ма:** от ясовчи аффикс (*чўзма, сузма* — овқат номлари) ва **-ма:** сифат ясовчи аффикс (*ясама: ясама сўз*).

ОМОНИМИКА. 1. Тилшуносликнинг омонимларни ўрганувчи бўлими.

2. Бирор тилдаги омонимлар мажмуи.

ОМОНИМИЯ. Бирдан ортиқ тил бирлигининг талаффуз ва ёзилиши жиҳатдан бир хил бўлиши ҳодисаси. Омонимиянинг лексик омонимия (қ.); фразеологик омонимия (қ.); грамматик омонимия (қ.) ва б. турлари бор.

ОМОНИМЛАР (юн. *homos* — бир хил + *onyma* — ном). Талаффузи ва ёзилиши бир хил бирдан ортиқ сўзлар: *боғ* (турли мева, гул ва б. дан иборат майдон) — *боғ* (боғлайдиган нарса), *от* (исм) — *от* (ичи ҳайвони) каби.

ОМОФОНЛАР (юн. *homos* — бир хил + *phone* — товуш, овоз). Талаффузи бир хил, лекин ёзилиши фарқли бўлган сўзлар: *бод* — *бот*, *боб* — *боп*, *марс* — *март* ва б.

ОМОФОРМАЛАР (юн. *homos* — бир хил + *mot.* *forma* — шакл). Омоним шакллар; маълум шаклларда товуш томондан бир хил бўлувчи сўзлар. Бу ҳодиса одатда турли туркумга оид сўзлар ўртасида иккё бўла олади: *олди* (*old+и*) — *олди* (*ol+ди*) каби.

ОНА ТИЛИ. Боланинг ёшлиқдан атрофдаги катталарга тақлид қилиш бўли билан ўрганадиган тили.

ОНОМАСИЛОГИЯ. Лексикологиянинг луғавий birlikларни номлаш ва тушунча аниқлаш принциплари ва қонуниятларини ўрганувчи бўлими. Қ. Лексикология.

ОНОМАСТИКА. (юн. *onomastika* — ном қўйиш санъати). 1. Тилшуносликнинг атоқли отларни ўрганувчи бўлими.

2. Атоқли отлар мажмуи (гизими).

ОНОМАТОПЕЯ (юн. *onomatopoeia* — ном ҳосил қилиш: *onom* — ном + *poieo* — ясайман, қиламан). Ҳайвон, қуш товушларига тақлид ва шуларга тақлидан сўз ҳосил бўлиши: *қу-қу,*

миёв каби сўзлар ва улардан қуқуламоқ, миёвламоқ сўзларининг ҳосил бўлиши.

ОППОЗИЦИЯ (лот. *oppositio* — қарама-қарши қўйиш). Икки ёки ундан ортиқ бир турдаги тил ҳодисаларини қарама-қарши қўйиш, қарама-қаршилиқ ҳолати. Мас., жарангли ва жарангсизлар оппозицияси. Оппозициянинг қўйидаги турлари бор: приватив оппозиция (қ.); эквиполент оппозиция (қ.) даражали оппозиция (қ.).

ОРТИҚЧАЛИК. Нутқда бир-бирига яқин маъноли ёки деярли бир хил маъноли бирликларнинг (ортиқча ҳолатда) қўлланиши, бир информациянинг бирдан ортиқ восита (бирлик) билан ифодаланиши: *Улар билан 12 ёшлар чамасидаги қизча ҳам бор эди* («Ўзбекистон маданияти»). Бу мисолда *чамаси* сўзи ортиқча қўлланган. Чунки *ёшлар* сўзидаги *-лар* қўшимчасининг ўзи чама (тахмин)ни ифодалайди (*12 ёшлардаги*). *Музейда кулолчилар томонидан яратилган ноёб буюмлар бўлимида ҳам рус ва Фарбий Европа заводлари тайёрлаган минга яқин буюмлар бор* («Тошкент оқшоми»). *Кулолчилар сўзидаги -чи* аффикси ортиқча, чунки *кулол* сўзининг ўзи касб эгасини билдиради.

«Ортиқчалик» сўзи лингвистик ҳодисани ифодаловчи термин сифатида «кераксиз», «бутунлай ортиқча» деган маънони билдирмайди. Бунда икки ҳолат кузатилади: 1) аини информацияни билдирувчи восита (бирлик)нинг бири ҳақиқатда ҳам ортиқча, кераксиз бўлиши мумкин: *Илгари одамлар мозористонга ғоят эҳтиром... тавозе билан муносабатда бўлишган* (Газетадан): *мозористон* сўзидаги *-истон* қўшимчаси ортиқча, кераксиз; 2) бундай қўллаш маълум мақсад билан, мас., алоҳида қайд этиш, таъкидлаш ва ш.к. сабаблар билан боғлиқ бўлади: *Шу десангиз, сал ёруғроқда Келмоқ учун тополмадим вақт* (Х. Шарипов). *Сал ёруғроқда* бирикмасидаги *сал* сўзи ҳам, *-роқ* қўшимчаси ҳам озликни, пастроқ даражани билдиради. Лекин бу мисолда *сал* сўзини ёки *-роқ* қўшимчасини бутунлай ортиқча, кераксиз қўлланган деб бўлмайди.

ОРТТИРМА ДАРАЖА. 1. Белгининг меъёрдан ортиқ даражаси ва шу маънони ифодаловчи шакл (сифатларга хос маъно ва шакл). Ўзбек тилида бу маъно *жуда*, *ўта* каби сўзлар ёрдамида ифодаланади: *жуда хурсанд*, *ўта ақлли*, *ғирт ёлгон* каби.

2. *айн.* Орттирма нисбат.

ОРТТИРМА НИСБАТ. Объектсиз феълни объектли феълга айлантирувчи, объектли феълдан ясалганда эса унга яна объект қўшилганини билдирувчи феъл шакли, феъл нисбатининг шундай тури. Бу шакл *-дир*, *-ир*, *-т* каби аффикслар билан ясалади: *кулдир*, *ичир*, *ўқит* каби.

ОРФОГРАММА (юн. *orthos* — тўғри + *gramma* — ёзув). Имло қоидаларига мос ҳолдаги ёзув.

ОРФОГРАФИК ТАҲЛИЛ. *айн.* Имловий таҳлил.

ОРФОГРАФИЯ (юн. orthos — тўғри + grapho — ёзаман) — айн. Имло.

ОРФОГРАФИЯНИНГ МОРФОЛОГИК ПРИНЦИПИ — айн. Имлонинг морфологик принципи.

ОРФОГРАФИЯНИНГ ТАРИХИЙ ПРИНЦИПИ — айн. Орфографиянинг анъанавий принципи.

ОРФОГРАФИЯНИНГ АНЪАНАВИЙ ПРИНЦИПИ — айн. Имлонинг анъанавий принципи.

ОРФОГРАФИЯНИНГ ФОНЕМАТИК ПРИНЦИПИ — айн. Имлонинг фонематик принципи.

ОРФОГРАФИЯНИНГ ФОНЕТИК ПРИНЦИПИ — айн. Имлонинг фонетик принципи.

ОРФОЭПИК ЛУГАТ — қ. Талаффуз лугати.

ОРФОЭПИК НОРМА — қ. Талаффуз меъёри.

ОРФОЭПИК ТАҲЛИЛ. Сўз фонетик қуриллишининг талаффуз нуқтан назаридан таҳлили.

ОРФОЭПИЯ (юн. orthos — тўғри + epos — нутқ). 1. Тилшуносликнинг меъёрий адабий талаффузни ўрганувчи бўлими.

2. Бирор тилда қабул қилинган талаффуз меъёрларига мос ҳолда бир хил талаффузни белгиловчи қондалар тизми.

ОРҚА ТАНГЛАЙ УНДОШЛАРИ. Тил орқа қисмининг юмшоқ танглай томон кўтарилиши натижасида ҳосил бўлувчи ундошлар. Мас., х, ғ ва б. Қ. Тил орқа ундошлари.

ОРҚА ҚАТОР УНДОШЛАРИ — айн. Тил орқа ундошлари.

ОРҚА ҚАТОР УНЛИЛАРИ — айн. Тил орқа унлилари.

ОТ. Предметлик маъносини билдирувчи сўзлар туркуми ва шу туркумга оид муайян сўз. Предметлик грамматикада жуда кенг тушунча бўлиб, киши (одам, инсон), нарса (пахта, сув), ҳодиса (тўполон, кураш) ва шу кабиларни ўз ичига олади. Отлар маъно жиҳатдан ва ифодалайдиган тушунчанинг хусусиятига кўра атоқли от (қ.) ва турдош от (қ.); аниқ от (қ.) ва мавҳум от (қ.); яқка от ва жамловчи от (қ.) каби турларга бўлинади.

ОТ БОШҚАРУВИ. Ҳоким компоненти феълдан бошқа (от, сифат, равиш каби) туркумга оид сўз билан ифодаланадиган бошқарув алоқаси: *юртга садоқат, ваъдага вафо, мансабга мағрур, колхозга яқин* каби. Қиёс. **Феъл бошқаруви**.

ОТ-КЕСИМ. Феълдан бошқа сўз туркумлари, шунингдек, ҳаракат номи ва отлашган сифатдош шакллари орқали ифодаланган кесим: *Ҳаммасига сабабчи — а к а м. Командирнинг менига меҳрибончилиги айниқса я х и и* (Ғ. Ғулом). *Энди марра б и з н и к и* (М. Исмоилий). *Мақсадим — м а л а к а о ш и р и ш. От кимники — м и н г а н н и к и.*

ОТ КЎМАКЧИЛАР. Феъл бўлмаган сўздан келиб чиққан (келиб чиқаётган) кўмакчилар: *томон, ташқари, кейин, олд, орқа, ён, ич, ора* ва б. Қ. Кўмакчилар.

ОТЛАР. 1. Феъл бўлмаган сўзлар, мас., ол, сифат, сон каби-ларнинг умумий номи (Араб грамматикаларида бу гуруҳ сўзлар «исмлар» деб юритилган).

2. От туркумга оид сўзлар.

ОТЛАШИШ. Бошқа туркумга оид сўзларнинг отга қўйиши. *Қасалиниг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади* (Мақол).

ОТНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ШАКЛЛАРИ. Отнинг маълум бир грамматик маъно ва вазифага эга бўлган, лекин бирон грамматик категорияга мансуб бўлмаган шакллари. Ўзбек тилида отнинг қуйидаги функционал (нокатегориал) шакллари бор: 1) кичрайтиш шакли (қ.); 2) эркалалаш шакли (қ.); 3) хурмат шакли (қ.); 4) қарашлилиқ шакли (қ.); 5) ўрин белгисен шакли (қ.); 6) ўхшатиш шакли (қ.).

ОТСТУП (рекурсия). Товуш артикуляциясининг учинчи (охирги) босқичи, нутқ аъволарининг товуш талаффузидан кейин одатдаги ҳолатига қайтиши. *Қиёс. Приступ.*

ОТ СУЗ БИРИКМАЛАРИ. Ҳоким компоненти феълдан бошқа туркумга оид сўз билан ифодаланган сўз бирикмалари: *юк машинаси, барча ўқувчилар, дўзал қишлоқ* ва б. *Қиёс. Феъл сўз бирикмалари.*

ОЧИҚ БЎГИН. Унли билан тугайдиган бўғин: *бо-ла-са, ҳа-во-да* каби. *Қиёс. Епиқ бўғин.*

ОЧИҚ ИФОДАЛИ ТУЗИЛМА. Ифодаси аниқ, очиқ бўлган тузилма. Мас., равишдош ўрамларга нисбатан эргаш гаплар очиқ ифодали тузилма ҳисобланади. *Қиёс. Яширин ифодали тузилма.*

ОЧИҚ УНЛИ — қ. Кенг унли.

ОҒЗАКИ НУТҚ. Товуш (талаффуз) билан ифодаланган нутқ. *Қиёс. Ёзма нутқ.*

П

ПАЙТ РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдирувчи равиш: *илгари, ҳозир, кейин* каби: *Эрта-индин бу ерлар ҳам чамандек яшнайди. С. Раҳматуллаев Аммажон билан Салтанат опадан ҳа-ли-б-е-ри жавоб ола билишига ишонмади...* (С. Анорбоев).

ПАЙТ ЭРГАШ ГАП. Бош гандан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш пайтини (вақтини) билдирувчи эргаш гап: *Бир кун кўчада кетаётсам, Умри бир бош узун кўтариб келяпти* (А. Қаҳҳор). *Гулнор айвонда қуруқ бўйра устида, йтириб маҳси кийиш билан овора экан, Унсин кириб келди* (Ойбек). „Қутлук қон“

ПАЙТ ҲОЛИ. Ичи-ҳаракатнинг рўй берини вақтини билдирувчи ҳол: *Ҳайдар ота бир кун и Ултармага бориб, тегирмондаъ хабар олди* (А. Қаҳқор). *Садҳатчилар кеч қурун Буримуллага етиб келишди* (Ё. Шукуров).

ПАЛАТАЛИЗАЦИЯ (лат. palatum — тағглай). Тил ўргасининг қаттиқ тағглайга томон қўшимча тарзда кўтарилиши, бунинг натижасида овоз ва шовқиннинг кучайиши билан товушнинг юмшаши. қ. Палатал товуш. Қийс. Веляризация.

ПАЛАТАЛЛАНГАН ТОВУШ. Асосий артикуляцияга палатализация қўшилган товуш. Қийс. Велярланган ундош.

ПАЛАТАЛ ТОВУШ. Тил орқа қисмининг қаттиқ тағглай томон кўтарилиши билан ҳосил бўлувчи товуш: й ундоши.

ПАЛЕОГРАФИЯ (юн. palaios — қадимги + grapho — ёзаман). Қадимги қўлёзмаларнинг таиқи томонини, қандай нарсага ёзилганини, ёзув усулини, ҳарфларнинг ёзилиш шакллариини ўрганиш орқали қўлёзманинг ёзилиш пайти ва ўрнини белгилаш билан шугулланувчи фан.

ПАРАДИГМА (юн. paradeigma — мисол, намуна). Тил бирликлари, грамматик шаклларнинг умумий маъносига кўра бирлашувчи, хусусий маъносига кўра фарқланувчи тизими. Мас., феълнинг шахс-сон парадигмаси; отнинг келишик парадигмаси ва б.

ПАРАДИГМАТИКА. 1. Тил бирликларини тил тизимига мансуб парадигмаларнинг увсури сифатида текшириш аспекти. Қийс. Синтагматика.

2. Парадигмавар тизими — қ. Парадигма.

ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТ. Бир парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабати. Қ. Парадигма.

ПАРАДИГМАТИК ҚАТОР. Маълум умумийлик хусусияти асосида бирлашиб, айрим фарқли (ўзига хос) хусусияти билан қарама-қарши турадиган ва путқий алоқа талабларига кўра бири иккинчиси билан алмаинна оладиган birlikлар (унсурлар).

ПАРАЛИНГВИСТИКА. Тилшуосликнинг ўзаро алоқа-аралашувда имо-ишора, мимика, путқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳаси.

ПАРАЛЛЕЛИЗМ (юн. parallelus — ёнма-ён борувчи). Ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши. Мас.,

*Ухлолмасдан қўзғолдим нега?
У бомбалар портламоқчими?
Снарядлар дод солмоқчими?
Муз қоплаган деразаларга
Асколкалар ёғилмоқчими?*

(Ҳ. Олимжон).

ПАРАТАКСИС (юн. *parataxis* — қатор тизиш) — қ. **Тенг алоқали тузилма.**

ПАРАФРАЗА (юн. *paraphrasis* — тасвирий ифода, тасвир). Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, уларни характерли белги-хусусиятлари асосида тасвирий усул билан ифодалаш; шундай ифода. Мас., *дала маликаси* (маккажўхори), *зангари одов* (газ) каби.

ПАРОНИМИЯ. Фонетик тузилиши бошқа-бошқа сўзларнинг талаффузи ўхшаш, яқин бўлиб қолиш ҳодисаси. Қ. **Паронимлар.**

ПАРОНИМЛАР (юн. *para* — ёнида + *опута* — ном). Фонетик таркиби бошқа-бошқа, талаффуздагина ўхшаш, яқин бўлиб қолдиган сўзлар: *факт* — *пакт*, *абзал* — *афзал*, *амр* — *амир* каби.

ПАРОНОМАЗИЯ (юн. *paronomasia* < *para* — ёнида + *опомасио* — номлайман). Талаффузи ўхшаш, фақат бир-икки товушига кўрагина фарқланувчи, лексик маънолари бир-бирдан узоқ сўзларни ёнма-ён қўллашдан иборат услубий фигура. Бадий адабиётда парономазиядан ифодалилик, оҳангдорликка эришиш, комик эффект яратиш, сўз ўйини қилиш каби мақсадларда кенг фойдаланилади. Мас., *Кечалардан кўчага, Кўчалардан кечага кўчилар* (Шайхзода).

ПАРТИТИВ МАЪНО. (лот. *pars, partis* — қисм). Чиқиш келишиги шаклининг ҳаракат предметга қисман ўтишини билдирадиган маъноси: *нондан олинг* (бир қисмини) — *нонни олинг* (ҳаммасини) каби.

ПАРЦЕЛЛЯЦИЯ (фран. *parcele* < лот. *particula* — бўлакча). Гапнинг экспрессив мақсад билан бўлакчилиши бўлиб, унда гапнинг бир қисми айирувчи тўхтамдан кейинга, гапнинг ташқарисига чиқарилади. Мас., *Қўллари бўлмаса ҳам, ўз тирикчилигини ўзи қилиб юрибди. Ҳ а л о л м е ҳ н а т қ и л и б* (Т. Ашуров). *У Тошкентда ўқийди. Институтда* (А. Жўраев).

ПАСАЮВЧИ ДИФТОНГ. Олдинги унлиси бўғин ҳосил қилдиган дифтонг. Қ. **Дифтонг.**

ПАССИВ НУТҚ АЪЗОЛАРИ — қ. **Нофаол нутқ аъзолари.**

ПАУЗА (лот. *pausa* < юн. *pausis* — тўхтатиш) — қ. **Тўхтам.**

ПЕРИОД (юн. *periodos* — айланиш, доира, доира ҳосил қилиш). Иккидан ортиқ предикатив тузилмадан иборат бўлган. Дисклари мазмун, тузилиш ва оҳанг жиҳатдан ўзаро гармоник боғланган ўта ёпиқ синтактик бутунлик: *Мен омад сўзига ишонмайман, лекин омад келиши рост бўлса, шу сафар менинг омадим юришган экан* (О. Ёқубов).

ПЕРМУТАЦИЯ (лот. *per* — орқали + *mutatio* — ўзгартириш, алмаштириш). Трансформациянинг бир усули: гап бўлақларининг бир хил синтактик тузилишда ўрин алмаштириши. Мас., *Мен мактабдан келдим — Мактабдан мен келдим. Қ. Трансформация.*

ПЕРСОНИФИКАЦИЯ (лот. *persona* — киши, шахс + *facio* — қиламан) — қ. **Шахслантириш.**

ПЕРЦЕПТИВ ВАЗИФА (лот. perceptia — сезгилар билан қабул қиламан). Нутқ товушларининг эшитиш сезгисининг объекти бўлиш вазифаси.

ПИКТОГРАФИК ЁЗУВ (лот. pictus — буюқлар билан тасвирланган + grapho — ёзман). Нутқ мазмуни расм, шартли тасвир тарзидаги график шакллар асосида ифодаланадиган ёзув.

ПЛЕОНАЗМ (юн. pleonasmus — ортиқчалик) — қ. **Ортиқчалик**.

ПОЛИСЕМИЯ (юн. poly — кўп + sema — белги) — қ. **Кўп маънолилик**.

ПОЛИТОНИК УРҒУ — айн. **Музикал урғу**.

ПОЛУПРЕДИКАЦИЯ, **яримпредикация**. Бош сўзи сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шаклида бўлган синтактик тузилмаларга хос предикатив гап бўлаги. Ажратилган иккинчи даражали бўлак вазифасида келган бундай тузилмаларга хос полупредикацияли бўлақлар асосий предикация фонидан аниқ тасаввур этилади, мас.: *Онам ҳам яқин йилларгача ёлғиз укасининг омон қайтишини кутарди* (Ш. Холмирзаев).

ПОМЕТА (рус. — белги, аломат). Луғат мақолаларида сўзнинг луғавий, грамматик, услубий хусусиятларини кўрсатиш учун қўлланадиган қисқартмалар. Мас., с. т. (сўзлашув тили), эск. (эскирган) ва б.

ПОРТЛАШ. Жипслашган фаол ва нофаол нутқ аъзоларининг ҳаво оқими босими таъсирида оний ёрилиши (очилиши).

ПОРТЛОВЧИ УНДОШ. Нутқ аъзоларининг жипслашуви ва ҳаво оқими босимининг шу аъзоларни ёриб ўтиши натижасида ҳосил бўладиган ундош. Мас., п, б, т, д, к, г ва б.

ПОСТПОЗИЦИЯ (лот. post — кейин + positio — ҳолат) — қ. **Сўнг жойлашув**.

ПОЭТИК ЛЕКСИКА. Поэзия тилига хос лексика. Поэтик лексика (бадий нутқни мустасно қилганда) бошқа нутқ турларида қўлланмайдиган ёки жуда кам миқдорда учрайдиган соф поэтик сўзлар, поэтик сўзшакллар, поэтик қисқартмалар, поэтик неологизмлар, окказионализмларни қамраб олади:

*На бўлғай бир нафас мен ҳам
Еноғинг узри хол бўлсам...* (Ҳ. Олимжон).

Мурдаббат ҳаётдир, бағишлар сурур (Ё. Мирзо).

ПРЕДИКАТ (лот. praedicatum — айтилган) — 1. айн. **Логик кесим**.

2. айн. **Кесим**, **Грамматик кесим**.

ПРЕДИКАТИВ АЛОҚА. Эга ва кесим ўртасидаги алоқа.

ПРЕДИКАТИВ БИРИКМА. Икки таркибли гапнинг тузилиш асосини, грамматик марказини ташкил этувчи эга билан кесим боғланмаси: *Мажлис кеч тугади* (*мажлис тугади* — предикатив бирикма).

ПРЕДИКАТИВЛИК. Гап мазмунининг воқеликка муносаба-

тини тил воситалари билан ифодаланishi. Замоң, шахс-сон ва модаллик категориялари предикативликни ифодаловчи грамматик воситалар бўлиб, кабар оҳанги билан бирга гапиниг умумий характерли белгилари ҳисобланади.

ПРЕДИКАТИВ МУНОСАБАТ. Эга билан кесим ўртасидаги муносабат.

ПРЕДИКАЦИЯ (лот. praedication — баён қилиш, фикр бериш). Гапда фикр мазмуниниң объектив воқеликка инсбат берилиши.

ПРЕПОЗИЦИЯ (лот. praepositio — олдига қўйиш) — қ. Олд жойлашув.

ПРЕФИКС (лот. praefixum — олдига ёпиштирилган) — қ. Олд қўшимча.

ПРИВАТИВ ОППОЗИЦИЯ (лот. privatis — узвий). Қарама-қарши қўйилувчилардан бирини маълум фарқловчи белги бор-у, текшичида бўлмаган оппозиция. Мас., жарангли ва жарангсиз видонларда овозиниң бор ва йўқлигидаги оппозиция.

ПРИСТУП. Нутқ аъзолариниң тили ҳолатдан ёки аввалги товушнинг талаффуз ҳолатидан эндиги товушнинг талаффуз этилиши учун зарур бўлган ҳолатга ўтиши, муайян товуш талаффузиниң биринчи босқини. Қисқ. *Отступ.*

ПРОГРЕССИВ АССИМИЛЯЦИЯ (лот. progressio — олдинга қараб ҳаракатланиш). Олдинги товуш аъсирида кейинги товушнинг ўзгариб, у билан ухшашлик касб этиши: *отти (отни), кетти (кетди)* каби. Қисқ. *Регрессив ассимиляция.*

ПРОКЛИТИКА (лат. proclitico — олдинга эгаман). Урғули сўздан олдин келиб, урғу жиҳатдан унга қўшилиб кетадиган урғусиз сўз. Бу ҳодиса ўзбек тилида деярли учрамайди. Қисқ. *Энклитика.*

ПРОКОПА (юн. prokope — олдиндан қисқариш). Сўз бонидаги товушнинг тушиши: *проқ <йироқ* каби.

ПРОНОМИНАЛИЗАЦИЯ (лот. pronomen — олмош) — қ. Олмошлашиш.

ПРОСОДИЯ (юн. prosodia — нақарот, урғу). Нутқнинг топ балаидлиги, давомчанлиги каби ритмик-интонацион томонларига берилган умумий ном.

ПРОТЕЗА (юн. prothesis — олдида турувчи). Маълум талаффуз қулайлиги учун сўзнинг бонида товуш орттирилиши (товуш пайдо бўлиши). Мас., *стол — устол, рўмол — ўрамол, стакан — истакон* каби. Қисқ. *Эпентеза.*

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ (лот. professio — касб-кор, мутахассислик). Бирор касб-ҳунар эгалари нутқига хос сўз ёки иборат. Мас., *хат* (сопол идишларга бўёқ билан солинадиган тўғри чизик).

ПРОФЕССИОНАЛ ЛЕКСИКА — қ. Касб-ҳунар лексикаси.

ПСИХОЛИНГВИСТИКА. Тилшунослиқнинг нутқ фаолиятини нутқ акти мазмуни билан сўзловчининг мақсад-нияти орасидаги

оқ қўлдан тек нўқтан назаридан ўрганувчи соҳаси. Психология
Сўзга индивидистиканинг сифатида юзага келган бу соҳа
нўқдан илмюк этиши, тилини эгаллаши ваби масалаларни ўрганади.

ПУБЛИЦИСТИК УСУЛУБ. Функционал услубнинг бир тури
булиб, ижтимоий-сиёсий сўз ва ибораларнинг қўлланиши билан,
жамиятнинг халма-халлиги га буни натижасида тил восита-
ларидан услубни фондала ишнинг раив-баранглиги ва шу каби
белгилари билан характерланади. Публицистик услуб ижтимоий-
сиёсий алабўетларда, вақдан мағбуотла, сиёсий чиқашларда,
мажлислардаги нўққлар ва ш. к. ларда ўз ифодасини топади.

ПУНКТОГРАММА (лот. punctum — нўқта ва юк. grammata —
сўз). Ёзма нўқда пунктуация қондаларига мувофиқ ҳолда
қўлланилган тилини белгисен.

ПУНКТУАЦИОН ТАХНИЛ. Гапда тилини белгиларинини
пунктуация қондаларига ҳос ҳолда ё унга зид ҳолда ишлатил-
ганини, шунингдек, пунктуация қондалари талаб этадиган у ёки
С тилини белгисининг қўлак имтағилитини белгилан нўқтан на-
заридан б. ладиган таҳлил.

ПУНКТУАЦИЯ (лот. punctuatio < punctum — нўқта). 1. Ти-
лини белгиларини қўллани қондалари тўплами: *Ўзбек пунктуа-
цияси*. 2. Тилини белгиларининг қўлланиши: *Ойбек асарлари
пунктуациясининг йизиғи ҳолиғи*.

ПУРИЗМ. (лот. puris — соф). Тилини софлигини сақлашга,
чет тилдан сўз ўзлаштиришга қарши чиқиш.

Р

РАВИШ. Ҳаракатнинг ўрни, пайт, сабаб га ш. к. ларга кўра
белгисини билдирувчи сўзлар туркуми: *тез* (гапирмоқ), *бехос-
дак* (келмоқ), *эртага* (бонламоқ), *атийлаб* (қилмоқ) ва б.
Ўзбек тилида равишларининг қуйидаги турлари бор: 1) *ҳолат*
(тарз равиши (қ.)); 2) *ўрни* равиши (қ.); 3) *пайт*
равиши (қ.); 4) *миқдор-даража* равиши (қ.); 5)
мақсад равиши (қ.); 6) *сабаб* равиши (қ.).

РАВИШДОШ. Фельнинг равишга ҳос вазифага хосланган,
ҳаракатнинг белгисини кўрсатувчи функционал шакли: *кулиб*,
юра-юра, *келган* кабилар. Равишдошлар ҳаракатнинг белгисини
турли жиҳатдан, мас., пайт нўқтан назаридан, ҳолат, мақ-
сад нўқтан назаридан ва ҳ. аниқлаб келади: *У оқондан ирғиб
юқорига чиқди-да, қоронғида гойиб бўлди* (А. Убайдуллаев).
*Элмурод ўрнига ётгунча деразадан қоронғу ҳовлига қар-
раб жайл сурди* (П. Турсуи). *Сиз билан маслаҳатлаши-
гани келдим* (Б. Раҳмонов).

РАВИШДОШ УРАМ. Ҳоким сўзи равишдош шаклидаги

феъл билан ифодаланган ўрам (қ. *ўрам*): *Шу пайт чорбоғдан эчки етаклаб Дил-ор кириб келди* (Санд Аҳмад).

РАВИШЛАШИШ. Бошқа туркумга оид сўзнинг равишга кўчиши. Мас., *кунда, яқинда, бирдан* кабилар: *Яна тойиб-пойиб кетмасин деб, эҳтиётдан оёғи тагига фишт териб ҳам қўйди* (Ш. Саъдулла).

РАВИШ СЎЗ БИРИКМАЛАРИ. Ҳоким компоненти равиш билан ифодаланган сўз бирикмалари. Мас., *уч йил илгари, овоздан тез* каби.

РАВИШ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат-ҳодисанинг қандай тарзда юзага келишини билдирувчи эргаш гап: *Наимийнинг бирор иши ўнгидан келмасдан, бирор мақсади юзага чиқмасдан, умри бекорга ўтиб кетди* (А. Мухтор).

РАЗБОР — қ. **Таҳлил.**

РАСМИЙ-ИШ УСЛУБИ. Функционал услубнинг бир тури бўлиб, у расмий (иш-идорага хос) лексика ва фразеологияга эгаллиги, сўзларнинг тўғри, номловчи маъносида қўлланиши, бир қолилдаги ибораларнинг, амал-мансаб атамаларининг кенг ишлатилиши, экспрессив нутқ воситаларининг деярли йўқлиги каби белгилари билан ажралиб туради.

РЕГРЕССИВ АССИМИЛЯЦИЯ (лот. *regressio* — орқага қараб ҳаракатланиш). Кейинги товуш таъсири билан олдинги товуш ўзгариб, у билан ўхшашлик касб этиши: *туссиз* (*тузсиз*), *йигичча* (*йигитча*) каби.

РЕГУЛЯР АФФИКСЛАР — қ. **Изчил аффикслар.**

РЕДУКЦИЯ (лот. *reductio* < *reducere* — қайтармоқ, орқага силжитмоқ, қисқартмоқ). Товуш артикуляциясининг кучсизланиши натижасида товуш (овоз)нинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатдан пасайиши (бу ҳодиса асосан урғусиз бўғиндаги унлиларга хос бўлади). Мас., *бўйин* сўзига эгаллик қўшимчаси қўшилганда, иккинчи бўғиндаги **и** редукцияга учрайди, шу сабабли айтилмайди ва ёзилмайди (*бўйни* каби).

РЕДУКЦИЯЛАНГАН УНЛИ. Редукцияга учраган унли; жуда аниқ артикуляцияга эга бўлмаган, чўзиқлик, миқдор ва сифат нуқтан назаридан кучсизланган (пасайган) унли. Мас., *неча* сўроқ олмоши охиридаги **а** бир қатор шеваларда қисқа **и** (**ъ**) тарзида талаффуз этилади: *нечъ* каби.

РЕДУПЛИКАЦИЯ (лот. *reduplicatio* — иккиланиш). Сўзни такрор шаклда қўллаш, такрорий сўз ҳосил қилиш усули: *қатор-қатор* (дарахтлар), *кенг-кенг* (хоналар), *яйраб-яйраб* (ўйнамоқ) каби. Қ. **Такрорий сўз.**

РЕЛЯТИВ МУНОСАБАТ (лот. *relativus* — нисбий). Ҳол (қ.) билан ҳолланмиш (қ.) ўртасидаги муносабат: *Эрта кийинди. Қийин ўрганди* каби.

РЕМА. Гапнинг актуал бўлинишида темадан кейин янги хабарни билдирадиган қисм: *Қадимий ва ҳаммаша навқирон Бу-*

хоро замини санъат оламига Домла Ҳалим Ибодов, ота Жамол, уста Шоди, Левица, Мухтор Ашрафий, Олим Ҳўжаев... ва бошқа етук истеъдод эгаларини етказиб берган («Ўзбекистон маданияти»). Қийс. Тема. қ. Гапнинг актуал бўлиниши.

РЕПЛИКА (фран. replique). Диалогик нутқда ҳар бир суҳбатдошининг гапи.

РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ (фран. representation — тиклаш, кўрсатиш). 1. Тил фактларининг энг ишонарли шарт-шаронтларда намоиш қилиш.

2. Нутқда тушириб қолдирилган сўзга хос семантик компонентининг сақланиб қолган сўзга юклатилиши. Мас., *Бизнинг ёрни кўрган* (одам) *борми?*

РЕФЕРЕНТ (лот. referens, referentis — хабар берувчи). Тил бирлиги ифодалайдиган тушунча, фикр предмети. Қ. **Денотат**.

РИТОРИКА (юн. rhetorike). Нотиқлик санъати назарияси ва нотиқлик санъати ҳақидаги фан.

РИТОРИК СҮРОҚ. Фақат сўроқ шаклида ифодаланиб, кучайтиришдан иборат услубий санъат; жавоб талаб қилмайдиган сўроқ:

*Айтиб бер-чи, шунча севганлар
Бўлганмикан менча бахтиёр?* (Ҳ. Олимжон.)

РИТОРИК СҮРОҚ ГАП. Ўзида тасдиқ ёки инкор мазмуни бўлган, тингловчидан жавоб талаб қилмайдиган сўроқ гап: *Катталарнинг ўрнини кичиклар олмаса, дунёда одам яшармиди?* (П. Турсун). *Уйлаб қара, эртадан кечгача қанча одам билан муомала қиламан?* (Ойбек.) *Кўз бўямачилик, хушомадгўйлик йўлига йтиб олиб, қанча раҳбарларни издан чиқармадик, жамиятга қанча зарар етказмадик* (Э. Юсупов). Қийс. **Соф сўроқ гап**.

РОД (ЖИНС) КАТЕГОРИЯСИ. Баъзи тилларда, жумладан, рус тилида отларга хос грамматик категория бўлиб, унинг уч тури бор: женский род, мужской род, средний род. Бу турларнинг ҳар бири ўзига хос парадигмасига, сўз ясалиш тузилишига ва баъзи лексик-семантик хусусиятларига эга. Ўзбек тилида отнинг бундай категорияси йўқ. Араб тилидан ўзлашган *муаллим* — *муаллима*, *Салим* — *Салима* каби сўзларда, шунингдек, рус тили таъсирида ҳосил бўлган *Аҳмедов* — *Аҳмедова*, *Эргашев* — *Эргашева* каби шакл ясалишида эркак ёки аёл кишининг исми, фамилияси эканини кўрсатувчи унсур бор.

С

САБАБ БОГЛОВЧИЛАРИ. Эргаш гапни бош гапга сабаб, натижа каби мазмун билан боғлаш учун хизмат қиладиган боғ-

ловчилар: *чунки, шунинг учун* каби. *Хўжайинлардан ҳеч нарса сўрамади, чунки Ермиг бу кунларда уларнинг башарасига қаранини истамас эди* (Ойбек). ...*Асворқул Ултармага боролмай юрди, сабабки бу қишлоқ босмачиларнинг ўяси бўлиб қолган эди* (А. Қаҳҳор).

САБАБ РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдирувчи равиш: *ноилож, қорасизликдан* каби: *Қош қоралиб қолган, у аҳоли яшайдиган қай бир пунктни, қай бир шаҳарчани мўлжаллаб, унга тўғри йол бошламасин, бир оздан кейин иложсиз тўхтарди* (Ойбек).

САБАБ ЭРГАШ ГАП. Бош гандан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юзага келиш сабабини билдирувчи эргаш гап: *Уйда меҳмонлар кўп бўлди, шу сабабли қизлар ён қўйинишида бир хонани эғалладилар* (Ойбек). *Номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас, чунки номус жондан ҳам қимматлидир* («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

САБАБ ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдирувчи ҳол: *Уруш туфайли ҳаммамиз асабилашиб қолганмиз* (Уйғур). *Элмурод хурсандлигидан тез-тез қидам босиб, илгари юриб кетди*. (П. Турсун).

САНАШ ИНТОНАЦИЯСИ. Кетма-кет келувчи қисмларни айтишда қўлланадиган интонация (нотугал интонациянинг бир кўриниши). Мас., *Қиш йўди, баҳор келди, далалар майса билан қопланди*.

САНОҚ СОН. Предметнинг сановини билдирувчи миқдор сонлар: *бир, икки, беш, тўққиз* каби. Қ. **Миқдор сонлар**.

САҲНА НУТҚИ. Бадий асар тилининг актёрлар томонидан саҳна, экран ва радиодивиттиришдаги ифодаланиши.

СЕГМЕНТ (лот. *segmentum* — қарқим, бўлак). Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлакларга бўлиниши (сегментланиш) натижасида ҳосил бўлган бўлак. Мас., фраза, такт, бўғич.

СЕГМЕНТЛАНИШ. Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлакларга (сегментларга) бўлиниши. Қ. **Сегмент**.

СЕГМЕНТ ФОНЕМА. Нутқ заъжирида бирини-кетин келади-ган ҳар бир фонема. *Қийс*. Суперсегмент фонема.

СЕГМЕНТ ФОНОЛОГИЯ. Сегмент фонемаларни ўрганувчи фонология. *Қийс*. Суперсегмент фонология.

СЕМА (юн. *sema* — белги). Лексик маъно (семема)ни таниқил топтирувчи компонент (қисм)лар. Мас., *агроф* лексемасининг маъноси (семемаси) «ҳамма» ва «томон» семаларидан иборат. Маълум лексик-семантик гуруҳга оид семемалардаги семалар шу семемаларнинг умумий ёки хусусий эканига кўра икки асосий турга бўлинади: 1) умумий сема (қ.); 2) фарқловчи сема (қ.).

СЕМАНТЕМА — айв. Лексик маъно.

СЕМАНТИКА (фран. *semantique* < юн. *semantikos* — ифодаловчи). 1. Тил бирликларининг мазмун, маъно томони.

2. *айн.* Семасиология.

СЕМАНТИК КАЛЬКА. Ўзга тилга оғд сўз билдирадиган маънони узлаштириш натижасида ўз тилдаги сўзга шу маънонинг берилиши. Мас., *йўлдош* сўзининг *Ер йўлдоши* бирикмасидаги маъноси, *ғилдирак* сўзининг *тарих ғилдираги* бирикмасидagi маъноси, *оқим* сўзининг *сийёсий оқим* бирикмасидаги маъноси семантик калька натижасида ҳосил бўлган маънолардир. *Қиёс.* Лексик калька.

СЕМАНТИК МАЙДОН. Маълум бир архисема асосида бирлашувчи сўз ва иборалар мажмуи. Мас., вақт семантик майдони. Бу семантик майдон *кел, ой, ҳафта, кун* ва ш.к. лексик, фразеологик бирликлардан ташкил топади.

СЕМАНТИК СЎЗ. Семасиологиянинг ўрғаниш объекти сифатидаги сўз. *Қиёс.* Фонетик сўз. Лексик сўз. Морфологик сўз.

СЕМАСИОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Луғавий бирликларнинг семантикаси ва у билан боғлиқ бўлган ҳодисалар нуқтаи назардан бўладиган таҳлил.

СЕМАСИОЛОГИЯ (юн. *semasia* — ифодалаш + *logos* — тунунча, таълимот). Тил бирликларининг, биринчи навбатда, луғавий бирликларининг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа. *Қиёс.* Ономасиология.

СЕМЕМА — *айн.* Лексик маъно.

СЕМИОЛОГИЯ (юн. *sema* — белги + *logos* — тунунча, таълимот) — *айн.* Семиотика.

СЕМИОТИКА (юн. *semiotike* < *semon* — белги). Турли-туман белгилар (рамзлар) тизимининг умумий хусусиятларини ўрганувчи фан.

СЕРМАҲСУЛ АФФИКСЛАР. Қўп миқдорда сўз ясайдиган, ҳозирги сўз ясалишида фаол бўлган аффикслар. Мас., от ясовчи *-чи*, сифат ясовчи *-ли* феъл ясовчи *-ла* аффикслари.

СЕРМАҲСУЛЛИК. Қўп миқдорда сўз ясалишида қўлланиш хусусияти.

СЕРУНУМ АФФИКСЛАР — *айн.* Сермаҳсул аффикслар.

СИГНИФИКАТ. Тил бирлиги ифодалайдиган тушунча. *Қиёс.* Денотат.

СИГНИФИКАТИВ ВАЗИФА (лот. *significativus* — ишора этувчи, аён этувчи) — *айн.* Дифференциал вазифа.

СИЛЛАБЕМА. Фонологик бирлик бўлган бўғини.

СИЛЛАБИК ЁЗУВ (юн. *syllabikos* — бўғинга тенг) — *айн.* Бўғинли ёзув.

СИНГАРМОНИЗМ (юн. *syn* — бирга + *harmonia* — оҳангдонлик). Сўзнинг асоси ва аффикс таркибидаги унлиларнинг ўзаро уйғунлашуви, гармонияси. Бу ҳодиса айрим туркий тиллар учун, эбек тилининг эса айрим шеваларига хос хусусиятдир. Мас., ўзбек тилининг қипчоқ тил шеваларида учинчи шохс эгаллик

аффиксининг **и, ы, у** каби вариантларга эгаллиги сингармонизм белгисидир: *иши, аты, озу* (ўзи) каби.

СИНЕКДОХА. (юн. *synekdoche* — бирга назарда тутмоқ). Бир предмет номининг бошқа предметга бутун ва қисм муносабати асосида кўчиши, бутуннинг номи қисмнинг номи ва аксинча бўлиб қолиши. Мас., *олма*: 1) меванинг бир тури ва 2) шу меванинг дарахти, ёки *Беш қўл баравар эмас* жумласида *қўл сўзи* «бармоқ» маъносидадир. Қиёс. **Метонимия.**

СИНКОПА (юн. *synkope* — орадан қисқариш). Сўз таркибидан товуш ёки товушлар гуруҳининг тушиши. Мас., *арслон* > *аслон, бирлан* > *билан* каби. Қиёс. **Апокопа.**

СИНОНИМИКА. 1. Тилшуносликнинг синонимларни ўрганувчи бўлими.

2. Бирор тилнинг синонимлари мажмуи: *Ўзбек тилининг бой синонимикаси.*

3. айн. **Синонимия.**

СИНОНИМИК УЯ — айн. **Синонимик қатор.**

СИНОНИМИК ҚАТОР. Ўзаро синоним бўлган сўзлар гуруҳи. Мас., *қўп, анча, талай, сонсиз, саноқсиз, беҳисоб, мўл, сероб, беадад, бисёр* сўзлари бир синонимик қаторни ташкил этади.

СИНОНИМИЯ (юн. *synonymia* — бир хил номга эгалик). Тил birlikларининг (сўзлар, иборалар ва б.) бир хил денотатив маънога эга бўлиши: *Лексик синонимия. Фразеологик синонимия. Аффиксал синонимия. Синтактик синонимия.*

СИНОНИМЛАР (юн. *synonymos* — бир номли). Бир умумий маънога эга бўлган (денотатив маъноси бир хил), қўшимча маъно оттенкаси, услубий бўёғи, қўлланишдаги хусусияти ва ш.к. белгилари билан фарқланадиган сўзлар. Мас., *одат, расм, удум, таомил, урф, анъана* синонимлари бир хил маънога эга бўлиш билан бирга, турли жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга.

СИНОНИМЛАР ЛУҒАТИ. Сўзлиги синонимлардан иборат бўлган, шу синонимларни тавсифлайдиган луғат. (қ. А. Ҳожиев, «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати», Тошкент, 1974).

СИНОНИМ ТУЗИЛМАЛАР — айн. **Синтактик синонимлар.**

СИНТАГМА (юн. *syntagma* — бирлашган нарса). Нутқнинг мазмун ва ритмо-мелодик жиҳатдан бир бутунликни ташкил этувчи семантик-синтактик birlikлиги. Синтагма бир ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши, ҳатто гапга тенг бўлиши мумкин: *Жамоамиз/пахта планини/ мuddатидан илгари/ ошчириб бажаради.*

СИНТАГМАТИКА. Тил birlikларини нутқ заңжиридаги унсурлар сифатида текшириш аспекти. Қ. **Синтагматик муносабат.** Қиёс. **Парадигматика.**

СИНТАГМАТИК ГРАММАТИКА. Сўз, сўз бирикмаси, гапларни синтагматик планда, нутқ унсурлари сифатида ўрганувчи

грамматика. *Зид.* Ассоциатив грамматика. Қ. Синтагматика. Парадигматика.

СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТ. Тил бирликларининг нутқ оқиғида юз берадиган хусусиятлари асосидаги муносабатлари. Мас., аллофонлар— фонеманинг синтагматик хусусиятлари, сўзларнинг валентлилиги эса уларнинг синтагматик хусусиятларидир.

СИНТАКСЕМА. Сўз билан ифодаланган минимал синтактик релевант бирлик.

СИНТАКСИС (*юн.* *syntaxis* — тузиш). 1. Грамматиканинг ўзаро боғланишли нутқ қурилишини ўрғаувчи бўлими. Бу бўлим икки асосий қисмдан иборат: 1) сўз бирикмалари ҳақида таълимот қисми (сўз бирикмалари синтаксиси); 2) гап ҳақида таълимот қисми (гап синтаксиси).

2. Сўз туркумларининг нутқдаги вазифалари ҳақидаги таълимот (феъл синтаксиси).

СИНТАКТИК АЛОҚА. Сўз бирикмаси ҳамда гап қисмларининг ўзаро боғланиши. Синтактик алоқанинг икки тури фарқланади: 1) тенг алоқа (қ.); 2) тобе алоқа (қ.).

СИНТАКТИК БИРЛИК. Синтаксиснинг ўрғаниш объекти бўлган бирлик, яъни сўз бирикмаси (қ.) ва гап (қ.).

СИНТАКТИК БОҒЛИ СЎЗ БИРИКМАСИ. Синтактик таҳлилда компонентлари ажратилмаган ҳолда бир синтактик бўлак деб олинадиган, ички боғланиши нуқтан назаридан эса синтактик компонентларга ажратиладиган сўз бирикмаси. Мас., *беш қаватли* (бино) каби тузилмалар. *Қиёс.* Синтактик эркин сўз бирикмаси.

СИНТАКТИК КАТЕГОРИЯ. Асосида ётувчи маъносига кўра бирлашиб, синтактик муносабатни кўрсатиш учун хизмат қилувчи шакллар. Мас., келишк катгорияси.

СИНТАКТИК МЕЪЁР. Синтактик бирликларнинг (сўз бирикмалари ва гапларнинг) ҳозирги тил (нутқ) қонуи-қондаларига мос келиш-келмаслигини белгилувчи кўрinishи.

СИНТАКТИК МУНОСАБАТ. Сўз бирикмаси таркибий қисмлари ва гап бўлаклари орасидаги муносабат. Сўз бирикмасида бундай муносабатларнинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) атрибутив муносабат (қ.); 2) объектли муносабат (қ.); 3) релятив муносабат (қ.). Гапда эса, булардан ташқари, предикатив муносабат (қ.) ҳам бўлади. Синтактик муносабатлар қуйидаги воситалар ёрдамида ифодаланади: 1) аффикслар (қ.) 2) ёрдамчи сўзлар (қ.); 3) сўз тартиби (қ.); 4) интонация (қ.).

СИНТАКТИК СИНОНИМИЯ. Синтактик бирликлар ўртасидаги синонимлик ҳодисеси. Қ. Синтактик бирлик. Синтактик синонимлар.

СИНТАКТИК СИНОНИМЛАР. Мазмуни бир хил, шаклий қурилиши ўзаро фарқли бўлган синтактик тузилмалар: *Ҳаммани*

хабарлаган, буни аниқ биламан — ҳаммани хабарлаганлигини аниқ биламан. Одамга лиқ тўла — одам билан лиқ тўла ва б.

СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ. Синтактик ҳодисалар, синтактик бирликлар, узарнинг тиллари, ифода материали ва шу каби-ларни белгилаш. Қ. Синтактик бирлик.

СИНТАКТИК ТУЗИЛМА. Грамматик қонун-қондалар асо-сида сўзлар, сўз бирикмалари, шунингдек, гаплар бирикүвидан иборат бутунлик: *Сўз бирикмаси тузилмаси. Қўнимга гап тузил-маси.*

СИНТАКТИК ЭРКИН СЎЗ БИРИКМАСИ. Синтактик таҳ-лилда ҳар бир компоненти бевосита мустақил қисмларга ажра-тиладиган сўз бирикмаси: *ям-яшил дала, баҳодир йигит, янги шаҳар* ва б. Қўёс. Синтактик боғли сўз бирикмаси.

СИНТАКТИК ҚАЙТА БЎЛИНИШ. Синтактик тузилмалар-да бўлган асл бўлиниш чегарасининг ўзгариши. Мас., ҳозирги ўзбек тилидаги *мен келишим мумкин* тишидаги (эга-кесим тип-даги) гаплар аслида *менинг келишим мумкин* тишидаги, яъни қаратқич+эга+кесим тишидаги гап бўлган. Унинг ҳозирги ҳо-лати (*мен келишим мумкин* шакли) синтактик қайта бўлиниш натижасидир.

СИНТЕТИК ТИЛЛАР (*юн. syntetikos* — бириктирилган, қў-шилган). Грамматик маънолар (гада сўзларнинг ўзаро муно-сабати) шакл ясовчи аффикслар воситасида ифодаланадиган тиллар. Мас., рус ва немис тиллари синтетик тиллар жумласи-дадир. Қўёс. Аналитик тиллар.

СИНТЕТИК УСУЛ. Аффикслар ёрдамида ҳосил бўлиш (яса-лиш) усули. Қўёс. Аналитик усул.

СИНТЕТИК ШАКЛ. Аффикслар ёрдамида ҳосил бўлувчи шакл. Мас. отларнинг аффикслар ёрдамида ясалувчи келишк шакллари (*уйни, уйдан, уйда, уйинда*), феълнинг аффикслар ёрдамида ясалувчи замон шакллари (*кўрдим, кўрилман, кўра-ман*) ва б. Қўёс. Аналитик шакл.

СИНТЕТИК ҚУРИЛИШ. Грамматик маънонинг синтетик шакл билан ифодаланганига асосланадиган қурилиш. Қўёс. Аналитик қурилиш.

СИНХРОНИЯ (*юн. syn* — бирга+*син хро* — вақт, яъни бир вақтликлик). Айрим тил ҳодисаларининг, яхшилангича тил тизими-нинг маълум бир тарихий ривожланиш босқичидаги ҳолатини лингвистик ўрганиш предмети сифатида шартли ажратиб олиш. Қўёс. Диахрония.

СИРГАЛУВЧИ УНДОШЛАР. Нутқ аъзолари бир-бирига яқинлашиб, ҳазо оқими шу тор ораликдан сирғалиб чиқини натижасида ҳосил бўладиган ундошлар. Мас., в, ф, з, с, ж, ш, х ундошлари.

СИСТЕМА (*юн. systema* — бир бутунлик, қисмлардан тузил-ган нарса) — қ. Тизим.

СИТУАЦИЯ (*фран.* situation – вазият, шароит, ҳолат)
Нутқ акти юз бераётганда унга таъсир кўрсатувчи шароит.

СИФАТ. Предмет белгисини билдирувчи сўзлар туркуми. Грамматикага *белги* сўзи келиг тушунчалар бўлиб, у ранг, маза-таъм, ҳажм, хусусият ва шу кабиларни билдирди: *қизил, ширин, кенг, сезилми, қуоратли* ва б.

СИФАТДОШ. Феълнинг сифатга хос вазифага қосланган, предмет белгисини кўрсатувчи функционал шакли: *келган* (киши), *гапиратган* (ўқувчи), *келадиган* (меҳмонлар) каби: *Сочи-га битта-иккита оқ оралаган хотин чиқиб эшикни очди* (А. Қаҳҳор). *Учрашадиган одамнинг номи нима?* (Шухрат.) *Элмурод бу ерга келувчи меҳмонларнинг ҳаммасини таниб олди* (П. Турсун).

СИФАТДОШ ОБОРОТ — қ. Сифатдош ўрам.

СИФАТДОШ УРАМ. Бош сўзи сифатдош шаклидаги сўз билан ифодаланган ўрам: *Дўкюнхонанинг кўчага қараган, ойна ёрнида шилдироқ қоғоз ёпиштирилган кичкина деразаси хира ялтираб кўринади* (Ойбек). *Нигит қора қушлар настлаётган томонга қараб чопди* (П. Қодиров).

СИФАТЛАНМИШ. Бирикманинг сифатловчи (қ.) тобе бўлган (ҳоким) компоненти.

СИФАТЛАШ. Предметнинг сифатини тасвирли, образли ифодалаш учун ишлатиладиган сўз, тропнинг бир тури: *олтин водий, зумрад бошоқ* каби. Қ. Трон.

СИФАТЛАШИШ. Бошқа туркумга оид сўзнинг сифатга кўчиши. Мас., *келмишган* (йигит), *меҳнатсевар* (қиз) каби.

СИФАТЛОВЧИ. Аниқловчининг тури бўлиб, предметнинг белги-сифати, сон-миқдори, тартиби каби белгиларини билдирувчи бўлак: *Носир аканинг хайбатли, ялтироқ столи дераза пойига қўйилган*. (Ғ. Ҳотамов). *Базъан яғринини доғ сув кўйдирарди: қуролидан айрилган амир сарбозлари баланд-баланд деворларда туриб, улкан дошқозонларда қайнаб турган сувни аскарларнинг устига сегишарди* (А. Эшопов). Қ. Аниқловчи. Қиёс. Изоҳловчи, қаратувчи.

СОДДА АНИҚЛОВЧИ. Биргина мустақил сўздан иборат бўлган аниқловчи, шунингдек, тургун сўз бирикмаси билан ифодаланган аниқловчи: *Кенг водийнинг қорамтир тупроғи ёлғирдан кейин бўкиб ётарди* (И. Раҳим).

СОДДА АФФИКС. Қисмларга бўлишмайдиган аффикс: *-чи*, (инчи), *-ла* (инла), *-ли* (ақлаи) каби. Қиёс. Кўшма аффикс.

СОДДА БУЛАК. Биргина лугавий бирлик (мустақил сўз ёки тургун сўз бирикмаси) билан ифодаланган булак: *Ботинкамни кўсибга тиктирди* (П. Турсун). *Бош кўтарган халқни мерқаликка етаклаган кўсиб Санжар Малиkning нафаси пок шабадга ҷанот бўлмоқда* (Ш. Тошматов). Тузиллиш жиҳатидан содда бўлиш гап бўлақларининг барчасига

хос. Қ. Содда эга. Содда кесим. Содда аниқловчи. Содда тўлдирувчи. Содда хол. *Киёс. Мураккаб бўлак.*

СОДДА ГАП. Ўз таркибида биргина предикатив бирликка эга бўлган, маълум фикр ифодалай оладиган, грамматик ва интонацион жиҳатдан шаклланган синтактик бирлик: *Сен космонавт бўлмоқчимисан?* (Санд Аҳмад). *Тоғ тепасида тўпланаётган булутлар тушга бориб қуюқлаша бошлайди* (П. Қодиров). *Мен сизга бир машқ чалиб берай* (А. Қаҳҳор). *Киёс. Қўшма гап.*

Содда гаплар тузилиш асосининг миқдорига кўра икки турга бўлинади: 1) икки таркибли гап (қ.); 2) бир таркибли гап (қ.). Содда гаплар ёниқ ёки йиғиқ бўлиши мумкин. *Қ. Ёйиқ гап. Йиғиқ гап.*

СОДДА КЕСИМ. Биргина мустақил сўз билан ифодаланган кесим: *Каттакон ерўчоқ олдидан бир қарич чирсиллаб ёнаётган ўтга қараб, жимгина ўтирибди.* (Санд Аҳмад). *Сени душман қўлига ташлаб кетгандан кўра, ўлим яхшироқ* (Уйғун). *Киши тиришиб ўқиса, у кўп нарсани билади.* *Киёс. Мураккаб кесим.*

СОДДАЛАШИШ. Сўзнинг морфема таркибида ўзича мустақил бўлган морфемаларнинг ўз мустақиллигини йўқотиб (ясама сўз, ясама шакл хусусиятини йўқотиб), бўлинмас ҳолга келиши. Мас., *илгари, илғор, илдам* сўзларининг ҳаммаси ҳам аслида *ил* сўзидан ясалган бўлиб, соддалашиш патижасида улардаги ўзак ва қўшимчалар, ажралмас ҳолга келган.

СОДДА ОҒ-КЕСИМ. Таркибида биргина мустақил сўз бўлган оғ-кесим: *Кифоятхон бу кишидан уч-тўрт ёш қаттароқ* (А. Қаҳҳор). *қ. Оғ-кесим. Киёс. Мураккаб кесим.*

СОДДА СОН. Биргина сўздан ифодаланган сон: *бир, уч, беш, ўн, йигирма, тўқсон* каби.

СОДДА СЎЗ. Таркибида биргина луғавий маъноли қисм бўлган сўз. Содда сўз туб ёки ясама бўлади: *бош, тез, кўр; кўк-лам, терим, бошла, ўйнай* ва б. *Киёс. Қўшма сўз.*

СОДДА СЎЗ БИРИКМАСИ. Ўзаро тобе + ҳоким муносабатдаги икки мустақил сўздан тузилган сўз бирикмаси: *кенг майдон, кучли шамол, тез ҳаракат, гул барги* ва б. *Киёс. Мураккаб сўз бирикмаси.*

СОДДА ТЎЛДИРУВЧИ. Биргина мустақил сўз билан ифодаланган тўлдирувчи: *Эртасига бир солдат келиб, мени комендатурага олиб борди* (А. Қаҳҳор).

СОДДА ФЕЪЛ-КЕСИМ. Таркибида биргина мустақил феъл бўлган кесим: *Каттакон ерўчоқ олдидан бир қария чирсиллаб ёнаётган ўтга қараб жимгина ўтирибди* (Санд Аҳмад). *Қ. Феъл кесим. Киёс. Мураккаб кесим.*

СОДДА ҲОЛ. Биргина мустақил сўз билан ифодаланган хол: *Умурзоқ ота ҳам, Ойқиз ва Олимжон ҳам кеч қайтардилар.*

СОН. Предметнинг миқдорини, санақ жиҳатдан тартибини

билдирувчи сўзлар туркуми: *беи, йигирма, олтига, ўнинчи* каби. Сонлар маъно хусусиятига кўра аввало икки асосий турга бўлинади: 1) миқдор сонлар (қ.); 2) тартиб сонлар (қ.). Тузилишига кўра сонлар тўрт турга бўлинади: 1) содда сонлар (қ.); 2) мураккаб сон (қ.); 3) жуфт сон (қ.); 4) такрорий сон (қ.).

Компонентларининг бириктиш усули ва билдирадиган маъносига кўра соннинг икки тури бор: 1) кўпайтма сон (қ.); 2) қўшилма сон (қ.).

СОНАНТ (лот. *sonans* — жарангловчи). 1. Бўғи ҳосил қила оладиган ундош.

2. айв. Сонор ундош.

СОН КАТЕГОРИЯСИ. Грамматик миқдор маъносини ифодаловчи шакллар тизими. Сон категориясининг икки тури бор: 1) бирлик сон (қ.); 2) кўплик сон (қ.).

СОНОР (лот. *sonoris* — жарангдор) — қ. Сонор ундош.

СОНОР УНДОШ. Таркибида шовқинга нисбатан овоз устун бўлган ундош: м, н, и, л, р.

СОФ БОҒЛАМА. Лексик маъносини йўқотган, соф грамматик вазифа бажарувчи боғлама. Мас., *эди, экан* тўлиқсиз феъллари: *йўқитувчи — йўқитувчи эди. Қ. Боғлама. Қиёс. Ярим мавҳум боғлама.*

СОФ СҮРОҚ ГАП. Типловчидан жавоб талаб қиладиган сўроқ гап. *Олимжонни қачондан бери биласиз? Қиёс. Риторик сўроқ гап.*

СОФ ЭМОЦИОНАЛ ГАП. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисага фақат сўзловчининг эмоционал муносабатини ифодаловчи гаплар. *Ҳе аттанг... Ҳе пишмаган хом калла. (Ҳамза) Падарингга лаънат сени... (Ғ. Гулом).*

СОХТА ЭТИМОЛОГИЯ. Эски сўз ёки ўзлашган сўзнинг морфологик тузилиши ва б. хусусиятини нотўғри тушуниш натижасида юзага келган изоҳ. Мас., *зонтик* сўзининг *зонт + ик* каби ажратилиши сохта этимология бўлиб, бу сўз асли голландча *zonnepedik* — «қуёшдан соябон» маъносини билдиради. *Қиёс. Халқ этимологияси.*

СОЦИАЛ ДИАЛЕКТ — қ. Ижтимоий диалект.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА (лот. *soci(etas)* — жамият + лингвистика). Тилшуносликнинг тилнинг ижтимоий яшashi ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси. Социология ва лингвистиканинг синтезидан иборат бўлган бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси; полисоний омиллар таъсирида тил тараққиётидаги фаол жараёнлар; радио, телевидение, кино кабиларининг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсатини юритишнинг вазифа ва шакллари; кенг халқ оммаси нутқ маданиятини кўтариш каби муаммолар билан шуғулланади.

СПИРАНТ (лот. spirans, spirantis — ыфловчи, нафас чи-қарувчи) — айн. Сиргалувчи ундош.

СТИЛИСТИКА — қ. Услубушунослик. Услубият.

СТИЛИСТИК АНАЛИЗ — қ. Услубий таҳлил

СТИЛИСТИК БЕЛГИ — қ. Услубий белги.

СТИЛИСТИК БҮЁҚ — қ. Услубий бӯёқ.

СТИЛИСТИК НОРМА — қ. Услубий меъёр.

СТИЛИСТИК СИНОНИМЛАР — қ. Услубий синонимлар.

СТИЛЛАРАРО ЛЕКСИКА — қ. Услублараре лексика.

СТИЛЬ (юн. stylos — ёзув (хат) таёқчаси) — қ. Услуб.

СТРУКТУРА — қ. Тузилиш.

СТРУКТУРАЛИЗМ (лот. structura — тузилиш, қурилиш).

Тилшуносликда тил компонентларининг ички муносабатларининг, ўзаро боғлиқлигининг, тилнинг тузилиш томонини ёритиш асосий мақсад қилиб қўйилган йўналиш. Структурализмнинг асосий йўналишлари қуйидагилар: 1) Прага лингвистик мактаби; 2) Америка структурализми; 3) Копенгаген мактаби; 4) Лондон лингвистик мактаби.

СТРУКТУРАЛ ЛИНГВИСТИКА. 1. айн. Структурализм.

2. Тилшуносликнинг ўз текшириш предметида тил тизимидаги ички муносабатлар ва алоқалар билан чегараловчи, тил ва тафаккурининг ўзаро муносабати, тилнинг жамият билан алоқаси каби масалаларни четлаб ўтувчи соҳаси.

СУБСТАНТИВАЦИЯ (лот. nomen substantivum — от) — қ. Отлашиш.

СУБСТИТУЦИЯ (лот. substitutio — алмаштириб қўйиш).

Трансформациянинг бир усули: синтактик тузилма таркибидаги бир сўзни бошқа сўз билан алмаштириш. Мас., *ёрдамчилар келди* — *санъаткорлар келди*. Қ. Трансформация.

СУБСТРАТ (лот. sub—ост+stratum — қатлам). Тилларнинг чапишини натижасида маълум тилнинг ғолиб тилда қолдирган излари.

СУБЪЕКТ (лот. subjectum). 1. Ҳукм предмети, мантқиқий эга. Субъектга нисбатан предикат белгиланади.

2. айн. Грамматик эга.

СУБЪЕКТИВ БАҲО ШАКЛИ. Сўзловчининг нарса-предметга бўлган субъектив муносабатини (баҳосини) ифодаловчи (от туркумига хос) сўз шакли. Мас., отларнинг эркалаш шакли: *ўртоқжон, сингилсим*. каби. Қ. Эркалаш шакли. Кичрайтиш шакли.

СУНЪИЙ ТИЛ. Табiiй (бор бўлган) тиллар унсурларидан халқаро алоқа учун ёрдамчи восита сифатида яратиладиган тил: эсперанто (қ.), интерлингва (қ.), идо (қ.) ва б.

СУПЕРСЕГМЕНТ ФОНЕМА. Сегмент фонемалар қаторига қўшимча равишда ҳамроҳ бўладиган ва маънони фарқлаш учун хизмат қиладиган просодик бирлик (товушнинг тони, баландлиги ва кучининг ўзгариши). Қисс. Сегмент фонема.

СУПЕРСЕГМЕНТ ФОНОЛОГИЯ. Суперсегмент фонемаларни ўрганувчи фонология.

СУППЛЕТИВИЗМ (лот. *suppletivis* — тўладирувчи, қўшимча). Айни бир сўзга мансуб икки сўз шаклининг алоҳида-алоҳида сўзларда ифодаланиши. Мас., биринчи ва иккинчи шахс бирлик кишилик бзмөшларининг *мен, сен* сўзлари билан, кўпчилигининг эса *биз, сиз* сўзлари билан ифодаланиши.

СУФФИКС (лот. *suffixus* — қадалган, қоқилган). Сўзда унинг олдинга қўшилган аффикс. Қиёс. Префикс. Иффикс. Қ. Аффикс.

СЎЗ. Лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеаланган кўриниши. Ўз товуш қобилигига эга бўлган, объектив нарсалар ҳолисалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртастидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги.

СЎЗ БИРИКМАСИ. Бир-бири билан тобеланиш асосида бириккан, маъно ва грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган, яхлит, бироқ қисмларга ажраладиган тушунчани ифодаловчи икки ёки ундан ортиқ сўзлар боғланмаси: *узоқ йўл, ўн қаватли бичо, бир йиллик режа, қалъида ёмоқ* каби. Сўз бирикмалари бир неча нуктадан назардан тасниф қилинади:

1. Қисмлари орасидаги синтактик алоқанинг эркинлик даражасига кўра. Бунда сўз бирикмасининг икки тури фарқланади: 1) синтактик эркин сўз бирикмаси (қ.); 2) синтактик боғли сўз бирикмаси (қ.).

2. Тузилишига кўра. Бунда сўз бирикмаларининг икки тури фарқланади: 1) содда сўз бирикмаси (қ.); 2) мураккаб сўз бирикмаси (қ.).

3. Таркибидаги ҳоким қисмнинг қайси сўз туркумидан бўлишига кўра. Бунда сўз бирикмаларининг икки катта тури фарқланади: 1) от сўз бирикмалари (қ.); 2) феъл сўз бирикмалари (қ.).

СЎЗ-ГАП. Бир сўз ёки қисмларга бўлинмайдиган ибора билан ифодаланадиган гап: *Ҳа... — деб жавоб берди Йўлчи* (Ойбек). *Азалам экансан-ку, болам, бирақалла!* (М. Исмоилий). «*Жил!*» — *муштини кўтарди Ермат* (Ойбек).

СЎЗ КУЧИРИШ. Ёзувда сўзнинг қаторга снмай қолган қисмининг маълум қоида асосида кейинги қатордан ёзиш.

СЎЗЛАРНИНГ ТУРГУН БИРИКМАСИ. Нутқнинг ўзида тузилмай, тилда бир бутун ҳолда мавжуд бўлиб, нутққа яхлитлиги кира киритилган бирликлар. Мас., *омонат кассаси, меҳнат дафтарчаси, игнадайни туядай қилмоқ* каби. Қиёс. Сўзларнинг эркин боғланмаси.

СЎЗЛАРНИНГ ЭРКИН БОҒЛАНМАСИ. Нутқнинг ўзида тузилиб, компонентлари ўз луғавий маъно мустақиллигини сақ-

лаган синтактик бирликлар. Бундай бирикмалар одатда тўғридан-тўғри сўз бирикмаси (қ.) деб юритилаверади.

СЎЗЛАШУВ НУТҚИ. Нутқнинг, одатда, китобий нутққа қарама-қарши қўйилувчи тури. Сўзлашув нутқи ўзига хос бир қатор белгилари билан, жумладан, олдиндан ўйлаш ва тил материаллини олдиндан сайлашнинг бўлмаслиги, нутқий алоқанинг суҳбатдошлар орасида бевосита бўлиши, нутқ жараёнининг эркинлиги, расмийликдан холи бўлиши ва ш.к. билан ажралиб туради. Тилнинг барча соҳалари (фонетика, морфология, лексика...) бўйича ҳам сўзлашув нутқининг ўзига хос хусусиятлари бор. Мас., фонетика бўйича бу нарса ўзига хос талаффузда кўринса, лексикада унинг ўзига хос сўзларга эгаллигида намоён бўлади ва ҳ. Яна қ. **Сўзлашув нутқи лексикаси.** **Сўзлашув услуги.**

СЎЗЛАШУВ НУТҚИ ЛЕКСИКАСИ. Сўзлашув нутқида қўлланувчи (китобий нутқда учрамайдиган) сўзлар: *ўнғай, қиттай, алай-балай, валақламоқ* ва б. Сўзлашув нутқи лексикасининг уч хил семантик-услубий тури фарқланади: 1) оддий сўзлашув лексикаси (қ.); 2) дағал сўз ва жаргон (қ.); 3) диалектизмлар (қ.).

СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ. Функционал услубнинг бу тури ўзига хос иш кўриш шароити (фикр олишувнинг бевоситалиги, тил воситаларини сайлаб ишлатишнинг йўқлиги) билан, интонация воситалари, мимика, имо-ишора кабилардан кенг фойдаланиши билан, оддий лексик ва фразеологик бирликларнинг, экспрессив-эмоционал воситаларнинг кенг ишлатилиши ва ш.к. хусусиятлари билан ажралиб туради.

СЎЗЛИК. Луғатга киритиладиган сўзларнинг алифбо тартибидаги рўйхати (таржима луғатлари ва изоҳли луғатларда бу сўзлар таржима қилинади, изоҳланади).

СЎЗЛОВЧИ — қ. **Биринчи шахс.**

СЎЗНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. Сўзни (лексик бирликин) нутқда ишлатишдан кўзатишган мақсад ва вазифалар. Сўз нутқда қуйидаги вазифаларга эга бўлади: 1) нутқий алоқа вазифаси (қ. **Сўзнинг нутқий алоқа вазифаси**); 2) номлаш вазифаси (қ. **Сўзнинг номлаш вазифаси**); 3) эстетик вазифа (қ. **Сўзнинг эстетик вазифаси**).

СЎЗНИНГ ВАЛЕНТЛИГИ. Сўзнинг муайян сўз билан бирика олиш имконияти. Мас., *ўргатмоқ* феълни ҳаракат объектини ва адресатни ифодаловчи сўз билан бирика олади (сўз бирикмаси ҳосил қила олади): *дўстига сузишни ўргатмоқ*.

СЎЗНИНГ ВАРИАНТЛАРИ. Сўзнинг бирор жиҳатдан ўзгачаликка эга бўлган кўринишлари. Сўз турли жиҳатдан вариантларга (фонетик, орфоэпик, морфологик ва б. вариантларга) эга бўлиши мумкин. Мас., *думалоқ* — *юмалоқ* (фонетик вариант), *гулдай* — *гулдек* (морфологик вариант), *изла* — *иста* (диалектал вариант) ва б.

СЎЗНИНГ ГРАММАТИК ШАҚЛИ. Сўзнинг шаклий қисми; шу қисмнинг мазмун ва ифода бир бутунлиги.

СЎЗНИНГ ИЧКИ ТОМОНИ. Сўзнинг мазмун томони. *Қиёс.* Сўзнинг ташқи томони.

СЎЗНИНГ ИЧКИ ШАҚЛИ. Сўзнинг нега шундай маъно ифодалашини изоҳлаш имкониятини берадиган морфологик таркиби. Мас., *қишлоқ* («қишлаш» тушунчаси билан алоқадор), *кунгабоқар* (қуёшга боқиб туриш тушунчаси билан алоқадор) каби.

СЎЗНИНГ КОММУНИКАТИВ ВАЗИФАСИ. Сўзнинг фикр (хабар) ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилиши.

СЎЗНИНГ МАТЕРИАЛ ТОМОНИ — *айн.* Сўзнинг ички томони.

СЎЗНИНГ МАТЕРИАЛ ҚИСМИ. Сўзнинг лугавий маъно билдирадиган қисми.

СЎЗНИНГ МАЪНОСИ. Сўзга хос лексик, лексик-грамматик ва грамматик маънолар. қ. 1) лексик маъно; 2) лексик-грамматик маъно; 3) грамматик маъно.

СЎЗНИНГ МОРФЕМ ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг морфемалардан иборат (морфемалардан ташкил топган) тузилиши. Мас., *теримчиларимизга* сўзнинг морфем тузилиши: *тер-им-чи-лар-имиз-га.* *Қиёс.* Сўзнинг морфологик тузилиши, Сўзнинг сўз ясаши тузилиши.

СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг шакл ясалиши қисмларидан иборат тузилиши. Мас., *пахтакорларимизни* сўзининг морфологик (шакл ясалиш) тузилиши: *пахтакорлар-имиз-ни*; *ишлаяптилар* сўзнинг морфологик тузилиши: *иш-ла-яп-ти-лар.* *Қиёс.* Сўзнинг морфем тузилиши, Сўзнинг сўз ясаши тузилиши.

СЎЗНИНГ НОМЛАШ ВАЗИФАСИ. Сўзнинг предмет, белги, ҳаракат кабиларни аташ вазифаси. Қ. Сўзнинг вазифалари.

СЎЗНИНГ НУТҚИЙ АЛОҚА ВАЗИФАСИ. Сўзнинг фикр ифодалаш, хабар вазифаси. Қ. Сўзнинг вазифалари.

СЎЗНИНГ СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг лексик маъно (маънолар), маъно оттенкеси, қўшимча оттенкалардан иборат тузилиши. Қ. Лексик маъно, Маъно оттенкеси, Қўшимча оттенкалар.

СЎЗНИНГ СЎЗ ЯСАЛИШ ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг сўз ясашига асос бўладиган қисми (сўз ясалиш асоси) билан ясовчи қисмдан иборат тузилиши. Мас., *терим* сўзининг сўз ясалиш тузилиши *тер+им* қисмларидан, *теримчи* сўзининг сўз ясалиш тузилиши *терим+чи* қисмларидан иборат.

СЎЗНИНГ ТАШҚИ ТОМОНИ. Сўзнинг товуш қобиғи, сўзнинг ифода жиҳати. *Қиёс.* Сўзнинг ички томони.

СЎЗНИНГ ТАШҚИ ШАҚЛИ. Сўзнинг товуш томони, урғу ва бошқа воситалар туфайли фонетик яхлитлиги, бўғин хусусиятлари.

СЎЗНИНГ ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг фонема, морфема, сўз яса-лиши, шакл ясалиши, шунингдек, семантик нуқтаи назардан бўлган тузилиши. Қ. Сўзнинг фонетик тузилиши, Сўзнинг мор-фем тузилиши, Сўзнинг сўз ясалиши тузилиши, Сўзнинг морфо-логик тузилиши, Сўзнинг семантик тузилиши.

СЎЗНИНГ ФОНЕТИК ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг товушлардан иборат тузилиши. Мас., *шу* сўзида *у* унлиси ва *ш* ундошининг шундай тартибда жойлашуви унинг фонетик тузилишини таш-кил этади.

СЎЗНИНГ ФОРМАЛ ҚИСМИ. Сўзнинг грамматик маъно ифодаловчи қисми. Қиёс. Сўзнинг материал қисми.

СЎЗНИНГ ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ. Сўзнинг номлаш вази-фасига қўшимча тарзда турли ҳис-ҳаяжон, таъсирчанлик ифо-далаш вазифаси.

СЎЗ СОСТАВИ — қ. Сўзнинг тузилиши.

СЎЗ ТАРКИБИ — қ. Сўзнинг тузилиши.

СЎЗ ТАРТИБИ — қ. Гап бўлақларининг тартиби.

СЎЗ ТУРҚУМЛАРИ. Сўзларнинг умумий лексик-грамматик хусусиятларига кўра бўлиниши. Мас., от туркуми, феъл туркуми ва б. Сўз туркумлари аввало икки асосий гуруҳга бўлинади: 1) мустақил сўз туркумлари; 2) мустақил бўлма-ган сўз туркумлари. Биринчи гуруҳга мустақил сўзлар, иккинчи гуруҳга эса ёрдамчи сўзлар, ундовлар, тақлид сўзлар ва модал сўзлар киради. қ. **Мустақил сўзлар.** **Ёрдамчи сўзлар.** **Ундов.** **Тақлид сўз.** **Модал сўз.**

СЎЗ УРГУСИ. Икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда шу бўғинлардан бирини ажратиб, кучли талаффуз қилиш. Сўзнинг қайси бўғинида бўлишига кўра урғунинг икки тури фарқланади: 1) турғун (барқарор) урғу (қ.); 2) эркин урғу (қ.).

Сўзнинг бирор бўғинига биркитилган-биркитилмаган бўли-шига кўра ҳам урғунинг икки тури фарқланади: 1) кўчма урғу (қ.); 2) боғли урғу (қ.).

СЎЗШАКЛ. Сўзнинг нутқда қатнашадиган муайян кўри-ниши. Мас., *тоғ ҳавоси*, *тоғда юрмоқ*, *тоғга бормоқ* бирикма-ларидаги *тоғ*, *тоғда*, *тоғга*, сўзлари *тоғ* сўзининг уч сўз-шаклидир.

СЎЗ ШАҚЛИ — айн. Сўзнинг грамматик шакли.

СЎЗ ЯСАЛИШ АСОСИ. Янги сўзнинг ясалишида асос бў-ладиган, сўз ясовчи қўшиладиган қисм. Мас., *тилак* сўзида *тила*, *тилакдош* сўзида *тилак* кабилар сўз ясалиш асоси ҳисобланади. Қ. Сўзнинг сўз ясалиш тузилиши.

СЎЗ ЯСАЛИШ АСОСЛАНИШИ. Сўз ясалиш асоси билан ясалма орасидаги асосланиш. Қ. **Асословчи сўз**, **Асосланувчи сўз.**

СЎЗ ЯСАЛИШИ. 1. Тилшуносликнинг сўз ҳосил қилиниши (сўз ҳосил бўлиши) ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи бўлими.

2. Тилда бор бўлган маълум усул, модель асосида янги сўз ҳосил қилиниши.

СЎЗ ЯСАЛИШ ЛУГАТИ. Ясама сўзлар ва уларнинг сўз ясалиш тузилишини қайд этувчи лугат.

СЎЗ ЯСАЛИШ МАЪНОСИ. Айни бир сўз ясовчи воситасида маълум бир лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан ҳосил қилинган сўзлар учун умумий бўлган маъно. Мас., *ўриш, терим* сўзлари учун умумий бўлган, уларни *ўр, тер* сўзларидан фарқловчи маъно.

СЎЗ ЯСАЛИШ МОДЕЛИ. Сўз ҳосил бўлиш (сўз ҳосил қилиш) схемалари. Мас., *ақлли, кучли, мазали, ширали* сўзлари сўз ясалиш асоси + ясовчи аффикс модели асосида ҳосил бўлган (аффиксация усули билан сўз ясалиш модели).

СЎЗ ЯСАЛИШ МОТИВАЦИЯСИ — қ. Сўз ясалиш асосла-ниши.

СЎЗ ЯСАЛИШ МЕЪЁРИ. Сўз ясалишининг адабий тил қонун-қоидаларига мослиги — мос эмаслигини белгиловчи меъёр. Мас., *-вий, -ий* аффикси ёрдамида *партиявий, кимёвий, танқидий* сифатларининг ясалиши меъёрий, аммо, *чизикий, тумшуқий, зид-дихалқий* ясалишлари меъёрний эмас.

СЎЗ ЯСАЛИШ ТАРҚИБИ. Ясама сўзнинг уни ҳосил қилувчи қисмлардан иборат тузилиши: ясама сўзнинг таркиби. Мас., *терим* сўзининг сўз ясалиш таркиби *тер+им, теримчи* сўзининг сўз ясалиш таркиби *терим+чи* қисмларидан иборат.

СЎЗ ЯСАЛИШ ТАҲЛИЛИ. Ясама сўзнинг таркибини, қандай усул билан ҳосил бўлганини ва ш.к. ни аниқлаш, ўрганиш; шу нуқтан назардан бўладиган таҳлил. Бунда ясама сўз компонентларининг хусусияти, маъно муносабати, шунингдек, сўз ясалиш асоси билан ясалманинг ўзаро муносабатлари белгиланади (ўрганилади).

СЎЗ ЯСАЛИШ ТИПИ. Сўз ясалишининг қуйидаги уч умумий белгиси билан характерланувчи, яъни: 1) сўз ясалш асоси (асословчи сўз) бир туркумга оид бўлган, 2) айна ясовчи аффикс билан ҳосил бўлган, 3) сўз ясалиш маъноси бир хил бўлган тип. Мас., отлардан *-ли* аффикси ёрдамида ясалиб, асосдан англашилган нарсага эгаликни ифодаловчи *кучли, қумли, ёғли* каби сифатлар сўз ясалишининг бир типни ҳисобланади.

СЎЗ ЯСАШ УСУЛИ. Сўзнинг қандай бирлик ёрдамида яса-лиши, ясалиш йўли. Ўзбек тилида ясама сўзлар сўз ясалиш асо-сига сўз ясовчи формантни қўшиш йўли (усули) билан ҳосил қилинади. Қ. Сўз ясовчи формант.

СЎЗ ЯСОВЧИ АФФИКС. Янги сўз ҳосил қилувчи аффикс-лар: *-ла: шила, -ля: ақлли, -им: терим* ва б. Сўз ясовчи аффикс-лар сўз ясалишида такрорланиш даражасига кўра икки турга бўлинади: 1) *квчил аффикслар* (қ.); 2) *позчил аффикслар* (қ.).

Сўз ясовчи аффикслар ҳозирда янги сўз ясаи ёки ясамас-

лигига кўра икки турга: 1) маҳсулли аффикслар (қ.) ва 2) маҳсулсиз аффиксларга, кам ёки кўп миқдорда сўз ясашга кўра: 1) кам маҳсул ва 2) сермаҳсул аффиксларга (қ.) бўлинади.

СЎЗ ЯСОВЧИ ФОРМАНТ. Янги сўз ҳосил қилувчи бирлик, сўз ясалishi бирлиги. Формант аффикс, аффиксоид ёки ёрдамчи сўзга тенг бўлиши мумкин: *ишчи*, (*-чи* — аффикс), *ишхона* (*-хона* — аффиксоид), *тасдиқ қилмоқ* (*қил* — ёрдамчи феъл).

СЎЗ УЗГАРИШИ. 1. Шакл ясалишининг барча турлари. Қ. Шакл ясалиши.

2. Синтактик муносабат ифодалайдиган шакллар ясалиши тушунилади. Мас., келишик шаклларининг ясалиши.

СЎЗ УЗГАРТУВЧИ АФФИКС. Шакл ясовчиларнинг синтактик муносабат ифодалайдиган тури тушунилади. Мас., келишик аффикслари, шахс-сон аффикслари. Қ. Шакл ясовчи аффикс.

СЎЗ УЙИНИ. Кўп маънолигига, фонетик тузилиши бир хиллиги ёки бир-бирига яқинлигига асосланган нутқ фигура-си. Мас., *босволди* сўзини аскияда қовун ёки ҳаракат (босиб олди) маъносида қўллаш.

СЎЗ ҚЎШИШ. Икки сўзни қўшиб, янги сўз ҳосил қилиш усули. Қ. Композиция.

СЎНГ ЖОЙЛАШУВ. Ўзаро боғланган (алоқадаги) унсурлардан бирининг кейинда жойлашуви: *Келди у* (эганинг кейин жойлашуви). Қиёс. Олд жойлашув.

СЎНГ ҚЎШИМЧА. Сўзга сўнг (кет) томондан қўшила-диган қўшимча (аффикс): *хизматчи, пахтакор, чиройли, кучсиз* каби. Қиёс. Олд қўшимча.

СЎРОҚ. Тингловчини бирор нарса-ҳодиса ҳақида маълумот беришга қўзғатувчи ифода. Қ. Сўроқ гап.

СЎРОҚ БЕЛГИСИ. Сўроқ гаплар охирига қўйилувчи тиниш белгиси (?): *Энди кетиб қолмайсизми?* (Ғ. Фулом).

СЎРОҚ ГАП. Бирор номаълум нарса-ҳодисани билиш учун мурожаатни ифодаловчи, сўроқ мазмунли гап: *Ҳозир бир центнер пахта неча меҳнат кунига тушади?* (А. Қаҳҳор). *Олимпжонни сиз қачондан бери биласиз?* Асосий хусусиятига (вазифасига) кўра сўроқ гаплар икки турга бўлинади: 1) жавоб талаб қил-диган сўроқ гаплар ёки соф сўроқ гаплар, 2) жавоб талаб қил-май-диган сўроқ гаплар ёки риторик сўроқ гаплар. Қ. Соф сўроқ гап. Риторик сўроқ гап.

СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ. Номаълум шахс, предмет, белги кабилар ҳақида сўроқни билдирувчи олмошлар: *Ким, нима, қандай, қачон, қанча* кабилар.

СЎРОҚ ОҲАНГИ. Сўроқни ифодаловчи оҳанг; ўзига хос тонга, юқори тонга эга оҳанг:

— *Устингиздан шикоят тушиди.*

— *Шикоят?* (Яшин).

СҮРОҚ ЮКЛАМАЛАРИ. Гап ёки унинг бирор бўлагига оид сўроқни ифодаловчи юкламалар. Мас., *-ми, -чи* юкламалари: *Вақт эртами? Рози бўлмасачи?*

Т

ТАБИИЙ ТИЛ. Ҳақиқий маънодаги, яъни фикр алишув қуроли сифатида авлоддан авлодга ўтиб келаётган тил. Қ. **Сунъий тил.**

ТАБУ. Диний эътиқод, ирим, қўрқиш ва шу кабилар таъсирида сўзнинг ишлатилишини чеклаш ёки ман этиш; ишлатилишида шундай чекланган, ман этилган сўз. Мас., *чаён* сўзи ўрнида *эшак, оти йўқ* сўзларининг қўлланиши. Қ. **Эвфемизм.**

ТАВСИФИЙ ГРАММАТИКА. Грамматик ҳодисаларни — сўз шакли, маъноси ва бошқа грамматик бирликларни тавсифловчи грамматика.

ТАВСИФИЙ ДИАЛЕКТОЛОГИЯ — *айн.* **Диалектография.**

ТАВСИФИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯ. Сўзнинг маъноси, услубий тавсифи, луғат таркибининг ҳажм ва тузилиши каби масалаларни тавсифий планда ўрганувчи лексикология.

ТАВСИФИЙ ЛИНГВИСТИКА. Тилнинг ҳолатини тавсифий планда ўрганувчи лингвистика.

ТАВСИФИЙ ФОНЕТИКА. Тилнинг товуш томонини тавсифий планда ўрганувчи фонетика.

ТАВТОЛОГИЯ (*юн.* *tautologia* < *tauto* — айнан ўша + *logos* — сўз). Бир фикр (мазмун)ни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран ортиқча ифодалаш, сўзни ортиқча ишлатиш. Мас., *гапирмоқ* ўрнида *гап гапирмоқ, тепмоқ* ўрнида *оёқ билан тепмоқ* деб қўллаш тавтология ҳисобланади, чунки *гап, оёқ билан* қисмлари янги информация бермайди (*гапирмоқ, тепмоқ* сўзларидаги информацияни такрорлайди).

ТАКРОР. 1. *айн.* Такрорий сўз.

2. Айни сўзнинг синтактик бирлик сифатида икки ва ундан ортиқ ҳолда қўлланиши, оддий такрор: *Э, келинг, келинг* (С. Зуннунова). *Қўрқма, қўрқма, — деб такрорлади Арслон ака* (Ё. Шукуров).

ТАКРОРИЙ СЎЗ. Айни сўзни такрор ҳолда қўллаш билан тузилиб, кўплик, давомлилик каби маъноларни ифодаловчи сўз; сўзнинг такрорий шакли. Такрорий сўзда пауза оддий такрордагидан жуда қисқа бўлади: *дона-дона, ёш-ёш, тез-тез, ййлаб-ййлаб, ҳўнг-ҳўнг* каби: *Қуюқ япроқлар орасидан шода шода осилиб, мўралаб тўрган олчалар яшил гиламга нуқта нуқта қизил гулчалар тикиб қўйганга ўхшаб товланади* (Ҳ. Назир).

ТАКРОРЛАНУВЧИ БОҒЛОВЧИ. Гап бўлаклари, шунингдек, қўшма гапнинг предикатив компонентларини боғлашда

такрорланиб қўлланадиган боғловчилар: *Қаромат она гўзалликда ҳам шўхликда ҳам, ўйинда ҳам, ўйинга усталикда ҳам ўртоқларидан қолишмайди* (Ойбек). *У ҳам кўп ўтмай ё инжечер, ё ўқитувчи бўлиши мумкин* (Ойбек).

ТАКТ. Нутқнинг талаффуз жиҳатдан яқлитланган ва пауза (паузалар) билан ажраладиган парчаси.

ТАКТ УРҒУСИ. Нутқ такти таркибидаги мазмунан муҳим сўзни ажратувчи урғу.

ТАЛАФФУЗ. 1. Нутқ товушларининг айтилиши: *тўғри талаффуз, адабий талаффуз*.

ТАЛАФФУЗ ЛУҒАТИ. Сўзларнинг адабий талаффузи қайд этиладиган луғат: орфоэпик луғат. Мас., «Ўзбек тилининг орфоэпик луғати» («Ўқитувчи» нашриёти 1977).

ТАЛАФФУЗ МЕЪЁРИ. Адабий тилга хос талаффузни белгиловчи меъёр; орфоэпик меъёр: *ока эмас, ака; эна эмас, она* талаффуз қилш каби.

ТАНГЛАЙ-ТИШ УНДОШЛАРИ. Ҳаво оқими оғиз бўшлиғида икки тўсиқдан (тил билан милк орасидан ва тил орқа қисми билан юмшоқ танглай орасидаги тўсиқдан) сирғалиб ўтиши билан ҳосил бўладиган тил олди ундошлари. Мас., **ж, ш** ундошлари.

ТАНГЛАЙ ТОВУШИ — қ. Палатал товуш.

ТАНЛАМА СҮРОҚ ГАП. Сўралаётган икки эҳтимолдан бирини тасдиқлашни талаб қиладиган сўроқ гап: *Эртага келасизми ёки келмайсизми. Вақтингиз зиқми ёки кутиб тура olasизми?*

ТАРЖИМА ЛУҒАТИ. Бир тилнинг (таржима қилинаётган тилнинг) луғавий бирлигига бошқа тилнинг маъно жиҳатдан эквиваленти бериладиган, ўзга тилнинг луғавий бирлиги таржима этиладиган луғат. Бундай луғатлар икки тилли ёки кўп тилли бўлиши мумкин: *русча-ўзбекча луғат, инглизча-русча-ўзбекча луғат* ва б.

ТАРЗ РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш усулини, қай тарзда юз беришини билдирувчи равиш: *бирдан, аста, тўсатдан* каби: *Шу пайт тўсатдан кўча эшиги тарақлаб очилди-ю, Зуннунхўжа ҳаллослаганича кириб келди* (А. Қаҳҳор). *Матқовул ака секин келиб, чеккадаги одамлар ёнида тўхтади* (М. Исмоилий).

ТАРЗ ҲОЛИ (РАВИШ ҲОЛИ). Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдирувчи ҳол: *Элим, юртим, болам-чақам деб қаҳрамонларча курашдилар* (Яшин). *Саид қўлларини осилтирган ҳолда ўтирар эди* (А. Қаҳҳор).

ТАРИХИЙ ГРАММАТИКА. Грамматик ҳодисаларни (сўз шакли, сўз бирикмаси ва гапларни) турли тарихий босқичлардаги тараққиёти бўйича (диахроник) қиёслаб ўрганувчи грамматика.

ТАРИХИЙ ДИАЛЕКТОЛОГИЯ. Диалектга хос ҳодиса ва

хусусиятларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, турли даврларда ўзгариши ва бу хусусиятларнинг ташкил топишида бошқа тилларнинг иштироки каби масалалар билан шугулланадиган диалектология.

ТАРИХИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯ. Тилнинг луғат таркибини тарихий тараққиётида (диахроник планда) ўрганувчи лексикология.

ТАРИХИЙ ЛУҒАТ. Луғавий birlikларнинг тараққиёт тарихи тасвирланадиган луғат.

ТАРИХИЙ МОРФЕМА. Ҳозирги тилда маъносини йўқотган (тил бирлиги сифатида йўқ), тарихан маъноли бўлган морфема. Мас., *ялпоқ*, *яйлов* каби сўзларнинг *ял-*, *яй-* қисми тарихан луғавий маъноли морфема бўлган.

ТАРИХИЙ СЎЗ. Утмишга оид воқеа-ҳодисаларни ифодалайдиган, бу воқеа-ҳодисаларни номлаш мақсадида ҳозирги тилда ишлатиладиган сўз: *қулоқ* (*қулоқ қилмоқ*), *бўнак* ва б. *Қиёс.* Арханзм.

ТАРИХИЙ ФОНЕТИКА. Тилнинг товуш томонини тарихий тараққиётида (диахроник планда) ўрганувчи фонетика.

ТАРТИБ. Таркибий қисмларнинг ўзаро бирикишда (боғланишда) жойлашув сираси: гап бўлақларининг тартиби (*қ.*); сўз тартиби (*қ.*). Тартибнинг икки тури бор: 1) тўғри тартиб (*қ.*); 2) тесқари тартиб ёки инверсия (*қ.*).

ТАРТИБ СОНЛАР. Предметнинг саноқ жиҳатдан тартибини билдирувчи сон. Соннинг бу тури *-(и)нчи* аффикс ёрдамида ясалади: *иккинчи*, *олтинчи*, *ўнинчи* каби.

ТАСВИРИЙ СЎЗ — *қ.* Тақлид сўз.

ТАСВИРИЙ ФОРМА — *айн.* Аналитик шакл.

ТАШҚИ НУТҚ. Ҳақиқий маънодаги нутқ, яъни товуш ифодасига эга бўлган нутқ. *Қиёс.* Ички нутқ.

ТАШҚИ ФАКТОРЛАР — *айн.* Нолисоний омиллар.

ТАҚЛИД СЎЗ. Инсон, ҳайвон ва бошқа нарсаларнинг товушини, ҳаракат-ҳолат образини тақлидан нарсаларнинг сўз: *қарс-қурс*, *тарс*, *миёв*; *лип-лип*, *лов-лов*, *ғиз-ғиз* ва б. Тақлид сўзларнинг икки тури фарқланади: 1) товушга тақлид сўз (*қ.*); 2) образга тақлид сўз (*қ.*).

ТАҚСИМ СОН. Предмет миқдорини тақсимлаш, гуруҳлаш йўли билан билдирувчи сон. Соннинг бу тури *-тадан* аффикси ёрдамида ясалади: *бештадан*, *тўққизтадан* каби.

ТАҲЛИЛ — *қ.* Лингвистик таҳлил.

ТЕЗАУРУС (*юн.* thesaurus — хазина). Тилга оид лексик таркибини тўла ҳажмда акс эттирувчи луғат.

ТЕКСТ (*лот.* textus — боғланиш, қўшилиш) — *қ.* Матн.

ТЕМА (*юн.* thema — асос бўлган нарса). Гапнинг актуал бўлганишида маълум (таниш) бўлган нарсани ифодаловчи, янги нарсани ифодалашга ўтиш учун асос хизматини қилувчи қисм:

... ёшлар ўртасида ўтказилаётган Европа шахмат чемпионатида ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Қ. Гапнинг ақуал бўлганиши. Қиёс. Рема.

ТЕНГ АЛОҚА. Тенг ҳуқуқли синтактик бирликлар (гап бўлаклари, қўшма гапнинг предикатив қисмлари) орасидаги синтактик алоқа: *Томлардан, ивиган деворлардан биг кўтарила бошлади* (Саид Аҳмад). *Адирлар ранг-баранг суллар билан ясанди, сойликда сувлар тошиб ҳийқиради* (Ойбек).

ТЕНГ АЛОҚАЛИ ТУЗИЛМА. Ўзаро эргаштирувчи боғловчилар ёрдамсиз боғланган тузилма; гапларнинг ўзаро шундай йўл билан боғланиши. Қ. Тенг алоқа, тузилма.

ТЕНГ БОҒЛОВЧИЛАР. Гап бўлаклари ва қўшма гап таркибидаги тенглик муносабатида бўлган предикатив қисмларни бир-бирга боғлаш учун хизмат қилувчи боғловчилар. Қандай муносабатни ифодаланинга кўра тенг боғловчилар уч турга бўлинади: 1) бириктирув боғловчилари (қ.); 2) зидлов боғловчилари (қ.) 3) айирув боғловчилари (қ.).

ТЕНГЛАНИШ. Тенг синтактик муносабатда бўлиш, сўзлар, шунингдек, қўшма гапнинг предикатив қисмлари орасидаги бири иккинчисига бўйсунмаган, тенг алоқани кўрсатувчи муносабат: *Ўқитувчи ва ўқувчилар. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди. Қ. Тенг алоқа. Қиёс. Тобеланиш.*

ТЕРМИН (лот. terminus — чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиши доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. Терминлар бир маъноли бўлиши, экпрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Мас., лингвистик терминлар: *гап, эга, от, сон, товуш...*; геометрияга оид терминлар: *айлана, учбурчак...*; физикага оид терминлар: *жисм, босим, ҳаракат, майдон*; кимёга оид терминлар: *сув, қумуш, ишқор, тузлар* ва б.

ТЕРМИНОЛОГИК ЛЕКSIKA. Терминлардан иборат лексика.

ТЕРМИНОЛОГИК ЛУҒАТ. Маълум бир соҳага оид сўз-терминларни қайд этувчи луғат. (Мас., Ҳ. Ю. Бекмуҳаммедовнинг 1978 йилда нашр этилган «Тарих терминлари луғати»).

ТЕРМИНОЛОГИЯ (termini + logos — сўз, таълимот). 1. Бирор илм, касб ва б. соҳага оид терминлар мажмуи. Мас., грамматик терминология, санъат терминологияси ва б.

2. Тилшуносликнинг терминларни ўрганувчи бўлими.

ТЕРРИТОРИАЛ ДИАЛЕКТ — айн. Маҳаллий диалект.

ТЕРС ЛУҒАТ (тескари луғат). Сўзлар охириги ҳарфлари бўйича алифбо тартибида жойлаштирилган луғат:

муддат

*бемуддат
солдат*

одат каби (қ. Р. Қўнгулов. А. Тихонов. «Ўзбек тилининг чаппа лугати», Самарқанд, 1969).

ТЕСҚАРИ ТАРТИБ. Маълум услубий, семантик мақсад ва бошқа сабаб билан синтактик тузилма тўғри (одатдаги) тартибининг ўзгариши; инверсия. Мас., *у кетди* (тўғри тартиб) — *кетди у* (тесқари тартиб); *кеча келди* (тўғри тартиб) — *келди кеча* (тесқари тартиб).

ТИЗИМ. 1. Ўзаро муносабатлар билан боғланган, бир бутун бўлиб уюшган тил унсурлари мажмуи: *Тил тизими. Сўз ясалиш тизими.*

2. Маълум бир грамматик категорияга хос ички бўлинишларнинг бир бутунлиги: *Келишиқлар тизими. Майллар тизими.*

ТИЛ. 1. Нутқ ташкил этиб, фикр, ҳис-туйғу, истак кабиларни ифодалашда хизмат қиладиган фонетик, лексик ва грамматик воситалар тизими; кишилар орасида асосий ва энг муҳим алоқа-аралашув, фикрлашув қуроли бўлиб хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса.

2. Нутқнинг у ёки бу услубий белгилари билан ажралиб турувчи тури: *Сўзлашув тили. Газета тили. Адабий тил. Қиёс. Нутқ 2.*

ТИЛ БИРЛИГИ. Бир-биридан вазифаси, ифода материали, тузилиши ва тизимдаги ўрни билан фарқланадиган тил ҳодисаси: фонетик бирлик — фонема (қ.); морфологик бирлик — морфема (қ.); лексик бирлик — лексема (қ.).

ТИЛЛАРНИНГ ГЕНЕАЛОГИК ТАСНИФИ — қ. Тилларнинг шажаравий таснифи.

ТИЛЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАСНИФИ. Тилларни грамматик шакл ҳосил қилиш усулларида фарқ қилишга кўра гуруҳларга ажратиш. Бу таснифга кўра тилларнинг қуйидаги турлари ажратилади: 1) а морф тиллар (қ.); 2) агглютинатив тиллар (қ.); 3) флектив тиллар (қ.) 4) полисинтетик тиллар (қ.). Яна қ. **Аналитик тиллар, Синтетик тиллар.**

ТИЛЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК ТАСНИФИ — *айн.* Тилларнинг морфологик таснифи.

ТИЛЛАРНИНГ ЧАТИШУВИ. Ўзаро таъсир этувчи икки тилдан бирининг ғолиб чиқиши ва иккинчи тилнинг эса ғолиб тилда бирор фонетик, лексик, синтактик излар қолдириши. Мас., кельг тили билан франк тили.

ТИЛЛАРНИНГ ШАЖАРАВИЙ ТАСНИФИ. Тилларни келиб чиқиш манбаининг бирлиги, умумийлигига кўра гуруҳларга ажратиш. Бундай умумий манбадан келиб чиққан тилларнинг катта гуруҳлари қариндош тиллар оиласини ташкил этади. Мас., ҳинд-европа тиллари оиласи, мўғул тиллари оиласи, туркий тиллар оиласи ва б.

ТИЛЛАРНИНГ ҚАРИНДОШЛИГИ. Тилларнинг бир асос тилдан келиб чиққанлиги ва уларнинг фонетик, лексик ва грамматик қурилишида бир асос тилдан келиб чиққанлигини кўрсатувчи умумийлик, изчил мосликларнинг мавжудлиги.

ТИЛЛАР ОИЛАСИ. Ўзаро ўхшашликлари келиб чиқиш асосининг умумийлиги билан изоҳланадиган тиллар гуруҳи (тил шохобчаси): *Туркий тиллар оиласи.*

ТИЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. Нутқда турли мақсадларда тил воситаларининг потенциал хусусиятларидан фойдаланиш. Қ. Тилнинг нутқий алоқа вазифаси. Тилнинг эстетик вазифаси.

ТИЛНИНГ ЛУҒАТ ТАРҚИБИ. Тилдаги барча сўзлар мажмуи. Луғат таркибига асосий луғат фонди ҳам киради. Қ. **Асосий луғат фонди.**

ТИЛНИНГ НУТҚИЙ АЛОҚА ВАЗИФАСИ. Тилнинг алоқа-аралашув воситаси сифатидаги асосий вазифаси. Қ. **Тилнинг вазифалари.** Тилнинг нутқий алоқа вазифасида икки ҳодиса фарқланади: 1) фикр олишув (алоқа-аралашув) вазифаси; 2) хабар вазифаси (бирор мантиқий мазмунни етказиш вазифаси).

ТИЛНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЕТИ. Тилнинг ўз ички қонуниятлари ва нолисоний омиллар таъсирида ўзгариб бориши.

ТИЛНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ ВАЗИФАСИ — *айн.* Тилнинг эстетик вазифаси.

ТИЛНИНГ ФИКР ОЛИШУВ ВАЗИФАСИ. Тилнинг асосий вазифаси. Тил жамоаси аъзоларининг ўзаро фикр олишувидан иборат нутқий алоқа вазифаси. Қ. Тилнинг нутқий алоқа вазифаси.

ТИЛНИНГ ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ. Тилнинг алоқа-аралашувда турли ҳис-ҳаяжон, таъсирчанликни ифодалаш вазифаси.

ТИЛ ОЛДИ УНДОШЛАРИ. Тил олди қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган ундошлар. Мас., б, в, д, т ундошлари.

ТИЛ ОЛДИ УНЛИЛАРИ. Тил олди қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган унлилар. Мас., и, э, а унлилари. *Қийс.* Тил орқа унлилари.

ТИЛ ОРҚА УНДОШЛАРИ. Тил орқа қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўлувчи ундошлар. Мас., к, г ундошлари.

ТИЛ ОРҚА УНЛИЛАРИ. Тил орқа қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган унлилар. Мас., о, ў унлилари. *Қийс.* Тил олди унлилари.

ТИЛ САТҲЛАРИ. Тилни текшириш жараёнида, уни таҳлил этишнинг турли усулларида белгиланадиган қатламлари (қаторлари). Тилнинг асосий сатҳлари сифатида фонологик, морфологик, синтактик ва лексик сатҳлар фарқланади.

ТИЛ ТАРАҚҚИЕТИНИНГ ИЧКИ ҚОНУНЛАРИ. Тилнинг ўз табиати асосида (ўз моҳиятидан) келиб чиқадиган тараққиёт жараёнларини ифодаловчи қонунлар. Жуда кўп тиллар учун.

умумий бўлган қонулар (мас., лугат таркибининг тез, грамматик қурилишининг аста-секин ўзгариши ва б.) билан бирга янги тилларнинг ўзига хос ички ривожланиш қонулари бўлади. Мас., ўзбек тилида сингармонизмнинг йўқолиши, бунинг натижасида ундошлар сонининг камайиши; *-лар* аффикси вазифа доирасининг кенгайиши, сўз бирикмалари тузилишида янги турларнинг пайдо бўлиши ва ҳ.

ТИЛ УНДОШЛАРИ. Нутқ аъзоларидан тилнинг фаол иштироки билан ҳосил бўладиган ундошлар. Ҳосил бўлишида тилнинг қайси қисми фаол иштирок этишига кўра ундошларнинг гўрт тури фарқланади: 1) тил олди ундошлари (қ.); 2) тил орқа ундошлари (қ.); 3) тил ўрта ундоши (қ.); 4) чуқур тил орқа ундошлари (қ.).

ТИЛ УСЛУБЛАРИ — қ. **Услуб 1.**

ТИЛ ШОХОБЧАЛАРИ. Генетик жиҳатдан яқинлик белгиларига эга бўлган тил оилаларининг ички гуруҳлари, шу оила ичидаги тил гуруҳлари. Мас., ҳинд-европа тиллари оиласига берувчи ҳинд тили, славян тили шохобчалари.

ТИЛШУНОСЛИК. Тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилиши, таснифи ҳақидаги; муайян тилларнинг иш кўриш (фаолият) қонулари ва тарихий тараққиёти ҳақидаги фан. Мақсади, вазифаси ва ш. к.га кўра тилшуносликнинг бир неча йўналишлари (соҳалари) бор: умумий тилшунослик (қ.); амалий тилшунослик (қ.); хусусий тилшунослик (қ.) структурал лингвистика (қ.); математик лингвистика (қ.) ва б.

ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ. Умумий тилшуносликнинг тил ҳақида дастлабки маълумот берувчи, тилшуносликда қўлланиладиган асосий илмий термин ва тушунчалар билан таништирувчи, тилшуносликнинг асосий қисмларини ва хусусий тилшуносликда ўрганиладиган масалаларни ўзлаштириш учун назарий асос берадиган қисми.

ТИЛ ЭВОЛЮЦИЯСИ — қ. **Тилнинг тадрижий тараққиёти.**

ТИЛЬДА (*исп.* tilde — ҳарф устига қўйиладиган белги). Тўлқинсимон кичик чизиқдан иборат диакритик белги (~). Бу белги лингвистик транскрипцияда турли маъноларда, жумладан, лугатларда қайтариловчи сўз ёки унинг қисми ўрнида қўлланади.

ТИЛ ЯРУСЛАРИ — қ. **Тил сатҳлари.**

ТИЛ ЎРТА УНДОШИ. Тил ўрта қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган й ундоши.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ. Бирор тилнинг умумий график тизмида алоҳида гуруҳни ташкил этувчи ва ёзма нутқда ҳарфлар ёки бошқа ёзув ифодалари билан бериб (ифодалаб) бўлмайдиган томонларни (нутқнинг синтактик қурилиши ва мазмунан қисмларга бўлинишини) ифодалаш учун хизмат қилувчи белгилар. Тиниш белгилари қуйидагилардан иборат: н у қ т а

(қ.); сўроқ белгиси (қ.); ундов белгиси (қ.); нуқта-ливергул (қ.); кўп нуқта (қ.); вергул (қ.); иккин нуқта (қ.); тире (қ.); қавс (қ.); қўш тирноқ (қ.).

ТИПОЛОГИЯ (юн. *typos* — из, шакл, намуна + *logos* — таълимот. 1. Тилшуносликнинг тилларни типологик тасниф қилиш принципи ва усулларини ўрганувчи бўлими.

2. Тил бирликларини бирон умумий белгиси асосида тасниф қилиш.

ТИРЕ (фран. *tiret* — чизикча, *tirer* — тортиш, узайтириш). Дефисга нисбатан узунроқ чизик билан ифодаланадиган тиниш белгиси (—). Бу белги гаплар, қўшма гап қисмлари, гап бўлаклари орасидаги синтактик муносабатларни кўрсатиш учун ишлатилади: *Поёнсиз пахта далаларининг ҳусни ва баракати, сўлим боғларнинг шарбати ва гулларнинг минг товланган рангари—барчаси сув туфайли* (Ойбек). *Қўшнинг тинч — сен тинч.*

— *Кеча қаерга бординг?*

— *Кинога ва б.*

ТИТРОҚ УНДОШ. Тил учининг юқори милкка тегиб-тегмай титраши натижасида ҳосил бўладиган **р** ундоши.

ТОБЕ АЛОҚА. Синтактик жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган, бири иккинчисига тобе бўлган бирликлар орасидаги алоқа. Тобе алоқада бир компонент иккинчисига нисбатан тобе, иккинчиси эса унга нисбатан ҳоким вазиятда бўлади. Мас., аниқловчи — аниқланмиш, тўлдирувчи — кесим, эга — кесим алоқалари тобе алоқадир: *гўзал ҳаёт, ҳунарни севмоқ, далалар яшнамоқда* каби. Эга — кесим муносабатида ҳоким компонент, қолган типдаги бирикувларда эса тобе компонент олдин келади. Тобе алоқанинг уч хил тури бор: 1) бош қарув алоқаси (қ.); 2) мослашув алоқаси (қ.); 3) битишув алоқаси (қ.). Қўшма гапларда тобе алоқа эргаш гап билан бош гап ўртасида мавжуд. *Қиёс. Тенг алоқа.*

ТОБЕ АЛОҚАЛИ ТУЗИЛМА. Гапларнинг ўзаро эргаштирувчи воситалар ёрдамида тобеланиши.

ТОБЕ БУЛАК. Сўз бирикмасининг тобе қисми (қ.). Мас., *эртага ҳашарга чиқмоқ* бирикмасида *эртага, ҳашарга* сўзлари тобе бўлак. *Зид. Ҳоким бўлак.*

ТОБЕ ГАП — *айн. Эргаш гап.*

ТОБЕДОШ АЛОҚА. Бир-бирига нисбатан ҳоким-тобеллик ҳолатидаги синтактик алоқа. Бу ҳодиса тобе алоқанинг бир тури ҳисобланади. Ўзбек тилидаги қаратқич-қаралмиш муносабатидаги алоқа тобедош алоқа ҳисобланади: *студентнинг жавоби, шаҳарнинг кўрки, сенинг маслаҳатинг* каби.

ТОБЕЛАНИШ. Тобе синтактик муносабатда бўлиш; сўз бирикмаси ёки гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро тенг бўлмаган, синтактик жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунувчи муносабати. **Қ. Тобе алоқа. Қиёс. Тенгланиш.**

ТОБЕЛИК. Үзаро алоқа (боғланиш)да бошқа компонентга нисбатан тобе вазият. Мас., *яшил дала, чаққон ҳаракат қилмоқ* бирикмаларида *яшил* ва *чаққон* сўзларининг ҳолати. қ. **Тобе сўз.** Қиёс. **Ҳокимлик.**

ТОБЕ СЎЗ. Сўз бирикмасида синтактик жиҳатдан бошқа сўзга тобе вазиятдаги сўз. Мас., *ширин мева, ўрнидан турмоқ* бирикмаларида *ширин* ва *ўрнидан* сўзлари тобе сўз ҳисобланади. Қиёс. **Ҳоким сўз.**

ТОБЕ ҚИСМ. Үзаро алоқа (боғланиш)да синтактик жиҳатдан турбе бўлган, бошқа (ҳоким) қисмининг маъноси (мазмуни)-ни турбе нуқтаи назардан аниқлайдиган, тўлдирадиган, изоҳлайдиган қисм: тобе сўз, тобе бўлак, эргаш гап. *Зид.* **Ҳоким қисм.**

ТОВУШ — қ. **Нутқ товуши.**

ТОВУШ БАЛАНДЛИГИ. Товушнинг ун пайчаларининг тебраниш частотаси билан белгиланадиган сифати: маълум вақт ўлчовида тебраниш қанча кўп бўлса, товуш шунча баланд ва, аксинча, тебраниш қанча оз бўлса, товуш шунча паст бўлади.

ТОВУШГА ТАҚЛИД НАЗАРИЯСИ. Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимги назариялардан бири. Бу назарияга кўра, инсон табиатдаги турли товушларга тақлид қилган ва шу йўл билан тил пайдо бўлган.

ТОВУШГА ТАҚЛИД СЎЗ. Инсон, ҳайвон ва бошқа нарсалар товушини тақлидан ифодаловчи сўз: *гумбур, ғийқ, мў, инга-инга* каби. қ. **Тақлид сўз.** Қиёс. **Образга тақлид сўз.**

ТОВУШ КУЧИ. Товуш тўлқинининг амплитудасига, яъни юқори кўтарилиш нуқтаси ва қуйи тушиш нуқтаси оралиғига боғлиқ бўлган сифати: тебраниш кенлиги қанча катта бўлса, товуш ҳам шунча кучли бўлади.

ТОВУШЛАРНИНГ АЛМАШИНУВИ. Морфема ифода планидаги айни бир товушнинг турли ҳолатларда бошқа товуш билан алмашинуви: *онг-англа, юрак-юраги* каби.

ТОВУШЛАРНИНГ КОМБИНАТОР ҲАЗГАРИШИ. Позицион товуш ўзгаришининг товушларнинг ўзаро таъсири натижасида юз берадиган турли. Қ. **Ассимиляция.** **Метатеза.** **Диссимиляция.**

ТОВУШЛАРНИНГ МИҚДОР ҲАЗГАРИШИ. Чўзиқлик жиҳатдан бўладиган товуш ўзгариши.

ТОВУШЛАРНИНГ ПОЗИЦИОН ҲАЗГАРИШИ. Айрим фонетик шароитлар (ёндош товушларнинг таъсири, сўз бошидаги ёки охиридаги ҳолат) туфайли юз берадиган товуш ўзгариши: *бирта > битта (рт > тт), тилакга > тилакка (кг > кк)* каби.

ТОВУШЛАРНИНГ СИФАТИЙ ҲАЗГАРИШИ. Товушнинг тембрига, унинг артикуляцион ва акустик характеристикасига таъсир этадиган фонетик ўзгариш. Мас., жарангилашиш, жарангизлашиш ва б.

ТОВУШЛАРНИНГ СПОНТАН ҲАЗГАРИШИ (*лот. spontanus* — ўз-ўзича). Товушларнинг бирор фонетик позиция таъси-

рида эмас, балки бошқача сабаб билан воқе бўладиган ўзгариши: *хардор* (ад.-орф. *харидор*). *Қиёс*. Товуш ўзгариши.

ТОВУШ ОРТТИРИЛИШИ. Фонетик ёки морфологик шартшароитлар таъсири билан сўзда янги (аввал бўлмаган) товушнинг пайдо бўлиши: *иси — иссиқ, ачи — аччиқ, доир — дойир, эгалламоқ (эга + ла)* каби. Товуш орттирилиши кўпроқ ўзлашма сўзларнинг оғзаки талаффузида учрайди: *қоида — қойида, осон — онсон, фикр — фикир, ҳукм — ҳукум* каби: *Шундан кейин тахтга ўтирган ёш амир Музаффархон Шаҳрисабз устига янги тдан босқин қилади* (Ш. Холмирзаев). *Келгандан кейин эса эгасининг этагига суркала-суркала эркалаларди-да, яна бо ягиндай аста юриб чиқиб кетарди* (Ж. Абдуллахонов).
Қ. Протеза. Эпентеза.

ТОВУШ ПАЙЧАЛАРИ — *айн.* Ун пайчалари.

ТОВУШ ТЕМБРИ. Товушнинг асосий тонига қўшиладиган ёрдамчи тон — обертонларга боғлиқ ҳолда юзага келадиган ўзига хос сифати.

ТОВУШ ТИЛИ. Эшитиш билан қабул этиладиган тил. *Қиёс*. Имо-ишора тили.

ТОВУШ ТУШИШИ. Сўзнинг ўзида, сўз ясалиши ва шакл ясалишида маълум фонетик шароит (сабаб) билан унли ёки ундошнинг талаффуз этилмаслиги. Мас., *ке* (<кел), *дўс* (<дўст), *хурсан* (<хурсанд), *оғзи* (<оғиз+и), *биларкан* (<биларкан) каби. **Қ.** Апокопа. Синкопа. Дьереза. Элизия.

ТОВУШ ЧҶЗИҚЛИГИ. Товуш тўлқини тебранишининг давомчилиги. **Қ.** Чўзиқ унли.

ТОВУШ ҶЗГАРИШИ — *айн.* Фонетик ўзгариш.

ТОВУШ ҚОБИҒИ. Сўзнинг ташқи томони (шакл плани).

ТОВУШ ҚОНУНЛАРИ — **Қ.** Фонетик қонун.

ТОН (*юн.* *tonos* — таранглашни, урилиш; урғу). Товушнинг таранглашган ун пайчаларининг бир маромда тебраниш частотаси билан белгиланадиган сифати.

ТОНЕМА. Овоз тонининг баландлиги тил бирликларини фарқлаш учун хизмат қилувчи ҳодиса сифатида.

ТОПОНИМИКА (*юн.* *topos* — жой+*онима* — ном). 1. Лексикологиянинг жой номларини ўрганувчи бўлими.

2. Маълум бир ҳудуддаги жой номлари мажмуи.

ТОПОНИМИЯ — *айн.* Топонимика 1.

ТОР УНЛИ. Тил юқорига кўтарилиб, оғиз бўшлиғи (тор) очилиши билан ҳосил бўладиган унли. Ўзбек тилида *и* ва *у* унлилари тор унлилардир. *Қиёс*. Юқери кўтарилиш унлилари.

ТРАДИЦИОН ЛИНГВИСТИКА — **Қ.** Аънавий тилшунослик.

ТРАНСКРИПЦИЯ (*лот.* *transcriptio* — кўчириб ёзув).

1. Ўзга тил сўзи таркибидаги товушни она тили алифбоси асосида ёзиш.

2. *айн.* Фонетик транскрипция.

ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ (лот. trans — орқали + litera — ҳарф). Бир тил алифбосига оид матнни бошқа бир тил алифбосидан фойдаланиб, ёзувда аниқ акс эттириш. Бунда ўз тилида талаффуз қилинмайдиган ёки ўзича талаффуз қилинадиган товушнинг ҳарфи ўзича сақланади.

ТРАНСПОЗИЦИЯ (лот. transpositio — ўрин алмаштириш). Грамматик категорияларнинг ўзига хос бўлмаган вазифада қўлланиши. Мас., бир туркум сўзининг матнда бошқа туркум сўзи каби қўлланиши. *Қиёс. Конверсия.*

ТРАНСФОРМ. Трансформация натижасида ҳосил бўлган тузилма. Мас., аниқ тузилманинг ўзгариши билан ҳосил бўлган мажҳул тузилма. *Қ. Трансформация.*

ТРАНСФОРМАЦИОН ТАҲЛИЛ. Турли-туман синтактик тузилмаларни қайта тузиб, содда (оддий, ядровий) тузилмаларга келтириш қоидалари ва усули.

ТРАНСФОРМАЦИЯ (лот. transformatio — қайта тузмоқ). Асосий синтактик тузилмани тил қонун-қоидалари асосида ўзгартриб, иккинчи бир тузилма ҳосил қилиш. Мас., аниқ тузилманинг мажҳул тузилмага айлантирилиши: *Қизча шеърни ўқиди — Шеър қизча томонидан ўқилди* каби.

ТРОП (юн. tropos — кўчирма оборот, киноя) — *қ. Кўчим.*

ТУБ АСОС. Морфемаларга бўлинмайдиган (ясалмаган) асос. Мас., *сувчи, дарахтзор, кечаги* сўзларининг *сув, дарахт, кеча* қисми. *қ. Асос. Қиёс. Ясама асос.*

ТУБ СЎЗ. Ясовчи қисмларга ажралмайдиган сўз: *тош, нон, ош, тарих, ол, яхши, кеча, мен* ва б. *Қиёс. Ясама сўз.*

ТУЗИЛИШ. Тилнинг ёки айрим тил бирликларининг (сўзлар, гаплар ва ҳ.) қурилиш тархи: *Гапнинг тузилиши. Семантик тузилиш. Сўз ясалиш тузилиши.*

ТУЗИЛМА. Тил бирликларининг нутқда грамматик хусусиятлари асосида ўзаро бирикиши билан ташкил топган синтактик бутунлик: *Кўмакчили тузилма. Кўчирма гапли тузилма.*

ТУРДОШ ОТ. Бир турдаги предметларнинг умумий номи бўлиб хизмат қиладиган от: *тош, гул, қовун, дарахт, ғалла* ва б. *Қиёс. Атоқли от.*

ТУРЛАНИШ. Отнинг келишик шакллари билан ўзгариши: *китоб — китобнинг — китобни — китобга — китобда — китобдан* каби.

ТУРЛОВЧИ АФФИКСЛАР. Келишик шаклларини ҳосил қилувчи аффикслар: *-ни (дўстни), -нинг (дўстнинг), -га (дўстга), -да (дўстда), -дан (дўстдан).* *Қ. Турланиш.*

ТУРГУН СЎЗ БИРИКМАСИ — *қ. Сўзларнинг тургун бирикмаси.*

ТУРГУН УРГУ. Сўзнинг маълум қисмидаги бўғинга тушадиган ургу. Мас., ўзбек тилида ургу одатда сўзнинг охиридаги бўғинга тушади. *Қиёс. Эркин ургу.*

ТУС КАТЕГОРИЯСИ. Феълларга хос грамматик категория бўлиб, ҳаракатнинг бажарилиши маълум замон доирасида чекланганлик ёки чекланмаганлик хусусиятини билдиради. Ўзбек тилида феълнинг бундай категорияси йўқ. Рус тилида тус (вид) категориясининг тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) турлари бор.

ТУСЛАНИШ. Феълнинг шахс-сон шаклларида ўзгариши: *ўқияпман, ўқияпсан, ўқияпти(лар)*; шарт майлининг тусланиш шакли: *келсам, келсанг, келса, келсак, келсангиз, келса(лар)* ва Ҳ.

ТУСЛАНИШЛИ ФЕЪЛ — қ. Феълнинг тусланишли шакли.

ТУСЛАНИШСIZ ФЕЪЛ — қ. Феълнинг тусланишсиз шакли.

ТУСЛОВЧИ АФФИКСЛАР (тусловчилар). Феълнинг шахс-сон шаклларини ҳосил қилувчи аффикслар. қ. Тусланиш.

ТУШУМ КЕЛИШИГИ. Ҳаракат йўналган объектни (ҳаракат объектини) билдирувчи келишик. Бу келишик шакли *-ки* аффикси ёрдамида ясалади: *рубобни, китобни, ерни* каби. Тушум келишигидаги от белгили ёки белгисиз ҳолатда бўлиши мумкин: *Кеча китоб ўқидим (белгисиз) — Китобни кеча ўқидим (белгили).* Бу келишик шаклидаги сўз гапта воситасиз тўлдирувчи (қ.) вазифасида келади.

ТЎЛДИРИЛМИШ. Бирикманинг тўлдирувчи тобе бўлган (ҳоким) қисми.

ТЎЛДИРУВЧИ. Ўз ҳоким сўзига бошқарув йўли билан боғланиб, бу сўз аниқланган ҳаракат, предмет, белгига нисбатан объект бўлиб келадиган бўлак. Ҳаракат билан объект орасидаги муносабатнинг турига кўра тўлдирувчилар икки асосий турга бўлинади: 1) воситали тўлдирувчи (қ.); 2) воситасиз тўлдирувчи (қ.).

ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАП. Бош гапнинг олмош билан ифодаланган ёки назарда тутилган (қўлланмаган) тўлдирувчисини изоҳлайдиган, бош гап кесимини тўлдирадиган эргаш гап: *...сиз шуни яхши билингки, сизнинг жуда кўп самимий дўстларингиз бор (А. Мухтор).*

ТЎЛИҚ АССИМИЛЯЦИЯ. Сўзда бир товуш бошқа товушнинг ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули, ҳам акустикаси жиҳатидан бир хил қилиб олиши. Мас., *бир+та>битта, тус-сиз<тузсиз* каби. Қиёс. Тўлиқсиз ассимиляция.

ТЎЛИҚ ГАП. Матн ва нутқ шароитсиз ҳам фикрнинг тўла (аниқ) ифодаланиш имкониятини берадиган бўлаклари мавжуд бўлган гап: *Чиндан ҳам табиат жуда сокин, чиройли эди (Ҳ. Усмонов).* *Қадим-қадимдан авлодларга боғ мерос қолдириш аъъанавий одат бўлиб келган (Д. Нурий).* Қиёс. Тўлиқсиз гап.

ТЎЛИҚСИЗ АССИМИЛЯЦИЯ. Сўзда бир товушнинг иккинчисини артикуляция ўрнига кўра (сунбул>сумбул) ё артикуляция усулига кўра (йўқса>йўхса), ёки акустикасига кўра (кетган>кеткан) бир хил қилиб олиши.

ТУЛИҚСИЗ ГАП. Грамматик тузилиши ёки таркиби нуқтан назаридан тўлиқ бўлмаган (таркибида бир ёки бир неча бўлаклари иштирок этмаган), лекин бу нотўлиқлик нутқий маъно ёки вазият (шароит)дан аниқ сезилиб турадиган гап: *Канаал. Катта канаал. Утган йил чикардик* (А. Қаҳҳор). *Олам қуши билан ёруғ — одам нам билан* (Мақол). *Қиёс. Тўлиқ гап.*

ТУЛИҚСИЗ ФЕЪЛ. Луғавий маъносини тамомила йўқотган, ҳозирги ўзбек тилида маълум бир грамматик маъно ва вазифаларда қўлланувчи феъл: *эди, экан, эмиш: Нима бўларди, Лўжа Али эди. Алихўжа бўлади-да!* (Н. Сафаров). *Бу бир ғариб мусофир экан, борадиган жойи йўқ экан...* (С. Айний).

ТУСИҚСИЗЛИК ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг рўй беришига тўсиқ бўла олмайдиган ҳаракат-ҳодисани билдирувчи ҳол: *...кунинг иссиғига қарамай Шербек культивация қиларди.*

ТУСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАП. Мазмуни бош гапнинг мазмунига зид бўлса ҳам, бош гапдан англашилган ҳаракат-ҳодисанинг юз беришига тўсиқ бўлмайдиган ҳаракат-ҳодисани билдирувчи эргаш гап: *Кумушбиби уни бола йўл устида йиғитлар орасида кўрган бўлса ҳам, бироқ даҳшат ичида ўрдага қараб югурган эди* (А. Қодирий). *Олимжон узоқда бўлса ҳам, фикри-зикри Ойқизда, Олтинсойда бўларди* (Ш. Рашидов).

ТУХТАМ. Турли мақсад ва вазифа билан нутқ оқимининг тўхташи, узилиши; пауза.

ТУҒРИ МАЪНО. Вокеллик билан бевосита боғланадиган, уни бевосита англайтиш хусусиятига эга бўлган маъно. Мас., *қоплон* сўзининг бош маъноси. *Қиёс. Қўчма маъно.*

ТУҒРИ ТАРТИБ. Синтактик тузилма қисмларининг (гап бўлақларининг, қўшма гап предикатив қисмларининг ва ҳ.) маълум қонун-қоидалар асосида одатдагича жойлашуви. Мас., ўзбек тилида аниқловчининг аниқланмишдан, эганинг кесимдан олдин жойлашуви тўғри тартиб ҳисобланади: *Баҳаво ерлар. Агроном топширди* каби. *Қиёс. Тесқари тартиб.*

У

УВУЛЯР УНДОШ (*лот. uvula* — кичик тил). Ҳосил бўлишида кичик тил фаол иштирок этадиган ундошлар.

УЗУАЛ МАЪНО (*лот. usus* — одат, қонда). Сўзда луғавий сифатида бор, умум томонидан қабул этилган, умум қўлланмишдаги маъно. Мас., *бош* сўзининг «тананинг бўйиндан юқори қисми», «бошлиқ», «раҳбар» маънолари; *катта* сўзининг «ҳажм, ўлчами инсбатан ортиқ, улкан», «ёш жиҳатдан ортиқ» маънолари узуал маънолардир. *Қиёс. Окказионал маъно.*

УЗУС (лот. *usus* — одат, қонда). Сўзшакл, фразеологизм, тузилма ва ш.к.нинг тил эгалари томонидан тўғри ва мақбул деб топилган қўлланиши.

УМЛАУТ (нем. *Umlaut* — унлини алмаштириш). Сўздаги унлиларнинг грамматик шакл ясаш воситаси сифатида алмашинуви. Бу ҳодиса, мас., немис тилида **а, о, у** унлиларининг юмшашида кўринади. Ўзбек тилининг айрим шеваларида, мас., Наманган вилоятидаги шеваларида умлаут ҳодисаси учрайди.

УМУМ ЗАМОН (УМУМИЙ ЗАМОН). Ҳаракатнинг замон нуқтаи назаридан, яъни ўтган, ҳозирги ва келаси замонга нисбатан умумий тарзда бўлиши. Бунда ҳаракатнинг бажарилиши бирор замон (ўтган, ҳозирги ёки келаси замон) билан чегараланмайди. Ўзбек тилида бу маъно ҳозирги-келаси замон шакли орқали ифодаланади: *севади, сезилмайди* каби; *Қўрққанда қўша кўринади* (Мақол). *Тентак тўртини бермайди* (Мақол). *Қинғир иш қирқ йилда ҳам билинади* (У. Усмонов). Қ. Ҳозирги-келаси замон феъли.

УМУМИЙ КАТЕГОРИАЛ МАЪНО — қ. Категориял маъно.

УМУМИЙ ЛУҒАТ. Сўзлигида адабий тилнинг барча кўри-нишларига оид ҳамма лексик қатламлар акс этадиган луғат. Бундай луғатларнинг номида бирон жиҳатдан чегараланиши кўрсатувчи сўзлар бўлмайди. Улар ўз вазифасига (мақсадига) кўра номланади: *русча-ўзбекча луғат, изоҳли луғат, имло луғати* ва б. Қиёс. **Махсус луғат**.

УМУМИЙ СЕМА. Бир семантик майдондаги семемаларнинг туташтирувчи семаси. Мас., *новча, бақалоқ, чўзиқ* кабилардаги «меъёр» семаси; *чолмоқ, оқмоқ, сакрамоқ* кабилардаги «ҳаракат» семаси.

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК. Тилшуносликнинг, хусусий тилшуносликдан фарқли ҳолда, тилни умуман инсонга хос ҳодиса сифатида ўрганувчи бўлими. Умумий тилшуносликнинг асосий вазифаси дунё тилларига хос энг умумий белги-хусусиятларни аниқлаш ва ёритишдир. Қ. **Тилшуносликка кириш**. Қиёс. **Хусусий тилшунослик**.

УМУМИЙ ФОНЕТИКА. Тилшуносликнинг турли тиллар материални асосида нутқ товушларининг ҳосил бўлиши, урғунинг табиати, бўғин тузилиши, тил товуш томонининг грамматик тизимига муносабати каби умумназарий масалаларни ўрганувчи бўлими.

УМУМЛАШТИРУВЧИ БЎЛАК. Уюшиқ бўлақлар учун умумий бўлган тушунчани ифодаловчи, уларни умумлаштирувчи бўлак (сўз ёки сўз бирикмаси): *Ҳамма нарса: жонли, жонсиз уйқуда* (Санд Аҳмад); *Тўрт отлик; Ботирли, Бўронбек, Қолчи, Утап арваларни кузатиб бордилар* (Ҳ. Фулом).

УМУМЛАШТИРУВЧИ СЎЗ — қ. Умумлаштирувчи бўлак.

УНДАЛМА. Сўзловчининг нутқи қаратилган бошқа бир шахс

ёки предметни билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси. Ундалмай гап бўлаклари билан грамматик алоқада бўлмайди. Бу вазифада киши номлари, кишиларнинг лавозими, унвони, қариндошлиги ва ш. к.ларни билдирувчи атамалар, географик номлар ва б. келади: *Хўш, Темир Мардонов, бу гапга сиз нима дейсиз?* (Яшин). *Уртоқ раис, менинг ёшим сиздан беш ёш кичик.*

УНДАШ ГАП. Бош бўлаги ёки гапнинг ўзи шахс номи билан ифодаланган ундалма-гап. Бундай гапларни қўллаш орқали сўзловчи нугқ қаратилган шахсни аташ (чақириш) билан бирга, шодлик, ғазаб, дўқ, пичинг, ўпкаланш каби маъноларни ҳам ифодалайди: *Мадумар, Мадумар қаллоб! Чик бу ёққа* (М. Исмоилий). *Гулсал, Гулим!* (К. Яшин). *Маҳмуд, Маҳмуд, эси йўқ Маҳмуд!* (А. Қодирий).

УНДОВ. Ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб, ҳайдаш, чақириш каби маъноларни билдирувчи, гап бўлаклари билан грамматик боғланмайдиган сўзлар туркуми ва шу туркумга оид муайян сўз: *оҳ, вай, бе, ҳай-ҳай, ура, ҳай, беҳ-беҳ* кабилар. Ундовлар асосий хусусиятларига кўра икки турга бўлинади: 1) эмоционал ундов (к.); 2) буйруқ-хитоб ундовлари (қ.).

УНДОВ БЕЛГИСИ. Бу тиниш белгиси (!) асосан қуйидаги ҳолларда қўйилади: 1) ундов гаплар охирида: *Унсин учун, бечора қиз учун бу қандай фалокат, бу қандай мудҳиш мотам!* (Ойбек); 2) буйруқ гаплар охирида: *Онагни қўлингда тутсанг, синглингни бошингда тут!* (Ойбек); 3) гап бошида келиб, ҳис-ҳаяжон билан айтилган ундалмалардан сўнг: *Жамила! Бас, тур ўрнингдан!* (Ҳ. Ҳакимзода).

УНДОВ ГАП. Фикр билан бирга сўзловчининг воқеликка бўлган турлича эмоционал муносабатини, ички ҳис-ҳаяжонини ифодаловчи гап. Ундов гаплар ўзига ҳос конструктив унсурларга, мас., ўзига ҳос ундовлар, олмошлар, ундов оҳанги кабиларга эга бўлади: *Эркимиз, озодлигимиз йўқолмасин* (Ҳ. Фулом). *Кечки салқин тушиши билан бошланган шабадада боғни кезиш нақадар нашғали! О, нақадар юракка яқин ва қимматли ажойиб йўлак!* (З. Фатхуллин).

УНДОВЛАР НАЗАРИЯСИ. Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги қадимги назариялардан бири бўлиб, бу назарияга кўра, тил ғайрихитиёрый эмоционал қичқириқлар асосида пайдо бўлган.

УНДОШЛАРНИНГ ЖАРАНГЛИЛАШУВИ. Маълум фонетик сабабга кўра, жарангсиз ундошнинг ўзи билан жуфтлик ҳосил қилувчи жарангли ундошга алмашиниши. Мас., к нинг г га ўтиши; *юраги (юрак+и)*; қ нинг ғ га ўтиши: *қишлоғимиз (қишлоқ+имиз)* каби. Қиёс. Ундошларнинг жарангсизлашуви.

УНДОШЛАРНИНГ ЖАРАНГСИЗЛАШУВИ. Маълум фонетик сабабга кўра, жарангли ундошнинг ўзи билан жуфтлик ҳосил қилувчи жарангсиз ундошга алмашиниши. Мас., б ундошнинг китоб, бориб каби сўзларда п талаффуз этилиши (*китоп,*

борин); жарангли д ундошнинг т га айланиши: *дот (дод), март (мард)* каби. *Қиёс. Ундошларнинг жаранглилашуви.*

УНДОШЛАРНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ. Палатализациянинг йўқлигидан товуш тембрининг юмшоқ ундошлардагига нисбатан анча пастлиги.

УНДОШЛАР ТИЗИМИ. Тилнинг ундош товушлар мажмуи, уларнинг хусусият ва муносабатлари.

УНДОШ ТОВУШ. Оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учраб пайдо бўладиган, таркиби фақат шовқиндан ёки овоз ва шовқиндан иборат товуш. Уларнинг талаффузида ҳаво оқими сирғалиб ёки портлаб чиқади. Бу ҳаво оқими ун пайчаларини титратиб ёки титратмай ўтади ва ҳ. Ана шулар натижасида турли жиҳатдан бир-биридан фарқли ундош товушлар ҳосил бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундошлар 25 та: **б, в, г, д, ж, қ, ғ, х, з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, х.**

Ундош фонемалар қуйидаги нуқтаи назарлардан тасниф қилинади: 1) овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра; 2) ҳосил бўлиш ўрнига (нутқ аъзоларининг иштирокига) кўра; 3) ҳосил бўлиш усулига кўра; 4) палатализацияга кўра.

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундош икки асосий турга бўлинади: 1) сонорлар — қ. **Сонор ундош**; 2) шовқинлилар — қ. **Шовқинли ундошлар.**

Ҳосил бўлиш ўрнига кўра ундошлар учга бўлинади: 1) лаб ундошлари (қ.); 2) тил ундошлари (қ.); 3) бўғиз ундоши (қ.).

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундошлар тўртга бўлинади: 1) портловчилар (қ. **портловчи ундош**); 2) сирғалувчилар (қ. **сирғалувчи ундошлар**); 3) титроқ товуш (қ.); 4) аффриката (қ.).

УНЛИЛАРАРО УНДОШ. Икки унли орасида келган ундош: *ота, она* каби.

УНЛИЛАР ГАРМОНИЯСИ — *айн. Сингармонизм.*

УНЛИЛАР ТИЗИМИ. Тилнинг унли товушлар мажмуи, уларнинг хусусият ва муносабатлари.

УНЛИ ТОВУШ. Оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамай ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат (шовқин деярли иштирок этмайдиган) товуш. Ўзбек адабий тилида 6 та унли фонема бор: **и, э, а, о, у, ў.** Унлилар дастлаб тилнинг ҳаракати ва лабнинг ҳолати (иштироки) нуқтаи назаридан турларга ажратилади. Тилнинг ҳаракатида икки ҳодиса фарқланади: 1) тилнинг ётиқ (ёнлама) ҳаракати; 2) тилнинг тик ҳаракати. Тилнинг ётиқ (ёнлама) ҳаракатида ҳосил бўлиш ўрнига кўра унлилар икки турга бўлинади: 1) тил олди ёки олди қатор унлилари (қ.); 2) тил орқа ёки орқа қатор унлилари (қ.).

Тилнинг тик ҳаракатига кўра унлилар уч турга бўлинади:

1) юқори кўтарилиш унлилари (қ.); 2) ўрта кўтарилиш унлилари (қ.); 3) қуйи (паст) кўтарилиш унлилари (қ.).

Лабнинг ҳолати (иштироки)га кўра унлилар иккига бўлинади: 1) лабланган унлилар (қ.); 2) лабланмаган унлилар (қ.).

Ҳосил бўлишида оғиз бўшлиғининг кенг ёки тор бўлишига қараб унлилар уч турга бўлинади: 1) кенг унли (қ.); 2) ўрта (ўрта-кенг) унлилар (қ.); 3) тор унлилар (қ.).

Товушнинг ҳосил бўлишида кетадиган вақтнинг миқдорига кўра унлилар икки турга бўлинади: 1) чўзиқ унли (қ.); 2) қисқа унли (қ.).

УН ПАЙЧАЛАРИ. Бўғизда горизонтал (кўндаланг) тортилган икки эластик мускуллар боғлами. Ун пайчалари эластик бўлиб, узайиши ёки қисқариши, шунингдек, таранглашиши ёки бўшашиши мумкин. Ун пайчаларининг титраши натижасида овоз ҳосил бўлади.

УНУМЛИ АФФИКСЛАР — қ. Маҳсулли аффикслар.

УНУМСИЗ АФФИКСЛАР — қ. Маҳсулсиз аффикслар.

УРҒУ. Турли фонетик воситалар (мас., овозни кучайтириш) орқали бўғин ёки сўзни ажратиш, шу ажратишга хос кучли талаффуз. Ажратиш объектига кўра урғунинг икки тури фарқланади: 1) сўз урғуси (қ.); 2) фраза урғуси (қ.). Акустик-артикуляцион хусусиятига кўра урғунинг икки тури фарқланади: 1) экспиратор урғу (қ.); 2) мусиқий урғу (қ.).

Кўп бўғинли сўзларда, бош урғудан ташқари, иккинчи даражали урғу ҳам бўлади.

УРҒУЛИ УНЛИ. Сўздаги урғу тушган унли.

УРҒУСИЗ БУҒИН. Урғу тушмаган (урғу олмаган) бўғин.

УРҒУСИЗ УНЛИЛАР. Урғули бўғин олди ёки кетидаги, турли даражадаги редукция билан талаффуз этиладиган унлилар.

УСЛУБ. 1. Тил унсурларининг маълум вазифа бажаришига боғлиқ ҳолда бирлашадиган, тил бирликларининг ўзаро танланиши, бирикиши ва ш.к. билан ажралиб турувчи тизимлар: *Тил услублари. Функционал услублар.*

2. Тил воситаларидан фойдаланишнинг маълум бир ёзувчи, асар, жанр учун хос бўлган усуллари мажмуи: *Ойбек услуби. Фельетонлар услуби.*

3. Тил воситаларининг экспрессив-услубий белги асосида танланиши (сайланиши); нутқнинг сўз қўллаш ва синтаксис меъёрларига мос ҳолда тузилиши: *Расмий услуб. Китобий услуб. Оддий услуб. Академик услуб.*

УСЛУБИЙ БЕЛГИ. Тил бирлигининг услубий жиҳатдан ўзига хослигини кўрсатувчи белги-аломати.

УСЛУБИЙ БУЁҚ. Сўзнинг луғавий маъносига услубий жиҳатдан қўшимча тарздаги маъно назиклиги. Мас., *дундирмоқ* сўзининг *бажармоқ* сўзидан, *кетворган* сўзининг *келишган* сўзидан фарқли маъно назиклиги шу сўзларга хос услубий бўёқдир.

УСЛУБИЙ МЕЪЁР. Услубий талабларга мос ҳолда, аффикс танлашни, сўзларни ўзаро боғлашни белгиловчи меъёр. Мас., *ўқимоқда, ўқияжак* каби шакл ясалиши умумнутқда эмас, балки расмий нутқдагина ўришли бўлади.

УСЛУБИЙ СИНОНИМЛАР. Маълум бир услубга оидлиги, услубий бўёғи билан ўзаро фарқланадиган синонимлар. Мас., *нур, ёғду, зиё* синонимлари. *Қиёс. Идеографик синонимлар.*

УСЛУБИЙ ТАҲЛИЛ. Матннинг, унинг қисмларининг нутқ услубларидан қайси бирига оидлиги, бу оидликни белгиловчи омиллар ва шу кабиларни белгилаш нуқтаи назардан бўладиган таҳлил.

УСЛУБИЯТ. Тил бирликларининг услубий имконият ва хусусиятлари, функционал-услубий, эмоционал-экспрессив бўёғи, шунингдек, нутқда тил воситаларини мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот. *Қ. Услуб.*

УСЛУБЛАРАРО ЛЕКСИКА. Турли услубларда қўлланадиган, одатда услубий синонимларига эга бўлмайдиган сўзлар. Мас., *китоб, тош, қоғоз, уч. олти, сен* ва б. *Қиёс. Бетараф лексика.*

УСЛУБШУНОСЛИК. Тилшуносликнинг турли услубларни ўрганувчи соҳаси.

УЧИНЧИ ШАХС. Сўзловчи ва тингловчидан ўзга шахс. Бу маъно қуйидагича ифодаланади: 1) III шахс кишилик олмошлари билан: *у, улар*; 2) эгаллик категориясининг шакллари билан: *ўйсти, уйи, укаси*; 3) шахс-сон категориясининг III шахс шакллари билан: *келди, тамомлади, билади, ишлайди, келяпти* каби.

УЮШИҚ АНИҚЛОВЧИЛАР. Предметларнинг бир турдаги белгиларини (ранг-тусини ё маза-таъмини, ёки сон-миқдорини ва ҳ.) ёки турли белгиларини билдирувчи бирдан ортиқ уюшиқ ҳолдаги аниқловчилар. Аниқловчининг учала тури (сифатловчи, қаратувчи ва изоҳловчи) уюшиқ ҳолда қўллана олади, яъни бир гапда уюшиқ сифатловчилар ё уюшиқ қаратувчилар, ёки уюшиқ изоҳловчилар бўлиши мумкин: *Остонада п а с т б ў й л и. о з ғ и н. у в а д а т й н л и, о ё ғ и г а э с к и қ а л и ш к и й и б о л г а н, о қ с у р п и ш т о н и т и з з а с и д а н п а с т г а т у ш и б т у р г а н б и р ч о л т у р а р д и (Ҳ. Фулом). На Шаҳодат муфти ва на шоирнинг қўлидан бир пуллик иш келса...* (А. Қодирий).

УЮШИҚ БУЛАКЛАР. Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажариб, тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги билан боғланган бўлақлар (гапнинг бир хил бўлақлари). Гапнинг барча бўлақлари уюшиқ бўла олади. *Қ.*

Уюшиқ эгалар, Уюшиқ кесимлар, Уюшиқ тўлдирувчилар, Уюшиқ аниқловчилар, Уюшиқ ҳоллар.

УЮШИҚ КЕСИМЛАР. Бир ёки бир неча эгага баравар тобе бўлган кесимлар: *Нигорхоним Қўқоннинг кўп хотинларига қараганда сабрли ва қаноатли экан* (А. Қодирий).

УЮШИҚ ТЎЛДИРУВЧИЛАР. Тўлдирилмишга бир хил маъно ҳамда бир хил грамматик алоқа усули ва воситаси билан боғланган тўлдирувчилар: *Бек Қўршермат келганини, унинг қишлоқ йўлига чиқиши ҳақидаги буйруғини Раҳмонқулга сўзлаб берди* (Ҳ. Ғулом).

УЮШИҚ ЭГАЛАР. Бир содда гап таркибида бирдан ортиқ келган эгалар: *Ишчилар, деҳқонлар... халқнинг эркин нафас олиши учун қон тўкдилар* (Ҳ. Ғулом).

УЮШИҚ ҲОЛЛАР. Бир мазмун муносабатини (мас., ўрин, пайт, мақсад ва ҳ.) билдирувчи бирдан ортиқ ҳол: *Томлардан, ивиган деворлардан буғ кўтарилма бошлади* (Саид Аҳмад).

Ф

ФАЗАЛИ ФЕЪЛ — қ. Босқичли феъл.

ФАМИЛЬЯР ЛЕКСИКА (лот. *familiaris* — оила, уй шаронтидаги). Бетакаллүф, эркин сўхбатда (муомалада) ишлатиладиган лексика.

ФАОЛ ЛУҒАТ. Муайян тилда сўзлашувчилар тушунадиган ва ишлатадиган, фаол равнида қўллайдиган сўзлар.

ФАОЛ НУТҚ АЪЗОЛАРИ. Товуш ҳосил бўлишида асосий ишни бажарадиган, фаол ҳаракат қиладиган аъзолар: тил, лаб, юмшоқ танглай ва б. *Қиёс. Нофаол нутқ аъзолари.*

ФАОЛ ТУЗИЛМА. Ҳаракат субъекти эга орқали, ҳаракат объекти эса тўлдирувчи орқали ифодаланган тузилма: *Тўғонбек камчин дастаси билан унинг суякдан иборат елкасини туртди* (Ойбек). *Додҳо дарчани зичлаб ёнди* (А. Қаҳҳор). қ. **Тузилма. Қиёс. Нофаол тузилма.**

ФАРИНГАЛ УНДОШ (юн. *pharynx, pharyngos* — бўғиз). Тил негизи билан бўғизнинг орқа қисми оралиғида ҳаво йўлининг торайиши билан (бўғиз бўшлигининг фаол иштироки билан) ҳосил бўладиган ундош. Мас., ўзб. ҳ ундоши.

ФАРҚЛАШ ВАЗИФАСИ. Тил бирлигининг (фонеманинг) ифодалани ва фарқлаш вазифаси. Мас., *кел — кул, от — ит, бол — бор* ва б.

ФАРҚЛОВЧИ СЕМА. Кўп маъноли сўз семемаларидан ҳар бирининг ўзига хос бўлган, улар семемасини бир-биридан фарқлайдиган сема. Мас., *ака, ука* сўзлари катта-кичиклик семаси

билан; *она, ака* сўзлари жинс семаси билан фарқланади. Қиёс. **Интеграл сема.**

ФЕЪЛ. Ҳаракат билдирувчи сўзлар туркуми. Грамматикада ҳаракат жуда кенг тушунчага эга бўлиб, у *югурмоқ, сакрамоқ, ухламоқ, йиғламоқ, севмоқ, ўйламоқ, тинчимоқ, кўпаймоқ, қуримоқ, совимоқ* ва шу каби феъллар билдирадиган ҳаракат-ҳодисаларни назарда тутади.

ФЕЪЛ БОШҚАРУВИ. Ҳоким қисми феъл билан ифодаланган бошқарув алоқаси: *далага чиқмоқ, меҳмонларни кузатмоқ, пичоқ билан кесмоқ* каби. Қ. **Бошқарув алоқаси.** Қиёс. **От бошқаруви.**

ФЕЪЛ ВИДЛАРИ — қ. Вид категорияси.

ФЕЪЛ ЗАМОНИ — қ. Замон категорияси.

ФЕЪЛ-КЕСИМ. Содда гапларда тусланишли феъл шакли билан ифодаланган кесим: *Конкрет таъбирларингизни айттинг, нима қилаётибсиз, нима қилмоқчисиз* (С. Анорбоев). *Эъзозхон Қумрига ёшли кўзлари билан тикилди* (Ҳ. Фулом). Қиёс. **От-кесим.**

ФЕЪЛ КУМАҚЧИЛАР. Феълнинг бирор функционал шаклидан келиб чиққан (келиб чиқаётган) кўмакчилар: *қараб, тортиб, бошлаб, қараганда* ва б.: *Унинг мўлжалига кўра Сиддиқжон яна қасам ичиши, юр деб қисташи керак эди* (А. Қаҳҳор). *Деҳқонлар тўдаси қишлоққа қараб югурди* (С. Айний). *...кўп ҳам ҳашаматли бўлмаган залга киришдан бошлаб кучли равишда сезила бошлаган бир фикр чулғаб олган эди* (П. Турсун).

ФЕЪЛ МАЙЛИ — қ. Майл категорияси.

ФЕЪЛНИНГ БИРГАЛИК ШАКЛИ — қ. Биргалик нисбати.

ФЕЪЛНИНГ ОТ ШАКЛИ. Феълнинг ҳаракат номини билдирувчи, атрибутив вазифада қўлланувчи тусланишсиз шакли (ҳаракат номи, сифатдош).

ФЕЪЛНИНГ ТУСЛАНИШЛИ ШАКЛИ. Тусланиш тизмига мансуб бўлган, яъни майл, замон, шахс-сон маъноларини ифодалайдиган ва гапда кесим вазифасида келадиган феъл шакли: *ёзяман, ёзгансан, ёзганти; ёзмоқчиман, ёзмоқчисан, ёзмоқчи ёзай, ёз, ёзсин; ёзсам, ёзсанг, ёзса* каби. Қиёс. **Феълнинг тусланишсиз шакли.**

ФЕЪЛНИНГ ТУСЛАНИШСИЗ ШАКЛИ. Тусланиш тизмига эга бўлмаган, майл, шахс-сон каби маъноларни ифодаламайдиган феъл шакли. Ҳаракат номи, сифатдош, равишдош кабилар феълнинг тусланишсиз шакллари ҳисобланади: *ёзмоқ, ёзадиган, ёзгунча* каби. Қиёс. **Феълнинг тусланишли шакли.**

ФЕЪЛНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ШАКЛЛАРИ. Феълнинг маълум грамматик маъно ифодалайдиган ва маълум синтактик вазифага эга бўлган шакллари. Феълнинг асосий функционал шакллари қуйидагилар: 1) сифатдош (қ.); 2) равишдош (қ.); 3) ҳаракат номи (қ.).

ФЕЪЛ НИСБАТИ — қ. Нисбат категорияси.

ФЕЪЛ СУЗ БИРИКМАЛАРИ. Ҳоким қисми феъл билан ифодаланган сўз бирикмалари. Мас., *паркни айланмоқ, пахта термоқ, тез юрмоқ, яхши тушунтирмоқ* каби. Қиёс. От сўз бирикмалари.

ФИГУРАЛ МАЪНО. Воқелик билан бевосита боғланмайдиган, нарса, белги, ҳаракатнинг номига айланмаган маъно. Фигурал маъно воқелик билан номловчи маъно орқали боғланади. Мас., *шира, тил* сўзларининг қуйидаги гаплардаги маъноси фигурал маъно ҳисобланади: *Овознинг шираси қочган, кексалик...* (А. Мухтор.) *Руслам деҳқончилиқнинг тилини яхши ўрганган* (Ойбек). Қиёс. Номловчи маъно.

ФИЛОЛОГИК ЛУҒАТ — қ. Лингвистик луғат.

ФИЛОЛОГИЯ (юн. *phileo* — севаман + *logos* — сўз, билим). Бирор халқнинг тил ва адабий ижодда ўз ифодасини топган маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи: *Антик филология. Ўзбек филология.*

ФЛЕКСИЯ (лот. *flexio* — эгиш, буриш; ўзгариш). Бир неча грамматик маънони бир йўла ифодалайдиган шакл ясовчи морфема (Рус тилшунослигида «окончание» деб юритилади). Ўзакнинг морфологик ўзгариши. Ички флексия деб ҳам аталувчи бу ҳодисада сўз ўзагидаги фонемаларнинг алмашиниши грамматик шаклларнинг ҳосил бўлишига, ҳатто сўз ясалишига хизмат қилади. Мас., араб тилидаги *мактаб, мактуб, китоб, котиб* сўзларини қиёсланг.

ФЛЕКТИВ ТИЛ. Грамматик маънолар флексия йўли билан ифодаланадиган тил. Флектив тилларга ҳинд-европа ва сом тиллари оилалари киради. Қиёс. Агглютинатив тиллар.

ФОН — қ. Фона.

ФОНА. Фонеманинг сўзшакл таркибида қатнашаётган кўриниши. Турли сўзшаклларда иштирок этаётган бундай фоналар аллофонани ташкил этади. Мас., *келади* сўзшакли таркибида олтита фона иштирок этиб, булардан ҳар бири бошқа-бошқа фонеманинг шу сўз таркибида қатнашувчи вакилидир.

ФОНЕМА (юн. *phoema* — товуш). Тил моддий томонининг энг кичик бирлиги, фарқловчи фонологик белгиларнинг барқарор йиғиндиси.

ФОНЕМАНИНГ ВАРИАНТИ. Фонеманинг нутқ оқимида ёндош товушлар таъсирида пайдо бўладиган кўриниши. Фонеманинг вариантлари маънони фарқламайди ва шу тилда сўзлашувчиларнинг айни сўз маъносини тушунишига халал бермайди. Мас., ўзбек тилидаги *билди, иди* сўзларининг биринчи бўғинидаги *и* билан иккинчи бўғинидаги *и* нинг талаффузи бир хил эмас. *Қиш, қизғин* сўзларидаги *и* товуши *билди, иди* сўзларидаги *и* товушидан фарқланади. Лекин буларнинг ҳаммасидаги *и* бир фонема, бир фонеманинг вариантлари ҳисобланади. Қ. Аллофона.

ФОНЕМАНИНГ КОНСТИТУТИВ БЕЛГИЛАРИ. Фонеманинг сўздаги позициясига боғлиқ бўлмаган, доимий белгилари.

ФОНЕМАНИНГ ФАРҚЛОВЧИ БЕЛГИЛАРИ. Бир фонеманинг бошқа фонемага қарама-қарши қўйилувчи фарқли белгиси. Мас., фонеманинг жараңгли-жараңгензлик, лабланган-лабланмаганлик каби белгилари.

ФОНЕМАТИК ТРАНСКРИПЦИЯ. Фақат фонемаларнигина ҳисобга олиш учун ишлатиладиган транскрипция. Қиёс. **Фонетик транскрипция.**

ФОНЕМА ҚАТОРИ. Айнан бир морфемада фонеманинг кучли ва унга эквивалент бўлган кучсиз вариантларидан иборат қатори. Мас., рус. *вода* (сув) сўзидаги **о** фонемасининг *воды* — *водá* — *водяная* сўзларидаги кучли ва кучсиз вариантлари бир фонема қаторини ташкил этади.

ФОНЕМИКА. 1. Фонологиянинг фонлар ва уларнинг сегмент қатори бирлиги сифатида фонемаларга бирлашувини ўрганувчи қисми.

2. *айн.* **Фонология.**

ФОНЕТИКА (*юн.* *phonetike* — товушга оид < *phone* — товуш).

1. Тилшуносликнинг нутқ товушларининг ҳосил бўлини усуллари ва акустик хусусиятларини; бўғин, нутқнинг пауза билан ажралувчи қисмлари ва ш. к. ларни ўрганувчи бўлими. Тилнинг товуш таркибини ўрганишда ўз олдига қўйган мақсадига кўра фонетиканинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) умумий фонетика (қ.); 2) тарихий фонетика (қ.); 3) қиёсий фонетика (қ.); 4) экспериментал фонетика (қ.).

2. Маълум тилга хос товушларнинг артикуляцион (физиологик) ва акустик хусусиятлари, муайян тилнинг фонетик тузилиши: *Ўзбек тили фонетикаси. Рус тили фонетикаси.*

ФОНЕТИК АЛМАШИНИШ. Тилдаги фонетик қонуниятлар асосида бўладиган товуш алмашиниши. Бундай алмашиниш товушнинг позицияси билан боғлиқ бўлади ва морфеманинг фонема таркибини ўзгартирмайди. Мас., *тес* (*тез*), *тук* (*туғ*) ва б.

ФОНЕТИК БИРЛИК. Нутқ товуши ва шунга асосланадиган ҳодисалар: *бўғин* (қ.), *урғи* (қ.) ва б.

ФОНЕТИК ВОСИТАЛАР. Сўз, мазмун кабиларни фарқлаш учун хизмат қилувчи фонетик ҳодисалар. Қуйидагилар шундай хусусиятга эга: 1) нутқ товушлари (қиёс.: сув—сеv); 2) сўз урғуси (қиёс.: қушча—қушча, янги—янги); 3) фраза урғуси (қиёс.: дўстим келди—дўстим келди); 4) интонация (қиёс.: *сен борсан* — *сен борсан?*).

ФОНЕТИК МЕЪЁР. Фонетик бирликнинг (фонеманинг) адабий тил қоида-талабларига мос ҳолда фойдаланишини белгиловчи меъёр.

ФОНЕТИК РАЗБОР — қ. **Фонетик таҳлил.**

ФОНЕТИК СУЗ. 1. Мустақил сўз билан ёрдамчи сўзнинг

бир урғу остига бирлашиб, бир сўздек айтилиши. Мас., *ўзиям, (ўзи ҳам), самминам (сен билан), борганакан (борган экан)* ва б.

2. Сўз фонетиканинг ўрганиш объекти сифатида. Сўзшакл-нинг нфода плани. *Қиёс. Лексик сўз. Морфологик сўз. Фонологик сўз.*

ФОНЕТИК ТАҲЛИЛ. Сўзнинг фонетик тузилиши, фонетик тузилишда юз берадиган ўзгаришлар, фонетик жараёнлар, товуш ва ҳарф, сўз урғуси, бўғин ва ш. к. нуқтан назарлардан бўладиган таҳлил.

ФОНЕТИК ТРАНСКРИПЦИЯ. Нутқни ёзишнинг махсус усули бўлиб, нутқнинг товуш томони унинг талаффузига тўла мос ҳолда акс эттирилади. Бундай ёзув усулидан илмий мақсадларда фойдаланилади. Мас., ўзбек шеваларининг фонетик хусусиятларини акс эттириш учун шундай ёзув усулидан фойдаланилади: *соғ'и халэне. эбб'нь, энэсь... рэйс вождь. Қиёс. Фонологик транскрипция.*

ФОНЕТИК УЗГАРИШ. Сўзнинг фонетик тузилишида бўладиган ўзгариш; фонетик ўзгачалик юз бериши. Мас., *саргаймоқ* сўзи асли *сарғармоқ* бўлган. яъни *сарғармоқ* сўзида фонетик ўзгариш — рининг й га айланиши (ўзгариши) юз берган.

ФОНЕТИК ҚОНУН. Фонетик мувофиқликлар, фонетик ўзгаришларнинг изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги. Мас., урғусиз унлининг редукцияга учраши қонун, сўз охирида жарангли ундошнинг жарангсизланиши қонун ва б.

ФОНИКА (*юн. phonikos* — овозли, жарангдор). Услубиunosликнинг бир бўлими. У нутқ товушларининг ва тилдаги бошқа фонетик воситаларнинг эстетик ва эмоционал вазифаларини ўрганади.

ФОНОГРАММА (*юн. — phone* — овоз + *gramma* — ёзув, ёзиш). Сўз ва морфемаларнинг товуш қобиғини фарқлашга хизмат қила олувчи нутқ товушлари учун одинган шакл. *Қиёс. Идеограмма.*

ФОНОГРАФИК ЁЗУВ. Товушларни ҳарфлар ёрдамида акс эттирадиган ёзув.

ФОНОЛОГИЗАЦИЯ. Фонема вариантнинг фонологик хусусиятларга эга бўлиши, фонема вариантнинг тил товуш тизимининг семиологик релевант унсурига айланиши.

ФОНОЛОГИК БИРЛИК — қ. **Фонема.**

ФОНОЛОГИК ОППОЗИЦИЯ. Фонемаларнинг фарқловчи белгилари асосида бир-бирига қарама-қарши қўйилиши.

ФОНОЛОГИК ПОЗИЦИЯ. Фонеманинг унинг семиологик (дифференциациялаш) вазифасини белгиланда асос бўлувчи ҳолати. Фонологик позициянинг кучли ва кучсиз типлари фарқланади. Қ. **Кучли позиция. Кучсиз позиция.**

ФОНОЛОГИК СЎЗ. Фонологиянинг ўрганиш объекти бўлган (фонологик жиҳатдан ўрганиш объекти қилиб олинган) сўз. *Қиёс. Морфологик сўз. Фонетик сўз.*

ФОНОЛОГИК ТИЗИМ. Тилдаги барча фонемаларнинг ўзаро алоқа ва боғланишига асосланувчи тизим.

ФОНОЛОГИЯ (*юн.* phone — товуш, овоз + logos — сўз, таълимот). Тилшуносликнинг нутқ товушларини сўз ва морфемаларнинг товуш қобиғини фарқловчи восита сифатида ўрганувчи соҳаси.

ФНОСТИЛИСТИКА. Услубшуносликнинг нутқ товушларининг тилнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қила олиш усуллари ва қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

ФОНОТАКТИКА. Фонемаларнинг сўз ёки морфема таркибидagi турли позицияларда ёнма-ён кела олишини белгиловчи қоидалар.

ФОРМАЛ ГРАММАТИКА. Гап қурилишида шаклий ифодага эга бўлган муносабатларнигина ўрганувчи грамматика.

ФОРМАНТ (*лот.* formans, formantis — ясовчи). Сўз ясовчи ва шакл ясовчи бирликнинг (асосан аффикснинг) умумий номи. Мас., *камҳосил, камқатнов* сўзларидаги *кам*; *шахматчи, ҳосилдор* сўзларидаги *-чи, -дор* формант ҳисобланади. Қ. Сўзнинг сўз ясалиш тузилиши. Сўз ясовчи аффикс. Шакл ясовчи аффикс.

ФОРМАТИВ. Сўз шаклини ҳосил қилувчи аффикс ёки ёрдамчи сўз. Мас., сифатнинг ожайтирма даража шаклини ясовчи *-роқ* аффикси (*яхшироқ, кенгроқ*), феълнинг «қодирлик» маъносини ифодаловчи аналитик шаклини ясовчи *ол кўмакчи феъли* (*ўта олмоқ, бажара олмоқ*) ва б. Қ. **Формант. Ёрдамчи сўзлар.**

ФРАЗА (*юн.* phrasis — ифода, нутқ ўрами). 1. Нутқнинг алоқа қилиш бирлиги сифатидаги энг кичик мустақил бирлиги. Бундай бирлик одатда гапга тенг бўлади ва бунда «фраза» термини «гап» терминига мос келади.

2. Энг катта фонетик бирлик — фикр тугаллигига эга, алоҳида оҳанг ёрдамида бирлашган ва ўзига ўхшаш бирликлардан тўхтаб орқали ажратилган жумла.

ФРАЗА УРҒУСИ. Маъно жиҳатидан муҳим бўлган нутқ тактини (синтагмани) урғу ёрдамида ажратиш. Фраза урғуси айни вақтда фонетик-синтактик вазифа бажаради; сўзларни такт ва фразаларга бирлаштиради.

ФРАЗЕОГРАММА (*лот.* phrasis — ибора, нутқ ўрами + gramma — ёзув белгиси) — *айн.* Фразеологик бирлик.

ФРАЗЕОЛОГИЗМ — *айн.* Фразеологик бирлик.

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИК. Тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик. Турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури. Мас., *томдан тараша тушгандай, оёғини қўлига олмоқ, сичқоннинг уни минг танга* ва б. Фразеологик бирликларнинг одатда уч хил тури кўрсатилади: 1) фразеологик қўшилма (қ.); 2) фразеологик бутунлик (қ.); 3) фразеологик чатишма (қ.).

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ВАРИАНТЛАРИ.

Фразеологик бирликларнинг таркибидаги сўз, маълум грамматик шаклларнинг айнан бир маъно сақлаган ҳолда ўзгариши билан юзага келадиган кўринишлари. Мисол: *кўнглидан чиқармоқ* — *кўнглидан чиқармоқ*, *юрагидан чиқармоқ* — *юракдан чиқармоқ*, *кўнглидан чиқмоқ* — *кўнглидан чиқмоқ*, *юрагидан чиқмоқ* — *юракдан чиқмоқ*; *тилга олмоқ* — *тилига олмоқ*, *тилга олинмоқ*; *қайдан шамол учирди* — *қандай шамол учирди* ва б.

ФРАЗЕОЛОГИК БУТУНЛИК. Маъносини таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳлаш мумкин бўлган фразеологик бирликлар. Мас., *миси чиқди*, *хамир учидан патир* кабилар.

ФРАЗЕОЛОГИК КАЛЬКА. Ҳақиқат фразеологик бирлигидан қисма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган фразеологик бирлик. Мас., *бармоқ орасидан қарамоқ* фразеологизми русча *смотреть сквозь пальцы* фразеологизмини калькалаш натижасида ҳосил бўлган. Қ. **Калька.**

ФРАЗЕОЛОГИК ЛУҒАТ. Тилнинг фразеологиясини акс эттирувчи, фразеологик бирликлардан тузилган луғат. (қ. Ш. Раҳматуллаевнинг 1978 йилда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»). Қ. **Лингвистик луғат.**

ФРАЗЕОЛОГИК ОБОРОТ. — *айн.* Фразеологик бирлик.

ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМИЯ. Фразеологик бирликлар ўртасидаги омонимия. Қ. **Фразеологик омонимлар.**

ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМЛАР. Талаффузи ва ёзилиши бир хил биттадан ортиқ фразеологик бирлик: *бошига кўтармоқ* (қаттиқ шовқин қилмоқ) — *бошига кўтармоқ* (юксак даражада иззат-ҳурмат қилмоқ).

ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМИЯ. Фразеологик бирликлар орасидаги синонимия. Қ. **Фразеологик синонимлар.**

ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАР. Бир хил маънога эга бўлган, маъно нозиклиги, услубий бўёғи ва б. жиҳатдан ўзаро фарқланадиган фразеологик бирликлар. Мас., *оғзига толқон солмоқ* — *мум тишламоқ* каби.

ФРАЗЕОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Фразеологик бирликларнинг луғавий бирлик сифатидаги таҳлили. Қ. **Лексикологик таҳлил.**

ФРАЗЕОЛОГИК ЧАТИШМА. Маъноси таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмайдиган, ҳатто унга зид маъно ифодаладиган фразеологик бирликлар. Мас., *оёғини қўлига олмоқ* (жуда тез юрмоқ, югурмоқ) каби.

ФРАЗЕОЛОГИК ҚУШИЛМА. Таркибидаги сўзларнинг лексик маъноси сақланадиган, бири иккинчисининг боғли маъносини реаллаштирувчи нутқий матн вазифасини ўтайдиган синтагма. Мас., *қўл кўтармоқ*, *иштаҳаси очилмоқ* каби.

ФРАЗЕОЛОГИЯ (*юн.* phrase — ибора + logos — тушунча, таълимот). 1. Тилшуносликнинг фразеологик бирликларни ўрганувчи бўлими.

2. Тилнинг фразеологик birlikлар мажмуи: *Ўзбек фразеологияси*.

ФРИКАТИВ УНДОШЛАР (лот. *fricatio* — ишқаланиш) — қ. Сирғалувчи ундошлар.

ФУЗИЯ (франц. *fusion* — қўшилиш, туташиниш < лот. *fusio* — қўйиш, қуйма). Фонема таркибининг ўзгариши (ёйнама-ён фонемаларнинг сингишуви) натижасида фонемалар чегарасининг поаниқлашуви, бир фонеманинг ҳар икки морфема таркиби учун умумий бўлиб қолиши. Мас., *ўқийётирман* (*ўқий* + *йотирман*) каби

ФУНКЦИОНАЛ КЎЧИРИШ. Бир предмет номини бошқа предметга бажарадиган вазифасидаги ўхшашлик асосида кўчириш. Мас., *ўқ, қанот сўзларининг замбаракнинг ўқи, самолётнинг қаноти* бирикмаларидаги маъноси функционал кўчириш асосида ҳосил бўлган.

ФУНКЦИОНАЛ СЕМАНТИКА. Сўз семантикасининг ўзгаришини улар аниқлаган нарсаларнинг бир хил вазифа бажариши билан изоҳловчи назария. Мас., рус. *перо* (қуш пати) — *перо* (ёзув қуроли).

ФУНКЦИОНАЛ СЎЗЛАР. Ёрдамчи сўзлар ва модал сўзларнинг умумий атамаси.

ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБЛАР. Тилнинг инсон фаолиятининг у ёки бу соҳаси билан боғлиқ вазифаларига кўра ажратилган услублар. Қ. Расмий иш услуби, Илмий услуб, Публицистик услуб, Бадий услуб, Сўзлашув услуби.

ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБШУНОСЛИК. Услубшуносликнинг функционал услубларни ўрганувчи бўлими. Қ. Функционал услублар.

ФУНКЦИОНАЛ ШАКЛ. Сўзнинг маълум бир грамматик маъно (грамматик категорияга хос бўлмаган маъно) ифодаловчи шакли. Мас., отлардаги субъектив баҳо шакллари (*укагинам, укажон*) каби, феълнинг сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шакллари ва б. Қ. Отнинг функционал шакллари. Феълнинг функционал шакллари. Қиёс. Категориал шакл.

Х

ХАЛҚАРО ТИЛ. Миллатлараро алоқа воситаси сифатида тавсия этиладиган сулбий тил.

ХАЛҚ ЭТИМОЛОГИЯСИ. Ўзлашма ёки ўз тилга онд ҳали ўзлашиб кетмаган сўзни товуш томонидан яқин бўлган ўз сўзга боғлаш; реал фактларга асосланмаган ҳолда, фақат товуш томонининг тасодифий ўхшашлигига кўра ўзича қисмларга ажратиб изоҳлаш. Мас., *қорақат* (бута) сўзини *қора қандоғ*; *олхўри* сўзини *ол* + *хўри* (тожикча *хўрдан* — емоқ, ичмоқ)га боғлаш. Қиёс. Сохта этимология.

ХАТ БОШИ. Мати (текст)ни янги йўлдан бир оз ўрин (уч ҳарф ўрни) қолдириб бошлаш: *хат бошидан ёзмоқ*.

ХОСЛИК ШАКЛИ — қ. Қарашлилик шакли.

ХУСУСИЙ ТИЛШУНОСЛИК. Айрим бир тил ҳақидаги фан. Мас., русистика — рус тили ҳақидаги фан. Қиёс. Умумий тилшunosлик.

Ч

ЧАМА СОН. Ноаниқ миқдори билдирувчи сонлар. Миқдор соннинг бу тури икки усул билан: аффиксация ва композиция усули билан ҳосил қилинади. Аффиксация усулида чама сонлар саноқ сонларга *-лаб, -гача, -ларча* аффиксларидан бирининг қўшилиши билан ҳосил қилинади: *ўнлаб, юзлаб, саккизгача, йигирма бешгача, ўнларча, мингларча* каби. Композиция усулида чама маъноси сонларни жуфт ҳолда қўллаш билан (жуфт сон шакли орқали) ифодаланади: *беш-ўн* (кун), *ўн-ўн беш* (киши) каби: *Арслонқул ўн беш- й и г и р м а қадам олдинроқ кириб кетди* (Ойбек).

ЧАППА ЛУҒАТ — қ. Терс луғат.

ЧАСТОТА. Лингвистик ҳодисанинг нутқда оз-кўп учраши.

ЧАСТОТАЛИ ЛУҒАТ. Сўзларнинг қўлланиш миқдори, фонзи ҳақида маълумот берувчи луғат (Мисол учун қаранг: И. А. Киссен: «Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка», Ташкент, 1972).

ЧЕГАРА ШАКЛИ. Отнинг ҳаракат-ҳодисанинг вақт, масофа ёки объект нуқтаи назаридан чегарасини билдирувчи шакли. Бу форма *-гача* аффикси ёрдамида ясалади: *стадионгача, қишгача, тиззагача* каби: *У станциядан О л т и н с о й г а ч а бўлган узоқ йўлда бир сўз ҳам айтмай, жим ва маънос келди. Наҳотки нуқтада шу вақтгача иш бўлса? (Х. Ғулом). Оқ кўйлагининг энгларини биллагигача шимарган Аҳмаджон кабинага эгилиброқ кирди-да, рулга ўтириб, машинани ҳайдаб кетди (Х. Ғулом).*

ЧЕГАРА ҲОЛИ. Ҳаракат-ҳолатнинг вақт ёки масофа нуқтаи назаридан чегарасини билдирувчи ҳол. Ҳолнинг бу тури отнинг *-гача* аффикси ёрдамида ясалувчи чегара шакли орқали ифодаланади: *Тўғрисини айтсам, баҳордан кеч кузгача қишлоқ кишиси учун шароитнинг ўзи топилмайди (О. Мухторов). Бу атрофларга автобус келмас экан, марказгача пиёда кетишга тўғри келади (Х. Тўхтабоев).*

ЧЕТ СЎЗЛАР — қ. Варваризм.

ЧИЗИҚЧА — айн. Дефис.

ЧИҚИШ КЕЛИШИГИ. Иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрни, манбан, сабаби каби маъноларни билдирувчи келишик. Бу ке-

лишиқ шакли *-дан* аффикси ёрдамида ясаллади: *уйдан* (кетди), *тоғдан* (келди), *қувончдан* (энтикмоқ) каби.

ЧОҒИШТИРМА ГРАММАТИКА. Қариндош бўлмаган тилларнинг грамматик қурилишини солиштириб ўрганувчи грамматика. Мас., рус ва ўзбек тилларининг чоғиштирма грамматикаси. *Қиёс. Қиёсий грамматика.*

ЧОҒИШТИРУВ БОҒЛОВЧИЛАРИ. Эргаш гапни бош гапга чоғиштириш, қиёслаш мазмуни билан боғлаш учун хизмат қилувчи боғловчилар: *гўё, гўёки: У қизга шундай тикилдики, гўё шу қарашдаёқ бир-бирларининг ичларида нима борлигини кўрсилар* (П. Турсун).

ЧУҚУР ТИЛ ОРҚА УНДОШЛАРИ. Тилнинг энг орқа қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган ундошлар. Мас., *қ, ғ, х* ундошлари.

ЧҶЗИҚ УНЛИ. Чўзиқ (давомли) талаффуз этиладиган унлилар. Бу ҳодиса туркий тилларнинг баъзиларида, шунингдек, баъзи ўзбек шеваларида учрайди. Мас., туркман тилида *а:ч* (қорин оч) ва *ач* (эшикни оч), *ба:р* (менда бор) ва *бар* (ишга бор), *а:т* (ном, исм) ва *ат* (йилқи) ва б. *Қ. Товуш чўзиқлиги. Қиёс. Қисқа унли.*

Ш

ШАҚЛ БУТУНЛИГИ. Тил бирликларининг яхлитлигича шакл ўзгаришига (шакл ясалишига) эга бўлиши, қисмларга ажралмаслик ва унинг қисмлари орасига тилнинг бошқа birlikларини киритиб бўлмаслик хусусияти. Мас., қўшма сўзлар шакл бутунлигига эгаллиги туфайли уни қисмларга ажратиб бўлмайди, унинг қисмлари орасига бошқа birlik (мас., сўз ёки аффикс) киритиб бўлмайди.

ШАҚЛ ЯСАЛИШИ. Сўзнинг у ёки бу грамматик маъно ифодаловчи шаклининг ҳосил қилиниши, шундай шаклининг ҳосил бўлиши. *Қ. Сўз шакли. Форматив. Қиёс. Сўз ясалиши.* Ўзбек тилида шакл ясалишининг махсус усуллари бор.

ШАҚЛ ЯСАЛИШИНING АНАЛИТИК УСУЛИ. Ёрдамчи сўзлар воситасида шакл ясалиш усули. Мас., *ўқиб кўрмоқ, говлаб кетмоқ, кун сайин* сўз шакллари *кўр, кет, сайин* ёрдамчилари воситасида ясалмоқда. *Қиёс. Шакл ясалишининг синтетик усули.*

ШАҚЛ ЯСАЛИШИНING СИНТЕТИК УСУЛИ. Аффикслар ёрдамида шакл ясалиш усули: *китоблар* (*-лар* аффикси ёрдамида кўплик шакли ясаляпти), *кўрсатяпман* (*-сат, -яп, -ман* аффикслари ёрдамида исбат, замон, шахс-сон шакллари ясаляпти) ва б. *Қиёс. Шакл ясалишининг аналитик усули.*

ШАҚЛ ЯСАЛИШ УСУЛИ. Сўз шакли ясалишининг йўли. Ўзбек тилида сўз шакллари қуйилган усуллар билан ясалди

- 1) синтетик усул (Қ. Шакл ясалишининг синтетик усули);
2) аналитик усул (қ. Шакл ясалишининг аналитик усули).

ШАКЛ ЯСОВЧИ АФФИКС. Сўз шаклини ҳосил қилувчи аффикс. Мас., *-лар* (китоблар, ўқувчилар) — кўплик шаклини ясовчи аффикс; *-яп* (келяпти, ўрганяпти) — ҳозирги замон шаклини ясовчи аффикс ва б. Қийс. Сўз ясовчи аффикс.

ШАРТЛИ МАЙЛ. Бажариллиши шарт эргаш гапдан англашилган ҳаракатнинг бажариллишига боғлиқ бўлган ҳаракатни билдирувчи майл. Бу майл шакли ўзбек тилида *-а* (*р*) *эди*, *-мас эди* ёрдамида ясаллади ва бу шаклдаги феъл бош гапнинг кесими бўлиб келади: *Кун оққандан сўнг жўнасанг, бир манзилга етиб олардинг* (Ғайратий).

ШАРТ МАЙЛИ. Бошқа бирор ҳаракат бажарилиши учун бу ҳаракатнинг бажарилиши шарт эканини билдирувчи майл. Бу майл шакли *-са* аффикси ёрдамида ясаллади: *келса, сўраса, ёқтирса* каби. Шарт майлидаги феъл эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Меҳнат қилсанг, бахтинг очилади. Агар розилик берилса, ғўзапоёларни юлар эдик* (Саид Аҳмад).

ШАРТ ФЕЪЛИ. Шарт майлидаги феъл. Қ. Шарт майли.

ШАРТ ШАКЛИ. Шарт майлининг шакли. Қ. Шарт майли.

ШАРТ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юзага келиш шартини билдирувчи эргаш гап: *Даладан пахта нобуд қилинмай йиғиб-териб олинса, йиллик режа ва мажбурият ортиғи билан бажарилади. Мана бу канал битса, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди* (А. Қаҳҳор).

ШАРТ ЮКЛАМАЛАРИ. Шарт ва тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда шарт ва тўсиқсизлик маъносини таъкидлаш учун қўлланувчи юкламалар: *агар, борди-ю, мабодо, башарти* каби: *Агар кйчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу ғўзал, тоза юракли... қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди* (Ойбек). *Мизғимоқчи бўлсанг мабодо, бошларингга мен болиш қўйсам* (Уйғун). *Башарти булар катта бўлса, ҳар бири дадасининг ўрнини босади* (Ҳ. Ғулом). *Борди-ю келиб қолса, менга тезда хабар берингла* (Сўзлашувдан).

ШАХСИ АНИҚ ГАП. Эга қатнашмайдиган, лекин ҳаракатни бажарувчи шахс гапнинг тузилиш асоси бўлган кесим томонидан аниқ кўрсатиб туриладиган гап: *Шу ёруғ йўлда сизга зўр бахтлар тилайман* (П. Турсун).

ШАХСИ НОМАЪЛУМ ГАП. Эга қатнашмайдиган, шу билан бирга учинчи шахс шаклидаги феъл-кесим бажарувчи шахсни аниқ ифодаламайдиган гап: *Жўжани кузда санайдилар* (Мақол).

ШАХСИ УМУМЛАШГАН ГАП. Эга қатнашмайдиган, кесими аниқ шахс шаклида бўлса-да, лекин мазмунан умумга қаратиладиган гап: *Дехқон бўлсанг шудгор қил, мулла бўлсанг такрор қил* (Мақол). *Мўл ҳосилни қисқа муддатларда териб олийлик.*

ШАХСЛАНТИРИШ. Қишига хос нарса, белги, ҳаракат кабиларни жонсиз предметга кўчирилишидан иборат услубий қўлланиш: *Саҳархез хўрозлар уйқусираган қишлоқни ҳушёр тортириши билан чол ҳам ўрнидан туради...* (Н. Раҳмат).

ШАХСЛИ ГАП. 1. Кесими тусланишли феъл билан ифодаланган гап: *...сиз қирга чиқинг, кўкрагингизга тоза шамол тегади* (Ойбек).

2. Эгаси грамматик ифодаланган гап: *Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади...* (Ойбек.) Қиёс. **Шахсиз гап.**

ШАХСЛИ ФЕЪЛ — қ. Тусланишли феъл.

ШАХС ОЛМОШЛАРИ — қ. Кишилик олмошлари.

ШАХССИЗ ГАП. Фақат кесим таркибидан иборат бўлиб, бажарувчи шахс маъноси умуман ифодаланмайдиган гап: *Тўрт-беш кундан кейин теримга тушилади* (С. Зуннунова).

ШАХССИЗ ФЕЪЛ — қ. Тусланишсиз феъл.

ШАХС-СОН КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг уч шахсдан (сўзловчи, тингловчи, ўзгадан) бирига ондлинги маъносини ифодаловчи грамматик категория. Бу грамматик категориянинг шахс ва сонга кўра қуйидаги турлари ва шакллари бор: I шахс бирлиги ва I шахс кўплиги: *келдим*— *келдик* каби; II шахс бирлиги ва II шахс кўплиги: *келдинг* — *келдингиз* каби; III шахс бирлиги ва III шахс кўплиги: *келди* — *келдилар* каби.

ШЕВА. Маҳаллий диалектнинг фонетик, лексик, грамматик умумийликка эга бўлган, бир ёки бир неча қишлоқни ўз ичига олувчи кичик бир қисми, гуруҳи. Мас., ўзбек тилининг Қорабулоқ шеvasи; ўзбек тилининг Ниёзбоши шеvasи. Қиёс. **Диалект. Лажа.**

ШИПИЛДОҚ ТОВУШЛАР. Сирғалувчи ж, ш ва аффрикат ч товушлари талаффузида ўзига хос оҳанги борлигига кўра шипилдоқ товушлар деб юритилади.

ШОВҚИН. Лаблар, тил ва кичик тилнинг норитмик тебраниши, шунингдек, ўзаро яқинлашган, юмилган нутқ аъзолари орасидан ҳаво оқимининг ишқаланиб, портлаб ўтиши натижа-сида юзага келадиган акустик таъсир.

ШОВҚИНЛИ УНДОШЛАР. Фақат шовқиндан ёки шовқинга овоз қўшилишидан ҳосил бўладиган ундошлар. Сонорлардан бошқа ҳамма ундошлар шовқинли ундошлар қаторига киради. Овознинг қатнашиши ёки қатнашмаслигига кўра шовқинли ундошлар икки турга бўлинади: 1) *ж а р а н г л и* ундошлар (қ.); 2) *ж а р а н г с и з* ундошлар (қ.).

ШТАМП (*итал.* stampa — муҳр). Луғавий маъноси хиралашган, экспрессивлик хусусияти йўқолган, сийқаси чиққан, тилда ёки нутқда ўзгармас қолип шаклига келган ифода. Мас., *Хулоса қилиб айтганда.*

Э

ЭВФЕМИЗМ (юн. euphemismos < eu — яхши + phemi — гапираман). Нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; қўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида қўпол ботмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Мас., *иккиқат, бўғоз* сўзлари ўрнида *ҳомиладор, оғир оёқли* сўзларини қўллаш.

ЭВФОНИЯ (юн. euphonia < eu — яхши + phone — товуш). Нутқнинг хушоҳанглиги. Бу ҳодиса турли фонетик усулларни қўллаш билан юзага келтирилади. Мас., товушлар такрори, анафора (қ.), эпифора (қ.) ва б.: *Қаро қошинг, қалам қошинг, қишиқ қайрилма қошинг қиз* (Э. Воҳидов).

ЭГА. Икки таркибли гапларда фикрнинг кимга, нимага қарашли эканини англатувчи, белгиси кесим томонидан аниқланадиган, грамматик жиҳатдан мутлақ ҳоким вазиятга эга бўлган бош бўлак. Эга бош келишик шаклидаги от, олмош, отлашган сўз, сўз бирикмаси билан ифодаланади: *У халат кийган қиз билан чиқиб кетмоқчи бўлди* (А. Мухтор). *Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим* (Мақол). *Иш иштаҳа очар, дангас а ишдан қочар* (Мақол).

ЭГА ГРУППАСИ — қ. Эга гуруҳи.

ЭГА ГУРУҲИ. Эга ва унга тобе бўлган иккинчи даражали бўлақлар (икки таркибли гапларда унинг ҳоким саналувчи қисми): *Чўққиларнинг этакларида ва сойларнинг тубида қолган қорлар қуёш нурида кумушдек товланиб, қўзларни қамаштиради.*

ЭГАЛИК КАТЕГОРИЯСИ. Предметнинг уч шахс (сўзловчи, тингловчи, ўзга) дан бирига оидлигини кўрсатувчи (отларга хос) грамматик категория. Бу категориянинг шахс ва сонга кўра қуйидаги тури ва шакллари бор: I шахс бирлиги ва I шахс кўплиги: *-(и)м — -(и)миз (дўстим — дўстимиз)*; II шахс бирлиги ва II шахс кўплиги: *-(и)нг — -(и)нгиз (дўстинг — дўстингиз)*; III шахс *-и, -си* (баъзан *-лари*): *дўсти, укаси (укалари).*

ЭГАСИЗ ГАП. Предикатив асоси фақат кесим таркибидан иборат бўлган бир таркибли гап. Бундай бир таркибли гапнинг қуйидаги турлари бор: 1) шахси аниқ гап (қ.); 2) шахси номаълум гап (қ.); 3) шахси умумлашган (қ.); 4) шахсиз гап (қ.). *Зид. Кесимсиз гап.*

ЭГАСИ ТОПИЛАДИГАН ГАП. Таркибида эга қатнашмайдиган, лекин бажарувчи шахсни кесимдан англаб олиш мумкин бўлган бир таркибли гап: шахси аниқ гап (қ.), шахси номаълум гап (қ.), шахси умумлашган (қ.).

ЭГАСИ ТОПИЛМАЙДИГАН ГАП — айн. Шахсиз гап.

ЭГА ЭРГАШ ГАП. Бош гапдаги олмош орқали ифодаланган ёки назарда тутилган («тушиб қолган») эгани изоҳлаб, *ким?, нима?* сўроғига жавоб бўладиган эргаш гап: *Шуниси ҳаяжон-*

лики, мен унинг кўзларида заррача ҳам ёш кўрмадим (П. Турсун).

ЭКВИВАЛЕНТ — қ. Муқобил бирлик.

ЭКВИПОЛЕНТ ОППОЗИЦИЯ. Қарама-қарши қўйилувчилардан ҳар бирида бор бўлган қўшимча фарқловчи белги асосидаги оппозиция. Мас., ундошларнинг тил олди, тил ўрта, тил орқа ундошларига ажратилиши каби.

ЭКЗОТИК ЛЕКСИКА (юн. *exotikos* — ёт, келгинди). Ўзга тиллардан ўзлашган, нутққа алоҳида бир ўзига хослик бериш учун қўлланадиган сўз ва иборалар.

ЭКСКУРСИЯ (лот. *excursio* — олдига югуриб чиқиш) — айн. Приступ.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ФОНЕТИКА. Нутқ говушларини махсус асбоблар ёрдамида ўрганадиган фонетика.

ЭКСПИРАТОР УРҒУ. Тон баландлигининг эмас, балки товуш кучи ва чўзиқлигининг ўзгариши билан характерланувчи урғу. Экспиратор урғу ҳаво оқимининг кучи ва чўзиқлигига кўра икки турга бўлинади: 1) динамик урғу (қ.); 2) миқдорий урғу (қ.). Қиёс. **Муסיқий урғу.**

ЭКСПИРАЦИЯ (лот. *expirare* — нафас чиқариш). Товушлар ҳосил бўлишининг асосий шароити (воситаси) бўлмиш ҳаво оқимининг овоз канали бўйлаб ҳаракати.

ЭКСПЛИЦИТ КОНСТРУКЦИЯ (франц. *explicati* — аниқ, очиқ ифодали < лот. *explicitum*). Қ. **Очиқ ифодали тузилма.**

ЭКСПРЕССИВ ЛЕКСИКА. Экспрессия ифодалаш хусусиятига эга бўлган сўзлар мажмуи: *Хумкар, тентак* кабилар. Қ. **Экспрессия. Қиёс. Эмоционал лексика.**

ЭКСПРЕССИВЛИК. Тил экспрессив вазифасининг турли шакллар билан намоён бўлиши, намоён бўлган ҳолати.

ЭКСПРЕССИВ ШАКЛ. Сўзнинг экспрессия ифодаловчи шакли: *қизалоқ, болакай* каби. Қ. **Экспрессия.**

ЭКСПРЕССИЯ (лот. *expressio* — ифода). Нутқнинг таъсирчанлик хусусияти. Бу хусусият лексик, грамматик ва б. воситалар ёрдамида юзага келади. Қ. **Экспрессив лексика. Субъектив баҳо шакли.**

ЭКСТРАЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг этник, ижтимоий-тарихий, жуғрофий ва бошқа омилларни тилнинг тараққиёти ва вазифаси билан боғлиқ ҳодисалар сифатида ўрганувчи соҳаси.

ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ОМИЛЛАР (лот. *extra* — ташқи + фран. *linguistique* — тилга хос) — қ. **Нолисоний омиллар.**

ЭЛАТИВ (лот. *elativus* — кўтарилган, юқори). Сифатларнинг белгининг ортиқ даражасини кўрсатувчи шакли. Бу шакл мазмунан орттирма даража шаклига ўхшаса-да, белгини нисбат бермай ифодалайди. Мас., *ўта аҳмоқ, фирт ёлғон, сан-сарик* кабилар. Қ. **Кучайтирма шакл.**

ЭЛИЗИЯ (лот. *elisia* — сиқмоқ, итариб чиқармоқ). Унли товуш билан тугаган сўзга унли билан бошланган сўзнинг қўшилиши натижасида бир унли товушнинг тушиши. Мас., *боролади* < *бора олади* каби.

ЭЛЛИПСИС (юн. *ellipseis* — тушиш, туширилиш). Нутқ ун-сурининг тушиб қолиши. Нутқда эллипсис турли мақсадлар билан (мас., иқтисод талаби билан) юз беради. Ундан одатда услубий фигура сифатида фойдаланилади. Тилда эса турли сабаблар билан юз беради. Мас., *угра оши* (угра билан тайёрланган ош) бирикмасидаги *ош* сўзининг эллипсисга учраши (тушиши) натижасида *угра* сўзи янги маънога эга бўлган (овқат номига айланган): *Бозордан қайтишга тайёрланган овқат серқатиқ угра экан*. Нутқий эллипсис жуда кўп учрайдиган ҳодиса. Мас., *Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин (одам сўзи эллипсисга учраган)*. Қ. Лингвистик иқтисод.

ЭЛЛИПТИК ГАП — қ. Тўлиқсиз гап.

ЭМОЦИОНАЛ ГАП. Сўзловчининг турли ҳис-ҳаяжонини, эмоционал муносабатларини ифодаловчи гап. Ифодаланадиган эмоционалликнинг даражасига кўра эмоционал гаплар икки турга бўлинади: 1) эмоционал-интеллектуал гап (қ.); 2) соф эмоционал гап (қ.).

ЭМОЦИОНАЛ-ДАРАҚ ГАП. Маълум бир факт ҳақида хабар билан бирга сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини ифодаловчи гаплар: *Оҳ, қандай чиройли бу кўзлар!* (З. Фатхуллин.) *Эй ишқ, мунча ҳам қудратлисан* (Ғ. Ғулом).

ЭМОЦИОНАЛ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ГАП. Маълум бир фикр билан бирга сўзловчининг эмоционал муносабатларини (хурсандлик, кўрқув, ва ш.к.) ифодаловчи гаплар. Бу турдаги гаплар ўз ичиде қуйидаги турларга бўлинади: 1) эмоционал-дарак гап (қ.); 2) эмоционал-сўроқ гап (қ.); 3) эмоционал-ундов гап (қ.).

ЭМОЦИОНАЛ ЛЕКСИКА. Сўзловчининг ҳис-эмоцияларини ифодалаш хусусиятига эга бўлган сўзлар; эмоционал бўёқдор сўзлар. Мас., *жилмаймоқ, чехра, табассум, йктам, дўндирмоқ* сўзлари ижобий бўёқдор; *устомон, итъялоқ, мечкай, имонсиз* сўзлари салбий бўёқдор сўзлар.

ЭМОЦИОНАЛ НУТҚ. Турли эмоцияларни ифодалаш хусусиятига эга бўлган нутқ. Қ. Эмоционал гап. Қиёс. Интеллектуал нутқ.

ЭМОЦИОНАЛ-СҮРОҚ ГАП. Мавжуд бир факт ҳақида сўроқ билан бирга эмоционал муносабат ифодаловчи гаплар: *Нама қилади гапни чўзиб? — энсаси қотиб ўйлади Шерзод* (У. Ҳошимов). *Вой ўлмасам, қанақа кишисиз ўзи* (Шухрат).

ЭМОЦИОНАЛ УНДОВ. Сўзловчининг ҳис-туйғуларини (хурсандлик, кўрқув, ғазаб, жирканлиш ва ҳ.) ифодаловчи ундов. Мас., *оҳ, вой, эй, аттанг, бай-бай-бай* ва б.

ЭМОЦИОНАЛ-УНДОВ ГАП. Буйруқ, ундов кабилар би-

лан бирга сўзловчининг эмоционал муносабатларини ифодаловчи гап: *Қани, энди бир жўнаб қол-чи* (Ғ. Ғулом). *Қизим, жон жон қизим... сен кўп ўртанма* (Ойбек).

ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ БҮЕҚ. Асосий маъно (мазмун)га қўшимча тарздаги эмоционал-экспрессив маъно. **Қ. Эмоционал лексика.**

ЭМФАЗА (юн. *emphasis* — ифодалилик). Нутқнинг кўтаринки руҳда бўлиши, эмоционал таъсирчанлигининг кучайиши, интонация, такрор ва бошқа воситалар билан ифоданинг бирор унсурини ажратиш. Мас., *Амр эт, Тожихон, амр эт...* (Уйғун). — Эмфаза такрор билан юзага келяпти.

ЭМФАТИК УРҒУ. Гап таркибидаги бирор сўзнинг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида уни алоҳида (ажратиб) талаффуз этиш, шундай вазифадаги урғу; фразанинг эмоционал томонига оид урғу. *Қиёс.* Мантиқий урғу.

ЭНАНТИОСЕМИЯ (юн. *enantios* — қарама-қарши + *sema* — белги). Бир сўзнинг семантик тузилишида зид маъноларнинг тараққий этиши, антонимик маъноларнинг юзага келиши. Мас., рус тилидаги *наверно* сўзнинг эскирган «албатта», «шубҳасиз» маъноси билан ҳозирги «балки», «эҳтимол» маъноси; ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феъли аслида «ичкаридан ташқарига ҳаракатланиш»ни билдиради. Шу билан бирга (транспорт воситаларидан фойдаланишда) «ташқаридан ичкарига ҳаракатланиш»ни ҳам англатади.

ЭНКЛИТИКА (юн. *enklitike* < *enklino* — энгламан, энгашаман). Урғули сўздан кейин келиб, урғу жиҳатдан унга қўшилиб кетадиган урғусиз сўз. Мас., рус.: *за ночь, под руки* (энклитикалар: *ночь, руки*); ўзб.: *эрта билан* (энклитика — *билан*) ва б. *Қиёс.* Проклитика.

ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ — қ. **Қомусий луғат.**

ЭПЕНТЕЗА (юн. *epenthesis* — киритиш). Сўз ичида товуш орттирилиши. Мас., *синиф* (*синф* ўрнига) каби. *Қиёс.* Протеза. Эпитеза.

ЭПЕНТЕТИК ТОВУШ. Сўзда аввал бўлмаган, маълум сабаб-шароитлар билан пайдо бўлган товуш. Қ. Эпентеза.

ЭПИТЕЗА (юн. *epi* — кейин + *thesis* — ҳолат). Маълум фонетик сабабларга кўра сўзнинг охирида товуш орттирилиши: *отпуска* (*отпуск* ўрнига), *киоска* (*киоск* ўрнига) каби. *Қиёс.* Протеза. Эпентеза.

ЭПИТЕТ (юн. *epitheton* — илова, қўшимча) — қ. **Сифатлаш.**

ЭПИФОРА (юн. *epiphora* < *epi* — кейин + *phoros* — келувчи). Параллел тузилган нутқ парчалари (мас., мисралар) охирида айни бир элементнинг такрорланишидан иборат нутқ фигураси:

*Орзу билан тирикдир одам
Иши билан буюкдир одам.*

(Шуҳрат).

ЭПОНИМ (юн. *eponymos* — ўз исмини берувчи). Исми (фамилияси) халқ, жой ва бошқаларга қўйилган, уларнинг атама-сига айланган шахс. *Колумб (Колумбия), Жамбул* ва б.

ЭРГАШГАН ҚУШМА ГАП — қ. **Эргаш гапли қўшма гап.**

ЭРГАШ ГАП. Эргаш гапли қўшма гап таркибидаги тобе кесм. Бош гапга эргашиб, бу гапни ёки унинг бирор бўлагини қандайдир жиҳатдан аниқлаб, белгилаб келувчи гап. Эргаш гаплар мазмун, вазифаларига кўра бир неча турларга бўлинади: 1) эга эргаш гап (қ.); 2) кесим эргаш гап (қ.); 3) аниқловчи эргаш гап (қ.); 4) тўлдирувчи эргаш гап (қ.); 5) пант эргаш гап (қ.); 6) ўрин эргаш гап (қ.); 7) сабаб эргаш гап (қ.); 8) мақсад эргаш гап (қ.); 9) шарт эргаш гап (қ.); 10) тўсиқсиз эргаш гап (қ.); 11) натижа эргаш гап (қ.); 12) ўхшатиш эргаш гап (қ.); 13) миқдор-даража эргаш гап (қ.); 14) равиш эргаш гап (қ.). *Қиёс. Бош гап.*

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАП. Таркибидаги предикатив бирликлар бош ва эргаш гап ҳолатида бўлиб, бири иккинчисини аниқлаш, тўлдириш каби вазифаларни бажарадиган қўшма гап: *Арғимчоқ тахтасига бир оёғини қўйиб, энди кўтарилган эди. Кўча эшиги очилиб, бирдан тақиллаб қолди* (М. Исмоилий). *Қ. Бош гап. Эргаш гап. Қиёс. Боғланган қўшма гап.*

ЭРГАШ СЎЗ — қ. **Тобе сўз.**

ЭРГАШТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР. Асосан эргаш гапни бош гапга боғлаш ва улар ўртасидаги турли муносабатларни кўрсатувчи боғловчилар: *яъни, -ки, чунки, гўё* ва б. Эргашти-рувчи боғловчилар эргаш гап билан бош гап ўртасидаги қандай муносабатларни ифодалашига кўра уч турга бўлинади: 1) аниқлов боғловчилари (қ.); 2) сабаб боғлов-чилари (қ.); 3) чоғиштирув боғловчилари (қ.).

ЭРКАЛАШ ОТЛАРИ — айн. **Эркалаш шакли.**

ЭРКАЛАШ ШАКЛИ. Отнинг эркалаш, суйишни ифодаловчи шакли. Бу шакл *-жон, -хон, -ой* аффиксидлари ёрдамида яса-лади: *Акажоним дўппим қоқиб, силар эди бошимни* (А. Кўчи-мов). *Қ. Субъектив баҳо шакли.*

ЭРКИН АЛМАШИНИШ ДИСТРИБУЦИЯСИ. Тил унсурла-рининг (товушларининг) ҳар хил позицияда бири ўрнида иккин-чисининг кела олиши. Мас., *челак-челай* каби. *Қ. Дистрибуция.*

ЭРКИН МАЪНО. Нарса, белги, ҳаракат билан бевосита боғланадиган, реаллашуви маълум матнга, сўз қуршовига боғ-лиқ бўлмаган маъно. Мас., *ўйин* сўзининг «рақс» маъноси, *ўч-моқ* сўзининг «ёнишдан тўхтамоқ» маъноси эркин маънолардир. *Қиёс. Боғли маъно.*

ЭРКИН СЎЗ БИРИКМАСИ. — қ. **Синтактик эркин сўз би-рикмаси.**

ЭРКИН УРГУ. Сўзнинг маълум қисмидаги бўғинга эмас, балки ҳар хил бўғинларга тушиши мумкин бўлган ургу. Мас.,

рус тилида урғу сўзнинг бош, ўрта ёки охириги бўғинига тушиши мумкин (демак, урғунинг ўрни эркин). *Қиёс. Турғун урғу.*

ЭСПЕРАНТО. 1887 йилда варшавалик врач Л. Л. Заменгоф томонида яратилган, лексикаси эса кенг тарқалган европа тиллари учун умумий бўлган, сўз ясалиши ва грамматик қурилиши агглютинация принципига асосланган халқаро сунъий тил.

ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТ. Луғавий бирликларнинг келиб чиқиши, этимологияси ҳақида маълумот берувчи луғат.

ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Сўзнинг қадимги морфологик тузиллини, келиб чиқиш асосини, тарихини, келиб чиқиш йўллари билан белгилашга қаратилган таҳлил. Мас., *юксак* сўзи ҳозирги тил нуқтан назаридан туб сўз, тарихан эса ясама сўз бўлган. Этимологик таҳлил асосида унинг *юк*, *са* ва *к* қисмларидан тузилганлиги, ҳар бир қисмининг қандай бирлик бўлганлиги, уларнинг вазифаси ва маъноси белгиланади.

ЭТИМОЛОГИЯ (*юн.* *etymologia* < *etymon* — ҳақиқат, сўзнинг ҳақиқий маъноси + *logos* — тушунча, таълимот). 1. Тилшуносликнинг сўз ва морфемаларнинг келиб чиқиши ва тарихини ўрганувчи бўлими.

2. Сўз ёки морфемаларнинг келиб чиқиши ва тарихи: «*Қишлоқ» сўзининг этимологияси.*

ЭТИМОН (*юн.* *etymon* — ҳақиқат; сўзнинг ҳақиқий маъноси). Ҳозирги тилда бор бўлган сўз ёки морфеманинг келиб чиқишига асос бўлган сўз ёки морфема. Мас., *қаттиқ* сўзининг юзага келиш асоси *қот* (*қотмоқ* феъли) ва *-(и)* қ аффикси бўлган; *-ял* аффикси *-йатил* (*ётиб*) дан юзага келган.

ЭТНОЛИНГВИСТИКА. Макролингвистиканинг тил билан халқ ўртасидаги муносабатларни, тилнинг фаолияти ва тараққиётида лингвистик ва этник омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганувчи бўлими.

ЭТНОНИМ. Халқ, қабила номлари.

ЭТНОНИМИКА (*юн.* *ethnos* — қабила, халқ + *онима* — ном). Тарихий лексикологиянинг этнонимларни, уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, тузилиши каби томонларини ўрганувчи бўлими. Қ. **Этноним.**

Ю

ЮКЛАМА. Айрим гап бўлагига ёки гапга бир бутун ҳолда қўшимча маъно ифодалаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз. Ўзбек тилида юкламаларнинг қуйидаги турлари бор: 1) сўроқ юкламалари (қ.); 2) кучайтирув ва таъкид юкламалари (қ.); 3) айирув-чегаралов юкламалари (қ.); аниқлов юкламаси (қ.).

ЮҚОРИ КЎТАРИЛИШ УНЛИЛАРИ. Тилнинг танглай томон баланд кўтариллиши натижасида ҳосил бўладиган унлилар: **и** ва **у** унлиси. *Қиёс. Тор унли.*

Я

ЯККА БОҒЛОВЧИ. Якка ҳолда, такрорланмай қўлланадиган боғловчи. Ўзбек тилидаги боғловчиларнинг асосий қисми якка боғловчилардир: *ва, ҳамда, лекин, эўё, ҳолбуки* ва б. Қиёс. **Такрорланувчи боғловчи.**

ЯККА ОТ. Бир турдаги предметларни якка-якка билдирувчи от: *нок, стул, бармоқ* каби. Қиёс. **Жамловчи от.**

ЯРИМ МАВҲУМ БОҒЛАМА. Луғавий маъносини тамомила йўқотмаган (маълум даражада сақлаган) боғлама. Мас., *ҳисобланади, дейилади, бўл* сўзлари луғавий маъноларини маълум даражада сақлаган ҳолда боғлама вазифасида қўллапа олади: *...диссертацияни ёқлади, фан кандидати бўлди* (Ҳ. Фулом). *Бу йигит илгор механизаторлардан ҳисобланади* («Тошкент оқшоми»). Қ. Боғлама. Қиёс. Соф боғлама.

ЯРУС — қ. Тил сатҳлари.

ЯСАЛИШ. Бирон тил (нутқ) бирлигининг маълум воситалар ёрдамида ҳосил қилиниши: *Сўз ясалиши. Шакл ясалиши.*

ЯСАЛМА. Ясалиш натижасида ҳосил қилинган бирлик (сўз). Мас., *терим* сўзида: *тер* — сўз ясалиш асоси, *-им* — ясовчи аффикс, «*терим*»нинг ўзи эса ясалмадир.

ЯСАМА АСОС. Маълум воситалар ёрдамида ясалган ва бошқа сўзнинг ясалишига асос бўладиган асос. Мас., *теримчи* сўзнинг ясалишига асос бўлган қисм (*терим*) ясама асосдир. Қ. Асос. Қиёс. Туб асос.

ЯСАМА МАЪНО — айн. Ҳосила маъно.

ЯСАМА СЎЗ. Сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг бирикувидан ҳосил бўлган бирлик, сўз ясалиши бирлиги: *ишчи, чиройли, серҳосил, қўлқоп* каби. Қ. Сўз ясалиши тузилиши.

ЯШИРИН ИФОДАЛИ ТУЗИЛМА. Бирор жиҳатдан аниқ, очиқ бўлмаган тузилма. Мас., эргаш гапларга нисбатан равишдош ўрамлар яширин ифодали тузилма ҳисобланади. Қиёс. Очиқ ифодали тузилма.

Ў

ЎЗАҚ ТИЛЛАР — айн. Аморф тиллар.

ЎЗГА — қ. Учинчи шахс.

ЎЗГА ГАПИ. Ўзга шахснинг муаллиф баёнига киритилган гапи. Лексик-синтактик воситалари ва берилиш усулларига кўра ўзга гапи икки турга бўлинади: 1) кўчирма гап (қ.); 2) ўзлаштирма гап (қ.). Қиёс. Муаллиф гапи.

ЎЗГАРМАЙДИГАН СЎЗ ТУРКУМЛАРИ. Бирон парадигмага эга бўлмаган сўз туркумлари. Ўзбек тилида от, феъл ва олмошдан бошқа барча сўз туркумлари ўзгармайдиган сўз туркумларига киради.

ЎЗГАРУВЧИ СЎЗ ТУРҚУМЛАРИ. Шакл ясалиши тизимига, маълум парадигма (парадигмалар)га эга бўлган сўз туркумлари. Мас., от ва феъл туркумлари.

ЎЗИНИКИ БЎЛМАГАН КЎЧИРМА ГАП. Муаллиф кўчирма гапдаги сўзловчи сифатида иштирок этган гап. Бунда муаллиф персонаж тилидан ўзи гапиради ёки воқеага ўз мулоҳазасини киритади: *Муротали даромад тўғрисида ўйларкан, биттаю, битта арзанда қизи эсига тушди. Ахир у бўй етиб қолди. Уй анжомлари, кийим-кечаклар харид қилиш вақти келди. Тўй кўриш қандай бахт* (Ш. Рашидов).

ЎЗЛАШМА СЎЗ. Ўзга тилдан қабул қилинган сўз. Мас., рус тилидан ва рус тили орқали қабул қилинган *телефон, майка, кабинет, адрес, газета, планета* каби сўзлар. **Қиёс. Ўз сўз.**

ЎЗЛАШТИРИШ. Ўзаро таъсир, алоқа натижаси сифатида бир тил унсурларининг бошқа тилга ўтиши (қабул қилиниши).

ЎЗЛАШТИРМА ГАП. Мазмуни сақланган ҳолда шакли ўзгартирилиб берилган ўзга гапи: *Раззоқ шу топдаёқ қишлоққа отлиқ жўнаб, дарҳол арава юборишни айтди* (Ҳ. Ғулом). **Қиёс. Кўчирма гап.**

ЎЗЛИК ДАРАЖА — қ. **Ўзлик нисбати.**

ЎЗЛИК НИСБАТИ. Ҳаракатнинг субъектнинг ўзига объект сифатида қаратилганини ёки субъектнинг ўзи доирасида юзага келишини (бажарилишини) билдирадиган нисбат. Бу нисбат шакли ўзбек тилида *-(и)н, -(и)л* аффикслари ёрдамида ясалади: *кўринмоқ, мақтанмоқ, туғилмоқ* каби.

ЎЗЛИК ОЛМОШИ. Аниқ, муайян яққаликни белгиловчи, кишилик олмоши ёки от билан келиб, уни таъкидлаб кўрсатувчи олмош — *ўз: сиз ўзингиз, акамнинг ўзи* каби. Бу олмош барча келишиқ ва эгалиқ шаклларида қўллана олади: *ўзим, ўзинг, ўзи; ўзимиз, ўзингиз, ўзлари; ўзимни, ўзимнинг, ўзимга, ўзимда, ўзимдан* каби.

ЎЗЛИК ФЕЪЛИ — қ. **Ўзлик нисбати.**

ЎЗ СЎЗ. Тилнинг аслида ўзига мансуб бўлган (бошқа тилдан ўзлашмаган), тилнинг ўз қатлами асосида ясалган сўз: *бош, беш, қуш, ўн, ўт, бошла, бузун, боғла, сўзла* ва б. Қ. **Ўзлашма сўз.**

ЎЛИК ТИЛ. Жонли истеъмолдан чиққан (габиний сўзлашув тили бўлмаган), ёзма ёдгорликларда сақланган тил. Мас., лотин тили.

ЎЛЧОВ СЎЗЛАРИ. Саноқ сон билан бирга ишлатилиб, предметнинг миқдорий ўлчовини муайянлаштирадиган сўзлар. Мас., *дона, кило, литр* каби: *уч нафар йигит, бир ҳовуч сув, икки боғ пىёз* ва б.

ЎРАМ. Феълнинг функционал шаклларида бири ва унга тобе бўлган мустақил сўздан ташкил топган синтактик бутунлик. Ҳоким қисми феълнинг қандай функционал шаклидан бў-

лишига кўра ўрамнинг уч тури фарқланади: сифатдош ўрам (қ.); равишдош ўрам (қ.); инфинитив ўрам (қ.).

ЎРИН БЕЛГИСИ ШАКЛИ. Отнинг нарса-ҳодисанинг ўрнига кўра (ўрнига оидлик) белгисини, пайт маъноли сўзларда эса пайтга кўра (пайтга оидлик) белгисини билдирувчи шакли. Бу сўз шакли ўзбек тилида *-даги* аффикси ёрдамида ясаллади: *уйдаги, қирдаги, ёздаги* каби: *Шамол майсалардаги шабнамни ҳам, шабнамдаги изларни ҳам бирпасда ялаб кетди* (А. Мухтор).

ЎРИН КЕЛИШИГИ (ЎРИН-ПАЙТ КЕЛИШИГИ). Иш-ҳаракатнинг (баъзан предметнинг) бўлиш ўринни, вақтнини билдирувчи келишик. Бу келишик шакли отларга *-да* аффиксининг қўшилиши билан ҳосил бўлади: *акам уйда, ҳамма ҳашарда, теримда илгор, ёзда иссиқ бўлади* каби.

ЎРИН РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг юз бериш, йўналиш ўринини билдирувчи равиш: *аллақаерда, илгарига* каби: *Ўзига ўхшаган ўртоқларининг ўсишлари, олдинга интилишлари йўлида тўсқинлик қилмоқчи бўлган бир куч борлигини сезди* (П. Турсун). *Олга босиш ҳар ҳолда орқага қайтишдан хатарли эмас* (А. Қаҳҳор).

ЎРИН ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бажарилиш (юзага келиш, бошланиш ёки йўналиш) ўринини билдирувчи эргаш гап: *Қаерда ўқишга талаб кўнайса, у ерда янги мактаб солиш ҳеч гап эмас* (П. Турсун).

ЎРИН ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг бўлиш, йўналиш, бошланиш ўринини билдирувчи ҳол: *Мени вокзалгача акам, ўртоқларим кузатиб чиқдилар* (Ғ. Ғулом). *Давра ўртасида Барот полвоннинг чинордек баланд, бақувват гавдаси пайдо бўлди* (М. Исмоилий). *Мезбон ичкари уйдан бир вазада конфет олиб чиқди* (А. Қаҳҳор).

ЎРТА КЎТАРИЛИШ УНЛИЛАРИ. Тилнинг таъглай томон ўртача кўтарилиши билан ҳосил бўладиган унлилар: *э ва ў* унлилари. *Қиёс. Ўрта (ўрта-кенг) унлилар.*

ЎРТА (ЎРТА-КЕНГ) УНЛИЛАР. Тил таъглай томон ўртача кўтарилиб, оғиз бўшлиғи ҳам ўртача очилши билан ҳосил бўладиган унлилар: *э, ў* унлилари. *Қиёс. Ўрта кўтарилиш унлилари.*

ЎТГАН ЗАМОН. Ҳаракатнинг нутқ пайтидан олдин бажарилиши. Шундай ҳаракатни билдирувчи феъл «ўтган замон феъли», «ўтган замон шакли» дейилади. *Қ. Ўтган замон феъллари. Қиёс. Ҳозирги замон. Келаси замон.*

ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛЛАРИ. Ҳаракатнинг нутқ пайтидан олдин (нутқ пайтигача) бажарилишини билдирувчи феъл, феълнинг шундай маъноли шакллари. Ўзбек тилида ўтган замон феълининг аффикслар ёрдамида, шунингдек, *эди* тўлиқсиз феъли

ёрдамида ясалувчи бир неча тури бор: *келди, келибди, келган, келган эди, келаятган эди, келар эди* каби. Бу шаклларнинг ҳар бири муайянлик, эшитилганлик, давомийлик каби ўзига хос кўшимча маънолари билан бир-биридан фарқланади: *Офицер йиқилди ва ётган ерида қўлини кўтарди* (А. Қаҳҳор). *...Қўчқор туман марказига кетганича қайтиб келмабди*. (С. Анорбоев). *Ўз юртига қайтишга бир йил қолганда, хўжайин билан аччиқлашиб, бошқа бир ер эгасига қарол ёлланган* (Ойбек). *У қийноқдан, қайғудан... озган эди*. *Соч-соқолларининг оқи ҳам кўпайган эди* (Ойбек). *Опа-сингил ҳовлини кўтариб кулишар, тоза ҳавони зирқиратиб чинқирिशар эди* (М. Исмоилий). *Тунги смена танаффусга чиққан, ҳамма бир-бирини янги йил билан табриклайётган эди* (Саид Аҳмад). *Афтидан, Сафаров иккови оғилга томон кетмоқда эди* (А. Қаҳҳор).

УТИМЛИЛИК, ОБЪЕКТЛИЛИК. Феълнинг тўлдирувчи билдирган объектга йўналишини (шундай объектга эгалликни ифодаловчи лексик-синтактик хусусияти. Қ. **Объектли феъл.**

УТИМЛИ ФЕЪЛ. — қ. **Объектли феъл.**

УТИМСИЗ ФЕЪЛ. — қ. **Объектсиз феъл.**

УХШАТИШ ШАКЛИ. Бир предметнинг белги, ҳаракат жиҳатдан бошқа предметга ўхшаш эканини билдирувчи шакл. Бу шакл *-дек, -дай* аффикси ёрдамида ясалади: *тошдек, ипакдек* каби: *Баҳор қуёшининг заррин шуъласи аксида симобдек йилтираб, ойнадай ярқираб оқмоқда* (И. Раҳим).

УХШАТИШ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, белги-хусусиятни бошқа бир ҳаракат, белги-хусусиятга ўхшатишни билдирадиган эргаш гап: *Тўйнинг бўлди-бўлди-си қизиқ туюлгандай, улуг ишининг ҳам бошланғич араси қизиқ бўлади.*

ЎҚУВ ЛУҒАТИ. Бевосита ўқиш-ўқитиш мақсади билан тузилган, талабалар ёки мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган турли тиндаги (таржима, изоҳли, терминологик ва ҳ) луғатлар. Бундай луғатлар танланган лексик материалнинг ҳажми, танлаш йўли, муайян ўқув дастурини назарда тутиши, ўқувчи — китобхонларнинг билим даражасини ҳисобга олиши каби хусусиятлар билан ажралиб туради. Мас., А. Рустамов, Қ. Қаримов, Э. Умаровларнинг «Форсча-ўзбекча ўқув луғати» (Тошкент, 1975) талабалар учун мўлжалланган.

Қ

ҚАВС. Цитаталарнинг манбаини, киритмаларни ажратишда ва б. ўринларда қўйиладиган икки (очилувчи ва ёпилувчи) қисмли тиниш белгиси: ().

ҚАЙТА БУЛИНИШ. Тил бирликлари (мас., сўз, гап) асл тузилишининг ўзгариши, қисмларининг бошқача бўлинишга эга

бўлиши. Қ. Морфологик қайта бўлиниш. Синтактик қайта бўлиниш.

ҚАРАЛМИШ. Бирикманинг қаратувчи (қ.) тобе бўлган (ҳоким) қисми.

ҚАРАТУВЧИ (ҚАРАТҚИЧ). Аниқловчининг тури: бирор нарса-предмет тегшли (қарашли) бўлган шахс ёки предметни билдирувчи бўлак. Бу бўлак белгили ва белгисиз қаратқич келишиги шаклидаги сўз билан ифодаланади: *Нега? — дея бепарвогина сўради у, қайлиғининг кўзидаги ёшни совимаган келининг нози, деб ўйлаб* (А. Эшонов). *Саҳна олдидаги оппоқ пахта чаноқлари тасвирланган зангори парда прожекторлар нурида ял-ял товланар эди* (Ғ. Ғулом). Қ. Аниқловчи. Қиёс. Сифатловчи. Изоҳловчи.

ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ. Қаралмишдан англашилган предмет ёки белги шу келишикдаги сўз англатган предметга қарашли эканини (хослигини) ифодаловчи келишик. Бу келишик шаклининг аффикси ёрдамида ясалади: *раҳбар ходимларнинг ўқиши* каби. Қаратқич келишигидаги от белгили ёки белгисиз шаклда бўлиши мумкин: *колхознинг боғи* (белгили)—*колхоз боғи* (белгисиз) каби. Бу келишик шаклидаги сўз қаратувчи (қ.) вазифасида келади.

ҚАРАШЛИЛИК ШАКЛИ. Предметнинг бирор шахс ёки нарсага қарашли эканини билдирувчи сўз шакли. Бу шакл ўзбек тилида *-ники* аффикси ёрдамида ясалади: *совхозники, укамники* каби: *Бу нокни экканда ярми кўчаники, деб ният қилсанман* (Л. Маҳмудов).

ҚАРИНДОШ ТИЛЛАР. Келиб чиқиш манбаи бир (умумий) бўлган, шунга кўра фонетика, лексика ва грамматикада умумий фактлар ва хусусиятлар муштарак равишда намоён бўладиган тиллар.

ҚИЕСИЙ ГРАММАТИКА. Қариндош тилларнинг грамматик қурилишини бир-бирига қиёслаб ўрганувчи грамматика: *Туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси*. Қиёс. Чоғиштирма грамматика.

ҚИЕСИЙ ДАРАЖА — қ. Озайтирма даража.

ҚИЕСИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯ. Қариндош тиллар лексикасини қиёслаб ўрганувчи лексикология: *Туркий тилларнинг қиёсий лексикологияси*.

ҚИЕСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД. Нисбатан кейинги вақтлардаги ёзма манбалар ва жонли тил фактларини қиёслаб ўрганиш асосида ана шу жонли тил ва ёзма манбаларда учрамайдиган (қайд этилмаган) қадимги тил фактларини тиклашдан иборат лингвистик метод. Бу метод қариндош тилларнинг маълум бир даврдаги тараққиёт қонуниятларини аниқлашга, ўз тилга оид ва ўзлашма бирликларни белгилашга хизмат қилади, шунингдек, тилларни қиёсий-тарихий ўрганишнинг айрим муаммолари учун замин ҳозирлайди.

ҚИЕСИЙ-ТАРИХИЙ ТИЛШУНОСЛИҚ. Тилшуносликнинг қариндош тилларни қиёсий-тарихий метод асосида ўрганувчи бўлими. Қ. Қиёсий-тарихий метод. Қиёс. Компаративистика.

ҚИЕСИЙ ФОНЕТИКА. Қариндош тиллар товуш тизимини ўрганувчи фонетика: *Туркий тилларнинг қиёсий фонетикаси.*

ҚИСҚАРИШ. Қисқарттириш йўли билан янги сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлиши. Мас., *килограмма* сўзидан *кило* сўзи ҳосил бўлиши.

ҚИСҚАРТМАЛАР. 1. Қ. Қисқартма сўзлар.

2. Сўзнинг маълум бир шаклда қисқартиб берилган ифодаси — шартли қисқартмалар: *ва б.* — ва бошқалар, *А. Қ.* — Абдулла Қодирий.

ҚИСҚАРТМАЛАШ. Қисқартма сўз ҳосил қилиш. Қ. Қисқартма сўзлар.

ҚИСҚАРТМА ОТЛАР — қ. Қисқартма сўзлар.

ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР. 1. Сўз бирикмаси компонентларининг маълум қисмларини олиб қўшиш билан ҳосил қилинган сўзлар: ХДП (Халқ демократик партияси), ЎЗМУ (Ўзбекистон миллий университети), АТС (автомат телефон станцияси) ва б.

ҚИСҚАРТМА ҚУШМА ОТЛАР — қ. Қисқартма сўзлар.

ҚИСҚАРТМА ҚУШМА СЎЗЛАР — қ. Қисқартма сўзлар.

ҚИСҚА ТАКРОР. Ўзбек тилидаги *кап-катта*, *дум-дума* лоқ кабилар қисқа такрор деб қаралади. Қ. Кучайтирма шакл.

ҚИСҚА УНЛИ. Талаффузига қисқа (нисбатан қисқа) вақт кетадиган унли. Бу унлилар чўзиқ унлига нисбатан белгиланади. Қиёс. Чўзиқ унли.

ҚОИДА. Тил ҳодисаларига хос маълум қонуниятни аке этирувчи, тил воситаларини ёзма ва оғзаки нутқда меъёрий ҳолда ишлатишни белгиловчи тавсия: *Имло қондалари. Грамматик қондалар.*

ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ. Луғат мақоласининг бош сўзи сифатида сўз ёки сўз бирикмалари чиқарилиб, ана шулар билдирган воқелик ҳақида (киши номлари, муҳим воқеа-ҳодисалар ва б. ҳақида) батафсил маълумот берадиган луғат. Қ. Луғат. Қиёс. Лингвистик луғат.

ҚУЙИ КЎТАРИЛИШ УНЛИЛАРИ. Тил танглай томон оз даражада кўтарилиши билан ҳосил бўладиган унлилар: а ва о унлилари. Қ. Кенг унлилар.

ҚЎЛ НУТҚИ. Қўл, бармоқ ҳаракатлари билан ифодаланадиган нутқ. Қ. Имо-ишора тили.

ҚУШ БОШҚАРУВ. Икки бошқа-бошқа шаклдаги сўзнинг бир сўз (бўлак) томонидан бошқарилуви: *Ликояни ўқувчиларга айтиб бермоқ; мажбуриятни ортиғи билан бажармоқ* каби.

ҚУШИЛМА. Синтактик бирликлар сифатида сўз бирикмаси (қ.) билан гап (қ.) учун умумий ном. Яна қ. Боғланма.

ҚУШИЛМА СОН. Қисмлари билдирган миқдорнинг йиғин-

дисидан иборат бўлган миқдорни билдирувчи сон: *ўн беш* (10 + 5), *эллик етти* (50 + 7) каби. Қиёс. Кўпайтма сон, Қ. Мураккаб сон.

ҚУШИМЧА. Аффиксал морфеманинг путқ бирлиги сифатидаги номи. Қ. Аффикс.

ҚУШИМЧА ДИСТРИБУЦИЯ. Тил унсурларининг (товушларнинг) бир хил позицияда бири ўрнида иккинчисининг кела олмаслиги. Мас., к товушидан кейин к кела олади, лекин қ кела олмайди: *нокка* каби. Қ. Дистрибуция.

ҚУШИМЧА ОТТЕНКАЛАР. Сўзнинг семантик тузилишидаги маъно оттенкаси (қ.), эмоционал-экспрессив бўёқ (қ.) ва услубий белги (қ.). Қ. Сўзнинг семантик тузилиши.

ҚУШ ИНКОР. Бир гапда инкор (бўлишсизлик)нинг икки марта ифодаланиши: *Ишонмаслик мумкин эмас* каби. Ўзбек тилида аналитик феъл шаклида бўлишсизлик кўрсаткичи (-ма) етакчи ва кўмакчи феълга қўшилиши мумкин. Буни «инкорни инкор» деб аталади. Инкорнинг инкори эса қатъий тасдиқ (бўлишлилик) маъносини келтириб чиқаради: *айтмай қўймайди* — албатта айтади.

ҚУШМА АФФИКС. Бирдан ортиқ аффиксларнинг қўшилиб бир аффиксга айланншидан юзага келган аффикс. Мас., -*гарчилик* (*лойгарчилик*), -*лан* (*завқланмоқ*) каби. Қиёс. Содда аффикс.

ҚУШМА ГАП. Тузилиш жиҳатидан содда гапга ўхшаш икки ва ундан ортиқ предикатив бирликнинг интонация ва мазмун жиҳатидан бир бутунлик ҳосил этиши билан юзага келувчи гап. Ўзбек тилида қўшма гаплар қандай мазмун муносабатларини ифодалаши, грамматик белгилари, тузилиши ва интонациясига кўра уч асосий турга бўлинади: 1) боғловчисиз қўшма гап (қ.); 2) боғланган қўшма гап (қ.); 3) эргашган қўшма гап (қ.).

ҚУШМА КЕСИМ — айн. Мураккаб кесим.

ҚУШМА СЎЗ. Таркибида бирдан ортиқ луғавий маъноли қисм бўлган сўз: *белбоғ, отқулоқ, гултоғихўроз, эрксевар, киноапарат, ишлаб чиқариш* каби.

ҚУШТИРНОҚ. Икки (очилувчи ва ёпилувчи) қисмли тиниш белгиси бўлиб, ёзувда кўчирма гап ва цитаталарни, бадий асар, газета, журнал ва муассасаларнинг номларини, кесатиқ, қочириқ каби маъноларда қўлланган сўзларни ажратиш учун ишлатилади. Ёзув ифодасига кўра қўштирноқ икки шаклга эга: «...» ва «...».

ҚУШ УНДОШ. Кетма-кет келган айнан бир типдаги ундош; гемината: *катта, омма, аччиқ* каби.

ҚУШ УНДОШЛИҚ. Икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши: *уччида, теппасида* каби.

Ҳ

ҲАРАКАТ НОМИ. Феълнинг иш-ҳаракатнинг номинигина билдирувчи, замон, шахс-сон, майл каби маъноларга эга бўлмайдиган функционал шакли. Феълнинг бу шакли *-(и)ш, -(у)в, -моқ* аффикслари ёрдамида ясалади: *чопиш, борув, айтмоқ* каби.

ҲАРАКАТ СУБЪЕКТИ — қ. Субъект.

ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИ. Макондаги силжишни, ҳаракатни билдирувчи феъллар. Мас., *юрмоқ, эмакламоқ, учмоқ, термоқ, йиғмоқ* ва б.

ҲАРФ. Нутқ товушларини (фонемаларни) ёзувда ифодалаш учун хизмат қилувчи шакллар. Ҳар бир ҳарф асосан бир товуш (фонема)ни ифодалайди. Баъзи ҳарфлар икки товушни ифодалаш мумкин: *я, ю, е* каби. Шунингдек, бир товуш (фонема) бирдан ортиқ, ҳарф билан ифодаланиши мумкин. Мас., ўзбек алифбосидаги *нг* ҳарфлари билан битта бурун товуши кўрсатилади. Ҳарфлар икки хил бўлади: 1) *б о ш ҳ а р ф* (қ.); 2) *к и ч и к ҳ а р ф* (қ.).

ҲАРФИЙ ЁЗУВ. Ҳар бир график шакл билан алоҳида нутқ товуши кўрсатиладиган ёзув.

ҲАҚОРАТЛИ СЎЗЛАР. Қўпол муносабат, ҳақорат ифодаловчи сўзлар: *аблаҳ, ўлакса, касофат, кўппак* ва б.

ҲИКМАТЛИ СЎЗ. Аниқ ва ихчам шаклли, чуқур мазмуни, муаллифи аниқ гап: *Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис* (А. Навоий).

ҲОЗИРГИ ЗАМОН. Ҳаракатнинг нутқ пайтида бажарилиши, давом этиши. Шундай ҳаракатни билдирувчи феъл «ҳозирги замон феъли», «ҳозирги замон шакли» дейилади. Қ. Ҳозирги замон феъллари. Қиёс. Утган замон. Келаси замон.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ АНАЛИТИК ШАКЛИ. Ҳозирги замон феълнинг *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феъллари ёрдамида ясалувчи шакли. Бу шакл шу феълларнинг *-(и)б* аффиксли равишдош шаклини шахс-сон билан туслаш ва айни шу шаклдаги етакчи феълга қўшиш орқали ҳосил қилинади: *ишлаб ётибман, ишлаб юрибман, ишлаб турибман, ишлаб ўтирибман* каби. Бу тўрт кўмакчи феъл ёрдамида ясалувчи шаклнинг ҳар бири давомлилик, такрорийлик ва ш. к. қўшимча маънолари билан бир-биридан фарқланади: *Ҳеч кимга хор-зор бўлмай деб, т и р и ш и б-т и р м а ш и б ё т и б м а н* (Ойбек). *Нима гап, қандай жанжал бўлганини ҳам пайқаб турибман* (А. Мухтор). *Кўк гумбазига худди найзадай санчилган шимол томондаги тоғ чўққиси устида бир нарча булут сузиб юрибди* (С. Анорбоев). *Ҳали келигани йўқ, ўзим ҳам хавотир бўлиб ўтирибман* (А. Қаҳҳор). Қиёс. Ҳозирги замон феълнинг синтетик шакли.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ СИНТЕТИК ШАКЛИ.

Ҳозирги замон феълининг *-яп, -ётиб, -ётир, -моқда* аффикслари ёрдамида ясалувчи шакли: *келяпти, ишлаётибди, ишлаётир. айланмоқда* каби: *Кишилар айрим участкаларда алоҳида парварши, алоҳида эътибор билан зўр ғайрат орқасида юқори ҳосил олишяпти...* (Ойбек). Кейинги вақтларда мана шу нарса сезилаётибди, сезилаётибди эмас, аниқ кўринаётибди (А. Қаҳҳор). *Кўр ойдин минут сайин хиралашмоқда, ой бетини сутдай куюқ туман пардаси қоплаб олмақда* (Ҳ. Назир). *Қиёс. Ҳозирги замон феълининг аналитик шакли.*

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛЛАРИ. Ҳаракатнинг нутқ пайтида бажарилишида давом этаётганини, тугамаганлигини билдирувчи феъл, феълнинг шундай маъноли шакллари. Ҳозирги ўзбек тилида ҳозирги замон феълининг ясалиш усулига кўра икки тури бор: 1) синтетик шакл: *ўқияпти, келмоқда* каби; 2) аналитик шакл: *ўқиб юрибди, келиб турибди* каби. **Қ.** Ҳозирги замон феълининг синтетик шакли, Ҳозирги замон феълининг аналитик шакли.

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН АНИҚЛИК ФЕЪЛИ. Нутқий матнга кўра ҳаракатнинг ҳозирги замон ёки келаси замонга оидлигини аниқ тарзда ифодаловчи феъл шакли. Бу шакл *-а, -й* аффиксли равишдошни шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинади: *келади, ишлайди* каби: *Иигит ниҳоятда исиб кетган. Пешонаси, юзларидан тинмай тер қуяди* (Санд Аҳмад). Институтнинг сиртқи бўлимига *кираман*.

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ГУМОН ФЕЪЛИ. Матнга кўра ҳаракатнинг ҳозирги замонда ёки келаси замонда бажарилишини гумон тарзда ифодаловчи феъл шакли. Бу шакл *-(а) р* аффиксли сифатдошни шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинади: *билар, келар, тузалиб қолар*, каби: *Иўқ, ая, чой бўлса бошқа пайт ичармиэ...* (У. Назаров.)

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ. Матнга кўра ҳаракатнинг ҳозирги замонда ёки келаси замонда бажарилишини ифодаладиган феъл шакли. Ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феълининг икки тури бор: 1) ҳозирги-келаси замон аниқлик феъли (қ.); 2) ҳозирги-келаси замон гумон феъли (қ.).

ҲОКИМ БУЛАК. Сўз бирикмасининг ҳоким қисми (қ.). Мас., *Эрталаб ҳашарга чиқамиз* гапда *чиқамиз* феъли ҳоким бўлак. *Қиёс. Тобе бўлак.*

ҲОКИМЛИК. Ўзаро алоқа (боғланиш)да бирор қисмининг ҳоким вазияти. Мас., *баланд иморат, бешта студент* бирикмаларидаги *иморат* ва *студент* сўзларининг вазияти. *Қиёс. Тобелик.*

ҲОКИМ СУЗ — айч. Ҳоким бўлак.

ҲОКИМ ҚИСМ. Ўзаро алоқа (боғланиш)да синтактик жиҳатдан тобе бўлмаган, бошқа (тобе) қисми эргаштирувчи,

унга нисбатан ҳоким вазиятдаги компонент: ҳоким сўз (қ.), ҳоким бўлак (қ.), бош гап (қ.). *Зид. Тобе* компонент.

ҲОЛ. Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, унинг бажарилиш сабаби, мақсади, ўрни, пайти ва шу каби белгиларини билдирадиган иккинчи даражали бўлак. Маъноларига кўра ҳоллар қуйидаги турларга бўлинади: 1) тарз ҳоли (қ.); 2) ўрин ҳоли (қ.); 3) пайт ҳоли (қ.); 4) сабаб ҳоли (қ.); 5) мақсад ҳоли (қ.); 6) миқдор-даража ҳоли (қ.); 7) тўсиқсизлик ҳоли (қ.).

ҲОЛАТ РАВИШИ — *айн.* Тарз равиши.

ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИ. Маълум маконни ҳаракатланмаган ҳолда ишғол қилишни билдирувчи феъллар. Мас., *турмоқ, ётмоқ, ўтирмоқ* феъллари жўналиш келишигини бошқариб келганда — ҳаракат феъли, ўрин келишигидаги сўзни бошқариб келганда — ҳолат феъли ҳисобланади: *жойига турмоқ — жойида турмоқ, ўрнига ётмоқ — ўрнида ётмоқ, ўрнига ўтирмоқ — ўрнида ўтирмоқ* каби.

ҲОЛЛАНМИШ. Бирикманинг ҳол тобе бўлган (ҳоким) қисми. Мас., *Қўққисдан сўраб қолди* гапида *қўққисдан* — ҳол, *сўраб қолди* — ҳолланмиш.

ҲОСИЛА МАЪНО. Маълум бир маъно асосида юзага келган маъно. Мас., *аъзо* сўзининг *партия аъзоси* бирикмасидаги маъноси ҳосила маънодир. *Қиёс. Асос маъно.*

ҲУРМАТ ШАКЛИ. Қариндошлик билдирувчи от сўз таркибида -лар аффиксининг эгалик қўшимчасидан кейин қўлланиши билан ҳосил бўлувчи шакл. Қиёсланг: *акаларим (кўплик) — акамлар (ҳурмат)* каби: *Оға, соғ борсангиз, аввал дадамларга салом айтинг* (Ҳамза).

ҲУСНИХАТ. Аниқ ва чиройли ёзиш санъати; шундай ёзув.

КУРСАТКИЧ

А

- Автосемантик гап — автосемантическое предложение
 Автосемантик сузлар — автосемантические слова
 Агглютинатив тиллар — агглютинативные языки
 Агентив маъно — агентивное значение
 Адабий меъёр — литературная норма
 Адабий тил — литературный язык
 Ажратилган аниқловчи — обособленное определение
 Ажратилган булак — обособленный член (предложения)
 Ажратилган тўлдирувчи — обособленное дополнение
 Ажратилган ҳол — обособленное обстоятельство
 Ажратилиш (ажралиш) — обособление
 Айирув боғловчилари — разделительные союзы
 Айирув-чекаралов юкламалари — выделительно-ограничительные частицы
 Академик грамматика — академическая грамматика
 Актив луғат — активный словарь
 Актив нутқ органлари — активные органы речи
 Акустик фонетика — акустическая фонетика
 «а»-лаш — акаанье
 Алифбо — алфавит
 Альвеоляр ундошлар — альвеолярные согласные
 Амалий тилшунослик — прикладное языкознание
 Амалий услубият — прикладная стилистика
 Аморф тиллар — аморфные языки
 Аналитик тиллар — аналитические языки
 Аналитик усул — аналитический способ
- Аналитик шакл — аналитическая форма
 Аналитик қурилиш — аналитический строй
 Анафорик сўз — анафорическое слово
 Аниқ келаси замон — определенное будущее время
 Аниқланмиш — определяемое
 Аниқлов боғловчилари — определительные союзы
 Аниқловчи — определение
 Аниқловчи алоқа — атрибутивная связь
 Аниқловчили бйриқма — атрибутивное сочетание
 Аниқловчили муносабат — атрибутивное отношение
 Аниқловчили синтагма — атрибутивная синтагма
 Аниқловчили тузилма — атрибутивная конструкция
 Аниқловчи эргаш гап — определительное придаточное предложение
 Аниқлов юкламалари — определительные частицы
 Аниқ от — конкретное существительное
 Антиқ грамматика — античная грамматика
 Антонимлар — антонимы
 Антропологик лингвистика — антропологическая лингвистика
 Анъанавий тилшунослик — традиционное языкознание
 Аппозитив алоқа — аппозитивная связь
 Аппозитив муносабат — аппозитивное отношение
 Арготизмлар — арготизмы
 Ареал лингвистика — ареальная лингвистика
 Артикуляцион база — артикуляционная база
 Артикуляция усули — способ артикуляции
 Артикуляция ўрни — место артикуляции

Асиллабик товушлар — асиллабические звуки
 Аслий сифатлар — качественные прилагательные
 Асл кўмакчилар — собственные послелоги
 Асл ўз сўз — исконное слово
 Асос — основа
 Асосий луғат фонди — основной словарный фонд
 Асосланувчи сўз — мотивированное слово
 Асословчи сўз — мотивирующее слово
 Асос маъно — производящее значение
 Ассоциатив грамматика — ассоциативная грамматика
 Аташ функцияси — назывная функция
 Атов гап — назывное предложение
 Атоқли от — собственные имена существительные, имя собственное
 Атрибутив алоқа — атрибутивная связь
 Атрибутив бирикма — атрибутивное словосочетание
 Атрибутив конструкция — атрибутивная конструкция
 Атрибутив муносабат — атрибутивное отношение
 Атрибутив шакл — атрибутивная форма
 Аффиксал антонимия — аффиксальная антонимия
 Аффиксал морфема — аффиксальная морфема
 Аффиксал омонимия — аффиксальная омонимия
 Аффиксал синонимия — аффиксальная синонимия
 Аффиксал сўз ясалиши — аффиксальное словообразование
 Аффиксинг варианты — вариант аффикса

Б

Бадий услуб — художественный стиль
 Бажарувчи шахс — субъект действия
 Байналмилал лексика — интернациональная лексика
 Белгилаш олмошлари — определительные местоимения
 Белгили — оформленный
 Белгили тушум келишиги — оформленный винительный падеж
 Белгили қаратқич келишиги — оформленный родительный падеж

Белгисиз — неоформленный
 Белгисиз тушум келишиги — неоформленный винительный падеж
 Белгисиз қаратқич келишиги — неоформленный родительный падеж
 Бетараф лексика — нейтральная лексика
 Билабиал ундош — билабиальное согласное
 Биар оппозиция — бинарная оппозиция
 Бир бўгинлилик — моносиллабизм
 Биргалик даража — взаимный залог
 Биргалик нисбати — взаимный залог
 Биргалик феъли — взаимный глагол
 Биргалик эргачиш — соподчинение
 Бирика олиш — сочетаемость
 Бириктирув боғловчилари — соединительные союзы
 Биринчи даражали ургу — первостепенное ударение
 Биринчи шахс — первое лицо
 Бирик (тил бирлиги) — единица (единица языка, языковая единица)
 Бирик сон — единственное число
 Бир маънолик — однозначность, монотемия
 Бир таркибли гап — односоставное предложение
 Бир тили луғат — одноязычный словарь
 Битишув алоқаси — примыкание
 Бобо тил — праязык (язык — основа)
 Бош булақлар — главные члены предложения
 Бош гап — главное предложение
 Бош келишик — основной падеж; именительный падеж
 Бош маъно — исходное значение
 Бош нисбат — основной залог, действительный залог
 Бош сўз — заголовочное слово
 Бош ургу — главное ударение
 Бошқарилувчи сўз — управляемое слово
 Бошқарув алоқаси — управление
 Бошқарувчи сўз — управляющее слово
 Бош ҳарф — прописная буква
 Боғлама — связка
 Боғланган қўшма гап — сложносочиненное предложение
 Боғланма — сочетание
 Боғли маъно — несвободное значение
